


А.АБДУЛЛАЕВ, О.АБДУВАХОБОВ, И.КАЮМОВ



АУДИТ АСОСЛАРИ



**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

А.АБДУЛЛАЕВ, О.АБДУВАҲОБОВ, И.ҚАЮМОВ

**АУДИТ АСОСЛАРИ
(дарслик)**


Тошкент – 2003

о.5. 9(2) 26

4) 139 А.Абдуллаев, О.Абдуваҳобов, И.Қаюмов. Аудит асослари
(дарслик). Т., «ЎАЖБНТ» Маркази, 2003, 196 бет.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус
тальим вазирлиги олий ўқув юртлари ташабалари
учун дарслик сифатида тавсия этилган.

© «ЎАЖБНТ» Маркази, 2003.



КИРИШ

Мамлакатмиз мустақиллик йўлидан бораётганига ҳам II ишадан ортиқ вақт бўлди. Бу давр ичида республикада ўзига хос бозор иқтисодиёти муносабатлари шакллашиб бормоқда. Собиқ иттифоқ таркибида бир ёқлама иқтисодий йўлни тутган Ўзбекистон узоқ вақтлар қарамлик сиёсатида яшади, натижада ўз иқтисодий имкониятларидан тўлақонли фойдалана олмади. Бу адолатсизлик ҳалқ турмуш тарзи ва мамлакатга салбий таъсирини ўтказмай қолмади.

Фақат мустақилликка эришган кундан бошлаб республиканинг иқтисодий, ижтимоий ҳаётида янги давр бошланди, бу давр ўзбекни, Ўзбекистонни дунёга танитиш даври бўлди. Эндиликда бозор муаммолари уммонида яшаётган мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятига тезроқ қўшилиш, дунёдаги ривожланган давлатлар даражасидан муносиб ўрин олиш учун астойдил ҳаракат қўймоқда.

Инкор этмаслик керакси, бундай долзарб масалани ҳал қилиш осон кечмайли, бунинг учун аввал сабог билан курашмоқ, осойишталикни таъминлаш, иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этиш, режали иқтисодиётни зарарли ва боқимандачилик иллатидан воз кечиш даври бошланганлиги, олдимизда турган вазифаларни бажаришда мулкий муносабатларни тақомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Юргашимиз И. А. Каримов ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида: «Ижтимоий-сиёсий барқарорлик фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллатлараро тотувлик шароитида янги иқтисодий муносабатларга, энг аввало, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган мулкчилик муносабатларига асос солинди... Бошқарув таркибида ва хўжалик юритиш усулларида туб ўзгаришлар содир бўлди»¹.

¹ И.А. Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шунида. Т., «Ўзбекистон», 1995, 172 бет.

Республикада иқтисодий ривожлантириш табиий бойликлардан, ер ости ва ер усти захираларидан тұғри фойдаланишга боғлиқдир. Республикада мавжуд табиий бойликлар фаровон турмуш кечириш учун етиб ортади. Фақат улардан ўз ўрнида оқылона фойдаланиш эңг биринчи вазифа сифат ва миқдор жиҳатидан илмий ўрганиш ва ҳаётта татбиқ қилиш долзарб масала ҳисобланади.

Республикамизда амалға оширилаётган иқтисодий исло-ҳотлар мулкка бұлған муносабатнинг ўзгариши билан бевосита боғлиқдир. Мулкий муносабатда ўзгаришлар биринчи навбатда мулк самараси, унинг түрлилігінің таъминлаш, ишлаб чиқарышни ривожлантириш, бозорни истеъмол товарлари билан тұлдириш каби ҳолаттарни ижобий ҳал қилишта қаратылғандыр. Ўтган узоқ вақт давомида мулк тұлиқлігінің таъминлаш бүйіча назорат ишларини ташкил қилиш бевосита давлат томонидан белгиланған режалар асосида олиб борылғанлығы, унинг салбий оқибатлари барнага маълум бўлди. Назорат фақат жазо чораси сифатида фаолият кўрсатди.

Республикамиз мустақиллиги назорат тизимини содда-лаштиришга, назорат таъсир кучини оширишга, назорат билан мулқдор бир-бири билан боғланғанлыгиги кўрсатиб берди ва назорат тизимида аудит ўз ўрнини топди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишлари аҳамиятини ошириш тұтрасида»ги 365-сонли қарорида аудиторлик фаолиятини давр талабига мослаштиришта қаратылғандыр. Қарорда аудиторлик хуносаларини солиқ фанлари ва бошқа назорат органлари томонидан ҳисобга олиш тартиби белгиланғандыр.

Мазкур дарслик олий ўқув юртлари талабалари учун мұаллифлар томонидан тайёрланған. Дарсликдан шу йўна-лишда таълим олаётган коллеж талабалари, бизнес мактабининг ўқувчилари ҳамда аудиторлик фаолияти назоратчилари фойдаланиши мумкин.

Дарслик Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган Конун ва Низомларга алоҳида эътибор берилған.

Дарслик биринчи бор ўзбек тилида тайёрланғанлығы муносабати билан ҳурматли ўқувчилардан ўз фикр ва таклифларини кутамиз ҳамда уларга олдиндан ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

I БОБ

АУДИТ МОХИЯТИ ВА ТАШКИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

1. 1. Аудит тўғрисида тушунча, бозор иқтисодиёти шароитида туттан ўрни

Иқтисодий ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши бозор элементларини иқтисодиётга жорий этила бориши бошқаришни ва мулк шаклини тубдан ўзгартиришни тақозо қилди. Мулкни нодавлатлаштириш мулкка бўлган муносабатни ўзгартирди унинг тўлиқлигини таъминлашда назоратини хар бир мулкдор зиммасига юклайди.

Ўтган узоқ вақт ичida мулкнинг тўлиқлигининг назорати бевосита давлат томонидан тузилган назорат ўтказиш реjalарини тузиш, бажарилишини ташкил қилиш билан ифодалантган бўлса, ҳозирга келиб амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар самараси ўлароқ ҳар бир мулк эгаси назорат шаклидан ўз хоҳиши билан фойдаланиш даражасига эришди.

Ўта марказлаштирилган бошқариш тизимида ҳисоб ва назорат фақат ҳисбот тузиш учун хизмат қилиб келди. Корхона молиявий ҳолатини таҳтил қилишда ҳисоб ва назорат ўз таъсир кучига эга бўлмай келди.

Ҳозирги кунга келиб республика иқтисодиётидаги иқтисодий ўзгаришлар, хорижий сармояларнинг кириб келиши, хусусийлаштиришнинг ривожланиши турли мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг тацкил топиши бухгалтерия ҳисботида ва назоратида илгор усулларни танлаш, ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш имкониятларини яратди. Мустақиллигимизнинг ўтган даврида бу борада бир қатор ишлар амалга оширилди, шу жумладан, бухгалтерия ҳисоби, харажатлар таркиби ва молиявий нағижаларни шакллантириш тартиби, аудиторлик фаолияти тўғрисида қонунлар қабул қилинди.

Бундан асосий мақсад иқтисодиётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳисоб ва назоратидаги таъсирини оширишдир. Бозор муносабатлари ҳисоб ва назорат олдига янги иқтисодий усуllар ва талабларни, яъни инвестиция, ливиденц, акцияларни келтириб чиқаради, булар ёрдамида корхона фаолиятини ривожлантириш имкониятлари яратилади.

Корхонанинг бу талабларни бажариш меъёри қабул қилишган Конун ва низомларда ўз ифодасини топмоқда.

Республикамиз иқтисодиётида турли мулкчилик шаклларининг пайдо бўлиши, корхоналарнинг чет эл инвестицияси билан ҳамкорликда фаолият кўрсатиши, назораттафиш ишларини халқаро талаблар доирасида ташкил қилинишини талаб қила бошлади.

Ҳар қайси ташкилот ва корхона хўжалик фаолиятини ташкил қилишда тегишли асосий ва айланма маблағларга эга бўладилар. Маблағлар ҳолати, уларнинг тўлиқлиги тегишли маддий жавобгар шахслар зиммасида бўлиб, бу тўғрида корхона бухгалтериясига белгиланган муддатларда маддий жавобгар шахслар товар ва маддий бойликларнинг харажати тўғрисида ҳисобот топширадилар. Ҳисобот кўрсаткичлари ёрдамида маблағларнинг ҳаракати ҳар бир маддий жавобгар шахс бўйича бухгалтерия ёзувлари орқали назорат қилиб борадилар. Назорат ҳолати, қандай назорат усулидан фойдаланиш биринчидан мулк шаклига боғлиқ бўлса, иккинчидан корхона ташкил қилиш имконияларига боғлиқдир.

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ти (янги таҳрирдаги) Конуннинг қабул қилиниши (иктисодий) назорат ишларини соддалашибтиришга, унинг таъсир кучини оширишга ва эркин назорат усулини шакллантиришга қаратилган йўналишdir.

Жамият тараққиётида, унинг ҳар бир босқичида шаклланган назорат тури шу жамият ривожи учун хизмат қиласи ва унинг ёрдамида жамиятта тегишли хомашё, материал ресурсларнинг ҳолати ўрганилади ва тўлиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилади.

Узоқ йиллар давомида асосий назорат усули сифатида тафтиш ўтказишдан фойдаланиб келинди. Бу усул режали иқтисодиётни бошқарувчи усул, деб ҳам ҳисобланар эди. Тафтишишлари олдиндан тузилган ва тасдиқланган режа асосида ўтказилиши, тафтишчига турли топшириқ ва қўрсатмалар бериш йўли билан амалга оширилиши таъминланар эди. Назорат ўтка-

зишнинг бундай усулида корхона ва ташкилотларнинг хўжалик фаолияти фақат бир томонлама, яъни режа топширикларнинг бажарилишини текшириш билан якунланар эди.

Республикамида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самараси шундаки – мулкни нодавлатлаштиришга, уни ўз эгасига етказиб беришга эришилди. Мулкий эркинлик намоён бўлди. Ҳар бир мулк эгаси ўз мулкини тўлиқ назорат қилиш даражасига эришид. Мулк эгаси ўз мулкининг тўлиқлигини таъминлаш мақсадида ўзи учун ишончли, бетараф назорат усулидан фойдаланиши мумкин. Бундай назорат тури аудит назоратидир. Аудит назорати республикамида ёш ва янги назорат тури ҳисобланиб, унинг жорий қилинши 90-йиллардан бошланди.

Аудит назоратини жорий қилиш бевосита мулкни нодавлат шаклига ўтказиш даврига тўғри келди. Бу дегани сўз аудитта қадар назорат ишлари паст савияда олиб борилган деган маънони билдирамайди, чунки тафтиш усули кенг қўлланилган. Тафтиш ва аудит назорати бир-бирига ўхлаш бўлса ҳам, улар тубдан фарқ қиласди.

Биринчи фарқи, аудит бу мулк эгасининг, яъни хўжалик юритувчи субъектнинг хоҳиши билан унинг талабига биноан тузилган шартномага асосан ўтказилади.

Иккинчидан, аудит назоратида фақат ҳолатни текширибигина қолмай мулк эгасига хўжалик фаолиятини яхшилаш тўғрисида тегишли маслаҳатлар беради.

Учинчидан, хўжаликда амалга оширилган операцияларнинг амалдаги қонунларга мос келишини белгилаб беради, иш фаолиятида йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилишда ёрдам беради.

Аудит ёрдамида ҳисоб-китобларнинг тўғри юритилиши ҳисоб ва ҳисботлар сифати, молиявий натижаларнинг тўғри аниқланганлиги текширилади. Текшириш аудитор томонидан олиб борилади.

Аудит — лотинча сўз бўлиб, у эшитади, деган маънони билдиради. Аудитор тузилган шартнома асосида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолатини, ҳисоб-китоб ишларининг тўғрилигини назорат қилиб, ўз холосасини берувчи юридик шахс ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» Конун қабул қилиниши ва бу соҳа бўйича малакали

кадрлар тайёрлаш масъулиятини янада оширади. Республикаизда кенг қулоч ёзган иқтисодиётни эркинләтириш аудит назоратининг янги қирраларини очиб берди ва 1992 йилда қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Конунга тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилишини тақозо қилди.

Ўзбекистон Республикасида 2000 йил 26 майда «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Конунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида қонун қабул қилинди.

Янги таҳрирдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Конун аудиторлик фирмаларининг хукуқларини, мажбуриятларини, жавобгарлигини янада оширади. Конунинг 2-моддасидан «Аудиторлик фаолияти деганда -- аудиторлик текширувани ўтказиш ва бошқа шу билан боғлиқ профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига аудиторлик фаолиятини амалга ошириш тақиқданади», деб белгилангандир.

Корхона ва ташкилотлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий фаолиятини бошқариш, ташкил қилиш асоси бўлиб уларнинг устави ҳисобланади. Уставга асосан аудиторлик ташкилотлари ўз хўжалик фаолиятини юритадилар ва амалдаги қонунларга, Фармон ҳамда низомларга мос ҳолда фаолият кўрсатадилар.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг иш фаолияти аудитор назоратидан ўтказилаётганда асосий эътибор амалдаги қонунларга ва фармонларга риоя қилиш ҳолатини аниқлаб олишга қаратилиши керак. Аудит назорати ёрдамида хўжаликда амалта оширилган хўжалик операцияларининг қонунийлиги, хўжалик фаолияти билан боғлиқлиги аниқланади. Аудит фанининг обьекти сифатида хўжалик юритувчи субъектлар, мулк эгалари тушунилади. Аудит назоратини ташкил қилиш, ўтказиш бўйича мулк эгаси аудит фирмаси билан шартнома тузиш хукуқига эгадир. Аудит назорати ёрдамида молиявий ҳисботнинг тўғрилигини, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари қонунийлигини, маблағларнинг тўғрилигини назорат қилиш имконияти яратилди. Аудит ёрдамида мулк эгасининг иқтисодий аҳволи билан боғлиқ маълумотлар ёритилиб, унга аудитор холис баҳо беради, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни аниқлаб бартараф қилиш бўйича ўз маслаҳатларини беради. Аудит ўтказиш давомида аниқланган камчилик аудитор-холосасида ўз ифодасини топали. Демак, аудитнинг

асосий мазмуни маълумотларни йигиш ва белгиланган ўлчов бирликларида баҳолашдир.

Аудит ўтказилиши, иқтисодий маълумотларни умумлаштирилиши бўйича ихтиёрий ва мажбурий аудитга бўлинади.

Ихтиёрий аудит бевосита мулк эгасининг талабига биноан ўтказилиши, унда аудит мақсади, мазмуни, йўналиши бевосита манфаатдор томонидан белгиланади. Ихтиёрий аудит хўжалик фаолиятининг маълум бир йўналиши бўйича ёки тўлиқ ўтказилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасида: «Қийнагилар ҳар бир йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши керак:

- акциядорлик жамиятлари;
- банклар ва бошқа кредит ташкилотлари;
- суғурта ташкилотлари;
- инвестиция фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахларнинг маблағларини жамлаб турувчи бошқа фондлар ҳамда уларнинг бошқарув компаниялари . . .».

Мажбурий аудиторлик текшируванинг буюртмаси бўлиб хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади. Аудиторлик фирмасини танлаш бевосита хўжалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилади.

Мулк эгаси ўз мулкининг ҳолатини, хўжалик фаолиятининг тўғрилигини доимо назорат қилиш мақсадида ихтиёрий, мажбурий аудиторлик назоратидан фойдаланиш мумкин.

Республикамиз иқтисодиётидаги шакллантан мулкчилик инг хилма-хиллиги, бозор иқтисодиётини муносабатларини шакллантариш аудиторлик назорати ҳолатини такомиллаштириш, унинг таъсирчанлигини ошириш, тарбиявий фаолиятини яхшилашга алоҳида аҳамият бермоқда.

Аудиторлик назоратининг зарурияти шундаки – биринчидан, мулкни нодавлатлаштириш, иккинчидан, иқтисодиётни ривожлантиришда чет эл инвестицияларининг жалб қилинишидир.

Аудиторлик назорати ёрдамида мулкка бўлган муносабатнинг ўзгариши, ҳисботлар ҳолати, амалга оширилган сарф-харажатларнинг маҳсулот таннархига тўғри ўтказилганини аниқлашади.

Аудиторлик назоратини ўтказишдан асосий мақсад-хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тўғри ва холис баҳолашдир, шу билан бирга хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида йўл қўйилган камчилкларни бартараф қилишда уларга йўл-йўриклирни кўрсатишдир.

Ўзбекистон Республикасида янги таҳрирдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинини аудиторлик назоратига кенг эътибор берилганлиги назоратни давр талабига мослаштириш учун қилинган тадбирлардан биридир. Қонуннинг 5-моддасида: «Аудиторлик ташкилоти аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензиясига оға бўлган шахсdir. Аудиторлик ташкилотлари ўз фаолиятини амалга оширишда мустақилdir», деб белгилаб қўйилган.

Демак, аудиторлик назоратини олиб борища мустақил аудиторлик ташкилотлари хизматидан фойдаланилади.

Ҳар бир иқтисодий фармациянинг ривожида мулкчилик муносабатлари алоҳида ўрин эталлайди. Мулк щаклини узgartириш, мулкка бўлган муносабатларда ўз ифодасини топади. Бозор иқтисодиёти шароитида корхона ва ташкилотлар ўз-үзини маблағи билан таъминлаб, фаолият кўрсатишларига алоҳида эътибор бермоқда.

Аудит фанининг предмети деб, турли мулкчиликка асосланган корхоналар фаолиятини ўрганишга, хўжалик жарёнларининг тўғрилигини аниқлашга, шартнома муносабатларининг бажарилишини ўрганишга айтилади. Аудит ёрдамида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тўғри баҳолаш амалга оширилган хўжалик операцияларининг тўғрилигини назорат қилиш имконияти яратилди. Бу имконият ҳар икки томонлар ўртасида тузилган щартнома асосида ташкил қилинади.

Аудит ёрдамида хўжалик юритувчи субъект фаолиятига холис баҳо берилади, ички имкониятлардан фойдаланиш, харажатларни камайтириш, маҳсулот таннархини арzonлаштириш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун маслаҳатлар берилади. Аудит фани бир қатор иқтисодий фанлар билан, шу жумладан, «Бухгалтерия ҳисоби», «Хўжалик фаолияти таҳдиди», «Тафтиш ва назорат» фанлари билан ўзаро боғлиқдир.

Аудит ўтказишда товар моддий бойликларни инвентаризация қилиш хужжатларини муқобил текшириш, баҳолаш усусларидан кенг фойдаланилади.

Ўтказилган аудит натижалари аудиторлик хулосаларида ўз ифодасини топади. Аудит назорати ёрдамида мулк эгасига ёрдам бериш, назорат таъсир кучини ошириш чоралари ишлаб чиқилади. «Биз давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик функцияларини қисқартириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига, биринчи галда хусусий бизнес фаолиятига сарлашувини чеклаштириб иқтисодиётни эркинлаштириш йўлидаги асосий васифалардан бири, деб биламиз»², дега Президентимиз кўрсатиб берди.

Республикамизда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришда, тадбиркорликни оширишда аудиторлик назортининг ривожланиши алоҳида аҳамиятта эгадир.

1.2. Аудитнинг назорат тизимидағи ўрни ва ривожланиш тарихи

Дунё давлатларининг иқтисодий салоҳияти XVII асрнинг охири XVIII асрнинг бошларига келиб ривожлана борди. Бу давр ишлаб чиқаришнинг ўсиши, савдо-сотикнинг ривожланиши билан хусусиятлидир. Иқтисодий салоҳиятнинг ўсиб бориши давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишига, мулкчилик шаклларига ҳам ўз таъсирини ўтказди, яъни турли мулкчилик шакллари ташкил топа бошлади. Бу жараёнда иштирок этиш рақобатбардошликтин оширишта маблағлар ҳолатини тўғри баҳолашда, дебетор ва кредитор қарзлари ҳолатини аниқлашда, корхонанинг молиявий ҳолатини аниқ ҳисоб-китоб қилишда бетараф бир мутахассис хизматидан фойдаланишни талаб қилган. Бу бетараф мутахассис аудитор ҳисобланади.

Аудитор бу маблағларнинг белгиланган меъёрлар бўйича сарфланишига, амалдаги қонун ва низомларга асосланганligини тасдиқлаш мақсадида ёрдам берувчи, маслаҳат берувчи, тегишли кузатувлар олиб борувчи шахс ҳисобланади.

Корхона ва ташкилотларнинг хўжалик фаолияти, айниқса, молиявий ҳолатини тўғри аниқлаш, биринчи навбатда улардаги иқтисодий маълумотларга боғлиқдир, маълумотнинг аниқлиги бошқарувни осонлаштиради, маблағлардан унум-

² И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркни ва фарони ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 2000, 56-бет.

ли фойдаланиш имконини беради, харажатларни тежаш, маҳсулот таннархини арzonлаштириш учун асос яратади.

Иқтисодий маълумотларнинг тўғрилиги назоратнинг таъсири кучини оширишда, маблағларнинг тўлиқлигини таъминлашда, рақобат мұхитини яратишда алоҳида аҳамиятладир.

Аудит Еарб давлатларида молиявий назорат тури сифатида кенг күлланилиб келинмоқда. Аудитнинг асосий мақсади корхона, ташкилот, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан амалга оширилган хўжалик операцияларининг қонунийлигини текшириш, иқтисодий маълумотларнинг тўғрилигини аниқлаб бу тўғрида ўз хulosасини ёзib беришдир. Хulosада кўрсатилган иқтисодий маълумотларнинг манбалари асосан бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботидаги кўрсаткичлар ҳисобланади. Назоратнинг тўғри ташкил қилинишида унга тайёргарлик куриш, хужжатларни тартибга солиш ишларини бажариш талаб қилинади ва ҳар бир назорат тури иқтисодий маълумотларнинг умумлаштириш тартиби, узликсизлиги билан бир-биридан фарқ қиласди.

Назорат турини танлашда хўжалик юритувчи субъектлар мустақиллар. Ҳозирги даврда аудиторлик назорати кенг тарқалаётган мустақил назорат шакли сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Аудитнинг вужудга келишида мулк шаклининг нодавлатланиши, турли мулкчилик шаклларининг ташкил топиши алоҳида эътиборлидир. Акциядорлар бевосита корхона бошқарувчисига бўйсунувчи ҳисобчиларнинг молиявий ҳисботларининг тўғрилигини тасдиқлашда, ишончли ҳисбот олинида аудитор хизматидан фойдаланганлар.

Ишончли ҳисбот хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тўғри баҳолашга, мулкдан тўғри фойдаланишга, тижорат ишларининг самарасини оширишга ёрдам беради.

Иқтисодий манбаларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, аудиторлик назорати дастлаб Буюк Британияда ташкил топган бўлиб, унинг ташкил топишида ишлаб чиқаришни, товар айланиси ривожланиши, мулкий муносабатлардаги ўзгаришлар алоҳида ўрин эталлаган. Аудит назорати тўғрисида 1844 йилда тегишли қонун ва йўриқномалар (ишлаб чиқилган) қабул қилинган. Бунда кутилаётган асосий мақсад бухгалтерия ҳисбидаги ёзувларнинг тўғрилигига холисона баҳо беришдир.

Америка Кўшма Штатларида аудиторлар ассоциацияси 1885 йилдан ташкил қилина бошланди. Аудиторлик назорати рес-

публикации изда 1990 йиллардан жорий қилина бошланди. Лекин бу назорат турининг Ўрта Осиё республикаларида қадимдан шакланганлиги тўғрисида профессор Н. Санаев томонидан чоп қилинган «Аудит» дарслигига шундай дейилади: «Ўрта Осиё республикаларида, хусусан, Буюк Ипак йўли ўтган мамлакатларда ҳам аудит қадимдан қўлланилган»³.

Республика иқтисодиётидаги туб ўзгаришлар, ислоҳотларниң босқичма-босқич амалга оширилиши хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида бошқариш усувларидан самарали фойдаланишни жорий қилишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу жараён назорат усувларини эркинлаштиришни талаб қилмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида бундай назорат тури бўлиб аудит назарияси ҳисобланади.

Аудит назарияси ёрдамида корхона, ташқилотларниң хўжалик фаолияти, молиявий ҳолати ўрганилади, ҳисоб ташкил қилиш ишларининг амалдаги қонунларга мос келиши текцирилади.

Аудиторлик назоратига бўлган талаб республика миёсида йилдан-йилга ортиб бормоқда, бундан хulosа қилиб айтиш мумкини, мулк эгалари ахборотдан фойдаланувчилар билан ўзаро боғлиқ эканлигини билдиримоқдалар. Назоратниң бу турини олиб борувчилар аудиторлар, деб ҳисобланади ва ўз фаолиятида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботидаги ёзувларниң тўғрилигини холис баҳолаб беради. Ҳар бир мулк эгаси ўз мулкнининг тўлиқлиги, уни ривожлантириш, маблагини кўплайтириш мақсадида харажат қиласади. Қилинган харажатнинг тўғрилиги бевосита назорат шакли билан тартибга солинади. Ривожланган давлатларда назорат турининг асосини аудит назорати ташкил қиласади. Farb давлатларида қарийб 180 йилдан бери аудит назорати фаолият кўрсатиб келмоқда. Собиқ СССРда назорат шундай ташкил қилинган эди, унинг бош вазифаси сиёсатдан, режали иқтисодиётдан келиб чиқсан ҳолда фаолият кўрсатар эди. Унинг асосий йўналиши белгиланган режа асосида олиб борилар, фақат жазолаш, жазога тортишга қаратилган, деб айтиш мумкин, яъни назоратнинг тарбиявий аҳамияти пасайиб кетган эди.

Республика иқтисодиётини эркинлаштириш даврида аудиторлик назоратининг кенг жорий қилиниши биринчидан, мулкдорлар ҳолатини тўғри баҳолашга яқиндан

³ Н.Санаев., Р.Нарзиев. Аудит.Т., «Шарқ», 2001, II-бет.

ёрдам берса, иккинчидан, назоратнинг тарбиявий ва тъ-
сирчан кучини ошириб беради.

Аудит назорати иқтисодий фанлар билан, шу жумладан,
«Бухгалтерия ҳисоби», «Иқтисодий таҳдил» фанлари билан
бевосита боғлиқдир. Аудиторлик назоратида иқтисодий фан-
ларнинг усулларидан фойдаланиш текшириш натижалари-
нинг тўгрилтигини тъминлаш учун хизмат қилади.

Корхона ва ташкилотлар хўжалик фаолиятининг амалга
оширилиши, бевосита маблаглар ҳаракати билан боғлиқдир.
Маблагларнинг ҳаракати, жойланиши ишлаб чиқариш, тъ-
минот ва реализация жараёнида намоён бўлди.

Иқтисодий фанларда бевосита маблаглар ҳаракати, иш-
лаб чиқаришни ташкил қилиш, маҳсулот сотиш, корхона-
ларнинг молиявий ҳолати ўрганилади. Корхона маблаглари-
нинг ташкил топиши, жойланиши ва уларнинг манбалари
бухгалтерия ҳисоби ёрдамида ўрганилади. Маблаглар ҳолати-
га тъсири қилувчи омиллар эса хўжалик фаолияти таҳлили
фанида ўрганилса, уларнинг тўлиқлигини тъминлаш таф-
тиш ва назорат, аудит фани ёрдамида амалга оширилади.

Аудитнинг асосий мақсади амалга оширилган хўжалик
операцияларини амалдаги қонунлар асосида бажарилганли-
гини назорат қилиш, товар моддий бойликлари тўлиқли-
гини тъминлашдир. Аудит бевосита бухгалтерия ҳисоби фани
билан боғлиқдир, чунки корхона маблагларининг ҳаракати
бухгалтерия ҳисоби рақамларида тегишли хужжатларга асо-
сан ўз ифодасини топади. Аудит назорати ёрдамида улар-
нинг тўгрилтиги текширилади.

Ўзбекистон Республикасида «Аудиторлик фаолияти тўғ-
рисида»ги Конуннинг қабул қилиниши аудиторлик хизма-
тига бўлган талабнинг юқори эканлигидир.

Аудиторлар ва аудиторлик фирмалари давлат рўйхатидан
ўтиб, тегишли лицензияга эга бўлгандан кейингина иш фао-
лиятларини бошлашлари мумкин.

Аудиторлик фани билан камида 3 йил иш стажта эга
бўлган асосий бухгалтерия ҳисоби ва назорати бўйича олий
маълумотли мутахассислар шуғуланиши мумкин.

Аудиторлар бухгалтерия ҳисоби, тафтиш, назорат ва иқти-
содий таҳдил бўйича юқори малакага эта бўлишлари керак.
Аудитор текшириш натижаларини умумлаштириб, ўз холоса-
ларини беради.

Аудиторлик фаолиятида бошқа мутахассислик бўйича ходимлар талаб қилинса, у ҳолда тегищли мутахассис-экспертлар хизматидан фойдаланиш мумкин. Эксперт холосаси текшириши натижаларига ўз таъсирини ўтказади.

Аудиторлик фаолияти давомида турли йўналишдаги мутахассислар хизматидан фойдаланиш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўрисида»ги (янги таҳрирда) қонунида: «Аудитор – аудитор маҳака сертифиқатига бўлган жисмоний шахсdir. Агар аудитор аудиторлик ташкилотининг штатида турган бўлса ёки аудиторлик ташкилоти билан фуқаролик-хуқуқий тусдаги шартнома тузгани бўлса, у аудиторлик текшируви ўтказишга жаib этилиши мумкин», деб белгиланган.

Аудитор ва аудиторлик фирмаларининг асосий мақсади зорхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолиятини тўғри баҳолашга, амалдаги қонууларга риоя қилингандигини аниқлашга, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботларнини ишончли экандигини тасдиқлашта қаратилгандир. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисбот кўрсаткичларининг назоратини ижобий баҳолашда Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ бошқармаси томонидан қабул қилинган месъерий ҳужжатлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

1.3. Аудитнинг мақсади, мазмуни, вазифалари

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий имкониятлар ислоҳотларнинг устувор натижаларидан бири – мулкий муносабатларда намоён бўлмоқда. Биз йиллар давомида кўриб келган давлат мулки, нодавлат шактидаги мулква айланди. Иқтисодиётни эркинлаштириш учун шарт-шароитлар яратилмоқда.

Ҳар бир мулқ эгаси, биринчи мулқдан самарали фойдаланишини асосий мақсад қилган ҳолда фаолият кўрсатади ва ўз фаолиятининг натижаси сифатида фойдали ишлашни, фойда кўришни асосий мақсад, деб ҳисоблайди. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини холис текшириб бериш, иш фаолиятининг яхшилашишига тавсия берувчи, хато ва камчиликларни аниқ кўрсатиб утувчи аудит республикмиздаги янги назорат туридир.

Бозор муносабатларига мос ҳолда фаолият кўрсатиш шароитида аудит ва аудитор хизматига бўлган эҳтиёж вужудта

келади. Бу эҳтиёжни қондириш тегишли тайёргарликка эга бўлган, етарли иқтисодий билимлар билан қуролланган аудиторларга бўлган талабларни оширади.

Аудит ёрдамида корхоналарнинг молиявий фаолияти, натижалари ўрганилади, таҳлил қилинади. Натижалари асосида тегишли қарорлар қабул қилиш имконияти яратилади. Аудит ёрдамида ўз фаолиятини амалдаги қонунларга мос ҳолда ташкил этилганлиги, қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши ўрганилади. Аудит корхона, ташкилот фаолиятини аниқ баҳолашда ишлатиладиган назорат туридир. Бу назорат турининг ўзига хос хусусияти шундаки, мижоз ўз ихтиёри билан аудит фирмасини танланти имкониятига эга бўлади.

Президентимиз И. А. Каримов 2000 йил 11 февралда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидағи маъруzasida: «Биз бозор иқтисодиёти асосларини яратдик, лекин рўй-рост айтиш керакки, бозор иқтисодиётига хос янгиликлар ва ислоҳотлар расмиятчилик билан олиб бормоқда, кўп ҳолларда хўжа курсинга амалга ошириляпти. Асосан ном ўзгаришти-ю мазмун моҳият ўша-ўша эскилигича қолмоқда»⁴, деб тугри баҳо берди. Бундай ҳолатни аудит назоратини ташкил қилишда ҳам учратиш мумкин. Мамлакатимиз чуқур иқтисодий танazzулдан ўтиб олди, кўп укладли иқтисодиёт шаклланди. Бу даврга назоратнинг янги шакли ҳисобланган аудит характеридир. Назорат турларини давр талабига мос келтиришдаги йўл қўйилган камчиликярдан бири назоратнинг таъсир кучини пасайиб кетганлигини айтиш мумкин. «Аудиторлик фирмалари ўтказаётган тафтишларда кўп хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда. Улар аксарият ҳолларда хўжалик субъектлари тузлган шартномалар асосида эмас, балки назорат идораларининг кўрсатмаларига биноан тафтиш қилмоқдалар». Бундай ҳолатларни бартараф қилишда «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Конун асосида фаолият кўрсатиш талаб қилинади.

Аудиторлик назоратидан кутилаётган асосий мақсад мулк шаклидан қатъи назар хўжалик фаолиятини ташкил қилишда, бошқаришда, республикада амал қилинаётган Конун меъ-

⁴ И.А. Каримов. Озод ва обод Ваган, эркян ва фаровон ҳаёт нироюард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 2000, 77-102-бетлар.

ёрий хужжатларнинг бажарилишини таъминлаш бўлса, иккинчидан белгиланган тўловларни ўз вақтида, тўтри тўланшини таҳдил қиласдилар.

1.4. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик назоратининг ҳукуқий асослари

Ўзбекистон Республикасининг мустақил, деб эълон қилиниши, унинг иқтисодий-ижтимоий йўналищида туб ўзгаришларга олиб келди. Дунё давлатлари тўхрибасини ўрганиб, унинг ижобий томонларини ривожлантирган ҳолда, янги аср бўсасида бозор иқтисодиёти сари дадил қадам ташланди.

Бозор муносабатларига ўтишнинг асосий 5 тамойили ишлаб чиқилди ва ҳаётта татбиқ этилмоқда. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган 5 тамойил республикамиз иқтисодиётида алоҳида ўрин эгаллаганлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Тамойилларнинг ҳаётта татбиқ қилиниши натижасида республикада саноат, қишлоқ хўжалиги, иқтисодиётнинг бошқа соҳалари МДҲ давлатларига нисбатан салмоқти ривожланмоқда.

Президентимиз И. А. Каримов ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида кўрсатиб берганидек: бозор муносабатларига қийинчиликларсиз ва ижтимоий зиддиятларсиз силлиқина ўтиб бўлмаслигини бошқа мамлакатларнинг тажрибаси кўрсатиб турибди. Шу сабабли бозор механизмини жорий этишдан аввал одамларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича кучли эҳтиёж чоратадбирларини олдиндан кўриб қўйилиши объектив заруратdir. Шундай экан, олга сурилган вазифаларнинг бири начор гуруҳларнинг ижтимоий ҳимояланишга алоҳида аҳамият берилмоқда, бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тадбирларнинг тўлиқ бажарилишини таъкидлаганда, аҳолининг турмуш тарзини баҳолашда назоратни тўри ташкил қилиш, унинг таъсирчанлигини ошириш, тарбиявий салоҳиятни баҳолаш алоҳида аҳамиятлидир. Йиллар давомида назоратнинг турли усул ва шаклларидан фойдаланиш назорат туридан қатъи назар унинг бош мақсадини хаспушлаб келди, назоратни сиёсий кучга айлантириш амалга оширилди. Республикаизда амалга оширилган хусусийлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, яъни мулкка бўлган муносабатни ўзгартириш,

корхоналарнинг хўжалик фаолиятини тижорат асосида аудиторлик фаолиятидан ўтказиш, корхоналар ахборотларидан мустақил фойдаланишни ташкил қилишда аудиторлик текширувани талаб қилади.

Аудиторлик текширув республикамизда амал қилинган назорат турининг ташкил топган ва ҳозирда ривожлангаётган назорат шаклига айланди. Бозор иқтисодиётига ўтган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ишончли маълумотни беришда давлат ва тижорат тизимидан холи бўлган томондагина олиш мумкин. Назоратнинг республикамиздаги ёш тури ҳисобланган аудитнинг хусусияти унинг мустақиллигидadir.

Ҳозирги кунда мавжуд бўлган назорат турларини яхшилаш хўжалик фаолиятининг молиявий ҳолатини текширишдаги камчиликларни баргараф қилиш, текширишлардаги параллелликларни йўқ қилиш ҳамда тадбиркорликнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Республика Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармонида «аудиторлик текширишларни ўтказиш бўйича сарф-харажатлар ана шу текширишларни тайинланган ташкилотлар томонидан қопланади», деб белгилаб қўйилган. Фармоннинг қабул қилиниши республикамизда тафтиш, назорат ва аудитни янада ихчамлаштириш, унинг таъсирчалигини оширишта хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро миёсдаги обрўзтибори дунё давлатлари томонидан тан олинмоқда ва унинг иқтисодий салоҳиятидаги ижобий ўзгаришлар бошқа давлатлар томонидан ўрганилмоқда, таҳдил қилинмоқда

Республика иқтисодиётини ривожлантиришда Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий ислоҳотлар давр талаби, ривожланиш учун қўйган пойdevor вазифасини бажармоқда. Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш ўз самарасини бермоқда.

Эрицилган ютуқларни мустаҳкамлаш, йўл қўйилган камчиликларни таҳдил қилишда назорат турларини тўғри ташкил қилиш давр талабига айланмоқда.

Иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорликни кенг ривожлантириш, назорат ишларининг таъсирчалигини ошириш унинг бошқариш жараёнидаги фаолиятни такомиллаштириш мақсадида юқорида «аудиторлик фаолияти тўғриси-

да»ги Қонунга құшымча ва ўзгартиришлар киритиш зарура-ти туғилди. Бу масалани күриб чиққан Олий Мажлис Қонун-нинг янги таҳрирini тасдиқлади. «Аудиторлик фаолияти тұ-ғрисида» (янги таҳрирда) Қонун қабул қылтанды.

Қонунга асосан аудит мустақил равищда мулк әгасининг молиявий қолатини, ҳисоботини таҳлил қилиш, экспертиза үтказиш йўли билан амалга ошириллади. Хўжалик операцияларини амалдаги Қонун ва йўриқномаларга мос келишини аниқлаш мақсадида үтказилиладиган назорат туридир.

«Аудиторлик фаолияти тұғрисида»ги Қонунда бухгалте-рия ҳисоби, ҳисоботларни тасдиқловчи баланс, фойда ва за-рар тұғрисидаги ҳисоботлар билан биргаликда улардаги маъ-лумотларнинг ишончлигини таъминлашда ишлатилишига алоҳида эътибор берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 майдаги 198-сонли «Корхоналарда молиявий назорат ва уни хўжаликлар ҳисобга жорий қилишда аудиторлик молия назоратининг шакллари» Қарорида аудиторлик фао-лиятини шартнома асосида ташкил қилиш кўрсатилган.

1993 йил 17 июня 293-сонли «Аудиторларни ва аудитор-лик фирмаларини давлат рўйхатига олиш тұғрисида» Вазир-лар Маҳкамаси қарор қабул қылди. Қарорга асосан аудиторлар ва аудиторлик фирмаларини давлат рўйхатига олиш учун улар қуидаги хужжатларини тақдим этадилар:

-аудитор ва аудиторлик фирмасини давлат рўйхатига олиш учун ариза;

-аудиторлик фирмалари томонидан таъсисчиларнинг улар-ни ташкил этиш тұғрисидаги шартномаларнинг нотариус тас-диқлаган нусхаси;

-янги ташкил этиладиган аудиторлик фирмалари учун уларда бино ва зарур усканалар мавжудлигини тасдиқловчи хужжатлар ва бошқа хужжатлар;

-аудиторларнинг ва аудиторлик фирмаларини рўйхатта олиш билан боғлиқ барча хужжатлар илова қилинган ҳолда ариза берилгандан бошлаб 30 кун ичидә амалга ошириллади;

-Республикада текширишларни тартибга солиш, текширишларни секин камайтириш, уларда мавжуд бўлган параллеллик ва такрорланишларни бартараф этиш, тадбиркорликнинг хукуқий асосларини ҳимоя қилиш манфаатларини Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 1998 йил 19 но-

ябдаги «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармонида мулчиллик ўзаклидан қатыназар хўжалик юритувчи ҳамда тадбиркорлик гузилмаларини молия хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш бир йилда бир марта амалга оширилиши ва 30 календар кунидан ошмаслиги, аудиторлик текширишларни ўтказиш бўйича сарф-харажатлар ана шу текширишни таъминлаган ташкилотлар ҳисобидан қопланиши фармонда белгилангандир.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Конунда (яни таҳрирдаги) аудит ва аудиторнинг мақсади, вазифалари белгилаб берилган. Конуннинг 2-моддасида: «Аудиторлик фаолияти деганда, аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини ўтказиш ва бошқа шу билан бөғлиқ профессионал хизматлар кўрсатиш борасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш таъқиқланади», деб белгилангандир.

Аудит назоратининг корхонада молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш тўлиқлигини таъминлаш, ички имкониятларини ишга солиш, солик тўловларини ўз вақтида тўғри тўланганини аниқлаш ва таҳдид қилиш, молиявий натижаларни аниқлашда, харажатларни камайтириш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги 2000 йил 22 сентябр 395-сонли Қарорида «бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисбот тузиш аудиторлик ташкилоти томонидан амалга ошириладиган микрофирмаларнинг молия-хўжалик фаолияти солик ва бошқа назорат органлари томонидан тегишли аудиторлик ташкилоти албатта, жалб қилинган ҳолда текширилади. Бунда молиявий ҳисботнинг тўғрилиги учун аудиторлик ташкилоти жавоб беради», деб белгиланган.

Қарорда аудиторлик хulosаларини солик органлари ва бошқа назорат органлари томонидан ҳисобга олиш тартиби, мажбурий ундириш тартиби, аудиторлик ташкилотларига лицензия бериш тартиби белгилангандир.

1.5 Аудит турлари. Ички ва ташқи аудит тўғрисида тушунча ва ташкил қилиш асослари

Ҳар корхона ва ташкилот ўз хўжалик фаолиятини тасдиқланган Низом асосида олиб боради. Низомда корхона

фаолияти түлиқ ўз ифодасини топади ва амалдаги қонунларга риоя қилиш, уларнинг бажарилишини таъминлашга алоҳида аҳамият берилади.

Корхонага таалтуқли бўлган маблағлар тегишли моддий шахслар зиммасига юқланган бўлиб, улар ўз зиммасидаги мулкнинг тўлиқлигини таъминлаш ҳолати бўйича ҳисобот тузадилар.

Моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботида улар томонидан ҳисобот даврида кирим қилинган товар ва моддий қийматлар миқдори ва суммаси бўйича алоҳида алоҳида кўрсатилади.

Тузилган ҳисобот белгиланган муддатларда бухгалтерияга топширилиди. Демак, товар ва моддий қийматларнинг бирламчи ҳаракатини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботи (асос бўлади) ҳисобланади. Ҳар бир ҳисоботда товар ва моддий бойликларнинг ҳолати тегишли ҳужжатлар билан асосланган ҳолда ҳисоботда кўрсатилади.

Бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш асосида моддий жавобгарлик тамоили ва ҳисоботлар асос қилиб олиниши керак. Назорат ишларини ўтказишида ҳисоботларнинг ўз вақтида тузилиши ва топширилиши, уларда кўрсатилган маблағлар ҳаракатини тасдиқловчи ҳужжатларни тўғри расмийлаштирилганлиги, корхона фаолияти билан боғлиқлигига алоҳида эътибор талаб қилинади.

Иқтисодий адабиётларда берилган шарҳларга асосан аудит назоратининг обьекти қилиб корхона ва ташкилотларнинг, хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик операциялари олинади, дейилган кўрсатмалар мавжуд. Лекин шу кўрсатмалар асосида аудит турларини изоҳлашда айrim камчиликлар мавжуд. Бизнинг фикримизча, аудитни турларга ажратишида ҳисоб турларига асосланиш, уларни ўзига хос ҳусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда ўрганиш ва тавсия қилиш мақсадга мувофиқдир. Юқоридаги фикрдан келиб чиқсан ҳолда аудит назоратининг ўтказилиши бўйича ички ва ташқи аудитга, хўжалик операцияларини текшириш ва қамраб олиш ҳолатига қараб операцион, олдиндан ўтказиладиган молиявий аудитга бўлишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ички аудит назорати корхона бош бухгалтери ва бошқа бўлимлар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатади. Ички аудит фаолиятини ташкил қилиш, бошқариш бевосита корхона раҳбари зиммасига юқюнатилади. Ички назоратни ташкил қилиш учун раҳбар нормал шароит яратиб бериши керак.

Ички аудит бошқарув ҳолатини тақомиллаштиришда, ресурслардан самарали фойдаланишни аниқлашда, корхона ичида иқтисодий ўзгаришларни амалга оширишда көнг ишлатилади. Ички аудитнинг моҳияти шундаки, у бевосита корхона раҳбари ёки унинг ходими томонидан ўтказилади. Ички аудитнинг эсосий мақсади бошқаришни тақомиллаштириш, маҳсулот ишлаб чиқаришга сарф қилинадиган харажатлардан унумли фойдаланиш, корхона раҳбарини иқтисодий маълумотлар билан таъминлаш, ишлаб чиқариш ҳолатини назорат қилиш бўйича тегишли тадбирларни амалга ошириш учун имконият берадиган ахборот ва маълумотларни йигиб таҳлил қилинда ўз самарасини беради.

Ички аудит ёрдамида маҳсулот ишлаб чиқариш сифатини яхшилаш имкониятлари ўрганилади, ходимларнинг иш фаолияти назорат қилинади. Ички аудитор хўжалик фаолиятининг яхшиланиши бўйича назорат ишларини олиб боради.

Ички аудит ёрдамида товар ва моддий бойликларнинг тўлиқлиги улардан самарали фойдаланиш бўйича ишлар ўтказилади. Ички аудитор корхона раҳбарита бевосита ҳисбот беради, режа топшириқларнинг бажарилишини назорат қиласади.

Корхона ва ташкилотларда хўжалик фаолиятини назорат қилинда ички ва ташқи аудитдан фойдаланиш мумкин, ички аудит ишлари бевосита корхона штат бирлигига тегишли лавозимни эгаллаб турган шахс томонидан ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 198-сонли «Молиявий назоратни мустаҳкамлаш ва хўжаликларга татбиқ этиш тўғрисида»ги Қарорига асосан аудит назоратнинг муҳим йўналишига айланиши керак.

Ички аудит ёрдамида ҳисоб кўрсаткичлари билан ҳисбот маълумотларни бир-бира га мос келиши аниқланади. Йигилган маълумотлар ёрдамида корхона фаолиятида йўл қўйилган хато ва камчиликлар уларни бартараф қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади. Ички аудитнинг асосий мақсади, ишлаб чиқаришни тўғри ташкил қилиш, сифатли маҳсулотни ишлаб чиқаришни таъминлаш, сарф-харажатларни камайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаштир.

Ички аудит ёрдамида бошқарув аппаратини тақомиллаштириш, маҳсулот сифатини ошириш чора-тадбирларини таҳлил қилиб, маҳсулотни сотиш имкониятлари ўрганилади.

Ташқи аудит бевосита корхона фаолиятини чуқур ўрганиш, назоратнинг мустақиллигини таъминлаш мақсадида олиб борилади. Ички аудит ҳолатини талабга жавоб беришни зиждайди, амалдаги қонун ва низомларга асосланган ҳолда иш кўради.

Ташқи аудитда ўтказилган текшириш натижалари бўйича аудитор вазирлик, идора ёки ижтимоий ташкилотларга ҳисобот бермайди.

Хўжалик фаолиятида амалга оширилаётган операциялар турлича бўлиб, уларда товар моддий бойликларнинг ҳаракати ифода қилинади. Мулк эгаси ўз мулкининг тўлиқдигини таъминлаш мақсадида операция назоратини олиб бориши керак. Кўп ҳолларда операция назорат, корхона бош ҳисобчиси томонидан ҳам олиб борилади. Операция назорат қилишдан максад, маблаглар ҳаракатини тўғри ташкил қилиш, тўлиқдигини таъминлашдир. Операция назорати маълум вақт бирлигига ўтказилади, унинг натижасида корхона фаолиятини умумлаштирувчи маълумот олиш имконияти яратилмайди.

Операция назорати бевосита корхона ходими томонидан умумлаштирилмайди ва тегишли далолатнома билан расмийлаштирилмайди. Операция назорати натижаларини ўрганишдан асосий мақсад хўжалик фаолиятини яхшилашда ички имкониятларни аниқлашдир.

Операция назорат ўтказиш тартиби расмийлаштириш амалдаги қонун моддаларида тўлиқ ўз ифодасини топмаган. Аудит назоратини ўтказиш, натижаларини умумлаштириш тартиби белгиланган амалдаги қонунлар асосида олиб борилади. Аудит натижалари ўрганилади, унинг оқибатида корхонадаги амалга оширилган хўжалик операцияларининг тўғрилиги текширилади.

Текшириш натижаларини аниқлашда операция назорат натижалари ҳисобга олинмайди, фақат тегишли хужжатлар асосида амалга оширилган хўжалик операцияларининг ҳолати белгиланган муддатлар бўйича узлуксиз олиб борилади.

Аудит назоратини ўтказиш муддатлари ҳар иккала томонлар ўртасида келишилди.

Аудит ва тафтиш республикамида йиллар давомида қўлланиб келинган назорат тури ҳисобланади. Лекин тафтишга қарангда аудит назорати янги ташкил топган, деб ҳисобланади.

Аудит ва тафтишнинг мақсади товар ва моддий бойликларни тўғрилигини таъминлаш, бухгалтерия ҳисобидаги ёзувларнинг тўғрилигини, моддий жавобгарликни ташкил қилишдаги

хато ва камчиликларни аниқлаш билан бирга бухгалтерия ҳисбетини аниқ ва исботли тузилганигини текширишдир.

Тафтиш ўтказилиши бўйича ички ва ташқи тафтишга бўлинади. Ички тафтиш бевосита савдо, ишлаб чиқариш корхонасининг вакили томонидан ўтказилса, ташқи тафтиш вазифалари бошқармалар томонидан ўтказилади.

Тайинланишига қараб тафтиш режали ва режадан ташқари кўринишларда олиб борилади. Корхона ва ташкилотларда белгиланган режа-топшириқларни бажаришида, маблағлардан самарали фойдаланишида, товар ва моддий бойликларнинг тўлиқлигини тъминлашда хужжатли тафтиш ўтказиш талаб қилинади.

Хужжатли тафтиш, деб, ташкилот хўжалик фаолиятини маълум бир давр ичидаги ҳолатини ҳисоб ва ҳисбот кўрсаткичларига асосланиб ҳар томонлама чуқур текширишига айтилади.

Тафтиш ва аудитнинг бир-бирига ўхшашлиги ҳар икки назорат турида ҳам амалга оширилган хўжалик операцияларининг қонунийлити, амалдаги қонун ва йўриқномаларга асосан бажарилганини, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботида кўрсатилган маблағларнинг тўлиқлигини тъминлаш вазифаси бажарилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1993 йил 21 июл 54-сонли йўриқномасида тафтиш ва текширишлар ўтказиш тартиби белгиланган. Тафтиш ўтказилаётган амалдаги қонунларга, йўриқномаларга, фармойишларга, вазирлик ва идоралар томонидан чиқарилган мсьёрий хужжатларга амал қилинади.

Тафтиш ҳар йили 1 марта ўтказилади. Тафтиш ўтказиш учун юқори ташкилот (вазирлик, идора) раҳбари томонидан белгиланади ва бу тўгрисида буйруқ чиқарилади. Буйруқда тафтиш ўтказиш муддати бошланиши ва тугалланиши, тафтиш ўтказувчининг исми-шарифи, фаолияти, қайси даврни тафтиш қилиниши кўрсатилади.

Тафтиш ўтказиш бўйича корхона ташкилот раҳбари ва бош бухгалтерия йиллик тафтиш ўтказиш режасини тузадилар. Тафтиш ишларининг белгиланган муддатларда бажарилиши кўп жиҳатлардан уни ўтказиш йўлларини танлаш ва ўтказиш дастурининг тўғри тузилишига боғлиқ. Тафтиш ўтказиш дастури ҳар бир тафтиш учун алоҳида тузилади. Дастурда тафтиш кунларида бажариладиган иш ҳажми асосий эътиборни қайси соҳаларга қаратиш ва унинг бажарилиш муддатлари кўрсатилади.

Тафтиш ишларининг якуни сифатида тафтиш далолатномаси тафтишчи томонидан тайёрланади. Далолатномада тафтиш ўтказилган корхонага қисқача тафсилотнома берилб, тафтиш натижалари ўз ифодасини топади. Тафтиш далолатномаси тафтишчи, раҳбар ва бош бухгалтер томонидан имзолангандан кейин далолатноманинг бир нусхасини олганлиги тўғрисида бош бухгалтер далолатномага имзо қўяди.

Ички аудит назоратида товар ва моддий бойликларнинг гулиқлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилади.

Товар ва моддий бойликларнинг тўлиқлигини аниқлаш мақсадида инвертаризация ўтказилади. Ташкилот раҳбари томонидан махсус бўйруқ (фармойиш) чиқарилиб, унда инвертаризация ҳужжатларини бухгалтерияга топшириш муддатлари кўрсатилади.

Инвертаризация ўтказиш асосан куйидаги ҳолатларда мажбурий, деб ҳисобланади:

- товар ва моддий бойликлар бўйича моддий жавобгар шахслар ўзгарганда;
- мулк ижарага берилаётганда;
- асосий воситаларни давлат тасарруфидан чиқаришда;
- табиий оғатлар юз берганда;
- товар-моддий бойликлар баҳоланганда;
- корхона ёки ташкилот тутатилганда.

Инвентаризация таркиби аниқлангандан кейин инвентаризация ўтказиладиган обьект учун моддий жавобгар шахс ўз зиммасидаги товар ва моддий бойликлар тўғрисида ҳисобот тузади ва комиссия аъзоларига тақдим этади. Моддий жавобгар шахс ўз зиммасидаги товар ва моддий бойликлар билан боғлиқ кирим-чиқим ҳужжатлари тўлиқ ҳисоботда кўрсатилган, кўшимча ҳужжатлар йўқлигини тасдиқлаб, ёзма тилхатни комиссияга топширади.

Инвентаризация ўтказишда моддий жавобгар шахс зиммасида барча товар ва моддий бойликлар санаб, ўлчаниб, баҳоси аниқланиб, суммалари ҳисобланиб чиқилади. Бунинг учун тасдиқданган «Инвентаризация ўтказишда товар ва моддий бойликларни рўйхатга олиш» варақаси тўлдирилади. Барча товар ва моддий бойликлар варақада акс эттирилгандан кейин жами варақлардаги сумма ҳисобланиб чиқилиб, бу кўрсаткич бухгалтерия ҳисобида ёзувлар билан таққосланиб, инвентаризация натижалари аниқланади.

Аудитор ёки аудит фирмаси мулк эгаси билан тузилган шартномага асосан тегишли моддий жавобгар шахс зиммасидаги товар ва моддий бойликларнинг тўлиқлигини текшириб бориш бўйича инвентаризация ўтказиб, натижаларини аниқлаб бериши мумкин.

Демак, аудит текшириш ўтказишида инвентаризация бухгалтерия ҳисобининг усули сифатида ишлатилади, агар зарурит туғилса. Аудитнинг инвентаризациядан асосий фарқи шундаки, корхона ва ташкилотларнинг хўжалик фаолияти комплекс текширилади ва молия ҳодатига баҳо берилади.

Инвентаризацияда алоҳида олинган моддий жавобгар шахс зиммасидаги товар ва моддий бойликларнинг тўлиқлиги аниқланади. Бу аниқлик ҳар бир жавобгар шахс бўйича хўжжатлаштирилиб, корхона ва ташкилот бўйича товар ва моддий бойликларнинг тўлиқлиги ўрганилади.

Аудит асосан, мустақил ўз уставига, банкда тегишли ҳисоб-китоб рақами, тугалланган балансга эга бўлиб, юқори ташкилоти бўлмаган қўшма, ижара, ҳиссадорлик жамиятларида, концернларда молиявий назоратни амалга оширишда жорий қилинади.

1.6 Аудиторнинг ҳукуқи ва бурчи

Мижоз билан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлар тузилган шартномалар билан тартибга солинади. Шартнома тузишда асосий эътибор амалдаги қонунларга риоя қилиш, унинг бажаришини таъминлаш бўйича томонларни ўзаро келишувини расмийлаштиришdir. Тузилган шартнома шартларини бажармаслик ёки сифатсиз бажариш, томонлар ўртасида ҳукукий вазифаларининг бажарилишини қонун асосида кўриб чиқиши талаб қиласди.

Аудиторнинг жавобгарлиги биринчи навбатда «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилиши билан ўлчанади. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасида аудиторлик ташкилотининг ҳукуқлари белгиланган. Бу моддада: «Аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун хўжалик юритувчи субъектнинг таъсис ҳужжатлари ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисбот ҳужжатлари билан олдиндан танишиб чиқиш», таъкидланган.

Аудиторлик текшируванинің үтказиш давомида қозага келгандык масалалар бүйічә хұжалик юритувчи субъекттің моддий жавобгар шахслардан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар олиш ҳамда аудиторлик текшируви учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни олиши керак.

Аудиторлик ташкилий қонун ҳужжатларига мувофиқ болықта ҳуқуқларга ҳам зәға бўлиши мумкин. Қонунга асосан ўз ҳуқуқи, вазифаларни бажаришда союзқонликка иўл қўйган аудиторлик фирмаси амалдаги қонунлар асосида жавобгар, деб ҳисобланади.

Аудитор ўз иш фаолиятини амалдаги қонунлар асосида ва меъёрий ҳужжатларга мос ҳолда олиб боради. Аудитор ёрдамида корхонаца амалга оширилган хұжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоби ёзувларидаги тўғри акс этирилиши, бухгалтерия ҳисоботидан маълумотларнинг асосли тузилганини, товар ва моддий бойликларнинг сақланиши, уларнинг сарф-харажати, дебетор ва кредитор қарзларнинг ҳолатини аниқлашда ёрдам беради.

Аудитор хұжалик юритувчи субъектта бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиши, маҳсулот таннархини калькуляция қилиш, молиявий ҳолатини ташкил этиш бүйічә маслаҳатлар бериш мумкин.

Аудитор ўзи текшириш үтказаётган корхона ва ташкилот раҳбарига текшириш давомида аниқланган хато-камчилекларни, амалда қонунлар ва йўриқномаларга риоя қиласлигини маълум қилиш ҳуқуқига эгадир.

Текшириш давомида мижозга, унинг иш фаолиятига зарар етказмаслиги керак.

Шартнома шартларида кўрсатилган моддаларга, уларнинг бошқарилишига риоя қилиши шарт.

Аудиторнинг вазифаларидан бири корхона молиявий хұжалик фаолиятини тўғри баҳолаш мулк эгаларининг иқтисодий аҳволини яхшилашига ёрдам бериши, тўлов қобилиятини яхшилашига тавсиялар тайёрлаштириш. Ўз навбатида илғор тажрибаларни жорий қилишга кўмаклашиштириш.

Аудиторлик ташкилоти аудиторлик назорати үтказиш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин хұжалик юритувчи субъекттинг изоми, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг кўрсаткичлари билан танишиб чиққан ҳолда фаолият кўрсатиши мақсадга мувофиқдир.

Аудитор текшириш давомида хўжаликда бажарилган иш ва хизматларни белгиланган меъёрий хужжатларга мос келишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигига сарф қилинадиган ҳаражатларни тасдиқловчи низом ва норматив хужжатларга риоя қилиши керак.

Аудитор томонидан ўтказилаётган текшириш ва унга қўйиладиган талаб, хукуқ ва бурч асосан икки ҳолатда на-моён бўлади. Биринчи, ички талаблар, иккинчи, бу ташки талаблардир. Аудиторга қўйиладиган ички талабларга қўйи-дагиларни киритиш мумкин:

- одоб-ахлоқ нормаларига риоя қилиш;
- корхона хўжалик фаолиятига аралацмаслик;
- амалга оширилган хўжалик операцияларининг корхона фаолияти билан боғлиқлигини ўрганиш;
- ички аудиторлик назорати ҳолатини баҳолаш;
- мижоз билан тузилган шартнома шарғларига амал қилиш ва бошқалар.

Юқоридаги талабларга риоя қилиш аудиторлик назора-тини тўтри ташкил қилишга мижоз олдидаги масъулиятни оширишга олиб келади.

Хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини яхшилашни такомиллаштиришда, ички имкониятлардан самарали фойда-ланишда, молиявий ҳисботларини тўғрилашга ишонч ҳосил қилиш мақсадида аудитор хизматидан фойдаланиши мумкин.

Аудитор ва мижоз ўртасидаги муносабат шартнома асосида ташкил қилинади. Имзоланган шартнома асосида аудиторлик фирмаси (аудитор) ҳисботларнинг тўғрилигини аудит-дан ўтказиш ва консалтинг хизмат кўрсатишдан иборагдир.

Аудитор иш фаолиятининг, биринчи навбатида хўжа-лик юритувчи субъект томонидан, амалда қонун ва низомларга риоя қилиш ҳолати текширилади. Аудит назора-тини ўтказиш давомида хўжалик юритувчи субъект раҳ-барлари ва бошқа ходимлар томонидан йўл қўйилган хато ва қамчиликлар тўғрисида ёзма, оғзаки ҳолда тушунти-риш хатларини олиш керак.

Аудитор томонидан ўтказилаётган текшириш бевосита тузилган шартноманинг бажарилишига қаратилган бўлиши шарт. Аудитор томонидан ўтказилган текшириш давомида аниқланган бухгалтерия ҳисоб-китобларидаги, ҳисботларни тузишдаги, маҳсулот таннархига киритилган ҳаражатлар-

ни белгиланган харажатлар түгрисидаги низомга асосланған-
лигини күрсатиб беради.

Аудитор текшириш давомида сир сақлаш мезонига риоя
қилиши, мижозга заар етказиш билан боелиқ маълумот-
ларни ошкор қымаслик этикасига риоя қилиши керак. Тек-
шириш муддатларини шартномага асосан тащкил қилиши
керак. Аудитор асослы хулоса тайёрлаб бериши учун тұлиқ ва
етарли, ишончли ахборотта эга бўлиши.

Аудитор бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳдил ҳисо-
ботлар бўйича етарли билимга эга бўлиш билан бирга мулк-
чилик шакллари, самарадорлик түгрисида етарли билимга
эга бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти түгри-
сида»ги Қонуннинг қабул қилиниши бу соҳага бўлган эъти-
борни янада кучайтирди. Аудит бу белгиланган ваколатга эга
бўлган шахслар, яъни аудиторлар (аудиторлик фирмалари)
томонидан мижозни (хўжалик юритадиган субъектнинг)
молиявий ҳисботининг тўғрилигини тасдиқловчиидир.

Аудитор ёки аудиторлик фирмаси ўз иш фаолиятини
мижоз билан тузилган шартнома асосида олиб боради. Шарт-
номада унга амал қилиш муддати, бажарувчи ва буортма-
нинг мажбуриятлари, шартнома суммаси, корхона тижорат
сирларини сақлаш ва «Буортмачи»ларнинг розилигисиз уни
ошкор қымаслик амалдаги қонун ва низом, йўриқномалар-
га риоя қилиш шартлари кўрсатилади ва ҳар икки томон
ўртасида имзоланади. Шартнома бир ёки бир неча йилга ту-
зилиши мумкин, мулк эгаси ёки ҳиссадорлар жамияти мо-
лиявий ҳолатини яхшилашида аудиторлар хизматидан фой-
даланиши мумкин.

Аудитор ва аудиторлик фирмалари тузилган шартнома
шартларини бажаришлари керак. Аудитор текшириш даво-
мида қонун ва низомларга риоя қилган ҳолда шартнома шарт-
ларининг бажарилишини таъминлайди.

1.7. Инвентаризация – назорат турни ҳисоб усулидир

Ҳозирги шароит ҳар бир мулк эгасини тадбиркор, тә-
жамкор бўлишга, мулкка бўлган муносабатни яхшилашга,
мулкнинг тўлиқдигини назорат қилишга ундейди. Корхона
ва тащкилётларнинг мулки тегишли моддий жавобгар шахс-

лар зимасида бўлиб, улар мулкнинг тўлиқлигини таъминлаш учун жавобгар шахслар, деб ҳисобланадилар.

Мулкнинг тўлиқлиги ҳар томонлама назорат қилиб борилади, чунки мулк ҳаракати, турлари бўйича синтетик ва аналитик рақамларда (счетларда) бухгалтерияда назорат қилинса, иккинчи моддий жавобгар шахсларнинг ҳисобларида ўз ифодасини топади. Лекин бухгалтерия рақамларидағи маълумотлар билан товар ҳисоботидаги маълумотлар бир-бирини тасдиқлаши мумкин, аммо ҳақиқатда мулкнинг тўлиқлиги таъминлаганми йўқми — бу ҳолатда аниқлик киритиш мақсадида товар-моддий бойликлар инвентаризация қилинади.

Иқтисодий адабиётларда инвентаризация сўзини «ашёвий далил», йўриқнома қилиш, таққослаш каби сўзлар билан алмаштириш ҳоллари мавжуд, бундай ҳолатлар инвентаризация сўзининг маъносини бузиб кўрсатишга олиб келади.

Бизнинг фикримизча, инвентаризацияга қуйидагича таъриф берилса мақсадга мувофиқдир.

Инвентаризация деб, тегишли моддий жавобгар шахс зиммасидаги товар, моддий бойликларнинг тўлиқлигини сон ва сифат жиҳатидан аниқлаб, бухгалтерия ёзувларига асосан натижаларни аниқлашга айтилади.

Инвентаризация ёрдамида моддий жавобгар шахс зиммасидаги товар-моддий бойликлар сон ва сифат жиҳатидан ўрганилиб, уларни истеъмолга яроқлигини аниқлаш билан бирга учёт бўйича ҳам тўлиқлиги ҳисоб-китоб қилинади.

Инвентаризация ўтказиш йўли билан корхонага тааллуқли бўлган моддий бойликларнинг тўлиқлиги таъминланади. Инвентаризация тўлиқ, қисман, танлаб олган ҳолда ўтказилиши мумкин.

Тўлиқ инвентаризация ўтказиш раҳбар томонидан маҳсус ёзма фармойиш бериш йўли билан амалга оширилади. Қисман ўтказиладиган инвентаризациялар асосан баҳоларни ўзгариши амалга оширилганда ўтказилади ва маълум бир товар тури бўйича унинг натижалари аниқланади.

Танлаб олган ҳолда ўтказиладиган инвентаризациялар кўп ҳолда ташкилот раҳбари ёки бош бухгалтер томонидан ўтказилади. Инвентаризация ўтказишда тегишли жавобгар шахс зиммасидаги мулк тўлиқ саналиб, тортилиб пул бирлигига ҳисоб-китоби аниқланади.

Ўзбекистон Республикасида «Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисида»ги Низомга асосан корхона ва ташкилотлар инвентаризация ўтказиш даврларини мустақил белгилайдилар.

Низомга асосан корхоналар йиллик ҳисбот тузишдан олдин пулнинг тўлиқлигини таъминлаш мақсадида инвентаризация ўтказади. Уларни қуидаги муддатларда ўтказиш тавсия қилинади:

- асосий воситаларни ҳисбот йилининг биринчи октяброда;
- омбор қибазалардаги саноат товарлари бир йилда бир марта;
- омбор ва базалардаги озиқ-овқат товарлари бир йилда икки марта;

-пул маблағлари ҳар ойда бир марта.

Юқоридаги муддатларда режали инвентаризация ўтказилади. Корхона бош бухгалтери ҳисбот йили учун йил бошида инвентаризация ўтказиш режасини тузади ва раҳбар томонидан тасдиқланади. Тузилган режа йил давомида инвентаризация қилинадиган обьектлар, ўтказиш муддатлари кўрсатилади.

Инвентаризация тўсатдан ўтказилади, демак, тузилган режадаги муддатлар фақат бош бухгалтер ва ташкилот раҳбарига маълум бўлиши керак, бошқа ходимлардан бу режа сир тутилади. Айрим ҳолда инвентаризация суд-тергов органлари, молия-солиқ қўмиталари томонидан ҳам ўтказилиши мумкин.

Режалаштирилмаган инвентаризация ишлари табиий оғатлар итижасида ўғрилик, моддий жавобгар шахсларнинг иш фаолиятида ножоя ҳаракатлар тўғрисида маълумотлар олинганда ўтказилиши мумкин. Чакана савдо ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг навбатдаги вазифаси товар ва моддий бойликларни тўлиқ сакчанишини назорат қилишдир. Буниг учун товарларнинг қабул қилиниши ва сотишни, инвентаризацияни ўз вақтида ўтказишни (таъминлаш) талаб қилинади.

Корхона ва ташкилотларда товар ҳамда моддий бойликлар тўлиқлигини таъминлашда моддий жавобгарликни тўғри ташкил қилиш алоҳида аҳамиятлидир, чунки товар-моддий бойликларнинг тўлиқлиги икки томонлама назорат қилинади. Биринчи моддий жавобгар шахснинг ҳисботида, иккинчиси эса бухгалтерия ёзувларида олиб борилади.

Бухгалтерия ҳисоби ёрдамида ташкилотнинг хўжалик фаолияти ҳар томонлама ўрганилади ва тегишли маблағлар ҳаракати — уларнинг жойланиши ва ташкил топиш манбалари бўйича тартибга солинади.

Корхона ва ташкилотларда мулк шаклиниң ўзгариши билан бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, мулкнинг тўғри ҳисоб-китобини юритиш, унинг тўғрилигини таъминлаш ҳозирдаги асосий вазифалардан биридир.

Мулк шаклидан қатъи назар, корхона ва ташкилотлар узларига тааллуқли бўлган маблағлар ҳолатини, уларнинг тўлиқлигини аниқлаш мақсадида йиллик бухгалтерия ҳисботи ва балансини топширишдан олдин тўлиқ инвентаризация ўтказишилари керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 март, 164-сонли «Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи тўғрисида» и Низомни тасдиқланган ҳамда «Бухгалтерия ҳисоб рақамлари тизимини такомиляштириш ҳақида»ги Қарорида кўрсатилғандир.

Инвентаризация ўтказиш ёрдамида тегишли ҳисобдор шахс зиммасида товар ва моддий бойликлар сон ва сифат жиҳатдан ўрганилиб пул ифодасида ҳисоб-китоб қилинади ва натижалари аниқланади.

Юқоридаги қарорга асосан, қўйидаги ҳолларда ашёвий рўйхат (инвентаризация)дан ўтказиш мажбурийдир:

- мулкни ижарага беришда ва давлат тасарруфидан чиқаришда;
- йиллик бухгалтерия ҳисботини тузиш олдидан, ҳисоб йилнинг 1 октябридан сўнг рўйхатдан ўтказилган мулк бундан мустаснодир.

Бинолар, иншоотлар ва асосий воситаларнинг бошқа кўчма объектлари, ашёвий рўйхатдан икки-уч йилда бир марта ўтказилиши мумкин.

Пул маблағлари, ҳужжатлари, бойликлар ва қатъий ҳисбода турадиган расмий иш қофозлари ойида бир марта инвентаризация қилинади.

Ҳар бир тармоқ ўз хусусиятларини ҳисобга олиб, тармоқ ичida инвентаризация ўтказиш тўғрисида йўриқномалар ишлаб чиқиши мумкин.

Инвентаризация ўтказиш учун мулк эгаси, раҳбар маҳсус буйруқ, фармойиш беради. Фармойиш қачон, қаерда инвентаризация ўтказилиши, комиссия аъзоларининг таркиби, моддий жавобгар шахсларнинг исми, фамилиялари белгиланади. Инвентаризация бошланиш ва тутатилиш кунлари кўрсатилади.

Комиссия аъзолари фармойишда кўрсатилган муддатларда инвентаризациянинг бошланишини ва тутатилишини таъминлашлари керак.

Комиссия таркибига мутахассислар, корхонага дахлдор бўлмаган шахслар ҳам киритилиши мумкин.

Инвентаризация ишлари боинанишида моддий жавобгар шахс томонидан инвентаризация ўтказиш, белгилантган кунiga товар ҳисботи тузилади ва унинг биринчи нусхаси комиссия аъзоларига тақдим қилинади. Ҳисобда кирим ва чиқим хужжатлари тұлиқ күрсатилади, құшимча ҳужжатлар йўқлиги тўғрисида моддий жавобгар шахс тилхат ёзиб беради.

Навбатдаги қилинадиган иш, бу кассадаги нақд пулларни санаб чиқиш билан бажарилади, ҳақиқий аниқланган, сотилган товарлар суммасига далолатнома тузилиб, далолатномада нақд пуллар қиймати бўйича алоҳида-алоҳида күрсатилади ва комиссия аъзолари томонидан имзоланади.

Агар кассада пул қийматига эга бўлган қофозлар борлиги аниқланса, улар алоҳида далолатномада күрсатилади.

Инвентаризация ўтказища моддий жавобгар шахс зиммасидаги товар-моддий бойликлар, идишлар, инвентарлар, асбоб-ускуналар тўлиқ рўйхатга олинади.

Товар-моддий бойликлар рўйхати маҳсус инвентаризация варақаларида экс эттирилади. Инвентаризация варақасида комиссия аъзоларининг таркиби, инвентаризация ўтказилётган кун, шу кунги товарлар, идишлар қолдиги товар ҳисботига асосан күрсатилади.

Моддий жавобгар шахс зиммасидаги товар-моддий бойликлар инвентаризация варақасида номма-ном ўз ифодасини топади. Унда товарнинг номи, нави, артикули, баҳоси, миқдори ва суммаси күрсатилади.

Мавжуд товар-моддий бойлик тўлиқ рўйхатдан ўтказилғандан кейин, жами товарлар миқдори ва суммаси ҳисоблаб чиқилади.

Инвентаризация ўтказилғандан сўнг комиссия аъзолари моддий-жавобгар шахслар зиммасидаги (мулк) товар-моддий бойлик тўлиқ инвентаризация варақасида күрсатилади ва комиссия аъзоларига мулк эгаси томонидан эътиrozлар йўқлигини тасдиқлаш мақсадида баённома ёзиб, уни имзолайдилар.

Шундан кейингина инвентаризация натижаларини аниқлаш учун асос яратилади.

Инвентаризация натижаларини аниқлаш тартиби ва расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 марта 164-сонли Қарорида кўрса-

тилган. Қарорда асосан инвентаризация ўтказиш ва бошқа текширувлар вақтида аниқланған ҳақиқий мавжуд мулк ҳамда бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ўртасидаги фарқлар қуйидагича аниқланади: «Ортиқча мулк ва пул маблаглари тегиши мененди равишда молиявий натижаларга ёки маблағ билан таъминлаш (фондлар) ни күнайтириш кирим қилинади, кейинчалик унинг сабаблари ва айбдор шаҳслар аниқланади» (1994 йил 26 март, 164-сонли Вазирлар Маҳкамаси қарори).

Товар ва моддий бойликларнинг тўлиқиғини таъминланада инвентаризация ишларини белгиланған муддатларда сифатли қилиб ўтказиш алоҳида аҳамиятлайдир. Бунинг учун инвентаризация ўтказиш ишларини тартибга солиш, режалаштириш талаб қилинади.

Корхона бош ҳисобчиси ҳар бир ҳисботот йили учун йиллик инвентаризация ўтказиш режасини тузиб чиқади. Режа бевосита корхона раҳбари томонидан тасдиқланғандан кейин кучга киради.

Режа тузишида биринчи навбатда олдинги ўтказилган инвентаризация даври, натижалари бош ҳисобчи томонидан ўрганилиб чиқылади, чунки ўтказилган инвентаризацияларнинг сифати натижаларини аниқлаш тўлиқ бош ҳисобчи зиммасига юклантандир.

Инвентаризациялар ўтказиш режасида ҳар бир моддий жавобгар шахс фаолияти ўз ифодасини топиши керак. Режа тасдиқланғандан кейин у фақат бош ҳисобчидан сақланади ва бошқа ходимлардан сир тутилади. Инвентаризация ўтказилдиган объектнинг муддати келганда бош ҳисобчи бу тўғрида ташкилот раҳбарига ахборот бериб, инвентаризация ўтказиш тўғрисидаги фармоийш тайёрланади.

Инвентаризация ўтказиш ишларини режалаштириш, иш фаолияти самарадорлигини оширишга ёрдам беради, товар ва моддий қийматликлар ҳолати бўйича ҳисботларни белгиланған муддатларда топширилишини таъминлайди.

Инвентаризация ўтказиш режасининг бажарилими устидан назорат бош ҳисобчи зиммасига юклатилгандир. Инвентаризация ўтказиш режасида бухгалтерия ҳисоби, ҳисботи ва баланс моддаларининг тўғрилигини таъминлаш мақсадида йиллик инвентаризация ўтказиш ишлари ҳам ўз ифодасини топади.

Инвентаризация ўтказишдан асосий мақсад, биринчидан, моддий жавобгар шахсларнинг иш фаолиятини назорат

қилиш бўлса, иккинчидан улар, зиммасидаги товар-моддий бойликларнинг тўлиқлигини таъминлашдир. Ҳар бир моддий жавобгар шахс ўз зиммасидаги бойликларни тўлиқлигини таъминлаш бўйича корхона бухгалтериясига белгиланган мулдатларла ҳисобот топширадилар. Ҳисоботда асосан кирим ва чиқим ҳужжатлари кўрсатилади.

Инвентаризация ўтказинча моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботи, ҳисоб кўрсаткичларидаги ёзувлар, товар-моддий бойликларнинг ҳақиқий ҳисоб-китоб қилинганлиги тўғрисидаги инвентаризация ва рақасидаги маълумотлар бир-бири билан таққослангандагина натижаларини аниқлаш имконияти яратилади. Инвентаризация ўтказиш давомида моддий жавобгар шахс зиммасидаги товар-моддий бойликлар инвентаризация ва рақасида товар-моддий бойликнинг номи, артикули, нави, миқдори баҳоси ва суммаси кўрсатилади. Инвентаризация тўғрик ўтказилиб, барча товар-моддий бойликлар сифат жиҳатидан тағабба жавоб беради, деб хулоса қилинадиган каби инвентаризация натижаларини аниқлаш учун шароит яратилади.

Инвентаризация натижаларини аниқлаш учун ҳақиқий ҳисоб-китоб қилинган товар-моддий бойликларнинг умумий суммаси ҳисоб кўрсаткичларидаги ёзувлар билан таққосланади. Бунинг натижасида (ҳақиқий) моддий жавобгар шахс зиммасидаги товар-моддий бойликлар суммаси ҳисоб кўрсаткичларидаги ёзувлардан фарқ қиласа, яъни кам чиқса, инвентаризация натижасида камомад, кўп чиқса ортиқча, деб ҳисобланади.

Ҳар икката ҳолатда ҳам инвентаризация натижалари даюлатнома билан расмийлассирилади. Даюлатномада товар-моддий бойликларнинг ҳисоб кўрсаткичи бўйича фарқнинг келиб чиқини сабаблари, суммаси кўрсатилади. Агар аниқланган камомад суммаси бевосита моддий жавобгар шахс томонидан, деб ҳисобланса ва бу тўғрида моддий жавобгар шахснинг роилик хоти бўлса, ундан ундириб олиш чоралари кўрилади.

Моддий жавобгар шахслар томонидан келтирилган камомад суммаси амалдаги қонунга асосан ундирилиб олинади.

Моддий жавобгар шахслар томонидан келтирилган камомад суммаси бухгалтерия ҳисобида қўйидагича ёзувларда кўрсатилади:

Дебет «Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоб қилишлар» счётининг «Моддий зарарни қоплаш бўйича ҳисоб-китоб қилишлар» субъекти;

Кредит «Товарлар» ёки «Материаллар» счети.

Агар келтирилган камомад суммаси бўйича моддий жавобгар шахс аниқланмаса, айбдор шахс аниқлангунча камомад суммасига;

Дебет «Бойликларнинг ишдан чиқиши натижасидаги камомадлар ва йўқотишлар» счети;

Кредит «Товарлар» ёки «Материаллар» счети, деб бухгалтерия ёзуви берилади.

Айбдор шахс аниқлангандан кейин унинг зиммасига келтирилган камомад суммаси қўйилади.

Моддий жавобгар шахс томонидан келтирилган камомад суммаси тўлангандан:

Дебет «Касса» счети.

Кредит «Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоб қилишлар» счетининг «Моддий зарарни қоплаш бўйича ҳисоб-китоб қилишлар» субъекти, деб бухгалтерия ёзуви берилади.

Агар ўтказилган инвентаризация натижаларига асосан товар-моддий бойликларининг ортиқчалиги аниқланса, ортиқча чиқсан товар бойликлар киримга қабул қилинади ва қуидаги бухгалтерия ёзувларида кўрсатилади.

Дебет «Товарлар» ёки «Материаллар» счети.

Кредит «Фойда ва зарарлар» счети.

Юқоридаги ёзувлар ортиқча чиқсан товарлар суммасининг сотиб олиш суммасига берилади. Бир вақтнинг ўзида ортиқча чиқсан товарлар суммасининг сотиб олиш ва сотиб баҳолари ўртасидаги фарқ суммасига, дебет «Товарлар» счети, кредит «Савдо устамаси» счети, деб, ёзув берилади.

Аудитор томонидан товар-моддий бойликларнинг тўлиқлигини таъминлаш мақсадида инвентаризация ўтказилар экан. Биринчи навбатда моддий жавобгарлик тамоилиларига риоя қилиниши бу тўғридаги низом ва йўриқномаларнинг бажарилишига қатъий риоя этиш талаб қилинади.

Агар аудитор ўтказилган инвентаризация натижаларининг тўғри аниқланганлиги ва уларнинг хужжатлар билан тўғри расмийлаштирилганлиги текширилаётган бўлса, у ҳолда инвентаризация ўтказиш варақаларидағи ёзувлардан тузилган далолатномалар тўғрилиги текширилиб чиқилади. Текширишда инвентаризация ўтказиш тўғрисидаги буйруқлар натижаларини акс эттирувчи хужжатлар, таққослаш ведомостлари ва унда кўрсатилган натижалар асос қилиб олинади.

Аудиғ томонидан үтқазылған инвентари үзия натижалары түгри аниқланғанлығы текширилір экан, асосий зерттеуден мөддий жағобғар шахслар томонидан түзилған ұисабет күрсәткічләри билан таққосланишича, аниқланған камомад за ортиқча чиқып натижалары за уларнинг келиб чиқыш сабибларини аниқлашта қартиш керак.

Алар үтқазылған инвентаризация натижаларыга асосан товар-мөддий бойыншаларнинг кам чиқыш ҳоллары аниқланған бўлса, аудитор бу түғриданги бухгалтерия ёзувларининг түрлиигини, ундириб олиш имкониятларини таҳлил қилиб чиқыти керак.

II БОБ

АУДИТ МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА АНДОЗАЛАРИ

2.1. Аудит методологияси ва андозаларининг мақсади, вазифалари

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар иқтисодиётни эркинлаштиришга, аҳоли турмуш тарзининг яхшиланишига қаратилгандир. Республикада амалга оширилган мулкчилик шакллари ва ундан кутилаётган иқтисодий самара шундан иборатки, истеъмол бозорини товар билан тўлдириб бориц, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш ва рақобат мұхитини яратишта қаратилгандир. Юқоридаги вазифаларни бажариц, биринчи навбатда мулкнинг тўкинлигини таъминлаш, кам харажат қилиб, тежамкорлик асосида фаолият кўрсатишини талаб қиласди.

Мулк тўкинлигини назорат қилиш тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади. Аудит назорати хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тўғри баҳолашда хизмат кўрсатувчи муассасаса сифатида олиб борилади.

Аудитнинг зарурати, биринчидан, ҳисоблаб бериц имкониятларидан келиб чиқса, иккинчидан, мулк шаклидаги ўзгаришлар билан боғлиқдир. Аудит назорати ёрдамида хўжалик фаолиятида эришилган ютуқ ва камчилик, нуқсошлиарни бартараф қилиш имконияти яратилади.

Аудитни тўғри ташкиллаштиришда аудит андозани риоя этиш талаб қилинади. Андозалар ёрдамида аудитнинг сифати ва ишончлилиги таъминланади. Аудит андозаларида аудиторларни тайёрлаш тартиби аудит назоратини ўтказиш учун талаблар белгиланади.

Аудит андозалари ёрдамида текширув сифатига алоҳида аҳамият берилади. Ўзбекистон Республикасида аудит назоратини ўтказишида Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган

ва Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган аудит миллий андозалари алоҳига аҳамиятлиdir.

Ўзбекистон Республикаси аудит миллий андозасининг З-сони «Аудитни режалашириш»га (14 май 1999 йил, №54) багишлангандир. З-сонли «Аудитни режалашириш» миллий андозасида текширув ишларини режалаштириш, аудит назорати ишларини таътифга солиш, аудит назорати бўйича дастур ишлаб чиқариш масалаларига қаратилгандир.

4-сонли «Мижоз фаолияти билан текширув» миллий хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ўрганиш, ҳисобот кўрсаткичлари таркиби, мижознинг молиявий ҳолати ва натижалари билан танишув тартиби кўрсатилган.

Аудит ишларининг тўғри ташкил қилиниши аудитор иш фаолиятининг тўғри тақсимланишига олиб келади. Аудитор иш фаолиятининг сифати, биринчи павбатда, андозаларда кўрсатилган мезонлар асосида ташкил қилиниши керак. Аудит андозалари иқтисодиётдаги ўзгаришлар, фойдаланувчиларнинг эҳтиёжлари билан вақти-вақтида ўзгариб туриши мумкин. Бу ҳолат аудит методологиясига ҳам тегишли ўзгартиришлар киритилишига олиб келиши мумкин. Аудит методологиясини тўғри ишлаб чиқилиши биринчидан, назорат ишлари таъсир кучини оширса, иккинчидан, ўтказилган аудит сифатини белгилаш учун асос ҳисобланади.

Аудит андозаларига риоя қилиш – назорат ишларida иммий ютуқларни ҳамда уни такомиллантириш билан боғлиқ, амалий ишларни ишлаб чиқарishга жорий этиш имконини беради. Республикаизга чет эл инвестицияларининг кириб келиши ҳамда корхоналарнинг ташкил қилиниши, мизлий аудиторлик андозаларининг халқаро андозаларта мос келишини тақозо қилган ҳолда ишлаб чиқишиган бўлиб, унга риоя этиш аудитни халқаро талабларини бажаришга олиб келмоқда.

Аудит методологияси ва андозалари халқаро тизимда ҳам ўзининг муаммо ва ечимларини биргаликда ҳал қилинишига тегишли фирма ва амалиётчилар томонидан ўрганилиб чиқилмоқда.

Аудит андозалари ёрдамида аудиторнинг иш фаолиятини тартибга солиш билан бирга текширишнинг мақсади, жавобгарлик томонлари ўрганилади. Андозалар ёрдамида назорат ўтказиш давомида амал қилинадиган қоидаларга риоя

этиш талаб қилинади. Аудит андозаларида назорат ўтказишдаги ҳужжатлардан фойдаланиш тартиби ҳам кўрсатилади.

Аудиторлик фаолиятида кўлланниладиган усуллар, қондадар мавжуд бўлиб улардан фойдаланиш тартибига риоя этиш аудитордан талаб қилинади. Шунинг учун аудиторлик текширувида бухгалтерия ҳисобида акс этирилган маълумотларга, шу жумладан, счетларда хужалик операцияларининг тўгрилигини ҳисобот кўрсаткичлари бир-бирига мос келишига шоҳида эътибор берилади.

Айрим ҳолларда ҳисоб кўрсаткичлари билан ҳисобот кўрсаткичлари ўртасида фарқ суммалари келиб чиқиши мумкин. Мисол учун, «Давр харажатлари» счетидаги ёзулар билан давр харажатлари ҳисоботида фарқ бўлини табиий, чунки харажатлар сотилган ва қолган товарларга тақсимланган ҳолда ҳисоботда «Давр харажатлари» счетининг қоллиғи сифатида кўрсатилади.

Аудит назоратини тўгри ташкил қилишида иш ҳажмини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Иш ҳажмини тўгри белгилаш аудиторлик назоратининг самарадорлигини оширади. Аудит ишларини олиб бориш тегишли режани талаб қиласди. Бу режада аудитор ўз иш фаолиятини тартибга солади, барча маълумотларни тұнлаш, умумлаштириш, текширув якунларини тайёрлашта асос яратади.

2.2. Аудит андозаларига қўйиладиган талаблар

Аудиторлик фаолиятининг сифати, ишланганлити ва улар учун белгиланган (қабул қилинган) андозаларнинг талабларидан келиб чиқади.

Аудит андозаларига риоя қилиш, текшириш натижалариининг кетма-кетлигини, сифатини, самарадорлигини таъминлайди. Аудит андозалари иқтисодий фаолиятини ўрганган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, унга риоя қилиш аудитор этикаси, мижоз олдидаги мажбурияти, ҳукукий вазифаларини аниқлашда ҳам яқиндан ёрдам беради.

Аудит андозаларига асосан маҳсус аудиторларни тайёрлаш бўйича дарсларни ташкил қилиш тадбирлари белгилайди.

Аудит андозалари асосида аудитни ўтказиш методологиясига риоя қилиш белгиланади. Аудит андозаларини ишлаб чиқишида ва жорий қилишда халқаро тажрибадан ўтган аудит мақомлари ҳисобга олинади. Республикамизга чет эл инвес-

тицияларининг кириб келиши, құшма корхоналарнинг бар-
но қилиниши аудит халқаро андозаларига риоя этиш ва
құллашни тақозо қылмокқда, зарурияти ошиб бормоқда.

Асосан аудит андозалари билан 1997 йилда ташкил
қилинган бухгалтерларининг халқаро федерацияси шуғулла-
нади. Бу ташкилот ҳузурда аудиторлик амалиёти комитети
ташкил қилинган бўлиб, унинг асосий вазифаси аудит иш-
ларини тақомиллаштиришга қаратилгандир. Дунёдаги кўп
давлатлар халқаро аудит андозаларини миллий андозалар
шакли сифатида қабул қилишган. Ҳозирги кунда Ўзбекис-
тон Республикасида бухгалтерия ҳисоби миллий андозалари
ишлаб чиқилган бўлиб, аудит андозалари ишлаб чиқишига
шароит яратилди, деб ҳисоблаш мумкин.

Аудит ўтказищдан асосий мақсад амалга оширилган хўжа-
лик операцияларининг, хўжалик фаолиятининг амалдаги
қонунларга, белгиланган низом ва йўриқномаларга мос кели-
шини таъминлашдан иборатдир. Бу вазифани ҳал қилиш ауди-
тордан юқори малакани, қасб-маҳоратини талаб қилиш билан
бирга, аудит ўтказилаётган корхона фаолияти бўйича етарли
ва керакли маълумотлар билан таъминланиб бориши керак.

Аудит ўтказишга тайёргарлик кўриш – бу назорат тайёр-
гарлигини ошириш, ишни сифатли бошқариш билан бирга,
хўжалик юритувчи субъект фаолиятини бошқариш услуби қан-
дай ташкил қилинганини ўрганиш алоҳидаги эътиборидир.

Аудит ишларини ўтказишга тайёргарлик, биринчи нав-
батда, аудитор ўз режасини тўғри, аниқ тузган бўлиши ке-
рак. Режада бошқариш услуби, ички назорат ҳолати, назорат
натижалари, ҳисоб ва ҳисбот кўрсаткичларининг бир-бири
билан боғлиқлиги, қабул қилинган қарорларнинг бошқари-
лиши, корхона фаолияти ҳар томонлама таҳлил қилинган
ҳолда кўрсатилган бўлиши керак.

Аудитор тегишли корхонада аудит ўтказиш учун тайёр-
гарлик кўрар экан, асосий эътиборни қуйидагиларга қарат-
ган ҳолда ўз тайёргарлигини кўради:

1. Аудит ўтказилаётган корхона тўғрисида тўлиқ маълу-
мот тўплаш;
2. Мақсад, вазифаларни тўғри белгилаб олиш;
3. Ички назорат ҳолатини ўрганиб чиқиш;
4. Ҳисобот кўрсаткичларини иқтисодий таҳлиллардан
ўтказиш.

Умуман олганда, аудит тайёргарлик кўриш аудитор ва мижоз томонидан ташкил қилинса, иқтисодий ҳамкорлик янада мустаҳкамланади. Мижоз томонидан тайёргарлик ишларига тегишли хужжатларни аудиторга тайёрлаб бериш, уларни кетма-кетлигини сақлаш, ўтказилган йиғилиш қарорларини тайёрлаш, турли корхоналар билан олиб борилган ҳисобкитобларни тасдиқловчи хужжатлар тайёрлаб қўйинлиши керак. Аудитор ва мижознинг тайёргарлик ҳолати текширишини сифатли ўтказилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ти Конуннинг 2-моддаси, 2- бандидан «Аудиторлик фирмаси – юридик ва жисмоний шахс томонидан тузилган, белгиланган рўйхатдан ўтказилган, ўз уставига кўра фаолият соҳаси аудиторлик хизматлари кўрсатишдан иборат бўлган корхонадир», деб белгиланган.

Аудиторлик фирмалари ўз уставига биноан фаолият кўрсатадилар, бунинг учун фирма давлат рўйхатидан ўтган ва лицензияга эга бўлиши шарт. Аудиторлик фирмалари мижоз билан иш фаолиятини шартнома асосида олиб борадилар. Фирма ўтказилган текширишларнинг сифати учун жавобгардир. Аудиторлик фирмалари билан тузилган шартнома асосан бухгалтерия ҳисобини юритиш, ҳисботлар ҳолати, ҳисботларни амашдаги қонунлар асосида тузилганлигини текшириб, бу тўтида ташкилот раҳбарига аниқданган камчиликларни маълум қиласи.

Корхона ва ташкилот раҳбари, бош бухгалтерлари текширув ўтказиш учун аудиторга молиявий ҳолати билан боғлиқ хужжатларни тақдим қиласи. Аудиторлик фирмалари ўз иш фаолиятини асосан қўшма, ижара, ҳиссадорлик жамиятлари, концепцияларда, яъни юқори ташкилоти бўлмаган корхоналарда олиб борадилар. Иш фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ идорасининг кўрсатмалари асосида ташкил қиласи ва улар билан яқиндан əлоқада иш олиб боради.

Аудиторлик фирмасига раҳбарлик қилиш таъсис этувчилар томонидан тайинланади, фирма иш фаолияти бўйича жавобгар, деб ҳисобланади. Аудиторлик фирмасининг иш фаолияти бевосита фирма директори томонидан олиб борилади. Фирма директори мижоз билан шартномалар тузади, ходимларнинг иш фаолиятини назорат қиласи, иш режаларини тасдиқлади, яъни аудиторлик фирмасининг иш фаолиятини бошқаради.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тұғрисида»ғи Қонуннинг 5-моддасыда : «Аудиторлик ташкилоти аудиторлик фаолиятini амалға ошириш лицензиясига эга бўлган юридик шахсdir. Аудиторлик ташкилотлари ўз фаолиятini амалға оширишда мустақилdir. Аудиторлик ташкилотлари, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари томонидан тузиши мумкин эмас . . . », деб белгиланганди.

Аудиторлик ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Аллия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Аудиторлик фаолиятini амалға ошириш мустақил ҳисобланар экан, бу фаолият ўз ишининг мутахассиси, билимдони, ҳисобкитоб ва ҳисбот ишларини мукаммал эгаллаган ходимлар томонидан олиб бўрилиши амалдаги қонунда кўрсатилганди.

Аудитор бухгалтерия ҳисоби, молия, кредит хўжалик фаолияти таҳдили каби фанларни билиш билан бирга амалдаги Қонун ва Низомларнинг қўлланиш даражасига алоҳида эътибор берини лозим. Шунинг учун ҳар бир аудиторлик фирмаси ва аудитор тегишли малака сертификатига эга бўлиши керак. Аудиторлик лицензияси (гувоҳномаси) маҳсус ваколати бўлган давлат органлари томонидан берилади. Аудиторлик лицензияларини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Аудиторлик фаолияти билан шугулланиш ҳукуқини олиш учун мутахассислик бўйича имтиҳонлар ўқув-методик марказларидан ўтказилади.

Мустақил ишлаётган аудиторлар ва аудиторлик фирмалари аудиторлик фаолияти билан фақат амалға ошириш ҳукуқини берувчи лицензияни олганларидан кейингина шугулланишлари мумкин.

Аудит ишларини тартибли, сифатли ўтказиши, белгиланган муддатларга риоя қилиши биринчи навбатда мижоз билан аудиторлик фирмаси ўртасида тузилган шартномада ўз ифодасини топган. Шартнома шартларини бажариш учун ҳар икки томон ҳам манфаатлидир ва амалдаги қонунларга асосан жавобгардир. Кўл ҳолларда мижоз билан аудиторлик фирмалари ўртасида тузилган шартномалар асосан фирманинг имтиёзларига алоҳида аҳамият берилади, яъни мижоз ўз ҳукуқини ҳимоя қилишдан етарли фойдалана олмайди, шунинг учун шартнома шартларининг бажарилишига салбий тасир кўп ҳолларда мижозлар зиммасига юклатилади.

Аудиторлик фирмаси шартномага асосан мижозга аудит ўтказишга ўз розилигини ёзма равишида билдиради. Розилик хатида Ўзбекистон Республикасида амал қилинаётган қонунлар асосида ўтказилишини кўрсатиб ўтади.

Аудитор ишининг сифатини бевосита аудитор фирмаси раҳбари назорат қилишни ташкил этади. Назорат қилишда асосий эътибор аудитнинг иш дастури назоратидан бошланади. Дастурнинг тўлиқ бажарилганини таъминлаш аудитордан юқори савияни, малакали ахлоқий ваколатларга риоя қилишни талаб этади.

Аудитор ишини давлат идоралари томонидан назорат қилиш амалдаги қонунларда белгиланган.

Аудиторнинг иш тажрибаси, аудит ўтказишда алоҳида аҳамиятлидир, шунинг учун корхона раҳбари, хўжалик юритувчи субъектлар аудиторлик фирмалари билан шартнома тузишда ҳар бир фирма фаолияти, ундаги аудиторларнинг иш фаолияти билан таъишиб чиқкан ҳолда иш кўришлари керак. Аудиторни танлашдан олдин, аудитор қандай масалаларни ҳал қилиш топчириқларини белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Агар аудиторга юклатилган вазифа, бошқа ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ ёки солиқ органлари билан иш кўриш хусусида бўлса, унда аудитор шу органлар билан баҳслаша оладиган, бу тўғридаги қонун ва низомларни аниқ биладиган аудиторни танлаш мақсадга мувофиқдир.

Аудиторни танлашда, биринчи навбагда, бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ҳолати қандай юритилиши тўғрисида аниқ фикрга эга бўлиш аудитор ишининг тез ва сифатли бўлишини таъминлайди.

Иккинчидан, иш ҳажми, албатта, алоҳида аҳамиятни талаб қиласди. Агар корхона фаолиятини тўлиқ аудитдан ўтказиш талаб қилинса ҳамда йирик, бу соҳада тегишли тажрибага эга бўлган аудитор фирмаларининг аудиторини танлашда мақсадга мувофиқдир.

Аудит назоратини ташкил қилиш, олиб бориши андозалар ёрдамида тартибга солинади.

2.3. Аудит ишларини режалаштириш

Аудиторлик ишлари самарадорлиги бевосита мижозларга кўрсатилган хизмат турларини сифатли, ўз вақтида бажарилишига боғлиқдир. Аудиторлик фирмасининг умумий иш

фаолиятини ривожлантиришда мижознинг ҳолати, тузилган шартномаларнинг белгиланган муддатларда бажарилиши ҳисобга олинади.

Аудит ишларини режалаштиришда аудиторнинг иш фаолияти тўлиқ назорат қилинса, иккинчидан, аудит ишларини зикрлаш учун шароит яратилади, учинчидан, текшириш ўтказиладиган корхона тўғрисида иқтисодий маълумотлар билан таниниб бориш имконияти яратилади. Аудит ўтказини режаси тузилгаётган корхонанинг хўжалик фаолиятини ўрганин, таҳлия қилиш тартиби аудит хуносасини ёзиш каби ишлар ҳисоби олиниб, аудит мулдатлари билан таққосланиб чиқилади.

Режалаштириш асосида мижознинг иқтисодий маълумотлариизи йиғиши, ички аудит назорати хизматини ўрганинга имконият яратилади.

Аудит ишларининг тўғри ташкил қилинишида, режалаштиришга алоҳида аҳамият бериш керак.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган З-сонли «Аудитни режалаштириш» миллий андозасида режалаштиришнинг мақсади, вазифалари белгилаб берилган.

Аудит ишларини режалаштириш назоратнинг бошлангич даври ҳисобланиб, унда бажариладиган ишлар ҳажми, назорат режаси ва дастурларига алоҳида аҳамият берилади.

Аудит ишлари режалаштирилаётганда аудитор томонидан кўрсатиладиган хизматларга (консалтинг) эътибор қаратилади.

Аудит назоратининг таъсир кучини ошириш мақсадида аудит ташкилоти (фирмаси) корхона раҳбари билан режатопшириқларини олдиндан режалаштириш, назорат ўтказиладиган корхона фаолиятини тўлиқроқ ўрганиш имконини беради. Шу билан бирга корхонани бошқариш-ташкилий тузвизмаларини, ишлаб чиқариш ҳолати ва маҳсулот турларини ўрганиш, капитал маблағлар ҳолатини таҳлил қилиш, тўлов қобилиятини ўрганиш учун асос яратади.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунда мажбурий ва ташаббус тарзида аудиторлик текшириш ўтказиш (кўзда тутилган) белгиланган. Қонуннинг 11-моддасида: «Ташаббус тарзида аудиторлик текшириув хўжалик юритувчи субъектнинг ёки бошқа аудиторлик текшириув «Буюртмачи»ларнинг қарорига биноан, қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда ўтказилиши мумкин», деб белгиланган.

Аудит назоратини түгри танкил қилиш фаолият давомида, бажариладиган иш ҳажмини түгри аниқлаб олишда, мижоз фаолияти бүйича түгланган маълумотларни таҳдил қилиш, ички назорат ҳолатини ўрганинга шоҳида аҳамият беради.

Аудит ишларини режалаштиришдан олдин, аудитор мижозларининг молиявий ҳолатини, олдинги аудиторлик фирмаси билан бўлган муносабатлари түгрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиши керак.

Хўжалик юритувчи субъект фаолияти мажбурий ёки ташаббус тарзида аудиторлик назоратидан ўтказиш учун аудиторлик фирмаси билан текнинги ўтказиш түгрисида шартнома тузадилар.

Аудиторлик фирмаси билан мижоз ўртасидаги шартнома тузишдан олдин бажариладиган иш ҳажми, аудит муддати, тўлов суммаси кўрсатилади.

Аудиторлик текширувининг самараси мижоз билан фирма ўртасидаги муносабатларнинг түгри баҳоланишига ҳам боғлиқ бўлади.

Аудиторлик назоратининг таъсир кучи, биринчидан, хўжаликда амалга оширилган операцияларининг амалдаги қонун, йўриқномаларга түгри келишини таъминлаш бўлса, иккинчидан, уларнинг хўжалик фаолияти билан боғлиқлигини аниқлашдир, учинчидан эса корхонанинг молиявий ҳолатига иқтисодий баҳо беришдир.

Иқтисодий маълумотлар йигишда мижоз билан аудиторлик фирмаси ўртасида тузилган шартнома шартида қандай хизмат кўрсатиш келишилганлигига боғлиқдир. Агар мижоз билан узоқ муддатли шартнома тузилган бўлиб, иш олиб борилса, аудитор корхона фаолияти түгрисида тегишли маълумотларга эга бўлиб боради.

Аудит ўтказишдаги иқтисодий маълумотларни түгри танлаш аудитордан амалдаги маълумотни талаб қиласди, чунки маълумотлар иқтисодий мазмунга қараб ҳам туркумланади.

Мисол учун, таннархга бевосита киритиладиган харажатлар, тақсимлаш йўли билан ўтказиладиган харажатларга ёки бўлмаса фойда ҳисобидан қопланадиган харажатлардан иборат. Шунинг учун аниқдаш назоратида харажат турларига алоҳида эътибор бериш керак. Ҳар бир харажатни түгри расмийлаштиришга, бухгалтерия рақамларидаги ёзувларнинг тўғрилигини текширишга аҳамият бериш лозимдир.

Аудит назоратида иқтисодий маънумотларни умумлаштириш, якка тартибда текшириш тараб қилинади. Иқтисодий кўрсаткичлар умумлаштирилганда факат бир турли кўреагичларга эътибор берилади.

Мулк шаклидан қатъи назар корхона, ташкилотларнинг или фаолияти бевосита ўзаро ҳисоб-китобларни ташкил қилиш, юритиш, товар-моддий бойликларининг тўлиқлнгини тъминлаш, молиявий ҳолатини яхшилаш каби вазифаларни бажара бориб, ишлаб чиқариши кенгайтириш учун асос яратадилар.

Ҳар бир корхона фаолиятида бошқарипни тўғри ташкил қилиш, биринчидан, ҳаражатларни камайтиришга, ўз навбатида маҳсулот таннархини арzonлаштиришга, фойдани кўпроқ олишга тўғри келади.

Корхонанинг молиявий ҳолатини яхшиланишида ҳисоб кўрсаткичларининг тўғрилиги, хўжалик операцияларини ҳужжатчар билан ифодалашга алоҳида эътибор берилади, чунки турли кўринишдаги талон-тарожлик, асосан нотўғри ҳужжатлаштириш оқибатида содир бўлади. Аудит назорати ёрдамида йўл қўйилган камчиликлар ва хатоларни бартараф қилиш имконияти яратилади. Аудитнинг асосии мақсади, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлидигини аниқлаб беришdir. Аудитор ва аудиторлик фирмалари факат тижорат структуралари эмас, балки давлат органлари билан ҳам ўзаро ҳамкорликла фаолият кўрсатади.

Аудитор ва аудиторлик фирмалари суд-тергов органларининг талабларига биноан ҳам (фаолият) хизмат кўрсатадилар. Бунинг учун аудиторлик фирмаси суд-тергов органи билан шартнома тузали. Шартномада бажариб берилиши лозим бўлган иш ҳажми, муддати, шартнома суммаси кўрсатилади.

Аудитор суд-тергов органларининг талабига биноан иш олиб борар экан, бу ҳолда тергов органи аниқ бир корхонада аудит назоратини ўтказиш тўғрисидаги қарорига асосланган бўлиши керак. Қарорда аудитдан ўтказиладиган ишларнинг мазмуни, аудиторлик фирмасининг номи, лицензия санаси, аудиторнинг исми-фамилияси кўрсатилади. Назорат давомида қилинадиган ишлар ҳажми, терговчи томонидан белгиланади.

Агар аудиторлик назорати суд-тергов органларининг қарорига асосан ўтказилаётган бўлса, текширишда тергов вакиллари иштирок этади. Аудит текшириш давомида бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш, чоралари кўрилган бўлиши керак. Бу-

нинг учун алоҳида хона, сейф билан таъминланиши керак. Иш вақти тугагандан кейин хона ва сейф мухрланиши керак.

Аудитор томонидан тузилган далолатномаларни аудиторлик фирма раҳбари, аудитор, корхона бош бухгалтери ва моддий жавобгар шахслар имзолайдилар. Текшириш якуни бўйича ёзилган далолатномада аудиторнинг фикр ва мулоҳизалари кўрсатилмайди. Аниқданган камчилик, камомадлар бўйича аудитор ҳар бир моддий жавобгар шахслардан тушунтириш хатларини талаб қиласди ва улар далолатномага илова қилинади. Текшириш натижасига кўра, бухгалтерия хужжатларини соҳталашибтириш ҳоллари, айниқса, бундай хужжатлар далолатномага илова қилинади ва бундай соҳта хужжатлар рўйхати тузилиб, терговчи томонидан тасдиқланади.

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасида: ҳар йили аудиторлик текширувидан ўтадиган корхона ва ташкилотларнинг манбалари кўрсатилган. Мажбурий аудиторлик текширувининг «Буюртмачи»си хўжалик юритувчи субъект ҳисобланиб, аудиторлик ташкилотини ташлашда акциядорларнинг умумий йигилишида бу масала келишиб олинади. Мажбурий аудиторлик текширувини ўтказишидан бош тортиш, амалдаги қонунга асосан тегишли жарималарни ундиришга олиб келиши мумкин.

Давлат тасарруфида бўлган корхоналар билан нодавлат корхоналар ўртасидаги аудиторлик фаолиятини олиб боришида бир қатор үхашашликлар, фарқлар келиб чиқади. Нодавлат корхоналарда аудиторлик назоратини ташкил қилиш бевосита хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади, назоратни ўтказиш аудиторлик фирмаси билан мижоз ўртасидаги тузилган шартномага асосан амалга оширилади.

Давлат тасарруфидаги корхоналарда тафтиш ўтказиш амалда кўлланилиб келмоқда. Тафтиш ўтказиш бўйича йиллик режа, яъни тафтиш ўтказиш режаси тузилади ва юқори ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади. Режада тафтиш ўтказиш муддатлари, тафтишчининг исми, фамилияси кўрсатилади.

Давлат тасарруфидаги корхона ва ташкилотларда аудит ўтказиш давлат идораларининг топшириғига кўра ўтказилади. Кўп ҳолларда аудиторлик текшируви давлат корхоналарида тергов органларининг талаби билан ўтказилмоқда. Агар аудиторлик текшируви тергов органларининг топшириғи билан ўтказиладиган бўлса, бу тўғрида прокурор санкцияси бўлиши шарт ва муддати 2 ойдан ошмаслиги керак.

Аудит текшируванинің үтказиш билан бөгөлік қаржатлар бевосита текшириш үтказилаётгандың ташкилот томонидан тұланағы. Суд-тергов органларининг талабига биноан, аудиторлық текцириуvida эксперктар хизматидан фойдаланнан мақсадға мувофиқдір. Масалан, аудит текширувала суд-бухгалтерия экспертизаси хизматидан фойдаланыш ижобий самара беради.

Күп ҳолларда бухгалтер-эксперт функциясын аудитор баражиши мүмкін. Үтказилаётгандың текширув нәтижаларини түрі аниқтаниши, уни амалдаги қонунларға мөс ҳолда олиб бориш аудиторнинг қонун олдидеги маңыздылығын янада оширади.

Суд-тергов органлари талабига биноан, аудиторлық назорати амалдаги қонуннинг маълум бир моддасыға асосланған ҳолда үтказилади.

2.4. Аудиторлық назоратиниң үтказиш түгрисінде шартнома түзіш тартиби

Аудит назоратиниң ташкил қилиш, үтказиш, нәтижаларини аниқлаш бевосита аудиторлық фирмаси билан міжоз үртасыда түзилған аудит үтказыш түгрисидеги шартномасы асосан олиб борилади. Аудитор үз фаолиятини тасдиқланған реже асосида олиб боради.

Аудиторнинг міжоз олдидеги мажбурияті бевосита шартнома шартларыга асосан аниқланади. Аудитор міжознинг ини фаолияти бүйінчі тегишли кансултация бериши мүмкін, амалта оширилған хұжалик операцияларини корхона фаолияти билан бевосита бөгөлікligini аниқлаб беріши мүмкін.

Аудиторлық фаолиятида бевосита іқтисодий тақдилігі, молиявий ҳолатини аниқлашга алохіда әзтибор берилади.

Аудитор міжоз томонидан түзилған ҳисоботларни түгрілігінің тасдиқлашыда іқтисодий маълумоттарни умумлаштырыш тартибига алохіда әзтибор беріши ва түзилған ҳисоботнинг түгрілігінің күрсатыб беріш керак ва бу түгріда бухгалтерия ҳисоби күрсаткыштарына мөс ҳолда түзилгандығын тасдиқлаши ёки йүл күйінан хатоликларни аниқлаб, уларни бартарап қилиш учун тегишли маслаҳатларини беріши мүмкін.

Мулкчилік муносабатларини ривожлантириши, назорат ициларини ташкил қилиш, үтказиш, нәтижаларини аниқлаш аудиторлық хизматини талаб қиласы. Мулк зөпасынан, хұжалик юритувчи субъектлар, үз фаолиятини түгрі юритишини таъ-

минлаш, хўжалик операцияларини бевосита корхона фаолияти билан ботлиқлигини аниқлашда аудиторлик фирмаларига мурожаат қиласидилар.

Аудиторлик фирмаси ва мижоз ўртасидаги бажариладиган ишлар ҳажми аниқланиб, улар ўртасида шартнома тузилади. Шартнома узоқ мудлатта ёки бир марта аудиторлик назоратини ўтказиш учун тузилган булиши мумкин.

Шартномада аудиторлик фирмасининг номи, «Буюртмачи» ташкилоти номи, раҳбарлари, яъни шартнома тузувчиларнинг исми, фамилияси, бажариладиган иш ҳажми, мудлати кўрсатилади.

Шартномада ҳар иккала томоннинг шартнома шартларини бажаришдаги маҳсулотлари, томонларнинг реквизитлари кўрсатилади

Фикримизнинг даилии сифатида намунавий шартнома мисол тариқасида келтирамиз.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМА

«12» январ 200__й.

Андижон шаҳри

Низом асосида фаолият юритувчи «АУДИТ-СЕРВИС» аудиторлик фирмаси (кейинчалик «ИЖРОЧИ») номидан фирма директори Э.Ж. Мўйдинов бир томондан, Низом асосида фаолият юритувчи «ЧИНОР» ицлаб чиқариш бирлашмаси (кейинчалик «Буюртмачи») номидан унинг директори Б.К. Солиев иккинчи томондан қўйида келтирилган ҳолатларни амалга ошириш учун мазкур шартномани туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1. 1. «Буюртмачи» топширади ва «Ижрочи» мазкур шартномада кўрсатилган ҳажм ва шароитда «Буюртмачи»нинг молиявий хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказишни ўз зиммасига олади.

1. 2. «Ижрочи» мазкур шартнома билан белгиланган фаолиятини фирма Низоми ва Ўзбекистон Республикаси Молия

вазирлиги томонидан 1995 йил 5 май куни берилган 53-сонли лицензия асосида ташкил этади.

2. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. «Буюрмачи»нинг мажбуриятлари:

2.1.1. Компанияни аудиторлик текширувига тайёрлаш бўйича тегинсли тадбирларни амалга ошириш.

2.1.2. Аудиторлик текшируви учун зарур бўлган хужжатларни 1998 йилнинг «16» январигача «Ижрочи»га топшириш.

2.1.3. Зарурият туғилганда аудиторнинг талабига биноан айрим саволларга ёзма равишда тушунириш бериш.

2.1.4. Аудиторни алоҳида хона, иш анжомлари, компаниянинг олисда жойлашган щаҳобчаларини текширувдан ўтказни зарурияти туғилса, автомасина билан тъминлаш.

2.2. «Ижрочи»нинг мажбуриятлари:

2.2.1. Компаниянинг 1997 йил «I» январидан 1997 йил 31 декабригача бўлган молиявий-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиши.

2.2.2. Текширув натижаларига кўра ёзма равишда ҳисбот ва аудиторлик хulosасини тайёрлаш.

2.2.3. Компанияда бухгалтерия ҳисбини юритишни тақомилаштириши ва молиявий ҳисботлар аниқлигини ошириш бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқиши.

2.2.4. Компанияга текширув жараёнида аниқланган ва қонун бўйича жиной жавобгарлик кўзда тутилмаган камчиликларни бартараф қилишда амалий ёрдам бериш.

2.2.5. Текширув жараёнида дастлабки хужжатларни расмийлаштиришда кўпол ҳатодиклар, уларнинг кўпчилигини мавжуд эмаслик, бухгалтерия ҳисбини юритиш, солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш ҳамда ажратмалар қилишда қонундан жиддий тарзда четга чиқиши ҳолатлари аниқлансанча, аудитор «Буюртмачи»га аудиторлик хulosаси ўрнига, бухгалтерия ҳисби ва ҳисботининг ҳолати тўғрисида эксперт хulosасини толширади.

3. ХИЗМАТ ҲАҚИ ВА ТЎЛОВЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг 1.1. банди бўйича «Ижрочи»га топширилган ишнинг баҳоси аудиторлар томонидан сарфлан-

ган иш вақтинг соатлик иш қийматига күпайтирилиб топлади. Соатлик иш қиймати эса 19 рррр йилнинг «рррр» рррррррр да ррррррр та тасдиқланган ва мазкур шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланувчи аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича битим баённомаси бўйича аниқланади.

3.2. «Буюртмачи» шартнома имзолаган вақтдан бошлаб 7 кун ичида «Ижрочи»нинг счетига бўнак сифагида _____-_____ сўм ўтказиб беради.

3.3. «Буюртмачи» «Ижрочи» билан якуний ҳисоб-китобни ишни қабул қилиб олган вақтдан бошлаб 7 кун ичида амалга оширади.

4. ИШНИ ТОПШИРИШ-ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Шартнома якунига кўра тегишли тартибда расмийлаштирилган ҳужжатлар «Буюртмачи»га «Ижрочи» томонидан ишни топшириш-қабул қилиш ДАЛОЛАТНОМАси асосида топширилади.

4.2. «Буюртмачи» ишни топшириш-қабул қилиш ДАЛОЛАТНОМАсини олган вақтдан бошлаб 7 кун ичида уни кўриб чиқиши, эътирози бўлмаса ДАЛОЛАТНОМАни имзолаб, «Ижрочи»га жўнатиши ёки ишни қабул қилишдан бош тортмоқчи бўлса, ўз ҳаракатларини асослаб бериши лозим.

4.3. «Буюртмачи» томонидан ишни қабул қилишдан бош тартиш асосга эга бўлса, «Ижрочи» 7 кун ичида мавжуд камчиликларни бартараф қилиши ва тегишли ҳужжатларга ўзгартириш киритиши лозим.

4.4. Ишни муддатидан ишари бажарилиши ҳолати юз берса, «Буюртмачи» уни муддатидан ишари қабул қилиб олинг ва ишга шартнома баҳоларида ҳақ тўлаш ҳукуқига эга.

5. ТОМОНЛАР МАСЬУЛИЯТИ

5.1. Мазкур шартнома бўйича белгиланган мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли тарзда бажармаслик ҳоллари бўйича «Буюртмачи» ва «Ижрочи» ҳаракатидаги қонунлар ва мазкур шартнома щартларига кўра жавобгардирлар.

5.2. «Ижрочи» аудиторлик холосасида келтирилган маълумотлар орқали «Буюртмачи»га етказган зиёни учун тўлиқ моддий жавобгарликни ўз зиммасига олади.

5.3. Иш давомида «Буюртмачи»нинг ташаббуси билан аудитор хизматидан асосиз тарзда воз кечиш ҳолати юз берса, «Ижрочи»ги ўтказиб берилган бўнак суммаси қайтарилилмайди.

5.4. «Ижрочи»нинг айби билан иш шартномада кўрсатилилган муддатла якунланмай қолса, «Ижрочи» «Буюртмачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 0,2 фоизи миқдорида жарима тўлади.

5.5. Тўлов муддати ва шартлари ҳамда ишни қабул қилиб олини вақти бўйича кечиктириш ҳолларига йўл қўйган «Буюртмачи» «Ижрочи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун умумий тўлов суммасининг 0,2 фоизи миқдорида жарима тўлади.

6. ХУФФИЙЛИК

6.1. Томонлар ўз зинмаларига олган шартноманинг мавжудлиги ва мазмuni ҳамда шу шартнома орқали бир-бирларига берган барча ахборотлар ва маълумотларни сир сақлаш, шартномада иштирок этажтан бирон-бир томоннинг ёзма равишда берган розилигисиз хеч бир маълумотни тўлиқ ва қисман ҳолда учинчи томонга ошкора қўймаслик мажбуриятини оладилар.

6.2. «Ижрочи» текширув жараёнида тўпланган маълумотларни «Буюртмачи»нинг розилигисиз бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас ва аксинча.

6.3. Ушбу шартнома бўйича «Ижрочи»га юқлатилган хуффийлик ва маълумотлардан келишилмаган мақсадларда фойдаланмаслик мажбурияти барчага маълум ҳамда «Ижрочи»нинг айбисиз ошкор бўлган ахборотларга таалукли эмас.

6.4. Ушбу шартнома асосида «Буюртмачи»га берилётган ахборотлар фақат унинг фойдаланиши учун мўлжалланган ва бу маълумотлар «Ижрочи»нинг розилигисиз тўлиқ ёки қисман ҳолда учинчи шахсларга берилиши ёки уларнинг иштироки билан фойдаланишда бўлиши мумкин эмас.

7. КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРИБИ

7.1. Маъкур шартнома асосида қатнашчилар ўргасида юзага келган келишмовчиликлар, музокаралар асосида ечимга эга бўлмаса, унинг якуний ҳолда ҳал қилиниши ҳаракатдаги қонунилар асосида амалга оширилади.

8. ШАРТНОМАНИНГ МУДДАТИДАН АВВАЛ БЕКОР ҚИЛИНИШИ

8.1. Шартномада қартишашёттән исталған томон қуйидаги ҳолаттар юз бергән тақдирда иккинчи томонға ёзма хабар беріши воситасыда шартнома ҳаракатини тұхтатиб қуиши ҳуқуқига эга:

а) томонларнинг бири түлов қобилиятини тұлиқ йүқтесе, унинг тұхтатилиши ёки қайта таңкыл этилиши ҳолати юз берса;

б) томонларнинг бирида фаолият билан анъанавий мұаммоларнинг тұхтатилиши юз берса ёки унинг тұхтатилишига хавф туғылса;

в) томонларнинг бири иккинчи томоннинг розилигисиз шартномага тегишли маълумотларни тұлиқ ва қисман ҳолда учинчи шахсларға фойдаланыштың учун беріши ҳолатига йүл күйса;

г) томонларнинг бирига маънавий ва жисмоний тазийк үтказиш ҳоллари юз берса;

д) аудиторнинг муайян шароитда мустақил бўла олмаслик ҳолатлари юзага келса.

8.2. Мазкур шартноманинг 8.1. бандида күрсатилған ҳолаттар бўйича шартноманинг тұхтатилиш ҳолати юз берса. «ИЖРОЧИ»НИНГ ХИЗМАТ ҲАҚИ УНИНГ ТОМОНИДАН ТУЗИЛГАН ВА ҲАҚИҚАТДА БАЖАРИЛГАН ИШ ҲАЖМИ ҲАМДА УНИ БАЖАРИШ УЧУН КЕТГАН ВАҚТ САРФИ АКС ЭТТИРИЛГАН БИР ТОМОНЛАМА ДАЛОЛАТНОМА асосида «Буюртмачи» томонидан тўланади.

8.3. Ўз навбатида «Буюртмачи» шартномани аудиторлик фирмасининг айби билан тұхтатилиши юз бергән ҳолда кўрган маънавий ва келажакда юзага келиши мумкин бўлған моддий зиёнини қоплашни талаб қилиб судга мурожаат этиши ҳуқуқига эга.

9. ШАРТНОМАНИНГ ҲАРАКАТ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛГОХЛАРИ

9. 1. Шартноманинг ҳаракат қилиш муддати бошланиши 1995 йил 25 феврал – тутатилиши 1995 йил 25 март.

9. 2. Томонларнинг манзилгоҳлари ва ҳисоб варагининг рақамлари:

«ИЖРОЧИ»: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1995 йил 23 майда берилған 53-сонли Лицензияси эгаси «Аудит-Сервис» аудиторлик фирмаси.

Манзилгоҳ: 710002 Андижон шаҳри, Тинчлик кӯчаси 9-
А уй. тел: 25-54-18; 25-76-01.

АТБ «Андижонбанк»даги ҳисоб
рақами: 2021000000184579001,
код: 00083

Директор _____ Э. Мўйдинов м. ў.

Манзил _____

Банк реквизити _____

«Буюртмачи» _____ Х. Исоқов м. ў.

Манзили _____

Банк реквизити _____

2. 5. Аудиторниң мижоз олдидағы мажбурияти

Аудиторлик назоратининг сифати, теклириш натижаларининг ҳаққонийлиги аудиторлик ташкилотининг хизмат күрсатиш маданияти билан боелиқдир.

Мижоз аудиторлик фирмасини танлайди, аудитор мижозни танлайди. Мижоз томонидан аудиторлик ташкилоти танланыстганда асосий эътибор куйидаги ҳолатларга қаратиласди:

- аудиторлик ташкилотининг хизмат күрсатиш маданияти ва тегишли лицензиянинг мавжудлиги;
- аудиторларнинг савияси;
- тижорат сирини ошкор қиласлик.

Мижоз билан аудиторлик ташкилоти ўргасида тузилган шартномада бажарилиши белгиланган шартларни тўғри белгилаб олиш ва унга риоя қилиши ҳар иккала томон учун ҳам аҳамиятлидир. Шартнома шартларининг бажарилишини таъминланган аудиторлик ташкилоти томонидан мижозга бериладиган аудитни ўтказишга розилик бериш тўғрисидаги хатлар ўз ифодасини топали. Розилик хати аудит назорати ўтказилишидан один юбориласди.

Розилик ҳатидан кутилаётган асосий мақсад, биринчидан, аудит обьектларини тўғри аниқлаш бўлса, иккинчидан, аудит ўтказиш режасининг тўғри тузилиши, учинчидан, назорат қилишдир. Розилик хатида мижоз билан аудиторлик ташкилотининг мажбуриятлари алоҳида-алоҳида кўрсатиласди. Аудиторлик ташкилотининг, аудиторниң мижоз олдидағы мажбурияти асосан амалдаги қонун, йўриқномаларга асосланган ҳолда текшириш ишларини ташкил қилинишига айтиласди.

Аудиторлик ташкилотининг мижозга юбориладиган розилик хатининг қисқача шаклини мисол тариқасида келтиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Аудиторлик фирмаси томонидан мижозга аудит ўтказишга розилик хати.

Мижоз (корхона раҳбарига) Сизнинг 24 октябр

200__ йил №__ ли хатингизга

Сизнинг «Шоҳруҳ» ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятингизни молиявий ҳолатини 200__ йил бўйича аудит назоратини ўтказиш тўғрисидаги таклифингиз аудиторлик фирмаси томонидан қабул қилинди.

«Буюртмачи»—корхона билан аудит фирмаси ўргасида аудит назоратини ўтказиш тўғрисидаги шартномаси бўйича аудиторлик хизматларини тўғри баҳолаш алоҳида эътиборлидир. Бажариладиган иш ва хизматлар ҳажмини оширишга ёки пасайтиришга ҳаракат қилиш аудиторлик фирмасининг фаолиятига салбий таъсир қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида аудиторлик хизматлари шаклланган бир пайтда иш ҳажмини тўғри ҳисоблаш зарурдир. Бугунги шароитда аудит назорати бўйича хизмат ҳақини вақтида ташкил қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Аудиторлик текшируванинг Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун асосида ўтказишни таъминлайди. Аудит текшируvida бухгалтерия баланси, унга биринчирилган иловалар, ҳисоб юритиш ҳолати, молиявий натижаларни тўғри аниқланганлиги ўрганилади.

Аудитнинг мақсади 200__ йил учун ҳисоб ва ҳисбот кўрсаткичларининг тўғрилигини аниқлашдан иборатдир.

Аудит текшируви Сизнинг корхонангиз ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилишида, тегишли ҳисоб ва ҳисбот ёзувларини, ҳужжатларини аудитор талабига биноан тақдим қилинишини сўраймиз.

Сизга юборилаётган розилик хати бўйича ўз фикр ва хуносаларингизни сўраймиз.

Аудит фирмаси раҳбари:

Э. Мўйдинов

Аудиторлик ташкилоти томонидан розилик хати берилгандан кейин мижоз ҳақида иқтисодий маълумотларни йиғиш фаолияти бошланади. Мижоз ҳақида маълумотларни йиғишида асосий эътиборни бошқариш ҳисоби тўғрисида, ҳисоб ва ҳисбот маълумотларини тўғри текшириш,

ахборотлар билан таъминланиш даражаси, иқтисодий кўрсаткичлар таҳлил қилиниб борилади.

III БОБ

ПУЛ МАБЛАГЛАРИ, ҲИСОБ-КИТОБ ОПЕРАЦИЯЛАРИ АУДИТИ

3. 1. Пул маблаглари, ҳисоб-китоб операциялари аудитининг вазифалари

Бозор иқтисодиёти бу тежамли, эркин мулк шаклига асосланган иқтисодиётдир. Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришлар уни босқичма-босқич ўтказилиши билан тавланади. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки босқичларидан Президентимиз И. А. Каримов мулкчилик муносабатларига алоҳида эътибор бериб, «биринчи навбатда давлатнинг бошқарув ролини чегаралаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш демакдир», деб белгилаб берди. Бу вазифаларни бажариш ҳар бир мулк эгасидан тежамкорликни, сифатни, маҳсулот ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини таъминлашни таълаб қиласди.

Турли мулкчилик шаклларида корхона ва ташкилотлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни, ўзаро ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида тўғри юритилиши, айланма маблаглар ҳолатини яхшилашга, улардан самарали фойдаланишга олиб келади. Пул маблагларидан самарали фойдаланишни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1992 йил 3 апрелда «Ҳалқ хўжалиги тармоқларида касса операцияларини юритиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида» Қарор қабул қиласди. Қарорга асосан, мулк шаклидан қатъи назар, корхона ва ташкилотлар ўз пул маблагларини тегишли банкларда сақлашлари кўрсатилган. Корхоналар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган иш ва хизматлар бўйича банклар орқали пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз амалга ошириш белгилангандир.

Корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказиш ва унда ташкилот раҳбарлари жавобгарлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириши борасида чора-тадбирлар тўғрисида»⁵ ги Фармони ҳисоб-китоб ишларини бажаришдаги аҳамиятини, тўлов интизомига риоя қилиш раҳбарларнинг масъулиятини оширади.

Корхона ва ташкилотларда олиб бориладиган ҳисоб-китобларни икки гурӯҳга, яъни нақд пул билан амалга ошириладиган хўжалик операциялари ва нақд нулсиз ёки пул ўтказниш йўли билан амалга оширилдиган хўжалик операцияларига бўлиш мақсадига мувофиқдир.

Ҳисоб-китобларни ўз вақтида бошқариш корхоналар ўртасида ўзаро мавқени мустаҳкамлашга олиб келса, иккинчидан, корхона молиявий ҳолатига таъсир қилиб, ўринсиз жарималарни тўплашга қўйилмайди.

Пул маблагларидан тўғри фойдаланиш ҳолати корхона раҳбари ва бош бухгалтери томонидан доимо назорат қилиниши керак. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»⁶ ги Қонуннинг 7-моддасида «Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг ташкил этилиши, корхона, муассаса ва ташкилот раҳбари амалга оширади», деб белгилаб қўйилган. Корхона ва ташкилотларга тааллуқли бўлган пул маблаглари банқдаги «Ҳисоб-китоб рақамида» сақлнади. Бу рақамдаги пул маблагларининг ўзига хос хусусияти шундаки, пул маблаглари бажарилган иш ва хизматлар учун ёки жўнатилган товарлар бўйича корхона розилиги билан амалга оширилади. Кассага пул маблагларининг олиш манбаси бўлиб ҳисоб-китоб рақамидаги пул маблаглари ҳисобланади.

Пул маблаглари ҳисоб-китоб операцияларининг назарияси икки томонлама, яъни банк ва мижоз томонидан олиб борилади. Пул маблаглари ҳисоб-китоб операцияларини аудит назорати ёрдамида нақд пул маблагларининг сақланиш, сараланиш, нақд пул қолдиқларини белгиланган лимит (меъёр)га мос келиш шартлари аниқланади. Айrim ҳолларда корхона эҳтиёжи учун кассадан нақд пулли харажатлар амалга ошириш ёки ҳисобини бериш шарти билан олинган пул маб-

⁵ «Андижоннома» газетаси, 1999 йил, 20 апрел.

лағларининг сарф-харажатлари амалга оширилади. Аудит назорати ёрдамида кассадан корхона эҳтиёжи учун бошқа харажатларнинг иқтисодий мазмуни, уларнинг бевосита хўжалик фаолияти билан боғлиқлиги аниқланади.

Пул маблаглари билан боғлиқ операцияларни аудит назоратидан ўтказишар экан, аудитор Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 1995 йил 29 декабр 33-сонли баённомаси қандай бажарилишини ўрганиб чиқиши керак. Баённомада мулк шаклидан қатъи назар, корхона ва ташкилотлар ўз масаласи бўйича белгиланган даражасида нақд пулга эга бўлишлари ва тушумдан олиб, пул сарфлаш меъёрлари банк томонидан белгиланган.

Кассада пул маблағларининг белгиланган лимитдан ортиб кетиши пул айланишини секинлаштиради, банклар касса режасининг бажарилишига салбий таъсир қиласди.

Тушумдан олиб пул сарфлаш меъёрлар тармоғини ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб белгилагандир.

Пул маблағларидан фойдаланиш, сарф қилиш, банкларга топшириш муддатларига риоя этици аудитор томонидан текширилади.

Касса интизомига риоя қилиш назарияси бухгалтерия ҳисоби маълумотларига асосан олиб борилади. Пул маблағларидан фойдаланиш ҳолати текширилар экан, уларни хужжатлаштириш тартибига аудитор алоҳида эътибор берини керак, чунки барча касса операциялари, яъни кирим ва чиқимлар тасдиқланган хужжатлар асосида бажарилган бўлиши керак.

Пул маблагларининг тўғри сарфланиши касса дафтарида расмийлаштирилишини аудитор алоҳида назоратдан ўтказиши керак. Пул маблағларини сақлаш, банклардан олиш, уларни белгиланган мақсадлар учун сарфланиши аудит назоратидан ўтказилади.

Турли мулкчилик шароитида ҳисоб-китобларни тўғри ташкил қилиш, маблағлардан самарали фойдаланиш имкониятини яратади, ҳисоб-китобларни юритиш тартиби, тўғрилигини назорат қилиш давлат аҳамиятига эгадир.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган (1991 йил 15 феврал 229-ХII сонли) «Корхоналар ўз иши натижаларининг операция ва бухгалтерия ҳисботини амалга оширади, статистика ҳисботини олиб боради», деб кўрсатилган.

Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида Президент Фармонида (1996 йил 24 январ ПФ-1363-сонли), дебетор ва кредитор қарзларини камайтириш, тўлов интизомига риоя қилиш чоралари белгилангандир.

Республика миқёсида 1994 йил 1 январдан бошлаб ҳисоб-китобларнинг инкасса шакли бекор қилиниб, ҳисоб-китобларнинг тўлов тадабнома топшириқлари орқали амалга ошириладиган шакли жорий этилди.

Ҳисоб-китоблар факат корхоналарнинг ҳисоб-китоб жорий ва бюджет рақамларида маблаг бўлгандагина тўловларни амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1995 йил 4 сентябр 60-сонли «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб юритиш қондалари» тўғрисидаги йўриқномасига асосан маҳсулот етказиб бериш ва бошқа иш ҳамда хизматлар учун нақд пулсиз операцияларнинг шартномавий мажбуриятларини бажариш учун жавобгарлик меъёрлари ишлаб чиқилган.

Маблагларни тўловчи билан олувчи ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг шакли шартнома орқали белгиланган.

Республика Марказий банкининг 1995 йил 4 сентябр 60-сонли «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар юритиш қондалари» тўғрисидаги йўриқномасига асосан хўжалик юритувиши субъектлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар банклар орқали амалга оширилади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар Маказий банк томонидан белгиланган шаклларда халқаро тажрибада қабул қилинган тарзда амалга оширилади.

Ҳисоб-китоб шакллари деганда меъёрларда кўзда тутилган нақд пулсиз тўловларнинг шартлари тушунилади. Нақд пулсиз операцияларда банкдаги ҳисоб варакаларидан иккинчи бир ҳисоб варагига пулни ўтказиб бериш ҳолати тушунилади.

Ҳозирги вақтда бажарилган иш ва хизматлар учун корхоналар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг қуйидаги шакли ишлатилмоқда:

Корхона ва ташкилотларнинг мустақиллиги ўсганда энг аввало, уларнинг бевосита хўжалик операцияларини олиб борилишидаги меъерий хужжатларига алоҳида талаблар қўйилади. Корхона устави юридик хужжат ҳисобланиб, унда фолият кўрсатиш санаси, тузилиш вазифаларини ўзида акс

эттиради. Корхона уставини ишлаб чиқишида Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралдаги «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида»ги Қонунни, (кейинги қўшимчалар ва ўзгартиришлар билан), 1995 йил 21 деқабрдаги «Кичик ва хусусий тадбиркорликни рафбатлантириш тўғрисида»ги Қонунига, шу билан бирга, бир қатор низом ва йўриқномаларга риоя қилиш керак.

Корхона уставида барча корхоналарга хос бўлган меъёрий хусусиятлар билан бирга шу корхонага хос фаолият тури, мулкчилик ҳолати, шарт-шароитлар кўрсатилади. Корхона уставида унинг молиявий сармояси, акциялар бўйича дивидентларни тақсимлаш, бошқарув тизими, ҳисоботлар тузиш, корхонанинг тутатищ тартиби ўз ифодасини топади.

Корхона устави билан бирга тегишли қарорлар шаҳар, туман ҳокимлигига давлат рўйхатидан ўтказиш учун текширилади. Хорижий инвестицияли корхоналар Ўзбекистон Республикаси Азия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилади.

Мулк шаклидан қатъи назар, туталланган балансга ва юридик жиҳатдан мустақил ҳисобланган корхоналар, ташкилот ва муассасалар банкда ўзларининг ҳисоб-китоб рақамига эга бўладилар. Ҳар бир мустақил ташкилот учун банкда битта ҳисоб-китоб рақами очилади.

Ҳисоб-китоб рақамини очиш учун корхона ёки ташкилот банкка қўйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

1. Ҳисоб-китоб рақамини очиш тўғрисидаги ариза;
2. Ташкилотни давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотнома;
3. Корхона уставининг нусхаси (нотариусда тасдиқланган);
4. Раҳбар ва бош бухгалтер имзолари, мухри ҳақида маълумотнома;
5. Коҳона таъсисчилари билан тузилган шартнома ва таъсисчилар умумий йигилишининг қарори.

Юқоридаги ҳужжатлар банкка топширилгандан кейин ҳисоб-китоб рақамини очиш учун имконият яратилади. Ҳисоб-китоб очилиш муносабати билан корхона ёки ташкилот банкка бирламчи, яъни ташкилот ташкил қилинган санага ўз балансини тузиб беради. Балансда корхонага тааллуқли бўлган маблағлар, уларнинг жойланиши ва ташкил топиш манбалари бўйича кўрсатилади. Банк ҳужжатлари ҳисоб-китоб рақамида белгиланади. «Ҳисоб-китоб ра-

қами» бўйича амалга ошириладиган операциялар бевосита банк томонидан назорат қилинади. «Ҳисоб-китоб рақами» бўйича амалга ошириладиган операциялар мажмуй банк томонидан тўгрилиги текширилгандан кейингина амалга оширилади. Ёу рақамга келиб тушадиган (ўтказиладиган) пул маблағларининг манбай бўлиб маҳсулот реализацияси ҳисобланади. Мол етказиб берувчилар томонидан харидорларга жўнатичган товарлар суммаси тўланади. Демак, «ҳисоб-китоб рақами»даги пул маблағларининг ҳаракати икки томонлама назорат қилинади.

Биринчи назорат банклар томонидан олиб борилса, иккинчи назорат бевосита ташкилот томонидан шартнома шартларининг бажарилиши назорат билан олиб борилади. «Ҳисоб-китоб рақами»даги пул маблағларининг ҳаракати банклар томонидан ташкилотта бериладиган банк кўчирмалари тарзида бажарилади. Банк кўчирмаларида «ҳисоб-китоб рақами» га ўтказилган ва бу рақамидан тўланган пул маблағлари тасдиқловчи хужжатлар билан кўрсатилади.

«Ҳисоб-китоб рақами»дан тузылган шартномага асосан бажарилган иш ва хизматлар учун тўловлар тўланади.

3.2. Кассада амалга оширилган хўжалик операциялари аудити

Ҳар бир ташкилот хўжалик фаолиятида касса операциялари, яъни пул маблағларининг ҳаражати, кирим ва чиқим амалга оширилади. Кассадаги пул маблағларининг ҳолати бевосита корхона билан ишчилар ўртасидаги ҳисоб-китобларни амалга оширишда ёки корхона эҳтиёжи учун тегишли сарф-харажатларни бажаришда намоён бўлади. Кассадаги пул маблағларининг (ҳолати) миқдори банк томонидан меъёрлаштирилган миқдорда бўлиши банк ходимлари томонидан назорат қилинади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 1995 йил 29 декабрда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси банк муассасалари томонидан пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги баённомасида нақд пуллар билан операцияларни амалга ошириш уни тартибга солишга қаратилгандир.

Кассада амалга оширилган хўжалик операциялари аудит назоратида биринчи бажариладиган вазифа кассадаги нақд

пуллар ҳолатини назорат ўтказилаётган кун ҳолатига далолатнома билан расмийлаштиришдир. Кассадаги пул маблағларининг аудит учун асосий манба бўлиб кирим-чиқим касса ордерлари, касса кирим-чиқим ордерларини рўйхатга олиш дафтари, касса дафтари, кассир ҳисоботи саналади.

Кассага кирим қилинаёттан пул маблағлари асосан «ҳисобкитоб рақами» орқали амалга оширилади. Банкдан кассага пул олиш чеклар орқали амалга оширилади.

Кассада амалга оширилган ҳўжалик операцияларини аудит назоратидан ўтказиш кассадаги пул маблағлари ҳолати бўйича текшириш ўтказиш вақтидга далолатнома тузиш билан бошланади. Далолатнома тузишда ташкилот бош бухгалтери, кассир ва аудитор қатнашади.

Далолатномада кассадаги нақд пуллар суммаси, пул қийматига эга бўлган қоғозлар алоҳида кўрсатилади.

Далолатнома тузишдан олдин кассирдан текшириш ўтказилаётган кунга касса бўйича ҳисобот талаб қилинади. Ҳисоботда кирим ва чиқим ҳужжатлари тўлиқ баён қилиниб, кассадаги нақд пуллар қолдиги кўрсатилади. Ҳисобга кассир томонидан ёзилган барча ҳужжатлар тўлиқ ҳисоботга киритилган қўшимча маълумотлар йўқ, деган маънодаги тилхат илова қилинади. Кассадаги нақд пуллар ҳолати пул белгилари бўйича алоҳида-алоҳида кўрсатилади. Пул қийматига эга бўлган қоғозлар далолатномада маҳсус кўрсатилади.

Кассада амалга оширилган пул маблағларининг аудит назорати далолатнома тузилгандан кейингина бошланади.

Аудитор томонидан касса операциялари тўғрилигини текшириш кассадан тўланган пул маблағлари тўғрилиги, корхона фаолияти билан боглиқлиги аниқланади. Кассадан пул маблағларининг сарф-харажатлари аудитор назоратидан ўтказилар экан, асосий зътиборни кассадаги пул маблағларини лимит доирасида сақланишига риоя юлинишига алоҳида зътибор берилиши керак, чунки пул маблағларини лимитдан ортиқ кассада сақланиши пурни оборотдан четлаштиришига олиб келади.

Кассадан берилган пул маблағларини асосли ҳужжатлаштирилганлигинини, раҳбар ва бош ҳисобчи томонидан имзоланганлиги назоратдан ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Текшириш натижаларига кўра пул маблағларининг камомали ёки унинг ортиқча чиқиш ҳоллари айниқса унинг

сабаблари аудитор томонидан ўрганилиб бу түғрида моддий жавобгар шахсдан тушунтириш хати олинади.

Аудитор кассада амалга оширилган хўжалик операцияларини аудит назоратидан түғри ҳужжатлаштирилганлиги, уларнинг кохона фаолияти билан боғлиқлигини аниқлаб чиқиши зарур.

Кассадаги нақд пуллар ҳолати бўйича далолатнома тузишганидан кейин касса бўйича кассир ҳисоботларини түғри тузишганлиги, сифати текшириб чиқлади.

Кассир ҳисоботида киримга қабул қилишга пул маблаглари тўғрилигини чек дафтарчаларидағи ёзувлар билан, яъни «ҳисоб-китоб рақами»дан олинган пул маблағлари билан мос келиш ҳолатларини ўрганиб чиқади.

Кассада пул маблағларининг ҳолати касса дафтарларида қайд қилинишини назорат қилган ҳолда кирим-чиқим ҳужжатлари ҳолатига аҳамият берилади.

Кассадаги пул маблағларининг кирим ва чиқим тегишли манбалари бўйича назорат қилиш самарадорликни оширади. Бунинг учун «Касса» рақами бўйича юритиладиган журнал-ордеридағи ёзувларни кассир ҳисоботида кўрсатилган маълумотлар билан мос келиши назоратидан ўтказилади. Асосий эътиборни журнал-ордер бўйича аниқланган қолдиқларни кассир ҳисоботи билан, яъни ҳисоботдаги охирги қолдиқ билан тўғрилигига қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳисобот даврида кассага кирим қилинган пул маблағлари тўғрилигини «ҳисоб-китоб рақами» бўйича банк кўчирмаларида ифода этилган маълумотлар билан таққосланган ҳолда назорат ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Амалиёт натижалари шуни кўрсатмоқдаки, кассадаги пул маблағларини ўзgartириш, ноқонуний мақсадлар учун сарф қилиш кўп ҳолларда журнал-ордеридағи ойлик оборот суммаларини жамлашида қалбаки меҳнат шартномаларини тузишда аниқланмоқда. Бундай ҳолларга йўл кўймаслик мақсадида «Касса» рақами бўйича юритиладиган журнал-ордернинг жами суммаларини аудитор томонидан жамлаб чиқиш, ҳар бир сарф қилинган маблағни ҳужжатлар билан асосланганлиги назоратдан ўтказилиши керак.

Агар қассадан меҳнат шартномалари бўйича ташкилот штат бирлигига бўлмаган ишчиларга бажарилган иш ва хиз-

матлар учун иш ҳақи берилғанлығи аниқланса, бу түгриләги ҳужжаттарни түғри расмийлаштирилғанлығи, ишни қабул қилиштүгисидәгі далолатнома тузилғанлығи аудитор томонидан текшириләди.

Кассадан ҳисобдор шахсларга берилған пул маблағларинин ҳолати, улар томонидан бухгалтерияга топширилған ҳисоботларнинг ҳолати белгиланған мұддаттарда текшириліши, ишлатылмай қолған пул маблағларини кассага қайтарылышты үрганилади.

Айрим ҳолларда ҳисобдор шахсларга берилған пул маблағлары ҳисобига турли аңжомтарни сотиб олиш ҳоллари амалта ошириләди. Бундай ҳоллар аниқланса, унинг үрганилиб аниқланиб, нима учун нақд пулға сотиб олғанындық үрганилади.

Аудитор кассадаги лимитдан ортиқ пул маблағларини банкка қайтарылыш ҳолатларини назорат қилиши зарур.

Кассага қабул қилинған, пул маблағларининг түғрилігіни, уларни лимит суммасына мөс көлишини, ортиқча суммаларни банкка қайтарылғанлыгини назорат қилишда қойыда и жағдайлар күрсатып үтишни мақсадта мувофиқ, деб үйлаймиз:

І-жадвал

Банк, өнімдерге бағынча		Кассага килем қилилади		Лимитдан ортиқ суммабанкка қайтарылыш		Эссе
Күн	саны	Күн	саны	саны	сумма	

Жадвал маълумотларини ташкил қилиш, мүлкнинг кассага килем қилинған пул маблағларини мақсадлы ишлатылишини назорат қилиш осонлашади.

Кассадаги пул маблағлары ҳолати аудитор үтказилаётгандан, аудитор қойыдаги ҳолаттарга алоҳида эътибор беріши керак:

1. Кассада пул маблағларини сақлаш учун яратылған шароитта;
2. Кассир билан ташкилот раҳбари ўртасыда тузилған мөддий жавобгарлық түғрисидәгі шартномага;
3. Касса операцияларини түғри расмийлаштиришта;
4. Касса килем ва чиқым ордерларидаги ёзувларнинг түғрилігига, ҳужжатларга қўйиладиган талабларнинг бажарилишига;

5. Хўжалик корпорацияларининг касса дафтарида акс этирилишига;

6. Кассир ҳисоботини белгиланган муддатларда бухгалтерияга топширишишига.

Аудитор кассадаги пул маблағларининг ҳолатини аудиторлик назоратидан ўтказилаётганда пул қийматига эга бўланг қоғозларининг сақчанишига ҳам алоҳида эътибор беради. Кассага кирим қитилинг пул маблағларининг манбаи бўлиб, ҳисоб-китоб рақамига, кассага олиниг пул маблағлари ташкил қиласди, шунинг учун пул маблағларини киримга қабул қилинганлиги, муддатларига, кирим ва чиқим касса ордерларига эътибор бериши керак.

Кассадаги пул маблағларини тўғри сарф-харажати ой охирига бўлган қолдигини аниқлаш бевосита икки томонлама назоратни ташаб қиласди. Биринчи назорат бу кассир ҳисоботларини белгиланган муддатларига тузилишига боғлиқ бўлса, иккинчи назорат ҳисоб курсаткичларида олиб борилади. Пул маблағларининг тўлиқитини тъзминлаш, учёт ёзувларидаги қолдиқни кассир ҳисоботидаги ёзувлар билан ўзаро таққослаш, уларни бир-бирига тенглигини тъзминлаш билан олиб борилади.

Корхона ва ташкилотлар банк муассасаларидан чек дафтарчаси орқали пул маблағларини оладилар ва уларни факат белгиланган мақсадларга сарф қиласдилар.

Корхона ва ташкилот кассасидаги нақд пуллар қолдиги белгиланган лимит меъёрида бўлиши йўриқномада кўрсатилган. Кассадаги нақд пуллар лимити банк муассасаси ва ташкилот раҳбари билан келишилган ҳолда белгиланади. Келинган лимитдан ортиқча бўлган пул маблағларини муассасалар текширишлари белгиланган.

Корхона кассасида белгиланган лимит миқдорида қўйидаги ҳолларда ортиқча пул маблағларини уч кун ичида сақлашлари мумкин.

-иш ҳақи, нафақа, мукофотларни беришда;

-стипендия, пенсия тўлашларда.

Касса операцияларини хужжатлаштириш ва намунавий хужжат шакллари «Ўзистиқболстат» томонидан тасдиқланган. Белгиланган намунавий хужжатларга ўзгартириш киритиш тақиқланган. Кассадаги пул маблағларининг ҳаракати касса дафтирида юритилади. Касса дафтири ҳар бир корхона ва ташкилот учун алоҳида-алоҳида юритилади. Касса дафта-

рининг ҳар бир вараги рақамланиб, унинг охири сургичланаб, муҳр билан белгиланиб, раҳбар ва бош бухгалтер томонидан имзоланади. Касса дафтаридаги рақамларни ўчириб ёзишлар, турли тузатишлар қилиш тақиқланади.

Касса дафтарига ёзувлар кассир томонидан ҳар бир хўжалик операцияси амалга оширилганидан сўнг ёзилади. Йўриқномаларга асосан касса дафтаридаги ёзувлар тўрилигининг назорати бевосига бош бухгалтер зиммасига юқалади.

Кассадаги пул маблағлари ҳолати аудит назоратидан утказилаётганда аудигор биринчи навбатда назорат боцланыш қунига бўлган касса ҳисоботини талаб қилиади. Касса ҳисоботи тузилгандан кейин, кассадаги пул маблағлари, пул қийматига эга бўлган қоғозлар бевосига бош бухгалтер, кассир ва аудитор иштирокида ҳисоб-китоб қилиниб, бу тўғрида далолатнома ёзилади.

Далолатномада кассадаги нақд пуллар купюрлари бўйича алоҳида-алоҳида ёзилиб, жами суммаси кўрсатилади. Далолатнома икки нусхада ёзилади ва иштирокчилар томонидан имзоланади. Пул қийматига эга бўлган қоғозлар Лоторея, марка, заём далолатномасида алоҳида кўрсатилади.

Айрим ҳолларда кассадаги пул маблағлари текширилаётганда узрли сабаблар билан моддий жавобгар-кассир иштирок эта олмаса, у ҳолда ташкилот раҳбарининг бўйруғига асосан жамоатчилик вакилларида иборат маҳсус комиссия тайинланади ва улар бош бухгалтер, аудитор билан биргаликда тузилган далолатномага имзо чекадилар.

Комиссия аъзоларига моддий жавобгар шахс кассир, ҳисоботчи текширгандан сўнг ҳисоботда касса бўйича кирим-чиқим ордерлари тўлиқ киритилган бошқа кирим-чиқим ҳужжатлари йўқлигини кўрсатган тилхат ёзив беради ва бу тилхат ҳисботга биритирилиб қўйилади.

Кассада ҳисобланиб чиқилган нақд пуллар суммасини белгиланган лимит миқдорига мос келишига аудиторлар эътибор бериши керак. Аудитор кассага кирим пул маблағларини тўлиқлигини ўз вақтида олиб борилганигини текширишда чек дафтаридаги ёзувлар билан олиб борилади ва бу суммаларни кассир ҳисботида акс эттирилиши билан бөглиқ амалга оширилади. Бундай тартибот ҳужжатларни муқобил текшириш чек дафтарчаси асосида банкдан ёлланган пул маблағларини мақсадлар бўйича ишлатилганини назорат қилишда (аниқлашда) ижобий самара беради.

Аудит назоратида товар маҳсулотларини сотишдан тушган пул маблағларини киримга қабул қилинганини аниқлашда касса аппаратларининг кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Текшириш давомида аудитор касса чиқим ордерлари, уларга кўрсатилган сарф-харажатларни корхона фаолияти билан боғлиқлигини аниқлаб чиқади.

Кассирдаги пул маблағларининг кирим ва чиқим ҳолати аудит назоратидан ўтказилаётганида амалга оширилган хўжалик операцияларини тўғри расмийлаштиришга сарф-харажатларни хўжалик фаолияти билан боғлиқлигига кассада лимит суммаларига риоя қилинишига ва ўз навбатида «Халқ хўжалигида касса операцияларини юритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган йўриқноманинг (1996 йил 20 апрел, №4 №9) бажарилишига эътибор берилади.

Аудитор назорати ўтказилганда ҳар бир кирим ва чиқим ордерлари, яъни кассага қабул қилинган ёки сарф қилинган пул маблағларини тасдиқловчи хужжатлар аудитор томонидан текшириллади. Текшириш давомида айрим хужжатларда ноанниқлик, хато, камчиликлар аниқланса, уларга тааллуқли бўлган кунимча хужжатлар кассирдан талаб қилиниши мумкин.

Мисол учун, кассадан 14 май 2001 йил 90-чиқим ордери билан меҳнат шартномаси бўйича иш бажарган, аудитор А. Шарипов ишни бажарганлиги учун 5000 сўм берилганлиги қайд қилинган, лекин чиқим ордерида меҳнат шартномасини талаб қиласди ва бир вақтнинг ўзида А. Шарипов томонидан бажарилган ишнинг сифати, тўлиқ бажарилганлигини қабул қилиш далолатномаси ҳам талаб қилиниши мумкин.

Кирим ва чиқим касса ордерини олганда кассир ҳар бир хужжатда бош бухгалтер, раҳбар томонидан имзоланганигини, саналари кўрсатилганлигини текшириб кўриш шарт.

Аудитор кассирдан кассадаги пул маблағлари ҳолатини ҳар чоракда корхона бош бухгалтери томонидан ўтказилган тафтишларини талаб қилиши мумкин. Далолатномада қачон ва қайси буйруқقا асосан ўтказилганлиги, кассадаги нақд пуллар суммаси пул қийматига эга бўлган қофозлар суммаси кўрсатилади. Ўтказилган тафтиш натижаси ўсиш ёзувлари билан таққосланиб натижалари аниқланади. Агар тафтиш натижасида камомад ёки ортиқча пул маблағлари аниқланса,

унинг келиб чиқиши сабаблари ўрганилиб чиқилади. Кассада ортиқча чиқкан маблағлар корхона фойдасига ўтказилади, камомад эса моддий жавобгар кассирдан ундириб олинади.

Корхона фаолиятида нақд пулнинг айланиши билан бөллиқ операциялар бевосита касса орқали амалга оширилади. Кассадаги пул маблағларининг тұла сақланиши учун кассир моддий жавобгар шахс, деб ҳисобланади. Корхона раҳбари билан кассир лавозимига тайинланған шахс ўргасыда моддий жавобгарлик түгристерде шартнома тузилади. Шартнома кассада пул маблағларини сақлаш, касса жиһозларини тұлиқ ташкыл қилиш, яны пул маблағларини сақлаш учун яратылған шароитлар, ҳар иккала томоннинг мажбуриятлари ўз ифодасини топади.

Кассадаги пул маблағларининг ҳолати бүйича кассир белгиланған муддатларда корхона бухгалтериясыга ҳисобот беради. Ҳисобот топшириш муддатлари Республика Марказий банки томонидан белгиланади.

Республика ҳудудида касса операцияларини юритиш тартиби Республика Марказий банкининг 1996 йил 20 апрелдаги 9-соңли «Халқ хұжалигыда касса операцияларини юритиши тартиби» йүриқномасыда белгиланған.

Пул маблағларининг кассадаги ҳаракати, яни кирим ва чиқим, кирим ёки чиқим ордерлари билан расмийлаштирилади. Кассир пул маблағларини кирим ва чиқими бүйича маҳсус рүйхатта олиш журналини юритади. Кирим ва чиқим ордерларини рүйхатта олиш журналида ҳар бир кирим ва чиқим ордерлари алоҳида-алоҳида күрсатилади ва ҳисобот даври бүйича жами суммалари ҳисобланиб чиқылади.

Кассир пул маблағларининг ҳолати бүйича касса дафтариға тегишли ёзувларни битади. Касса дафтари тұлиқ номерланған вараждарни күрсатып, ўз имзосини құяди ва мұхрлайди.

Касса дафтариға ёзувлар иккى нұсқада ёзилиб, ҳар бир ҳисобот даври бүйича кассадаги пул маблағларининг қолдиги аникланиб чиқылади. Касса дафтаридағи ёзувларнинг иккінчесі бухгалтерияға топширилади. Корхона бош бухгалтери касса дафтаридағи ёзувларнинг түгрилігі, ҳужжатларнинг расмийлаштирилғанligини текшириб чиқылғандан кейингина бухгалтерия ёзувларини бериш учун «Қасса» рақами бүйича юритиладиган журнал ордерига тегишли ёзувларни беришга асос яратылади.

Кассадаги пул маблағларининг раҳбари билан кассир ўргасыда моддий жавобгарлик түгристерде шартнома тузилади. Шартномада ҳар иккى томон ўзаро келишадилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1996 йил 20 апрел 9-сонли «Халқ ҳўжалигида касса операцияларини юритиш тартиби» тўғрисидаги йўриқномасида кассада амалга оцириладиган кирим ва чиқим ҳамда касса ҳўжатларини расмийлаштириш тартиби кўрсатилган.

Кассада пул маблағларининг ҳаракати, яъни киримга қабул қилиниши ёки кассадан сарф қилиниши кассир томонидан ҳисобланиб борилади ва бу тўғрида кунлик, 10 кунлик ҳисботини, касса бухгалтерияга топширади.

Касса ҳисботини тузища биринчи навбатда кирим ва чиқим ордерлари тартибга солинади. Кирим-чиқим ордерларида кўрсатилган суммалар кассирнинг касса дафтарида кўрсатилиб, ҳисбот тузиш учун асосий маълумот ҳисобланади.

Кассир ҳисботида кичик кирим-чиқим суммаларини тасдиқловчи ҳўжжатлар ўз ифодасини топади. Ҳисботда кун бошига бўлган пул маблағларининг суммаси, кун давомида кассага кирим ёки чиқим қилинган пул маблағларининг суммаси сарф харажатларининг турлари бўйича кўрсатилади ва ҳисбот бухгалтерияга топширилади.

Бухгалтерияда кассир ҳисботи ҳар томонлама текширилади, текширища биринчи навбатда ҳўжжатларнинг тўғри расмийлаштирилишига, қолдиқ суммаларининг тўғрилигига, банкдан кассага олинган суммаларнинг банк кўчирмалари билан тенг киримида зътибор берилади.

Корхона ва ташкилотлар ҳўжалик фаолиятидан бевосита касса орқали амалга ошириладиган ҳўжалик операциялари мавжуд бўлиб, уларда асосан нақд пул бериш ёки кассага қабул қилиш амалга оширилади.

Корхона кассасига кирим қилинадиган пул маблағларининг асосий қисми бевосита ҳисоб-китоб рақамидан белгиланган мақсадлар учун олинган пул маблағлари ҳисобланади. Ҳисоб-китоб рақамидан кассага пул олиш чек дафтарчасига асосан амалга оширилади. Чек ёрдамида кассага қабул қилинган пул маблағлари аудитор назоратидан ўтказилаётганда биринчи навбатда чек дафтарчесини юритиш тартиби, чекни тўғри расмийлаштириш ҳолати аудитор томонидан ўрганилади.

Ҳар бир чек варақаси банкдаги ҳисоб-китоб рақамидан тегишли пул маблагини олиш учун белгиланган бўлиб, ундан олинадиган пул маблагининг суммаси, қандай мақсадлар учун олинганлиги кўрсатилади. Кассага қабул қилинган пул маб-

лағларининг ҳолати, тўғрилиги биринчи бор чеклар билан аудитор томонидан назорат қилинса, иккинчи бор ҳисоб-китоб рақами бўйича олиб борилади. Бу назорат банк кўчирмаларидан суммалар билан такқослаш ёрдамида ўтказилади.

Банк кўчирмасида ҳисоб-китоб рақамига ўтказилган ва рақамдан белгиланган мақсадларга сарф қилинган пул маблағларини тасдиқловчи хужжатлар билан ифода қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган йўриқномада: «банк муассасаларидан корхоналар томонидан олинган нақд пуллар фақат улар олинишида кўрсатилаган мақсадларга сарфланиши» кўрсатилгандир.

Аудитор текшириш давомида Марказий банк томонидан тасдиқланган йўриқномани тўлиқ бажарилишини назорат қилган ҳолда фаолият кўрсатади.

Касса операцияларини амалга оширишда уларни тўғри расмийлаштирилиши кирим ва чиқим хужжатларини талабга жавоб беринини аниқлаб чиқади.

Кассадаги қолдик суммаларни белгиланган лимит асосида ташкил қилинганини аниқлайди. Кассада иш ҳақи, мукофотлар, нафақа ва стипендиялар берин кунлари ичida, яъни З кундан ошмаган ҳолда, белгиланган лимит ортиқча пул маблағларининг сақланишига рухсат берилган.

Аудитор касса операцияларини назоратидан ўтказар экан, чиқим ордерлари, уларда кўрсатилган пул маблағларини тўғри тўланишига алоҳида эътибор беради. Ҳар бир чиқим ордерига илова қилинган хужжатларнинг тўғрилигини текшириб чиқади. Мисол учун: ўтказилган меҳнат шартномасига асосан дурадгор X.Исақовга 5000 сўм берилганилиги тўғрисида чиқим ордери тузилган ва кассадан пул маблағи берилганилиги тўғрисида белгилар бор.

Бу чиқим ордерини аудитор тўғри, деб ҳисобламайди, чунки чиқим ордерига меҳнат шартномаси, ишни тўлиқ бажарилганилиги ва қабул қилиб олинганилини тасдиқловчи хужжатлар илова қилинмаган.

Кассадаги пул маблағларининг ҳаракатини тасдиқловчи хужжатлар қайси кунда тузилган бўлса, шу кунда кирим ёки чиқим ордерлари билан расмийлаштирилган ва тегишли хужжатлар билан асосланган бўлиши керак.

Касса операцияларини тасдиқловчи барча хужжатлар намунаси тасдиқланган бўлиши керак, тасдиқланмаган, яъни қўлда

ёки машиналар ёрдамида тайёрланган ҳужжатлар асосида кирим ёки чиқим ордерларини амалга ошириш ман этилган.

3.3. Ҳисоб-китоб рақами операциялари аудити

Мулк шаклидан қатын назар корхона ва ташкилотлар фаолиятида ҳисоб-китоблар асосий ўринни эгаллайди. Ҳисоб-китобларни ўз вақтида белгиланган Низом ва йўриқномаларга асосан ташкил қилиниши ўзаро ҳисоб-китобларни сифатли бўлишини таъминлайди. Корхона миқёсида олиб бориладиган ҳисоб-китобларни икки гурӯҳга бўлиб, яъни нақд пулли ҳисоб-китоблар ва нақд нулсиз, пул ўтказиш йўли билан амалга ошириладиган ҳисоб-китобларига бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Нақд пулсиз амалга ошириладиган хўжалик операцияларига шартномалар билан асосланган бажарилган иш хизматларга ўтказиб бериладиган (тўланадиган) пул маблағлари киради.

Нақд пулсиз амалга ошириладиган хўжалик операциялари «ҳисоб-китоб рақами»дан бажарилади. «Ҳисоб-китоб рақами»га пул маблағлари, асосан, корхона фаолиятидан бажарилган иш ва хизматлар учун бошқа корхоналар томонидан шартнома асосида тўпланган пул маблағлари ҳисобланади. Бу рақамдан пул маблағларини тўлаш тўлов-тајабномали асосида банк томонидан амалга оширилади.

«Ҳисоб-китоб рақами» бўйича амалга оширилган хўжалик операцияларини аудит назоратидан ўтказиш учун, биринчи навбатда аудитор тайёргарлик ишларини бажариши керак. Тайёргарлик ишлари мижозни қайси банкда ҳисоб рақамини очишини қандай рақамлар ва субъектлар очилғанлигини аниқлаб чиқиши зарур. Ҳисоб-китоб операцияларини аудит назоратидан ўтказишар экан, биринчи навбатда назорат ўтказилаётган кунга бўлган «ҳисоб-китоб рақами»даги қолдиқ ҳолати аниқлаб чиқилади.

Корхона рақамида амалга оширилган нақд пулсиз операциялар асосан тўлов-тотшириқномалари билан расмийлаштирилади. Тўлов ҳужжатларига тўлов суммасини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган бўлиши шарт. Тўловнинг белгиланган муддатларда бажарилиши мақсадга мувофиқдиги, шартномалар билан тасдиқланганлиги аудитор томонидан текширилади. Текширишда банк кўчирмаларига илова қилинган ҳужжатлар ҳисоб рақа-

мидан тұланған ёки ҳисоб рақамиға үтказилған пул маблағларини тасдиқловчи хужжатлар аудит назоратидан үтказылады. Назорат үтказышда банк күчирмаларининг кетма-кетділи, уларда күрсатилған қайдномаларнинг бир-бираға мос келишиға алохыда зытибор берилади. Агар банк күчирмалари ўргасидаги фарқ борлығи аниқланса, бу тұғрида банкдан күчирманинг асл нусхаси талаб қилинади. Аудит назоратидә ҳар бир банк күчирмасига илова қилинған хужжатларда күрсатилған тұлов суммаларининг тұғрилиги текширилиб чиқылади. Текшириш давомида ҳисоб-китоб рақамиға үтказилған пул маблағлари ва бу рақамдан тұланған пул маблағларини тасдиқловчи хужжатларға алохыда зытибор бериш мақсадға мувофиқдір, уларни шартнома шартлары билан таққослаб чиқыши мақсадға мувофиқдір.

Ҳисоб-китоб рақамидан тұланған суммалар корхонаға оғажиети билан бевосита боғлиқ ҳолда амалға оширилған бўлиши керак.

Бюджет билан ҳисоб-китоблар, асосан, пул үтказиши йўли билан ҳисоб-китоб рақамидан үтказылади. Бюджетта тұловларни ўз вақтида тұланишини таъминлаш ва тұғрилиги аудитор томонидан назорат қилинар экан, албатта, аудит текшириш ишларидан солиқ органды вакилларининг иштирок этишига аҳамият бериш керак.

Агар текшириш давомида «ҳисоб-китоб рақами» дан товарва моддий қийматларни сотиб олиш билан боғлиқ операциялар амалға оширилиб, уларни омборга қабул қилинмаганлиги аниқланса, бу тарзда пул етказиб берувчидан тегишли маълумтнома олиниб, үтказилған пул маблағининг тұғрилигига ишонч ҳосил қилинади. Үтказилған пул маблағларининг тұғрилиги банк томонидан бериладиган күчирмалар, хужжатлар билан асосланған ҳолда күрсатилған бўлиши шарт. Амалға ошириладиган операцияларни тасдиқловчи хужжатларға ташкилот раҳбари ва бош бухгалтер имзо қўйиш ҳукуқига эгалир.

Агар айрим сабабларга кўра ташкилот номи ёки раҳбарларидан бири (банк хужжатларига имзо қўйувчилар) алмаштирилса, банкка бу тұғрида тегишли ахборот берилади ва имзоларининг янги нусхаси ҳокимият томонидан тасдиқданиб банкка топширилади.

Ҳисоб-китоб рақами актив рақам ҳисобланыб, унинг, дебет томонидан корхонага үтказилған пул маблағлари, кредитдан эса корхона томонидан тұланған пул маблағлари күрсати-

лади. Ҳисоб-китоб рақамидан тўланадиган пул маблағлари учун корхона тўлов-топшириқномаси З нусхада ёзилиб, биринчи нусхаси банкда, иккинчи ва учинчи нусхалари пул ўтказиб бериладиган корхонага ва тўловчи корхонага берилади.

Ҳисоб-китоб рақамидан ўтказилиши керак бўлган пул маблағлари биринчи навбатда ҳужжатлар билан расмийлаштирилган, шартнома шартларига мос қеладиган ҳолда бўлинишни шарт. Ҳисоб-китоб рақамидан ўтказилаётган пул маблағлари корхона розилиги билан амалга оширилади. Айрим ҳолларда ҳисоб-китоб рақамидан тўланадиган пул маблағлари корхона розилигисиз ҳам амалга оширилиши мумкин. Бундай тўловлар кўп ҳолларда мажбурий тўловлар, деб ҳам юритилади. Бундай тўловларга қуйидатилар киради:

- 1) бюджетга тўловлар;
- 2) ижро варақаларига асосан тўловлар;
- 3) нотариал идораларининг ижро варақалари;
- 4) ҳокимият қарорларига асосан йўл қурилишига ажратмалар;
- 5) амалдаги қонун, қарорларда белгиланган тўловлар.

Ҳисоб-китоб рақамидан тўланган пул маблағлари, ҳар бир ҳолат бўйича ҳужжатлар билан тасдиқланган ва қайси қонун ёки қарорга асосан амалга оширилганлиги тўлов-топшириқномасида кўрсатилган бўлиши керак.

Ҳисоб-китоб рақами бўйича тўловларни ўз вақтида бажармаган корхона ва ташкилотдан тўловни белгиланган муддатда бажармаганлиги учун ҳар бир кунга тўланадиган суммага нисбатан 0,1 фоиз пеня ундирилади.

Ҳисоб-китоб рақамининг, дебет ва кредит оборотлари ҳар бир банк кўчирмаси бўйича ҳисоб-китоб қилиниб, кўчирма берилган кун ҳодатига ҳисоб-китоб рақами бўйича қолдиқ суммаси аниқланади.

Ҳар бир корхона ва ташкилот мулк шаклидан қатъи назар ўз иш фаолиятини тасдиқланган низом асосида олиб боради. Низомда амалга ошириладиган хўжалик фаолияти амалдаги қонун ва йўриқномаларга асосан кўрсатилади. Низомда кўрсатилган шартлардан бири корхона ва ташкилотнинг банк реквизитларидир. Корхонанинг банк реквизитларидагина унинг қайси банк хизматидан фойдаланиши банк томонидан бириктирилган ҳисоб-китоб номери тушунилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар банқда ҳисоб-китоб рақамини очиш билан бир қатор бошқа корхона ва ташкилотлар билан иқтисодий алоқаларни амалга ошириш имкониятига эга бўладилар. Корхона раҳбари тегишли банқда ҳисоб-китоб рақамини очиш учун банк бошқарувчиси номига ариза, раҳбар ва бош ҳисобчигининг имзо нусхаси, ташкилотнинг ташкил қилинини билан боғлиқ ҳужжатларнинг нусхалари банкка топширилади.

Ҳар бир корхона ва ташкилот ўз хўжалик фаолиятида турли корхоналар билан шартномалар тузади, шартнома шартларини бажариш ўзаро ҳисоб-китобларнинг келиб чиқишига олиб келади. Корхоналар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни тартибга солишининг аҳамияти катта.

Корхона билан банк ўртасидаги фаолият, хизмат кўрсатиш тартиби ҳар икки томонлар ўртасидаги тузилган шартнома билан расмийлаштирилади. Шартномага асосан банк корхонанинг пул маблағларини сўқташ ва сарф-харажатини назорот қиласи, пул маблағларининг ҳаракати бўйича ҳисоб-китоб рақамидан маҳсус кўчирма бериш йўли билан тартибга солади.

Банклар ўз мижозларига (корхона, ташкилотларга) кунлиқ ёки ҳар ўн кунда бир марта ҳисоб-китоб рақамидан кўчирма беради. Банк кўчирмасида ташкилотнинг ҳисоб-китоб рақамига ўтказилган ёки рақамдан тўланган маблағларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда ва кун охирига бўлган қолшигини кўрсатган кўчирмани беради.

Корхона бош бухгалтери кўчирмага илова қилинган ҳар бир ҳужжатнинг тўғрилигини текширади, уларни шартнома шартларига мос келишини аниқдайди. Агар кўчирмага илова қилинган ҳужжатларда хатоликка йўл қўйилганлиги аниқланса, бирор-бир киримга ўтказилган ёки тўланган суммалар ҳужжатлар билан тасдиқланмаган бўлса, у ҳолда банкка мурожаат қилинади ва банк 10 кун ичida йўл қўйилган камчилигини тугатиб бериши керак.

Ҳисоб-китоб рақами бўйича банк кўчирмаси бухгалтерияда текширилаётганда рақамнинг банкдаги ва ташкилотдаги тузилишига алоҳида аҳамият берилади, чунки ҳисоб-китоб рақами банкда пассив, корхонада эса актив ҳисобланади. Шунинг учун ҳисоб-китоб рақам бўйича банк кўчирмасига асосан хўжалик операцияларига бухгалтерия ёзувлари берилаётганда кўчирманинг кредит томонидаги суммалари корхонага келиб тушган пул маблағларини, де-

бет томонидан суммалар эса бажарилган иш ва хизматлар учун тўланган суммаларни кўрсатади.

Банк томонидан корхона ва ташкилотларга ҳисоб-китоб рақами бўйича бериладиган кўчирманинг нусхаси қўйидагича:

«...» 200 ... йил

Коди ой	Хуҷа- номе- ри	Ҳоро- богчи- нин нуме- ри	Онор- аванс нуме- ри	Банк имзол- дари	Ҳисоб-ки- тоб смети нумери	Дебет	Кредит	Қол- дик	Махсус бечни
						Жами	Жами		

Ҳар чоракнинг охирида банк билан корхона ўртасида ҳисоб-китоб рақамидаги пул маблағларининг ҳолати аниқланиб чиқилади ва кўчирманинг тўғрилиги ҳар икки томоннинг имзоси билан тасдиқланади.

Ҳисоб-китоб операциялари аудитор томонидан текширилар экан, аудитор биринчи навбатда корхонанинг банкдан рақамлари, қайси банк томонидан хизмат кўрсатилиши, ҳисбот даврининг бошига бўлган ҳисоб-китоб рақамидаги қолдик суммасини аниқлаб олиши керак.

Ҳисоб-китоб рақамидан амалга оширилган хўжалик операциялари мазмун жиҳатдан турлича бўлиши табиий, чунки рақамга келиб тушган пул маблағларининг таркибида бевосита товар ва маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган пул маблағлари ва бошқа кўрсатилган хизматлар учун тўловлар кўрсатилади. Текшириш давомида товар маҳсулотларни сотишдан келиб тушган ва хизматлар учун рақамга ўтказилган маблағларга алоҳида эътибор талаб қилинади.

Ҳисоб-китоб рақамига ўтказилган пул маблағлари тегишли ҳужжатлар билан, яъни тўлов-топшириқномаси, тўлов-топшириқномасини тўлдириб бошқа топширган ташкилот томонидан тўланиши керак бўлган суммани тасдиқлаш мақсадида рақам фактура, юк хати каби ҳужжатлар билан тўлдирилган бўлиши керак. Ҳар бир тўлов топшириғи бўйича рақамга ўтказилган пул маблағлари шартнома шарғлари билан асосланмаган бўлса, унинг манбалари сабаби аудитор томонидан ўрганилади.

Текшириш давомида «ҳисоб-китоб рақами» бўйича берилган бухгалтерия ёзувларини банк кўчирмалари билан асосланган ҳолда олиб борилиши аниқланади. Банк кўчирмасида

акс эттирилган кирим ва чиқим суммалари бўйича ҳужжатларни тўғри расмийлаштирилганини текширилади.

Агар ҳисоб-китоб рақамидан тўланган суммалар товар ва маҳсулотларнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлса, уларнинг киримга қабул қилинганини моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботлари билан таққосланган ҳолда аниқлаб чиқади.

Ҳисоб-китоб операциялари аудит назоратидан ўтказилаёттандан ҳар бир тўланган сумманинг манбаи ўрганилади.

Корхона ва ташкилотлар ўртасидаги иқғисодий муносабатларда ўзаро ҳисоб-китоблар алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзаро ҳисоб-китобларни белгиланган муддатларда амалга ошириш молиявий аҳволни яхшиловчи омил ҳисобланади. Корхонанинг ҳисоб-китоб рақамига ўтказилган пул маблағларини аудиторлик назоратидан ўтказилаёттандан биринчи навбатда, шартнома шартларининг бажарилиши ўрганилади. Иккинчидан, ҳар бир сумманинг жўнатилган товарлар суммасига тўғри келиши аниқланади. Жўнатилган товарларни тасдиқловчи ҳужжатлар билан банк кўчирмасига асосан рақамга ўтказилган пул маблағларининг ҳолати аниқланади.

Агар ҳисоб-китоб рақамига ўтказилган пул маблағлари бевосита юрсатилган хизматлар учун амалга оширилган бўлса, у ҳолда белгиланган расценкаларга тўғри келиши аудитор томонидан аниқланади. Ҳар бир ташкилотнинг ҳўжалик фолиятидаги ўзгаришлар уларга тааллуқли бўлган маблағлар ҳолатини ўзгаришта олиб келади, яъни маблағлар бир турдан иккинчи турга ўтиб боради. Ҳўжалик ҳисоб-китоб рақамидаги пул маблағларинининг асосан маҳсулот реализацияси ҳисоби ўзгариб бориши мумкин. Аудиторлик назоратида корхонанинг ҳисоб-китоб рақамидаги тўланган пул маблағларининг тўғрилигини аниқлаш асосан уч йўналиш бўйича олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

1. Товар ва маҳсулот сотиб олиш учун тўланаган пул маблағлари;

2. Бажарилган иш ва хизматлар учун тўланган пул маблағлари;

3. Банк томонидан бевосита тўланган маблағлар.

Текшириш ўтказилаёттандан товар в маҳсулотларни сотиб олиш учун тўланган пул маблағларини тасдиқловчи ҳужжатларга қўйидагилар киради:

-товар ва маҳсулотларни сотиб олиш тўғрисида тузилган шартнома;

-шартномага асосан товар ва маҳсулот суммасига нисбатан 15 фоизни олдиндан тўланган суммани тасдиқловчи тўлов шартномаси;

-тўланган сумма бўйича товар ва маҳсулотларни моддий жавобгар шахслар томонидан киримга қабул қилингандигини тасдиқловчи ҳисобот;

-бажарилган иш ва хизматлар бўйича тўловларнин тўлиқлии и аудитор томонидан ўрганилганда қуидаги ҳужжатларга алоҳида эътибор берилади;

-шартноманинг мавжудлиги, унда бажариладиган иш ҳажмининг, тўланадиган сумманинг кўрсатилгандиги.

Агар бажарилган иш меҳнат шартномаси асосида амалга оширилган бўлса, унда ишни бажарган шахслар тўгрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги, бажарувчилар томонидан ишни тугатилиши ва қабул қилингандиги тўгрисидаги далолатноманинг мавжудлигига аудитор эътибор бериши керак. Агар бажарилган иш учун тул маблағлари кассадан берилган бўлса, у ҳолда чиқим ордерининг расмийлаштириш тартиби унга илова қилинган ҳужжатлар аудитор томонидан текширилади. Корхона ва ташкилотларнинг фаолиятидан шундай хўжалик операциялари ҳисоб-китоб рақамидан амалга ошириладики, уларни тўлаш ёки тўламаслик, тўлашни қисман ёки рал қилиш имкониятлари корхона ва ташкилотларга берилмаган.

Бундай тўловларга солик бошқармалари томонидан банкка топширилгани тўлов топшириқномалари ижтимоий сугурта ажратмалари, хўжалик судининг буйруқлари, суд органларининг қарорлари, ҳокимият томонидан автомобил йўлларидан фойдаланиши ва қуриш учун тўловлар бўйича топшириқномалар, қарздорлар томонидан тан олинган дъяво суммалари киради.

Ҳар бир ҳисоб-китоб рақамидан тўлаган сумма юқорида кўрсатилган ҳужжатларга асосан тўлангандиги аниқланиб чиқилади. Ҳисоб-китоб рақами бўйича ўтказиладиган банк операциялари аудитда биринчи навбатда уларни корхона хўжалик фаолияти билан асослангандиги текширилади. Ўтказилган операцияларнинг тўғрилигини назорат қилишда банк кўчирмаларига илова қилинган ҳужжатлар билан тасдиқлангандигига алоҳида эътибор берилади.

Ҳисоб-китоб рақамидаги тул маблағларининг ҳужжатлар асосида текширишдан асосий мақсад, биринчидан, тўловларни қонуний эканлигини тасдиқлаш бўлса, иккинчидан товарсиз, ҳужжатларга чек қўйишdir.

Ҳисоб-китоб рақамидан корхона ва ташкилотлар бажарилған иш ва хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китобларни нақд пулсиз, янын пул ўтказиш йўли билан амалга оширадилар. Ҳисоб-китоб рақамидан амалга ошириладиган операциялар икки томонлама, янын бир томондан банк назоратидан, иккинчи томондан эса корхона бош бухгалтерияси томонидан назорат қилинади.

Агар ҳисоб-китоб рақамидан амалга оширилаётган операциялар корхона фаолияти билан бўлмаса, банк томонидан бундай операциялар тўхтатилади.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида тегишли ишлаб чиқариш маҳсулотини сотиш бўйича ўзаро иқтисодий ҳисоб-китобларни олиб борадилар. Корхоналар ўргасидаги ҳисоб-китоблар асосан банклар орқали пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Ҳисоб-китоб рақамидаги маблағларни бевосита корхона фаолияти битан боғлиқ ҳолда олиб борадилар. Барча амалга оширилган хўжалик операциялари корхона розилиги билан бажарилади.

Айрим ҳолларда корхона ўз фаолиятида пул маблағлари етишмаслиги оқибатида, ҳисоб-китоб рақамида олиб бориладиган тўловларни тартибга солиш мақсадида, айланма маблағлар ҳолатини яхшилаш мақсадида банкдан қарз олишга мажбур бўладилар. Банк томонидан бериладиган қарзлар бевосита аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиб, белгиланган мақсад бўйича ишлатилиши банк томонидан назорат қилинади.

Тўловлар асосан тўловчиларнинг ўз маблағлари ҳисобига, айрим ҳолларда эса банк кредити ҳисобига амалга оширилади. Ҳар иккала томон ўргасидаги тўлов шакли маҳсулот етказиб бериш тўғрисидаги шартномада белгилайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 24 январдаги «Тўлов интизомини ва ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлашгага доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан олинган товар-моддий бойликларининг кўрсатилган хизматлари учун энг камида 15 фоиз олдиндан пул тўлаш жорий қилинади.

Ҳар бир корхона ва ташкилот белгиланган режа ва топшириқларини бажаришда, ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишда, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан ўзаро тўлов муносабатларини амалга оширадилар. Тўлов ҳисоб-китобларини ўз вақтида, тўғри олиб бориш ҳар икки томон-

нинг пулга бўлган эҳтиёжини бир меъёрда бажарилишини таъминласа, иккинчидан, товар ва маҳсулотларни харидорларга сифатли етказиб беришни таъминлайди.

Мол етказиб берувчи ва харидор ўртасидаги тўлов муносабатлари, ҳисоб-китобларнинг қайси шаклидан фойдаланиши тартиби амалдаги қонунларга асосан белгиланади ва шартномада кўрсатилади.

Халқ хўжалик тармоқларида ҳозирги кунда товар ва хизматлар учун ҳисоб-китобларнинг қўйидаги шакллари ишлатилмоқда:

1. ҳисоб-китоб олиб боришининг 15 фоизини олдиндан пул тўлаш шакли;
- 2 ҳисоб-китобнинг акцепт-инкасса шакли;
- 3 ҳисоб-китобнинг аккредитив шакли;
- 4 Чек орқали ҳисоб-китоблар олиб бориш.

Амалда қўлланилаётган ҳисоб-китобларнинг асосий қисми акцепт-инкасса шаклига тўғри келади ва бу шакл 1930 йиллардан бошлаб қўлланилмоқда.

Республикамиз миқёсида тўлов интизомини мустаҳкамлаш тўгрисидаги Президентимизнинг 1996 йил 24 январдаги ПФ-13363 Фармонига асосан республикадаги истеъмолчиларга маҳсулот етказиб бериш ҳажмининг камидаги 15 фоизини олдиндан тўлаш амалга оширилганда гина юклаб жўнатиши белгиланган, қолган қисмини 60 кун ичida тўлаш мажбурияти кўрсатилган.

3.4. Шартнома шартларининг бажарилиши ва мол етказиб берувчилар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар аудити

Шартнома – бу икки ёки бир неча жисмоний, юридик шахсларнинг ҳуқуқи ва бурчларини амалдаги қонунларга асосан ташкил қилишни таъминловчи келушувидир.

Шартнома ҳар икки томон учун иш фаолиятини ташкил қилиш, ишлаб чиқариш маданиятини щакллантириш алоҳида аҳамиятлидир. Бозор муносабатлари шароитида фаолият кўрсатиш бевосита шартномалар асосида иш юритиши талаб қиласди.

Шартнома шартларининг бажарилиши аудит назоратидан ўтказилар экан, аудитор биринчи навбатда уларни амалдаги қонунлар асосида тузилганлигини, ҳар икки томоннинг иқтисодий манфаатларига зарар етказилганлигини аниқ-

лаб чиқади. Шартноманинг ҳар бир моддаси аудитор томонидан ўрганилган ҳолда холоса тайёрланади.

Аудитор шартнома шартлари бажарилишини назорат қилар экан, кўрсатилган товар-моддий бойликларни белгиланган муддатларда, сифатли кўрсатилган ассортиментда бажарилишини аниқлаб чиқади. Бунинг учун шартномада кўрсатилган товарлар суммаси, белгиланган миқдори билан таққосланиб чиқлади. Аудитор ҳар бир шартнома шартларици бажарилиши бўйича ўз холосасини беради.

Бугунги кунда шартнома шартларини бажариш уни тўғри ҳисоб-китобини олиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг харидорини топиш, белгилаш билан баробардир.

Аудитор назорати ёрдамида шартнома шартларини бажармаслик ҳоллари аниқланса, унга нисбатан кўрилган чоратадбирлар ҳам ўрганилади, яъни шартнома шартларини бажармаслик оқибатида олинган жарима устама айирмаларини ундириб олиш шартлари аудитор томонидан ўрганилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: «Эндиги мақсад ҳеч бир шартнома асосида хўжалик зарар кўрмасин, балки ўзи учун манфаат топсин. Биз бундан буёнига ишлаб чиқарувчилар билан муносабатни қизиқтириш, рафбатлантириш ва уларга эркинлик бериш асосида иш ўрамиз», деб белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 384-моддасига биноан, шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиши тартиби белгилангандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 май ПФ-1154 «Халқ хўжалигига ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-таъбирлар тўғрисида»га Фармонида корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, етказиб бериладиган товар, маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлар бўйича ҳисоб-китобларни тартибга солиц мақсадида, тармоқларда тўлов интизомини яхшилаш, раҳбарлар масъулиятини ошириш белгилангандир.

Фармонга асосан барча мулкчилик щаклиаридағи хўжалик юритувчи субъектлар истеъмолчиларга бериладиган маҳсулот, бажариладиган иш хизматлар ҳақини 15 фоизини оддиндан тўланмаса маҳсулот жўнатиш, иш хизматларини бажариш амалга оширилмайди.

Аудиторлик назоратида олинган товар ва маҳсулотлар учун тўланган 15 фоиз суммалар бўйича говарларни киримга қабул қилинганилиги моддий жавобгар шахсларниң ҳисоботлари билан бирга бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичларини таққослаш йўли асосида амалга оширилади. Агар олинган товарниң 15 фоизи тўланган бўлса, қолтан қисми 60 кун ичида мол етказиб берувчиларга тўланиши царт. Белтишнган муддатларда товарлар суммаси ташкилотнинг, дебеторлик қарзи, деб ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тўғри ташкил қилиш, корхона ва ташкилотлар фаолиятларини муқобиллантиришда шартномалар алоқида эътиборлидир. Шартнома мажбуриятлари ҳар икки томон масъулиятини оширишга қаратилган бўлиб, унинг тўғри бажарилиши, биринчидан ишлаб чиқариш маданиятини, шу жумладан, иқтисодий маданиятни яхшиланишига ўз таъсирини ўтказади ва бозор иқтисодиёти талабларига хос хусусиятдир. Шартнома корхона иқтисодиётини ҳал қилувчи, унга даҳддор бўлган воситалардан биридир. Шартнома корхонани инқирозга олиб борувчи ёки ундан озод қилувчи омилдир.

Шартнома икки томон, яъни маҳсулот етказиб берувчи ва уни қабул қилиб оловчи ўртасида тузилади. Шартнома тузиш ҳар иккала томонга масъулият юклайди ва шартномага эътибор бериш ҳар икки томоннинг манфаатларини оширади. Ҳозирги кунда у хоҳ юридик ёки хоҳ жисмоний шахс бўлишидан қатъи назар, энг аввало, шартнома маданиятига эга бўлици керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда Президентимиз И.А.Каримов: «Эндиги мақсад ҳеч бир шартнома асосида хўжалик зарар кўрмасин, балки ўзи учун манфаат топсин. Биз бундан бўенига ишлаб чиқарувчilar билан муносабатларни қизиқтириш, рағбатлантириш ва уларга эркинлик бериш асосида иш кўрамиз», деб таъкидлайди.

Корхона фаолиятини яхшилашга, белгиланган мақсадга эришиш учун ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида шартнома тузиш, унга риоя қилиш, бажариш учун жавобгарлик бўлиши шарт.

Контрактация шартномалари тўгрисидаги норматив ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўгрисидаги Конун

киради. Бу қонунлардан ташқари «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонунларнинг тегиши маддаларида ўз ифодасини топган. Мисол учун, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 21-маддасида: «Деҳқон хўжалиги ўзи етиштирган маҳсулотини реализация қилиш учун юридик ва жисмоний шахслар билан ихтиёрийлик асосида хўжалик шартномасини тузиш ҳукуқига эга. Тарафлар шартнома мажбуриятини бузган тақдирда, қонун хужжатларида ёки шартномада белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Деҳқон хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулотга бозордаги талаб ва таклиф нисбатидан келиб чиқиб, мустақил равишда баҳо белгилайди», деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукуқий базаси тўғрисидаги қонунида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида, хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартиришлар ва бекор қилиш вақтида юзага келадиган муносабатлар тартибга солинган. Қонуннинг 3-маддасида: «Таклифлардан бири шартлашган муддатга тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини олган, иккинчи тараф эса товарларни, ишларини, хизматларини қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишув хўжалик шартномаси дейилади», деб белгиланган.

Демак, шартномада ҳар иккى томоннинг ҳукуқлари, мажбуриятлари, ваколатлари, шартномага нисбатан қўйиладиган талаблар ўз ифодасини топади.

Хўжалик шартномасини ҳар икки томоннинг манфаатини ифода этувчи асосида тузилган хужокатлар, унда шартнома предметини, етказиб бериладиган товарнинг, бажариладиган иш ва хизматнинг миқдори, сифати, ассортименти, баҳоси томонлар ўргасида келишилган ҳолда кўрсатилади.

Шартнома маҳсулотини етказиб бериш ой, чорак бўйича кўрсатилади. Аудитор томонидан шартнома шартларининг бажарилishi текширилар экан, ҳар бир шартнома шартлари тўлиқ ўрганилиб чиқилади ва бажарилиш шартлари аниқланади.

Бунинг учун шартномада етказиб бериш кўрсатилган товар, бажарилган иш ва хизматлар миқдори сифати, суммаси ҳақиқий қабул қилинган товар, бажарилган иш ва хизматлар

билан таққосланади. Агар шартнома шартларини бажармаслик ҳоллари аниқланса ёки шартномани бажариш мақсадида сифатсиз товарлар жұнатылғанлық ҳолатлари аниқланса, айбдор ташкилотта қилинған даъво суммалари түгрилигини, ундириб олиш шартлари аудитор томонидан текширилади.

Шартнома шартларини бажармаслик, товар ва мажбурияттарни истеъмолчиларга жұнатында хатоликларга йүл күйиш оқибатида даъво суммалари ташкил топади. Даъво суммаларини расмийлаштиришта қуїншаги ҳолатларга эътибор бериш керак:

- 1 Даъво билан ҳужжатларни түғри расмийлаштириш;
- 2 Даъво муддатларнан риоя қилиш;
- 3 Даъво суммаларини ундириб олиш назорати.

Аудитор томонидан даъво суммалари текширилиши керак экан, биринчи навбатда даъвонинг келиб чиқиши ҳолати ўрганилади. Ҳар бир суммани тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхалари текенирилади. Даъво суммаларининг ҳолати бухгалтерия ҳисоб-рақамларида қандай акс эттирилғанлиги аниқланади. Бухгалтерия ҳисоб-рақамларыда даъво суммалари «Даъвогар юзасидан ҳисобланишлар» рақамида күрсатиласы. Бу рақамнинг, дебет томонидаги ёзувлар мол етказиб берувчи-ларга қилинған даъволар суммасини күрсатади. Кредит томонида эса қилинған даъво суммасини айбдор корхона томонидан түланғанлигини билдиради. Бу рақамдаги ҳар бир ёзув даъвони тасдиқловчи ҳужжатлар билан асосланған бўлиши керак. Рақамни ҳисботот даврининг охирига бўлган қолдиги даъво айбдор томонидан тан олинган, лекин вақтинча түланмаган миқдорини күрсатади. Рақамнинг кредит томонида қолдик қолиши мумкин эмас.

3.5. Дебетор ва кредитор қарзлари ҳолатининг аудиторлик назорати

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги «Бухгалтерия ҳисоби тұғрисида» ги Конунига асосан корхона ва ташкилотлар ўз ҳұжалик фаолиятини бухгалтерия ҳисобида олиб боришилари, синтетик ва аналитик ҳисоб варақаларида акс эттиришилари белгиланган. Корхона ва ташкилотларда бухгалтерия ҳисобини ва ҳисботини ташкил қилиш билан боғлиқ жағобгарлық раҳбар зиммасига юқлатылғандир. Корхона раҳбари амалга оширилған ҳұжалик операцияларини назорат қилиш,

хужжатлар айланиши ва сақчанишини таъминлашни ўзаро ҳисоб-китобларни ўз вақтида олиб борилишини назорат қилади.

Корхона бош бухгалтери ўз фаолиятида пул маблағларининг сақчанишини, уларни тўғри хужжатлаштиришга баланс молдаларидағи маълумотлар билан учёт кўрсаткичлари боғлиқлигини таъминлашга, дебетор ва кредитор қарзларини тартибга солишини таъминлайди.

Корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китоб ишларини ўз вақтида олиб бормаслик, уларни шартномалар асосида ташкил қиласлик, дебетор ва кредитор қарзларини келтирувчи омил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигига ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтилизилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасида чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида белгилаб қўйилганки: «Товарлар амалда жўнатилган ишлар, бажарилган хизматлар кўрсатилган кунидан бошлаб 60 кун ўтгандан кейин, етказиб берилган товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун маблағлар келиб тушмаганлиги муддати ўтиб кетган, дебеторлик қарзи, деб ҳисобланади. Муддати ўтиб кетган, дебеторлик қарзи мавжудлигига йўл қўяётган корхона раҳбарлари ва бош бухгалтерига нисбатан жуда қаттиқ маъмурий ва моддий жавобгарликка тортиш чораси қўллансан», деб кўрсатилган. Фармонда кўрсатилишича агар тўлов муддатлари банк томонидан бузилган бўлса, банк раҳбари ва бош бухгалтерига энг кам иш ҳақи суммасига нисбатан беш баробаргача жарима солинади., дебетор ва кредитор қарзларини тартибга солишида 1996 йил 24 январ ПФ-1363 сонли «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармонига асосан мулкчилик шакилидан қатъи назар, республикадаги истеъмолчиларга маҳсулотни етказиб беришда 15 фойзни олдиндан ҳақ тўлаш жорий қилинди. Бу ҳолатнинг жорий қилиниши, дебетор ва кредитор қарзларини олдиндан олишга қаратилган чорадир.

Корхона ва ташкилотлар хўжалик фаолиятида ўзаро ҳисоб-китобларини банклар ёрдамида пул ўтказиш йўли билан олиб боради. Ҳар иккى Корхона ўртасидаги муносабатлар тузилган шартномага асосан юритилади.

Корхона ва ташкилотлар ўртасидаги, дебетор ва кредитор қарзларини келиб чиқишига белгиланган ҳисоб-китобларни ўз вақтила бажармаслик, тўлов қобилиятини йўқотиш каби омиллар сабаб бўлади., дебеторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш, келиб чиқишига йўл қўймаслик корхона раҳбари зиммасига юқлашгандир.

Ҳар бир ташкилот, ҳар чоракда, йил охирига бориб ўзаро ҳисоб-китобларни тартибга солиш мақсадида, дебетор ва кредитор қарзларини аниқлаб чиқиши керак.

Асосан, дебетор ва кредитор қарзлари корхонага кўрсатилган хизматлар бўйича ташкил топган. Бухгалтерия ҳисобида, дебетор ва кредитор қарзлар «Дебеторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» рақамида юритилади. Рақамнинг, дебет томонидаги ёзулар корхонанинг бошқа корхоналарга бўлган қарзини кўрсатса, кредит томонидан ёзув эса корхонанинг бошқа корхоналардаги ҳақини (маблагини) кўрсатади.

Мисол учун автотранспорт корхонаси савдо ташкилотига хизмат кўрсатилганлигини тасдиқлаб, йўл варақаларини тақдим қилди. Савдо ташкилоти йўл варақаларида кўрсатилган суммаларнинг тўғрилигини текшириб, кўрсатилган хизмат суммасига, дебет «Давр харажатлари» кредит «Дебетор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» рақами, деб ёзув беради. Хизмат ҳақи савдо ташкилоти томонидан тўланган, дебет «Дебетор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» рақами, кредит «ҳисоб-китоб» рақами, деб ёзув беради.

Корхона ва ташкилотлар хўжалик фаолиятида бажарилган иш ва хизматлар учун тегишли ҳисоб-китоб ишларини олиб боради. Ҳисоб-китобларни юритиш тартиби. Иш ва хизматлар бўйича тўланиши керак бўлган маблағларни тўлаш муддатлари шартномаларда кўрсатилади. Шартнома шартларини бажармаслик оқибатида тегишли қарз суммалари ташкил топади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 31 декабрдаги 614-сонли «Халқ хўжалигига ўзаро ҳисоб-китобларни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида 1994 йил 1 февралдан бошлаб ҳисоб-китобларнинг инкасса шакли бекор қилиниб, ҳисоб-китобларни тўлов талабнома-топшириқлари орқали амалга ошириладиган янги шакли жорий этилди.

Ҳисоб-китобларнинг умумий ахволи, ўзларига бўйсунувчи корхоналарда ўз маблағларидан, қарз маблағларидан қатъий

аниқ мақсадларга ва оқилона фойдаланиш учун шахсан жа-
вобгарлик вазирликлар, уюшмалар ва концернларининг раҳ-
барлари зиммасига юқлатилиши қарорда белгиланган.

Корхоналар ўртасидаги қарзларни тартибга солища ҳақ-
дор ва қарздор ташкилот ўртасида тузилган далолатнома бўли-
ши керак. Далолатномада қарзниң келиб чиқиши сабаблари,
мазмуни ва далолатномада тузилган кунга бўлган ҳолати
кўрсатилади ва аниқланган қарз суммаси қарздор ташкилот
раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан тасдиқланади.

Қарзларни ундириш тартибида агар қарздор ўз хоҳиши
 билан тузилган далолатномасига асосан қарзни тўлаб бўлма-
са, у ҳолда хўжалик суди орқали ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодек-
сининг 84-моддасига мувофиқ ҳуқуқи бузилган шахс даъво-
си бўйича ҳуқуқини ҳимоя қилиши учун муддат, яъни даъ-
во муддати – 3 йил, давлат ва бошқа ташкилотлар ҳамда
бирлашмалар даъволари бўйича 1 йил қилиб белгиланган.

Агар томонлар бир-бирлари ўртасидаги қарзларни, шарт-
нома мажбуриятларини текшириб, бу тўғрида тегишли да-
лолатномалар билан ўзаро тасдиқланган бўлса, даъво муд-
дати, деб ҳисобланади.

Даъво муддати тугаган бўлса, далолатнома билан узайти-
рilmagan bўlsada, daъvo muddati tугаган, deb ҳисобланib,
кредиторлик қарзи хўжалик фаолияти натижаларидан қоп-
ланиши керак. Даъво муддати ўтиб кетган қарзлар ялпи да-
ромад солигига тортиладиган даромадга киритилади.

Демак, бундай ундириб олиш муддатлари ўтиб кетган
қарзларни ундириб олишга аудитор ёрдам бермайди. Аудит
назорати ёрдамида уларнинг келиб чиқиши сабаблари таҳдил
қилиниб, айбдор шахсларни аниқлаш имкони тутатилади. Агар
кўрилган заар бўйича айбдор шахс аниқланиб, бундай сум-
малар даромадан қопланган бўлса, айбдор шахслардан унди-
риб олиш ҳолатларини кўрсатиб бериши мумкин.

Ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотини мижозга
етказиб беришда амалдаги қонунларга, мижоз билан тузил-
ган шартномага бевосита амал қиласди. Шартнома шартлари-
ни бажариш икки томон учун мажбурий ҳисобланади.

Шартнома шарти дейилганда томонларнинг ўзаро кели-
шуви асосида шакланган иқтисодий муносабат тушунилади.
Иқтисодий муносабатни бажариш, амалга ошириш ҳар икки
томоннинг имтиёзларидан келиб чиқади.

Республикамизда маҳсулот бажарилган иш ва хизматлар учун олдиндан маҳсулот бажарилган иш ва хизматлар суммасига ғисбатан 15 фоиз миқдорда олдиндан пул тұлаш тартиби белгиланған бўлиб, бу тартиб мулк шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектларга таалуқлидир. Бундай тартиб шартнома шартларида ҳам ўз ифодасини тоңади.

Лекин, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ёки маҳсулотларни белгиланған муддатларда, яъни шартнома шартларини тўлиқ бажариш таъминланади, деб айтиш қийин. Асосан, шартнома шартлари маҳсулот етказиб берувчилар томонидан бузилади.

Дебетор ва кредитор қарзларини тартибга солиш, уни камайтириш чора-тадбирларини белгилаш корхона, ташкилот раҳбарлари зиммасига юклатилған.

Дебетор ва кредитор қарзларининг шаклланиши биринчидан, тўлов муносабатларининг бузилишига, иккинчидан, корхоналарнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир қиласи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасида чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида шундай, деб белгиланған: «Барча мулкчилик шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг истеъмолчилар ва «Буюртмачи»ларга, агар улар етказиб бериладиган (бажариладиган ишлар, хизматлар) қийматининг 15 фоизини олдиндан тўламасалар, маҳсулот жўнатилиши, ишларни бажарилиши ва хизматлар кўрсатиши тақиқлансин».

Товарлар, бажарилган иш хизматлари кўрсатилған кундан 60 кун ўтгандан кейин жўнатилған товар, бажарилган иш хизматлари учун маблағлар, харидорлар томонидан тўланмаса, бундай қарзлар муддати ўтиб кетган, дебетор қарзи, деб ҳисобланади.

Фармонда муддати ўтиб кетган, дебеторлик қарзининг шаклланишига йўл қўйган корхона раҳбарлари ва бош бухгалтерига ғисбатан моддий ва маъмурий жавобгарлик чора-лари белгиланған. Президентимизнинг 1996 йил 26 январдағи «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида Ўзбекистон Молия вазирлиги, ДСК 1996 йил 1 февралдан бошлаб бухгалтерия ҳисоби тизимиға корхона ва ташкилот

балансларида тўлов муддати ўтиб кетган, дебеторлик ва кредиторлик қарзларини ажратиб кўрсатиш жорий этилди.

Дебеторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш корхоналар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлашта, нақд пулсиз операцияларни белгилантан муддатларда бажарилишига ўз таъсирини ўтказади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлити ва Давлат Солик кўмитаси гомонидан 1996 йил 21 октябр 65/96-84 сонли «Кредиторлик қарзи суммаларини солиқча торгиш ва уни бухгалтерия ҳисоботида акс эттириш тартиби тўғрисида»ги тушунтиришда кўрсатилишича, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 84-моддасига мувофиқ хукуқи бузилган шахс даъвоси бўйича, хукуқни ҳимоя қилиш учун муддат (даъво муддати) уч йил, давлат ва бошқа ташкилотлар ҳамда бирлашмалар даъволари бўйича бир йил қилиб белгиланади.

Агар томонлар бир-бирларига доир шартнома мажбуриятларини, шартнома текшириш далолатномаси билан узайтирган бўлсалар, даъво муддати ушбу ҳужжатлар имзоланган пайтдан бошлаб ҳисобланади. Бу ерда ҳужжатлар кредиторлик қарзини тўлаш муддати айтилиши қерак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 мартағи қарори билан тасдиқланган «Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисида»ги Низомнинг 68-бандига мувофиқ, даъво муддати тугаган кредиторлик қарзи суммаси фойдага олиниб, дебет «Дебетор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» рақами, кредит «Фойда ва зарарлар» рақами, деб бухгалтерия ёзувида кўрсатилади.

Даъво муддати тугаган кредиторлик қарзи суммалари фойда, даромад солигига ёки даромад солигига тортиладиган умумий даромадга киритилади. Агар корхона солиқча тортиладиган умумий даромадга даъво муддати тугаган кредиторлик қарзи суммасини киритмаган бўлса, солиқ идоралари текшириш пайтида кредиторлик қарзи суммасидан олинадиган солиқ суммаси ҳажмида жаримани ҳамда солиқни ўз вақтида тўланмаганлик учун пеняни ҳисоблаб чиқадилар.

Корхона ва ташкилотлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар бевосита товар-моддий бойликларнинг ҳаракати билан боғлиқдир. Олинган товарлар учун бирламчи тўлов олинадиган товар, маҳсулот ёки бажарилган иш ва хизматнинг умумий суммасига нисбатан 15 фоизи тўлангандан кейин-

тина товарни истеъмолчига жўнатиш мумкинлиги амалда қўлланилмоқда. Жўнатилган товарлар суммасининг қолган қисми 60 кун ичида тўланиши керак.

Аудитор бундай қарзларни, яъни белгиланган муддатларда тўланмаган қарзларни аниқлайди. Биринчи навбатда мол етказиб берувчилари томонидан товар-маҳсулотларни жўнатилишнингини тасдиқловчи рақам-фактура, товар-транспорт накладной каби ҳужжатларнинг қачон расмийлаштирилганлиги аниқданади. Товар-маҳсулотларни моддий жавобгарлик шахслар томонидан омборга тўлиқ қабул қилинганингини аниқлаб чиқади, уларнинг мол етказиб берувчилар билан тузилган шартномаларга мос келиши ўрганилади.

IV БОБ

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ВА НОМОДДИЙ АКТИВЛАР АУДИТИ

4.1. Асосий активлар ва номоддий активларнинг туркумлари ҳамда аудити вазифалари

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг бошланиши асосан асосан асосий ва айланма маблағлар ҳолатидан шакилланиди. Асосий воситалар мулк эгасининг моддий-техника базасини ташкил қиласиди. Асосий воситаларга ҳар бир донаси нинг қиймати 15 минимал иш ҳақидан ортиқ, бир йилдан ортиқ хизмат қиласиган меҳнат қуроллари киради.

Асосий воситалар тармоқлар бўйича гурухланганда: саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа, маориф, савдо ва хизмат кўрсатиш каби соҳалар бўйича бўлинади.

Асосий воситаларнинг тармоқлар бўйича гурухланиши биринчидан, ҳар бир тармоқни моддий-техника базаси ҳолатини ўрганиш имконини берса, иккинчидан, асосий воситаларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш учун имкон яратади.

Ҳар бир тармоқ иқтисодистида асосий воситаларни турлари бўйича ўрганиш улардан самарали фойдаланиш имконини беради. Ҳалқ хўжалик тармоқларидағи асосий воситаларнинг 12 тури бўйича, шу жумладан, бинолар; иншоотлар; куч узатувчи курилмалар; транспорт воситалари бўйича хужжатлар мавжуд.

Асосий воситаларни (тўғри) сақлаш, ишлатишни тўғри ташкил қилиш, харажатларни камайтиришга, маҳсулот таннархини арzonлаштиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга яқиндан ёрдам беради.

Асосий воситаларни аудиторлик назорати ташкил қилиш, ўтказиш улардан самарали фойдаланиш имкониятларини оширади. Ҳар бир тармоқнинг мулк эгасини асосий воситаларга бўлган талабини аниқлаш имконини беради.

Бозор иқтисодиёти ҳар бир соҳада тежамкорлик ва маҳсулотнинг сифатли бўлишини, рақобатга бардош бера олишини талаб қилмоқда. Бу талабни бажарилишида асосий воситалардан самараати фойдаланишини талаб қиласи.

Аудиторлик назорати ёрдамида асосий воситаларни ўз вақтида киримга қабуя қилиншишини, баҳоларни тўғри белгиянганлиги, уларни тегишли хужжатлар билан асосли расмийлаштирилганлиги текширилади.

Асосий воситаларни аудиторлик назорати ёрдамида сақлашини бўйича моддий жавобгарликни қандай ташкил қўйганлиги ўрганилади. Корхона ва ташкилотлардаги асосий воситалар моддий ва маънавий жиҳатдан эскириб боради ва эскирган, яроқсиз асосий воситалар корхона балансидан чиқарилади. Бунинг учун маҳсус далолатнома тузилади. Аудиторлик назорати ёрдамида тутатилган асосий воситаларнинг қиймати, тугатилиши натижаларини тўғри аниқланганлиги текширилади.

Аудиторлик назоратида асосий воситаларни тўғри баҳоланишига алоҳида эътибор берилади, чунки уларнинг баҳосини асоссиз ортириб ёки камайтириб юбориш, маҳсулот таннархига таъсир қиласи, оқибатда корхона фойдасини нотўғри аниқлаш, тўловчиларни соҳталаштиришга олиб келиши мумкин. Аудиторлик назорати ёрдамида асосий воситаларни қандай маблағлар ҳисобига сотиб олинганлиги аниқланади.

Халқ хўжалик тармоқларида асосий воситаларнинг самарадорлиги биринчи навбатда харажатларни камайтиришда намоён бўлса, иккинчидан, маҳсулот таннархида, учинчидан, корхонанинг моддий-техника ҳолатини яхшиланнида ифода этилади. Асосий воситаларни туркумлаш ёрдамида тармоқдаги асосий воситаларнинг ҳолати, уларга бўлган талаб, янгилаш ёки сотиб олиш имкониятлари ўрганилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида Халқ хўжалик тармоқларидаги асосий воситалар куйидагича туркумланади:

- 1 Саноат;
- 2 қишлоқ хўжалиги;
- 3 Ўрмон хўжалиги;
- 4 Транспорт;
- 5 Алоқа;
- 6 Курилиш;
- 7 Савдо ва умумий овқатланиш;
- 8 Моддий-техника таъминоти;

9. Тайёрлов;
10. Бошқа моддий неъматлар ишлаб чиқариш турлари;
11. Курилиш-коммунал хўжалик ва аҳолига майший хизмат кўрсатиш;
12. Соғлиқни саклаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот;
13. Маориф...

Жами бўлиб 18 туркумни ўз ичига олади. Асосий воситаларнинг тармоқлар бўйича туркумланиши, ҳисоб ва ҳисоботларда тўғри кўрсатилиши, улардан самарали фойдаланишини таъминлашга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунонинг 12-модласида «... Асосий маблағлар ва номоддий активлар, уларнинг тўлиқ бошланғич ишлаб чиқариш қиймати бўйича ҳисобга олинади. Асосий маблағлар ва номоддий активлар қийматини ҳисобдан чиқариш, уларнинг қиймати тўлиқ тўлангунча ёки объект сафдан чиқариб кетгунга қадар бўлган эскиришни амортизация ҳисоблаш йўли билан амалга оширилади...». Асосий воситаларга қиймати 15 минимал иш ҳақидан ортиқ хизмат қилиш, муддати бир йилдан ортиқ бўлган меҳнат куроллари киради.

Корхона ва ташкилотларга асосий воситалар қуриш ва сотиб олиш бошқа корхонадан текинга олиш йўли билан ўз ҳолатини ўзгартириши мумкин. Асосий воситалар қайси маблағлардан қабул қилинмасин, уларни қабул қилиш ҳолати далолатнома билан расмийлассирилади. Далолатномада асосий восита қайси маблағлардан, кимдан, қайси ташкилот ёки муассасадан олинганилиги, қиймати, паспорт номери кўрсатилади.

Корхона ва ташкилотларда ҳар бир асосий восита учун инвентар номер (варақа) юритилади. Асосий воситаларнинг қиймати аниқланаётганда уларнинг эскириш суммасига алоҳида эътибор берилади. Агар қабул қилинган асосий восита янгидан қурилган ёки сотиб олинган бўлса, уларни бошланғич ишлаб чиқариш қийматининг тўғри аниқланганлигига алоҳида эътибор бериш керак, чунки янги асосий воситани фойдаланишга қабул қилиш билан боғлиқ харажатлар унинг бошланғич ишлаб чиқариш баҳосига ўтказилиши керак.

Мисол учун, қабул қилинган асосий воситанинг сотиб олиш баҳоси 50000 сўм, уни ташиб келишга қилинган транспорт харажатлари 6000 сўм, ўрнатиш харажат-

яри 4000 сүм. Асосий воситанинг бошланғич қиймати 60000 сүмни ташкил қиласы.

Асосий воситаларнинг қолдиқ қийматини тұғри аниклаш алохыда ажамиятлайды, чунки қолдиқ қийматини аниклаш бевосита харажатлар билан бөглиқдір. Қолдиқ қиймати асосий воситаларнинг бошланғич қийматидан эскириш суммасини айриш йўли билан аникланады.

Хұжалик юритувчи субъектлар фаолиятида тұғри юритилиши улар томонидан тузилған низом асосида олиб борилады. Низомда мулкий муносабатлар, моддий жавобарлық, фаолият турлари амалдагы қонундарга асосланған ҳолда күрсатилады ва бажарилиши тегишли илоралар томонидан назорат қилинады.

Корхона низомида унға тааллуқли бўлган асосий фонлари, айланма маблағлари ўз ифодасини топады ва фаолияти давомида маблағларини бирламчи ҳолатини ўзгариши учун шароит яратилади. Корхона фаолиятидан олинган фойда ҳисобига асосий воситаларни кўпайтиришта имконият яратилади, чунки корхона ҳисобига қолдирилган фойданинг бир қисми бевосита асосий воситалар сотиб олишга, қуришга, яъни фаолият доирасини кенгайтиришга сарф қилинади.

Асосий воситаларни қуриш, сотиб олиш манбай бўлиб корхонанинг ҳисоб-китоб счетидаги пул маблағлари ҳисобланади. Агар корхонага қайтариб бермаслик шарти билан асосий восита олинган бўлса, 1.01.1995 йилдан бошлаб нодавлат ташкилотлар унинг қолдиқ баҳосини аниклаб, шу баҳода киримга қабул қиласылар.

Асосий воситалар қуриш йўли билан киримга қабул қилинаётган бўлса, биринчи навбатда қуриш усули ўрганилиб чиқылади. Асосий воситаларни қуриш иккиси усулда, яъни хўжалик ва пудрат усулида олиб борилади. қурилиш ишлари хўжалик усулида ташкил қилинган бўлса, барча қурилиш билан беғелиқ харажатлар қурилиш ишлари тутагунгача бухгалтерия ҳисобининг тегишли счетларида йифилиб борилади. қурилиш ишлари туталланганда, асосий воситаларни қабул қилиш даголатномаси тузилётганда асосий воситанинг бошланғич баҳоси тегишли счет кўрсаткичлари асосида аникланади.

Агар асосий восита қурилиш пудрат усулида ташкил қилинган бўлса, яъни қурилиш лойиха ташкилотлари томонидан бажариладиган бўлса, ишни бажариш тузилған

шартнома асосида қурилиш-монтаж ишлари сметаси тасдиқланган ҳолда олиб борилади.

Номоддий активлар түшунчаси бухгалтерия ҳисобида, ҳисботида назорат қилишдаги янги түшүнчадыр. Номоддий активларга ошкора күзгө күриниб турмайдындар манбай ҳисобланган воситалар киради. Номоддий активларга саноат ва ақлий мулкілар қыймати, узоқ муддатлы чиқимлар, янги патентлар, лицензиялар, илмий талқылдар, тәжрибеконструкторлік воситалари киради.

Аудиторлык назоратиды номоддий активларга кирилған объектлар ҳолати уларнинг түғри кирилғанлығы текширилди. Номоддий активларни килемгә қабул қилинган тегицили ҳужжатлар асосида аудитор томонидан текширилди.

4.2. Асосий воситаларни түғри қабул қилингандыгының аудиторлык назораты

Асосий воситаларни ўз вақтида түғри қабул қилиш ва баҳолаш, иқтисодий жиһатдан алохуда ахамиятлидир. Уларнинг ҳаракатини түғри ташкил қилиш бириңчидан харажатларни камайтиришга, маҳсулот таннархини пасайтиришга, сифатини яхшилашта таъсир қылувчи омил ҳисобланади.

Корхона ва ташкилотларга асосий воситалар қўйидаги йўллар билан килемгә қабул қилиниши мумкин:

- корхонанинг ўзида тайёрлаш, қуриш;
- мол етказиб берувчилардан тайёр асосий воситаларни сотиб олиш;
- қайтариб бермаслик шарти билан бепул олинган асосий воситалар;
- кўшма корхоналардаги (ҳиссадорлик) асосий воситалар;
- инвентаризация натижасида ортиқча, деб аниқланган асосий воситалар.

Асосий воситаларни қабул қилиш түғрисида корхона раҳбари томонидан буйруқ берилади. Буйруқда комиссия аъзолари томонидан асосий воситаларни қабул қилиш түғрисидаги далолатномани тузадилар ва тасдиқлайдилар.

Тузилған далолатномада қабул қилинган асосий воситаның қисқача мазмуни, бошланғич қыймати, қаерда жойлашылғанлығи, моддий жавобгар шахсга берилғанлығи ва сана, йил, ой кўрсатилади. Далолатномага асосан воситани қабул қилиш билан боғлиқ ҳужжатлар илова қилинади.

Асосий воситаларни тўғри қабул қилинганилиги аудиторлик назоратидан ўтказидаётганда биринчи навбатда далолатномаларни тўғри тузилганлиги, уларда кўрсатилган маълумотларни белгиланган талабларга жавоб бериши аудитор томонидан текширилади. Ўзбекистон Республикаси навбатида далолатномага илова қилинган Қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг тўғри аниқланганлиги аудитор томонидан ўрганилади.

Агар киримга қабул қилинган асосий воситалар мол етказиб берувчилар томонидан тайёр ҳолда етказиб берилган бўлса, аудитор томонидан сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида тузилган шартнома, пул ўтказилганлиги аудитор томонидан ўрганилади. Ўз навбатида қабул қилинган асосий воситанинг бошланғич қийматининг тўғри белгиланиши текширилади.

Асосий воситаларни сотиб олиш тўғрисида тузилган шартномада кўрсатилган баҳо билан асосий воситанинг бошланғич баҳоси ўртасида фарқ бўлишлiği мумкин. Бу фарқ асосий воситани мол етказиб берувчидан ташиб келиши билан боғлиқ транспорт харажатлари ҳисобига ёки уни ишлатиш учун қилинган монтаж харажатлари ҳисобига бўлиши мумкин.

Асосий восита баҳосининг тўғрилигини назорат қилишда счет-фактура, товар-транспорт накладнойидаги ёзувлар аудитор томонидан текширилади.

Асосий воситаларни куриш, сотиб олиш тегишли харажатлар билан боғлиқ ҳолда олиб борилади. Сарф қилинган харажат асосий воситанинг бошланғич баҳосини аниқловчи омил ҳисобланади. Корхона ва ташкилотларда асосий воситалар куриш усулида олиб борилса ёки пудрат усулида ташкил қилинган бўлса, ҳар бир қурилаётган асосий воситанинг қурилиш-монтаж харажатлари сметаси тузилган ва тасдиқланган бўлиши керак.

Қурилиш-монтаж ишлари бўйича смета харажатлари ҳар иккала ташкилот раҳбарлари томонидан тасдиқланади. Қурилиш ишлари давомида белгиланган смета харажатларидан фарқ қилиш ҳоллари, аниқланса, бу тўғрида «Буюртмачи»нинг розилиги ҳисобга олинади. Агар асосий воситани куриш, сотиб олиш, ўрнатишида жисмоний шахслар жалб қилинган бўлса, улар билан тузилган меҳнат шартномаларининг тўғри тузилганлиги аудитор томонидан алоҳида назоратдан ўтказилади.

Назорат қилишда жисмоний шахслар билан тузилган меҳнат шартномаси бўйича бажарилган ишларни қабул қилиш

тұғрисидаги мәдениетті расмийлаштириш тартибига алохидан ажамият беради.

Асосий воситаларни қуиши билан бөглиқ харажатлар аудиторлық назоратидан үтказилаётганды тұланмаган қуилиш ишлари бүйіча алохидан алохидан үрганилади.

Корхона ва ташкилотлар үзінде ортиқта, ишлатылмай (қолған) турған асосий воситаларни ижарага беріш екі олиш хуқуқига әгадирлар.

Мулк ижараси 3 йилдан ортиқ муддатта, яғни узоқ муддаты, бир йилдан 3 йилгача, ўрта муддаты да 1 йилгача бўлган муддатларни ўз ичига олади.

Мулкни ижарага беріш ижарага шартномаси билан расмийлаштирилади. Шартномада ижарага берувчи ва олувчининг хуқуқий асослари, ижарага муддати, томонларнинг мулкдан фойдаланиш хуқуқи, сақлаш, таъмирлаш харажатларини қоплаш манбалари ўзаро келишилиб, шартномада ўз ифодасини топади. Ижарага муддатлари давомида мулкнинг тұтрилигини таъминлаш кафолати ижарага олувчи зиммасига юкланади.

Ижарага шартномасига мулкни қабул қилиш, үтказиб беріш далолатномаси илова қилинади. Мулкни ижарага беріш билан бөглиқ харажатлар ижарага берувчи томонидан қопланади. Ижарага олинган асосий воситалар ижарага олган ташкилот бухгалтериясида балансдан ташқари «Ижарага олинган асосий воситалар» счетида кўрсатилади.

Ижарага олинган асосий воситаларни аудит назоратида ижарага муносабатларини тасдиқловчи хужжатларнинг расмийлаштирилганлиги, бухгалтерия ҳисобида түғри кўрсатилиши аудитор томонидан текшириледи. Аудитор мулкни ижараси билан бөглиқ харажатларни қоплаш манбалари ижарага даромад ҳолати үрганилади, шартнома шартларини бажарилиши назорат қилинади.

Корхона ва ташкилотлар фаолиятида маблағдарнинг самардорлиги, уларни анықлаш даражасига бөглиқдир. Турли мулкчилик шароитида асосий воситалардан тұлиқ фойдаланиш, харажатларини камайтиришга олиб келади. Асосий воситаларга эгалик қилиш хуқуқи бевосита мулк шакли билан бөглиқ бўлиб, улар корхонага тааллукли бўлган асосий воситалар вактинча фойдаланишга олинган асосий воситаларга бўлинади.

Асосий воситаларни сотиб олиш, сотиш билан бөглиқ операциялар аудит назоратидан үтказилар экан, биринчи навбат-

да асосий воситанинг баҳоланишини тўғри олиб борилганлиги аудит назоратидан ўтказилади. Бундай текшириш сотиб олинаётган асосий воситани ҳужжатлари билан олиб борилади. Сотиб олиш билан боғлиқ операциялар аудит назоратидан ўтказилар экан, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш харожатлари қайси манбалар ҳисобига қопланганлиги ёки уларни асосий воситанинг баланс қийматига ўтказилганлиги текширилади. Кўп ҳолларда сотиб олинган асосий воситаларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш билан боғлиқ харожатлар давр харожатларига асоссиз ўтказини ҳоллари учрамоқда.

Асосий воситаларни сотиб олиш ҳолатини ҳужжатлаптириш ҳолатига алоҳида эътибор бериш зарурлир. Агар сотиб олинаётган асосий восита ишлатилган бўлса, ишлатилган даври бўйича эскириш суммаларини ҳисоб-китобига аҳамият берилади, чунки сотиш баҳосини белгилашда эскириш суммалари алоҳида аҳамиятлидир.

Асосий воситаларни сотиб олиш, сотиш билан боғлиқ операциялар аудитда уларнинг манбалари аудитдан ўтказилади. Аудитор томонидан корхона асосий воситалари ҳолати текширилар экан, биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2001 йил 28 февралдаги «Асосий воситаларни балансдан чиқариш тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш» тўғрисидаги буйрганинг бажарилишини таъминланни керак. Тасдиқланган Низомга асоссан, асосий воситалар балансдан қўйидаги ҳолларда чиқарилади:

- тутатилаётганда;
- сотилганда;
- қайтариб олмаслик шарти билан берилганда;
- камомад ва хиёнатлар аниқланганда.

Агар аудитор томонидан текшириш ўтказилаётганда асосий воситаларнинг тутатилиши тўғрисидаги ҳужжатларнинг мавжудлиги аниқланса, уларнинг Низомга асоссан расмийлаштирилганлиги ўрганилади ва аудитор холосасида кўрсатилади.

Асосий воситаларнинг тутатилиши (балансдан чиқариш) қайси тартибда амалга оширилмасин унинг натижалари далолатнома тузиш орқали амалга оширилади. Асосий воситаларнинг тутатилиши натижалари далолатномада кўрсатилади. Тутатилаётган асосий восита бўйича фойда (зарар)ни аниқлашда асосий воситанинг бошланиш қиймати, эскириш, тутатилишидан олинган материал (эҳтиёт қисмлар)лар қийма-

ти, тугатилиши билан боғлиқ харажатлар ҳисоб-китоб қилиниб тугатилиш натижалари аниқланади.

Асосий воситаларнинг тугатилиши аудит текширишдан ўтказилар экан, биринчи навбатда бу тўғрида тасдиқланган Низомнинг бажарилишига эътибор берилади ва тутатилиш натижаларини акс эттирувчи далолатноманинг тўғрилиги аудитор томонидан текширилади. Текшириш давомида асосий воситаларнинг тугатилиши билан боғлиқ сарф-харажатларни акс эттирувчи бухгалтерия ёзувларининг тўғрилигича тугатилшидан кирим қилинган материал ва эҳтиёт қисмларни ҳужжатлантириш тартиби ва омборга қабул қилинганлиги аниқланади. Кўп ҳолларда асосий воситалар бўйича камомад ва йўқотишлар аниқланганда, уларни жавобгар шахсадан ундириб олишда турли хатоликлар келиб чиқади, бу хатолик асосий воситаларнинг баҳоланиши билан боғлиқдир. Агар аудит текшируvida бундай ҳолатлар аниқланса ундириб, олиш шартларининг тўғри кўрсатилғанлиги аниқланади.

Асосий воситаларнинг тугатилиши билан боғлиқ операциялар комиссия аъзолари томонидан тузилган далолатномада (ОС-4 шакл) кўрсатилади. Асосий воситаларнинг тугатилиши тўғрисидаги далолатноманинг тасдиқланган шакли кўйидагicha:

«Тасдиқлайман»
корхона раҳбари (имзо)
«___» ____ 200 ___ йил

ДАЛОЛАТНОМА

Асосий воситаларнинг тугатилиши тўғрисида
Корхона, ташкилот (номи) _____

Жойлаш хойи Цех, бригада	Фаолвот турк	Дебет		Кредит		Бонжасин юйимат	Эзюриш суммаси	Номери	
		Счет	Аван. шисоб коди	Счет	Аван. шисоб коди			Инве- нтор	Тайёр- ловчи

Асосий восита				Тайёрланган йил		Фойдаланишга қабул қилинган ой, йил	
Номи	Тури	код	курилган йил				

Комиссия таркиби « ____ » 200 № ____ буйруқ билан тайинланган.

Тугатилаётган асосий воситалар ҳолати ўрганилганда куйилагилар аниқланди:

1. Тугатиладиган асосий восита корхонага « ____ » 200 йилда қабул қилинган.

2. Тугатилаётган асосий воситанинг паспорт № ____

3. Тугатилиш сабаби _____

4. Техник ҳолати _____

5. Комиссия холосаси _____

Далолатномага илова қилинган ҳужжатлар

Комиссия раиси, мансаби _____ (имзо)

Комиссия аъзолари, мансаби _____
mansabi _____ (имзо)

ОС-У шаклни орқа томонидан асосий воситани тугатилишидан фойдаланиш учун яроқли бўлган материал, эҳтиёт қисмлар, рангли ва қийматли материалларни омборга қабул қилинганлиги кўрсатилади. Тугатилаётган асосий воситанинг тутатилиш натижаси аниқланиб чиқилади. Тугатилиш натижасини қўйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқиш мумкин:

$\Phi_{(9)} \text{КБ} - \text{ЭКТ} - \text{О}$

бу ерда, $\Phi_{(9)}$ - фойда (зарар);

Б - бошланғич қиймат;

Э - эскириши;

T - тугатилиш харажатлари;

О - олинган материал, эҳтиёт қисмлари.

Асосий воситаларни тутатилиши тўгрисидаги далолатномага асосан тутатилиш натижалари бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

А) Тугатилаётган асосий воситанинг бошланғич ишлаб чиқариш баҳосига:

Дебет «Асосий воситани сотиш ва уларни бошқача тарзда ҳисобдан чиқиб кетиши» счети.

Кредит «Асосий воситалар счети».

Б) Тугатилаётган асосий воситанинг эскириш суммасига:

Дебет «Асосий воситани эскириш» счети.

Кредит «Асосий воситаларни сотиш ва бошқача тарзда ҳисобдан чиқиб кетиши» счети.

В) Асосий воситани тугатиш билан боелиқ харажатларга (иш ҳақи ҳаражатларига):

Дебет «Асосий воситаларни сотиш ва бошқа тарзда ҳисобдан чиқиб кетиши» счети.

Кредит «Меҳнатта ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» счети.

Г) Тугатилишидан олинган ва омборга кирим қилинган материаллар суммасига:

Дебет «Материаллар» счети.

Кредит «Асосий воситаларни сотиш ва бошқа тарзда ҳисобдан чиқиб кетиши» счети

Д) Асосий воситанинг тугатилишидан кўрилган фойда суммасига:

Дебет «Асосий воситаларни сотиш ва бошқа тарзда ҳисобдан чиқиб кетиши» счети.

Кредит «Асосий воситаларни сотиш ва бошқа тарзда ҳисобдан чиқиб кетишидан олинган фойда» счети.

Е) Агар асосий воситанинг тугатилиши натижасида зарар кўрилса, зарар суммасига:

Дебет «Асосий воситаларни сотиш ва бошқа тарзда ҳисобдан чиқиб кетишидан кўрилган зарарлари» счети.

Кредит «Асосий воситаларни сотиш ва бошқа тарзда ҳисобдан чиқиб кетиши» счети.

Юқоридаги бухгалтерия ёзувидан кўриниб турибдики, асосий воситаларни, тугатилиши натижаларини аниқлашда «Асосий воситаларни сотиш ва бошқа тарзда ҳисобдан чиқиб кетиши» счетидаги ёзувлардан фойдаланилади. Бу счетнинг, дебет томонидан асосий воситанинг тугатилиши билан боелиқ бўлган чиқимлар кўрсатилса, кредит томонидан тугатилишидан олинган эҳтиёт қисмлар, материаллар кўрсатилади.

Асосий воситаларни сотиш йўли билан балансдан чиқарышнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, унда тугатилиш натижаларини аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир:

$$\Phi_{(век)} \cdot Б_{(кк)} - Э_{(кС)} \cdot С_{(век)}$$

Бу ерда,

Ф - сотилишидан күрилган фойда ёки зарар;

Б - сотилган асосий воситанинг бошланғич қиймати;

К - күшилган қиймат солиги;

Э - эскириш;

С - сотиш билан бөлиқ харажатлар;

С - сотишдан түшган пул маблаги.

Асосий воситани сотиш билан бөлиқ операциялар бухгалтерия ҳисоби счетларида қўйидагича акс ёттирилади:

А) Асосий воситани сотишдан түшган пул маблагларига:

Дебет «Харажатлар ва «Буюргачи»лардан олинадиган ҳисоб варактар» счети.

Кредит «Асосий воситаларни сотиш ва бошқа тарзда ҳисобдан чиқиб кетиши» счети.

Б) Ҳисобланиб күшилган қиймат солигига:

Дебет «Асосий воситаларни сотиш ва бошқа тарзда ҳисобдан чиқиб кетиши» счети.

Кредит «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» счети.

В) Сотилган асосий воситанинг бошланғич қийматига:

Дебет «Асосий воситаларни сотиш ва бошқа тарзда ҳисобдан чиқиб кетиши» счети.

Кредит «Асосий воситалар» счети.

Г) Сотилган асосий воситанинг эскириш суммасига:

Дебет «Асосий воситаларнинг эскириш» счети.

Кредит «Асосий воситаларни сотиш ва бошқа тарзда ҳисобдан чиқиб кетинли» счети.

Д) Сотиш билан бөлиқ харажатлар суммасига (иш ҳақи харажатлар):

Дебет «Асосий воситаларни сотиш ва бошқа тарзда ҳисобдан чиқиб кетиши» счети.

Кредит «Мехнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» счети.

Қолган бухгалтерия ёзувлари асосий воситаларни тутатилиши бўйича беришган бухгалтерия ёзувлари билан бир хилдир.

4.3. Асосий воситаларга эскириш ҳисоблашнинг аудиторлик назорати

Халқ ҳўжалик тармоқларида асосий воситаларнинг ҳолати, тармоқлар бўйича бир-биридан фарқ қиласди, яъни айрим кор-

хоналарда асосий воситаларнинг ҳажми жами маблағларига нисбатан салмоқли ўрин эгаллайди. Асосий воситаларни сақлаш, ишлатиш жараёнида улар учун эскириш суммасини ҳисоблаш талаб қилинади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 декабр 469-сонли «Асосий воситалар гуруҳлари бўйича амортизациянинг ягона меъёрлари тўғрисида»-ги қарорига асосан 1997 йил 1 январдан барча асосий воситалар амортизация ажратмалари бўйича 5 гурухга бўлинган:

- 1 Имаратлар ва иншоотлар-5 фоиз;
- 2 Енгил автомобил, таксилар-20 фоиз;
- 3 Автомобил транспортининг ҳаракатидаги таркиби, (юк ташувчи автомобил) саноатнинг барча тармоқлари учун машина ва асбоб-ускуналар, мебеллар-57 фоиз;
- 4 Бошқа гуруҳларга киритилмаган амортизацияланувчи активлар-10 фоиз;
- 5 Темир йўл, денгиз, ҳаво транспорти, трубапроводлар-8 фоиз.

Қабул қилинган қарорга асосан, корхоналарга белгиланган амортизация нормаларини камайтириш ёки тезлаштириш имконияти берилади. Агар амортизация меъёри тезлаштирилган ҳолда ҳисобланадиган бўлса, бу миқдор белгиланган меъёрга нисбатан икки баробардан ошмаслиги қарорда кўрсатилган.

Амортизация меъёри тўғрисидаги қарорга асосан, маҳсулдор ҳайвонлар, кутубхона фондлари, ободончилик иншоотлари учун амортизация ҳисобланмайди. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида асосий воситалардан фойдаланилади. Асосий воситаларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ишлаб чиқариш жараёнида, хизмат кўрсатиш соҳасида узоқ вақт хизмат қиласди ва ўз қийматини аста-секин белгиланган меъёрлар асосида янгидан яратилган маҳсулот таннархига ёки харажатларга ўтказиб боради.

Асосий воситаларга эскиришни ҳисоблашдан асосий мақсад, биринчидан, уларнинг эскиришини маҳсулот таннархига бир меъёрда ўтказиб бериш, иккинчидан уларни бошлангич қийматини аста-секин тиклаб, янги асосий воситалар олиш учун замин тайёрлашдир.

Асосий воситалар фойдаланиш даврида аста-секин эскириб боради, эскиришнинг иқтисодий моҳияти шундаки, асосий воситалар ўз қийматини ишлаб чиқарилётган маҳсулот таннархига ўтказиб боради. Асосий воситаларнинг эскириши икки хил, яъни маънавий ва жисмоний бўлиши мумкин.

Асосий воситалар учун эскириш меъёрларини тўғри кўллаш аудитор назоратидан ўтказилар экан, биринчи на вбатда, асосий воситани Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган (1996 йил 31.12., 469-сонли) ва 1 январ 1997 йилдан жорий қилинган амортизация ажратмалари тўғрисидаги қарорига асосан белгиланга 5 гурӯҳнинг қайси бирига тааллуқли эканлигини белгилаб олиш талаб қилинади. Чунки гурӯҳлар бўйича амортизация меъёрлари бир-биридан фарқ қиласди.

Асосий воситаларнинг эскириш суммаларини тўғрилигини аудитор назоратидан ўтказишдан асосий мақсад, маҳсулот таннархини тўғри аниқлаш билан боғлиқдир. Эскириш харажатлари маҳсулот таннархига ойма-ой ўтказилиб борилади. Асосий воситалар учун белгиланган эскириш меъёрлари уларнинг баланс қийматига нисбатан йиллик фоизлар ҳисобида белгиланган бўлиб, ҳар ойда ҳисоб-китоб қилинади, яъни йиллик амортизация суммаси 12 ойга бўлинib бир ойлиги топилади.

Асосий воситалар бўйича ҳисоб-китоб қилинган эскириш суммалари маҳсус амортизация ҳисоблаш 6-сонли, 9-сонли ҳисоб-китоб жадвали ёрдамида кўрсатилади. Эскириш суммаларини тўғри ҳисоблашганини ойлик «Асосий воситалар» счетидаги ёзувлардаги маълумотлар ёрдамида ҳам олиб борилиши мумкин. Масалан, агар, «Асосий воситалар» счетининг 1.01.2001 йилга қолдиги-800000 сўм, эскириш суммаси январ ойи учун 15000 сўм ҳисобланган, тўғри ҳисобланганлигини асосий воситаларнинг қолдиги ўзгаришларга қараб аниқлаш мумкин.

Маълумки, асосий воситалар ишлаб чиқаришда узоқ вақт хизмат қиласди ва ўз қийматини аста-секин маҳсулот таннархига ёки харажатлар ўтказиб боради. Асосий воситаларнинг тугатилиши ўз навбатида икки сабабга кўра, биринчи жисмоний ва маънавий эскириш натижасида амалга оширилади. Жисмоний эскиришда ишлатилаётган асосий восита тўлиқ ишга яроқсиз ҳолга келган, деб ҳисоблашгандан амалга оширилса, маънавий эскириш амалда ишланаётган асосий воситани янги илфор технология асосида яратилгани билан алмаштириш тушунилади. ҳар иккала ҳолатда ҳам асосий воситани тугатилиши далолатномаси билан ҳужжатлаштирилади.

Умуман, асосий воситаларнинг тугатилиши тўлиқ хизмат муддатини ўтаб, фойдаланишга яроқсиз бўлганида, бошқа хўжалик юритувчи субъектларга сотилганда ёки бепул

қайтариб олмаслик шарти билан бошқа ташкилотларга берилганды, инвентаризация натижаларига асосан камомад аниқланғанда, далолатнома билан расмийлаштирилади.

Тузилған далолатнома тугатилаётган асосий воситанинг техник ҳолати түғрисида қисқача маълумот, қачон сотиб олғанлиги ёки қурилғанлиги, ишлатилиш даври бошланғич қиймати на фойдаланиш муддати бўйича ҳисобланған эскириш суммаси кўрсатилади. Ўз навбатида асосий воситанинг тугатилиши билан боғлиқ ҳаражатлар ва кирим қилинған материаллари ҳаракати текширилади.

Асосий воситаларнинг тугатилиши түғрисида тузилған далолатнома асосий воситанинг бошланғич қиймати, ишлатиш даврида ҳисобланған эскириш суммаси кўрсатилади. Агар тугатилаётган асосий воситанинг бошланғич ишлаб чиқариш қиймати 50000 сўм бўлса, унинг учун ҳисобланған эскириш суммаси 45000 сўмни ташкил қылган бўлса, тугатишдан корхона (мулк этаси) 5000 сўм зарар кўрди. Тузилған далолатномада асосий воситаларни тугатилиш билани боғлиқ ҳаражатлар ва киримга қабул қилинған материал ҳамда эҳтиёт қисмлар ҳам кўрсатилади. Тугатилиш натижаси далолатномада ўз ифодасини топади.

Ташкилот раҳбари далолатномадаги тугатилиши натижасини корхона фойдасидан қоплашни лозим тоғса, бу түғрида буйруқ чиқаради ва бу буйруқ далолатномага илова қилинған ҳолда бухгалтерияга берилади. Бош бухгалтер далолатномага илова қилинған ҳолда бухгалтерияга берилади. Бош бухгалтер далолатномадаги имзоларни тўлиқлигини текшириб, буйруқка асосан асосий воситанинг тугатилиши натижасига, дебет «Фойда ва зарар», кредит «Асосий воситаларни сотиш ва ҳар хил камайтиришлар», деб берилған бухгалтерия ёзувларини аудитор текшириб чиқади.

Ўз навбатида аудитор томонидан асосий воситани тугатилиши билан боғлиқ бухгалтерия ёзувлари тузилған далолатномада кўрсатилған маълумотлар билан тўғрилигини текшириб чиқади. Тугатилған асосий воситанинг баланс қийматига (бошланғич), дебет «Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши» счети, кредит «Асосий воситалар» счети, деб бир вақтни ўзида тугатилаётган асосий воситанинг эскириш суммасига, дебет «Асосий воситаларни эскириш», деб бухгалтерия ёзуви берилишини аудитор назоратидан ўтказилади.

Агар текшириш давомида асосий воситанинг тугатилиши билан боғлиқ харажатлар қилинган бўлса, харажатларга берилган бухгалтерия ёзувлари аудитор томонидан назорат қилинади. Давлат асосий воситаларни тутатилиш натижалари «Асосий воситаларни сотиш ва ҳар хил камайтиришлар» счетининг, дебет ва кредит томонидан ёзувларни бир-бири билан таққослаш йўли бўйича аниқланади, шунинг учун аудитор ҳар бир берилган бухгалтерия ёзувларининг тўғрилигини назоратдан ўтказиши мақсадга мувоғикдир.

4.4. Асосий воситаларни таъмирлаш билан боғлиқ операциялар аудити

Асосий воситаларни бир маромда ишларини таъминлаш, тўлиқ сақлаш мақсадида уларни таъмирлаш ишларини ташкил қилинди тараб қиласи. Таъмирлаш ишларини ўтказиш, қилинадиган харажатлар миқдорини белгилаш мақсадида, улар олдиндан режалаштирилади. Таъмирлаш ишлари ўз на вбатида капитал ва жорий таъмирлаш ишларига бўлинади. Жорий таъмирлаш ишларини бажарилишида технологик жараённи вақтинчалик тўхтатиб, у билан боғлиқ харажатлар, шу ойликни ўзида «Давр харажатлари» счетида ўтказилиб борилади. Капитал таъмирлаш ишлари бажаришга киритилганда ишлаб чиқариш жараёни маълум муддатга тўхтатилади. Капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш тасдиқланган сместа харажатлари асосида олиб борилади.

Капитал таъмирлаш ишлари хўжалик ёки пудрат усулида бажарилиши мумкин, ишлар қайси усулда бажарилмасин таъмирлаш йўли билан боғлиқ харажатлар маҳсулот таннархига ўтказилади, яъни ишлаб чиқариш харажатларига ўтказилади.

Аудитор назорат ўтказиш давомида таъмирлаш ишлари қайси усулда олиб борилганлигини аниқлаб олиши ва у билан боғлиқ хисоб-китобларни тўғри бажарилишини назорат қиласи.

Агар таъмирлаш ишлари хўжалик усулида олиб борилган бўлса, у билан боғлиқ харажатларни «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ёки «Давр харажатлари» га тўғри ўтказилганлиги текширилади.

Агар таъмирлаш ишлари пудрат усулида бажарилган бўлса, бажарилган ишни тасдиқловчи хужжатларга асосан берилган бухгалтерия ёзувлари аудитор томонидан текширилади.

Таъмирлаш билан боғлиқ ҳужжатлар суммасини тасдиқловчи ҳужжатлар аудитор томонидан ўрганилади. Текшириш давомида таъмирлаш асосий воситаларни фойдаланишга қабул қилингандиги тўғрисида тузилган далолатномани тузилгандиги унда кўрсатилган маълумотларни тўғрилиги аудитор томонидан текширилади.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзига таалукли бўлган асосий ва айланма маблағларини тўлиқлигини назорат қилиб боради. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунга асосан маблағлар тўлиқлигини таъминлашда инвентаризация ўтказиш мақсадга мувофиқ. Инвентаризация ёрдамида асосий ва айланма маблағларнинг ҳақиқий миқдори, сифати, истеъмолга ва яроқлилигини аниқлаб бухгалтериядаги маълумотлар билан таққосланган ҳолда натижалари аниқланади.

Асосий воситалор ҳолатини қайта баҳолашдан асосий мақсад, уларни ҳақиқий баҳосини аниқлашдир. Асосий воситаларни тўғри баҳолаш, биринчидан, маҳсулот таннархини тўғри белгилаш имконини берса, иккинчидан, уларни тўғри ҳисоб-китоб қилишга ёрдам беради.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш учун уларни бошлангич баҳосига, эскириш суммасига зътибор берган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Қайта баҳолаш натижасида асосий воситаларни тиклаш баҳоси тацкил топади. Агар асосий воситаларнинг қайта баҳолаш юзбекистон Республикаси миқёсида маҳсус қабул қилинган қарор асосида ўтказиладиган бўлса, у ҳолда асосий воситаларни қайта баҳолаш коэффициенти бевосита қарорда кўрсатилади.

Республика миқёсида асосий воситаларни қайта баҳолаш юзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мулк қўмитасининг фармойицига асосан (14.XII.1994 йил) ўтказилган.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш билан боғлиқ операцияларнинг тўғрилиги аудитор томонидан текширилаётганда биринчи навбатда, қайта баҳолаш қандай мақсадида ўтказилаётганлигини аниқлаб олиши керак. Агар қайта баҳолаш республика миқёсида амалга оширилаётган бўлса, бу ҳукумат қарорининг бажарилиши назорат қилинади. қарорда белгиланган коэффициентлар бўйича асосий воситаларни тиклаш баҳоларини тўғри аниқлангандиги текширилиб чиқилади. Ўз навбатида қайта баҳолаш натижага

ларини бухгалтерия ҳисобида түгри күрсатылғанлығи аудитор томонидан текширилади.

Асосий воситаларни таъмирлаш билан боғлиқ операциялар аудит назоратидан ўтказилаётгандан таъмирлаш ишларини бажарувчи-қурилиш ташкилоти томонидан ҳисоблаб чиқылған харажат меъёрлари, унга риоя қилиш ҳолатлари таҳлил қилинади. Таъмирлаш ишларига қилинған харажатларнинг харажат меъёрига мос келиши ўрганилади. Аудит назоратида асосий воситаларни таъмирлаш билан боғлиқ харажатларни қайси манбалардан қопланғанлығи текширилади.

4.5. Кам баҳоли, тез ишдан чиқувчи буюмлар ҳаракати билин боғлиқ операция аудити

Кам баҳоли, тез ишдан чиқувчи буюмларнинг асосий воситалардан фарқи шундаки, биринчидан, уларни қиймати бўйича, иккинчидан уларга эскириш ҳисоблаш тартиби бўйичадир. Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар номидан ҳам кўриниб турибдики, бундай буюмлардан ўзи аслига биринчи кам баҳоли иккинчиси эса тез ишдан чиқувчи буюмлардир. Буюмларни бундай бўлишини уларни тўлиқлигини саклаш, эскириш суммаларини ҳисобга олиш билан боғлиқдир. Аудит назоратида кам баҳоли ва тез ишдан чиқувчи буюмларнинг сакланиши қандай ташкил қилинғанлигини ўрганишдан бошлаш мақсадига мувофиқдир. Уларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботлари, ҳисоботни бухгалтерияда текшириш тартиби ва белгилантган муддатларда топширилғанлығи назорат қилинади.

Кам баҳоли ва тез ишдан чиқувчи буюмларни қайси манбалардан сотиб олиниши, уларни ҳужжатлаштириш тартибини ўрганиб, сотиб олиш манбаларини тўғрилиги аниқланади.

Кам баҳоли ва тез ишдан чиқувчи буюмларни омбордан ишлаб чиқаришга берилишини ҳужжатлар билан асосланғанлиги ўрганилади. Айрим ҳолларда кам баҳоли ва тез ишдан чиқувчи буюмларни нақд пулга сотиб олиши мумкин, текшириш давомида бундай буюмларни омборга топшириш тартиби аудитор томонидан текширилади.

Кам баҳоли ва тез ишдан чиқувчи буюмларни аудит назоратида моддий жавобгар шахсларнинг ҳисобот кўрсаткичлари билан бухгалтерия ҳисобида «Кам баҳоли ва тез эскирувчи

буюмлар» счети юритилади. Бу счетда кам баҳоли буюмлар ҳаракати, улар кирим ва чиқум бўйича тартибга солинади.

Аудит назоратида кам баҳоли ва тез ишдан чиқувчи буюмларнинг сарф харажати, улар учун ҳисобланган эскириш суммаларини тўғри ҳисоб-китоб қилинганини аудитор томонидан ўрганилади.

Кам баҳоли ва тез ишдан чиқувчи буюмларнинг эскиришини ҳисоблашда буюмларнинг турита қараб фойдаланишга чиқарилганда биринчи бор 50 фоиз, қолган қисми бўйича эскириши эса тугатилиш актига асосан ҳисоб-китоб қилиш тартиби белгиланади. Эскириш суммаларининг тўғрилигини аниқлаш учун «Кам баҳоли ва тез ишдан чиқувчи буюмлар» счети кўрсаткичлари билан таққосланади.

Аудитор томонидан кам баҳоли ва тез ишдан чиқувчи буюмлар ҳолати билан боғлиқ операциялар текширилар экан, улар ўртасидаги бўрлик ва фарқни тўғри белгилаб олиш керак, чунки «Кам баҳоли ва тез ишдан чиқувчи буюмлар» счетидаги ёзувлар икки хилдаги буюмлар ҳаракатини кўрсатади, яъни кам баҳоли буюмлар билан тез ишдан чиқувчи буюмлардир. Уларнинг фарқини белгилашда, биринчидан нархи ҳисобга олинган бўлса, иккинчидан эскиришни ҳисоблаш таркиби билан фарқини белгилаш мумкин. Агар кам баҳоли буюмлар учун эскиришни ҳисоблашда 50 фоизли кўрсаткич ишлатилса, тез ишдан чиқувчи буюмларга эскиришни ҳисоблаш 100 фоизли миқдор билан тартибга солинади.

Аудит назорати ёрдамида уларнинг омборларда сақланиши ҳаражатини хужжатлаштириш, моддий жавобгар шахслар бўйича тўлиқлиги ёпласига ва ҳар бир моддий жавобгар шахс алоҳида ўрганилади. Аудит назорати ёрдамида кам баҳоли ва тез ишдан чиқувчи буюмларни ишлаб чиқаришга берилшини хужжатлаштириш тартиби ўрганилиб, уни белгиланган меъёрий ҳужжатларга мос келиши аниқланади. Ўз навбатида ишлаб чиқаришда кам баҳоли буюмларни, тугатилиши тартиби, ҳужжатлаштиришни тўғри ташкил қилинганини аудитор томонидан ўрганилади. Айрим кам баҳоли буюмлардан фойдаланиш муддатлари меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган бўлиб, уларнинг тугатилиши тўғрисида тузилган далолатномаларнинг тўғрилиги текширилади ва бу тўғрида берилган бухгалтерия ҳисоби счетларидаги ёзувлар аудитор томонидан аниқланади.

V БОБ

ТОВАР ВА МОДДИЙ БОЙЛИКЛАРНИНГ ТҮЛИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА АУДИТОР НАЗОРАТИ

5.1. Товар ва моддий бойликларнинг түлиқлигини таъминлашда аудиторлик назоратининг вазифалари

Ҳар бир мулк эгаси ўз зиммасидаги мулкнинг түлиқлигини таъминлашда турли назорат шаклларидан, шу жумладан, аудитор хизматидан фойдаланиши мумкин. Товар ва моддий бойликлар бевосита мулк эгасининг ихтиёрида ёки тегишли моддий жавобгар шахсларга тақсимланган бўлиши мумкин, у ҳолда мулк эгаси, яъни раҳбар билан жавобгар шахслар ўртасида моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома тузилган бўлиши керак. Моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномада товар ва моддий бойликларнинг түлиқлигини таъминлашда томонларнинг зарур, келишилган шартлари амалдаги қонунларга асосланган ҳолда кўрсатилади.

Товар ва моддий бойликларнинг түлиқлигини аудит назорати деганда, асосан икки кўрсаткични, биринчиси, бухгалтерия ҳисобидаги ёзувлар билан моддий жавобгар шахсларнинг товар ҳисботидаги кўрсаткичларини, бирбирига мос келишини ҳақиқий товар қолдиқлари билан таққослаш тушунилади. Аудит назоратини ўтказища моддий жавобгар шахс зиммасидаги товарлар қолдиги тўлиқсон, сифат ва сўмда аудитор томонидан ҳисоб-китоб қилиниб, унинг натижалари аниқланади. Аудитор томонидан аниқланган товарлар суммаси моддий жавобгар шахс зиммасидаги товарлар қолдигини тасдиқловчи бухгалтерия ёзувлари билан таққосланади.

Товар ва моддий бойликларнинг түлиқлигини таъминлашда моддий жавобгарлик шаклларини тўғри танлашга алоҳида аҳамият бериш талаб қилинади. ҳозирги кунда моддий жавобгарликда якка ва бригада (усул) шакли ишлатилмоқда.

Моддий жавобгарликни қайси шакли қўлланилмасин мулк эгаси билан моддий жавобгар шахс ўртасидаги муносабат моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома тузиш билан амалга оширилади. Шартнома ҳар икки томоннинг моддий жавобгарлик бўйича мажбуриятлари амалдаги қонунлар асосида ўз ифодасини топади.

Моддий жавобгарликни қайси шакли асосида ташкил қилиш бевосита мулк эгасининг хоҳишига боғлиқдир. Агар моддий жавобгарликни бригада усулини ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисобланса, у ҳолда бу тўғрида тузилган шартномада бригада аъзоларининг исми, фамилияси, яаш жойи, паспорт маълумотлари шартномада кўрсатилади. Шартномада бригадир ва унинг аъзолари кўрсатилади.

Бригада усулидаги моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузища бажариладиган иш ҳажмини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқлар. Савдода товар ва моддий бойликларнинг тўлиқлигини таъминлаш бевосита моддий жавобгар шахс зиммасига юклатилгандир. Корхона раҳбари моддий жавобгарлик билан боғлиқ шахсларни ишга қабул қилишда улар билан моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномани тузади. Шартномага асосан, товар-моддий бойликларнинг тўлиқлигини таъминлашда томонларнинг мажбуриятлари ўз ифодасини топади.

Товар-моддий бойликларнинг тўлиқлиги аудитор томонидан текширилар экан, биринчи навбатда моддий жавобгар шахсларнинг товар ҳисботлари, уларни ўз вақтида тузиш, бухгалтерияга топшириш ҳолатлари билан танишишдан бошланади. Моддий жавобгар шахсларнинг товар ҳисботида белгиланган ҳисбот кунига товарлар ҳаракати, яъни кирим ва чиқимни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида ҳисботга илова қилинмаган бўлса, бундай ҳисбот аудитор томонидан нотўри, деб ҳисобланади.

Бухгалтерияга тогшириладиган ҳисботлар бухгалтерия ходими томонидан тўлиқ текширилтиб, тўғрилиги аниқлангандан кейингина қабул қилинади. Бухгалтерида текширилган товар ҳисботида асосан товарлар ҳаракатига тегишли ҳисботлар бухгалтерия ҳисоби счетларида кўрсатилади. Бухгалтерия ҳисоби счетларида товарлар ҳаракати «Товарлар» счетида кўрсатилади.

Аудитор товарларнинг тўлиқлигини назорат қилишда ҳар бир моддий жавобгар шахс бўйича тўғри юритишни таъ-

минлаш мақсадида аналитик счетларидаги ёзувларни товар ҳисоботидаги ёзувлар билан мос келишини аниқлаб чиқади.

Корхона бўйича товарлар ҳаракатини аниқлашда уларнинг тўғрилигини таъминлашда синтетик ва аналитик счетлардаги маълумотлар билан тенг келишига аудитор алоҳида аҳамият бериши керак. Савдо ташкилотларида, айниқса, улгуржи саводода товарлар ҳаракати икки хил ўлчов бирлигига, яъни пул ва натура ўлчов бирликларида олиб борилади.

Агар аудит назорати ўтказилаётган ташкилотларда товарлар ҳаракати ҳам, пул ҳам натура ўлчов бирликларида олиб борилса, у ҳолда товарлар тўлиқлигини таъминлаш ҳар иккала ўлчов бирликларида олиб борилати. Бунинг учун кўпроқ инвентаризацияция материалларидан фойдаланинг мақсадга мувофиқдир. Лекин товарлар ҳаракати натура ўлчов бирлигига олиб борилса ҳам, унинг натижалари пул ифодасида кўрсатилади.

Товар ва моддий бойликларининг тўлиқлиги аудит назоратидан ўтказилаётганда асосан бухгалтерия ҳисобидаги ёзувлар, моддий жавобгар шахсларнинг товар ҳисбогатлари, уларни ўз вақтида тузиш ва бухгалтерияга топшириш тартиби аудитор томонидан текширилади. Бундай текширишларни фақат ҳужжатлар асосида олиб бориш талаб қилинади ва ҳар бир ҳужжатга қўйилган талабларнинг бажарилиши аудитор томонидан ўрганилади.

Халқ хўжалик тармоқларида Халқ истеъмоли товарларини баҳолаш алоҳида аҳамиятлидир, чунки баҳони белгилаш бутунги кунда даромад харажатларини ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикасида 1999 йил 1 январдан бошлаб жорий қилинган Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)-ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги қарори асосида қабул қилинган Низомда хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек, юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг маҳсулот (ишлар ва хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини аниқлашнинг ягона услубияги асослари белгилангандир.

Низомга асосан, маҳсулот (ишлар ва хизматлар) таннархига киритиладиган харажатлар ва маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган давр харажатлари, яъни муомала харажатлари моддалари белгилангандир. Низомда баҳони ташкил қилиш услуби ишлаб чиқилган ва фойда манбаларини ташкил қилиш

тартиблари күрсатилған. Олинган товарларни сотищ үз на-
вбатида тегишли харажатларни үз ичига олади, сотищдан
хұжалик юритувчи субъект тегишли фойдани күзлаши аниқ.
Хозирги кунда Халқ истемоли товарларини баҳоланыңда иккى
хил, яъни шартнома ва сотищ баҳолари алоҳидан құлтанизил-
моқда. Товарни шартнома баҳоси, деб, мол етказиб беруви
билан харидор ўртасыда келишилған баҳота айтилади ва бу
баҳо үз ифодасини шартномада топади.

Товарларни сотиб олиш баҳоси билан сотиши баҳоси ўр-
тасидаги фарқ савдо устамасини ташкил қылади. Савдо ус-
тамаси биринчидан, товарни истемолчига етказиб бериш
билан боғлиқ харажатларни қоллашга қаратилған бўлса, ик-
кинчидан, даромад манбаи ҳисобланади. Сотиш баҳосининг
үзига хос хусусияти шундаки, улар давлат томонидан пре-
скурантлар билан тасдиқланмайди. Ҳозирда савдо устамала-
ри миқдори давлат томонидан белгиланмайди. Айрим ҳол-
ларда товарларнинг сотиши баҳоларини пасайтириш талаб ва
таклиф асосида амалга оширилади. Агар товарни сотиши ба-
ҳоларини пасайтириши талаб ва таклиф асосида амалга оши-
риладиган бўлса, унинг натижаларини алоҳидан қайта баҳо-
лаш ва рақларида ҳисоб-китоб қилинади ва натижалари аниқ-
ланади. Қайта баҳолац натижалари моддий жавобгар шахс
зиммасидан сотиши баҳосида камайтирилади.

Моддий жавобгар шахслар зиммасидаги товар ва моддий
бойликларнинг тўлиқлигини инвентаризация ўтказиш йўли
билан амалга оширилади. Инвентаризация ўтказиш давомида
тегишли моддий жавобгар шахс томонидан тузилған товар
ҳисботи, бухгалтерия ҳисобидаги ёзувлар, инвентаризация
комиссияси томонидан тўлдирилған ва рақлар, асосий ҳуж-
жат, деб ҳисобланади. Инвентаризация ва рақларида комис-
сия аъзолари томонидан истемолчига яроқли, сифат жиҳат-
дан талабга жавоб берадиган товар ва маҳсулотлар номлари,
артикули, нави, миқдори, баҳоси ва умумий суммаси бўйи-
ча ҳисоблаб чиқилгандан кейингина кўрсатилади.

Комиссия аъзолари тегишли моддий жавобгар шахс-
лар зиммасидаги товарларни тўлиқ ҳисоблаб чиққандан
кейин товарларнинг ҳақиқий суммаси моддий жавобгар
шахснинг товар ҳисботи билан таққосланниб чиқилади.
Инвентаризация ва рақлари тўлиқ расмийлаштирилгандан
кейин бухгалтерияга топширилади.

Бухгалтерияда инвентаризация натижалари аниқланади, бунинг учун ҳақиқий ҳисоб-китоб қилинган товарлар суммаси ҳисоб ёзувларидағи күрсаткічлар билан таққосланади. Бухгалтерияда товар ва маҳсулотларнинг ҳаракати ҳар бир мөддий жавобгар шахс бүйича алоҳида алоҳида ҳисобга олинади.

Агар инвентаризацияда ҳисоб-китоб қилинган товарлар суммаси билан учет күрсаткічлари ўртасида фарқ аниқланса ва бу фарқ ҳисоботдаги маылумотдан кам бўлса, мөддий жавобгар шахс томонидан камомад, ортиқ чиқса ортиқча товар, деб ҳисобланади. Келтирилган заرار ва ортиқча чиқиши ҳолатлари таҳлил қилиниб, унинг натижаси хиссадорлик жамияти умумий йигилишида муҳокама қилинади. Агар инвентаризация ўтказиш давомида айрим сабабларга кўра, товар истеъмол учун талабга тўла жавоб бермайди ёки товарни аниқ сифат күрсаткічи номаълум деб ҳисобланган товарлар аниқланса, бундай товарларга алоҳида инвентаризация вараклари тўлдирилиши шарт.

Инвентаризация натижалари юқоридаги товарлар суммаси тўғрисида маҳсус далолатномалар тузилиб чиқилгандан кейин аниқланади. Тузилган маҳсус далолатномада сифат жиҳатдан талабга жавоб бермайдиган товарларни қайта баҳолаш натижалари мөддий жавобгар шахс иштирокида аниқланади.

Агар мөддий жавобгар шахс зиммасидаги товарлар камомади аниқланса, у ҳолда инвентаризация ўтказилаётган давр бүйича товарларни согиш ва сақлаш билан боғлиқ бўлган меъёрдаги камайишлар ҳисоб-китоб қилиниб, камомад суммаси чиқарилади.

Товарларнинг меъёрий камайишлари фақат камомад чиққандагина ҳисоб-китоб қилинади. Келтирилган камомад суммаси мөддий жавобгар шахслардан сотиш баҳосида ундирилади

Агар келтирилган камомад суммаси мөддий жавобгар шахслар томонидан тан олинмаса, у ҳолда айбдор шахслар аниқлангунча «Мөддий бойликларни бузилишидан келиб чиқадиган камомад ва йўқотишлиар» счетининг, дебетида кўрсатилади. Аудитор томонидан товар ва мөддий бойликларнинг тўлиқлиги текширилар экан, биринчи навбатда мөддий жавобгарлик қандай ташкил қилинганинига эътибор бериши керак. Мөддий жавобгар шахсларнинг ўз лавозимига мос келиши, уларнинг иш тажрибаси, савияси ўрганилади. Товар ва мөддий бойликларнинг тўлиқлигини таъминлашни бошланғич ишлаб чиқариш даври бўлиб, улар кирим ва

чиқимининг қолдиқларини белгилаб берувчи мөддий жа-
вобгар шахсларнинг ҳисоботлари дидир. Аудит назоратида ҳисо-
ботларнинг бухгалтерияга ўз вақтида төтширилиши, улар-
нинг ҳисоб кўрсаткичлари билан мос келиши текширилади.
Ҳисобот кўрсатмалари га асосан товар ва мөддий бойликлар-
ни қабул қилиш натижадари таҳдил қилинади.

5.2. Товар ва маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ операциялар аудити

Аудит назоратида товар ва маҳсулотларни сотиш билан
боғлиқ операциялар алоҳида аҳамиятлайдир, чунки бу фа-
лиятда корхонанинг асосий ҳолати, яъни молиявий натижадарини
шакллантирувчи омиллар ўрганилади. Сотилган то-
варларни тўгри, ўз вақтида ҳисобини олиб бориш турли тўлов-
ларни шу, жумладан, солиқка бўлган тўловларнинг тўғри-
лигини таъминлайди.

Товар ва маҳсулотни сотиш, асосан икки усулда, яъни нақд
пулсиз-пул ўтказиш йўли билан ва нақд пулга сотиш йўли
билан олиб борилади. Амалдаги қонунга асосан, товар олувчи
бирламчи тўловни, товарни истеъмолчига жўнаштача сотувчи
ташқилотга жами жўнатилаётган товар суммасига нисбатан 15
фоизини олдиндан тўлаб бериши керак, қолган қисмни 60
кун ичидаги тўлаб бериши амалдаги қонунда белгиланганлайди.

Сотилган товарлар суммаси «Маҳсулотни сотиш» счетида
ҳисобга олинади. Бу счетнинг кредит томонидаги ёзувлар со-
тилган товарлар суммасида кўрсатилади. Бу счетда товар ва
маҳсулотларни сотиш жараёни олиб борилади, бошқа актив-
ларни сотишдан тушган тушумлар бу счетга ўтказилмайди.

Сотилган товарларнинг тўғрилти аудитор назоратидан ўтка-
зилаётганда корхонанинг банкдаги варағига, яъни «ҳисоб-ки-
тоб» счетига ўтказилган пул маблағлари банк томонидан берил-
ган кўчирмалар билан таққосланган ҳолда олиб борилиши зарур.
Ўз навбатида харидорларга жўнатилган товарлар суммасини ўз
вақтида тўлов талабномалари билан расмийлаштириши текши-
риб чиқади. Аудитор «Маҳсулот сотиш» счетининг, дебет ва кре-
дитдаги ёзувларнинг тўғрилиги журнал-ордерлари даги ёзувлар
билан таққосланган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Мулк шаклидан қатъи назар, ҳар бир корхона ишлаб чиқа-
рилган маҳсулотни сотиш орқали ўз молиявий ҳолатининг ях-

шиланишини таъминлайди. Сотилган маҳсулотлар ҳажми бевосита ўрганилади ва харидоргир сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришта ундаиди. Сотилган товар ва маҳсулотларни турли таҳлил қилиш, биринчидан, сотиш билан харажатларни камайтириш имкониятларини аниқлашда, иккинчидан, бозор ҳолатини белгилашда, бир товарга эҳтиёж ва талабни ўрганишда етарли маълумот беради. Сотилган товарларнинг турлари бўйича таҳлил қилиш, ишлаб чиқариш корхоналарига етарли маълумотни умумлантиришида, ишлаб чиқариш дастурини янгилашда аҳамияти каттадир. Сотилган товарлар таҳлил омборларида сақланаётган товарлар ҳаракатини ўрганишда ҳам ишлатилади.

Товарлар ва маҳсулотларни сотиш, сақлаш жараёнида тегишли нобудгарчиликларни талаб қиласи. Савдо ташкилотларида товар нобудгарчилиги икки хил бўлиши мумкин, яъни нормадаги товарлар нобудгарчилиги ва нормадан юқори бўлган товар нобудгарчилиги. Товарлар ўз кимёвий хусусияти жиҳатидан ҳам ўз оғирлигини йўқотиши мумкин. Айниқса, товарларни йўқотиш уларни қадоқлаш, ўраш ишларини бажаришда яққол сезилади. Товарлар нобудгарчилиги олдини олиш ҳар бир савдо ходимининг вазифасига айланиши керак, чунки бундай ҳолнинг мавжудлиги ташкилот рентабеллик даражасининг пасайишига олиб келади.

Аудитор товар нобудгарчилигини текширар экан, биринчи навбатда моддий жавобгар шахсларнинг иш фаолияти билан танишиб чиқсан ҳолда мол етказиб берувчилардан келган товарларни ўз вақтида қабул қилинганлигини, моддий жавобгар шахслар томонидан товар ҳисботларини белгиланган муддатларда бухгалтерияга топширилишини текшириш билан амалга оширилиши мақсадига мувофиқдир. Чунки ҳисоб-китоб маълумотларига асосланган ҳолда товар нобудгарчилигининг олдини олиш, келиб чиқиш сабабларини аниқлаш мумкин.

Аудит назоратида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1995 йил 13 февралдаги 15×11-сонли «Камомад ва ортиқча товарларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва соликка тортиш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага риоя қилиниши текширилади. Аудит текширувчида камомадларнинг келиб чиқиш сабаблари, ундириб олиш ҳолатлари, ҳар бир камомад суммаси бўйича алоҳида-алоҳида аудитор томонидан таҳлил қилинади. Товар нобудгарчилиги аудитор назоратидан ўтказилар экан, товар-

ни нормадагидан (меъёрдагидан) камайишини қоплаш манбаларига алоҳида эътибор бериш талаб қилинади. Бунинг асосий сабаби айрим товар гурӯҳларини бўйича мол етказиб берувчилар томонидан маҳсус товарларнинг нормадагидан камайишини қоплаш учун чегиртмалар берилади.

Товарларнинг нормадагидан камайишини аниқлаш ҳолатини аудит назоратида текширилиб, товарнинг нормадан камайиши факат моддий жавобгар шахс томонидан камомад аниқланган ҳолатдагина ҳисоб-китоб қилиниши ва жавобгар шахс зими масидан камайтириш ҳоллари аудит назоратидан ўтказилади. Аудитор томонидан товарларнинг нормадагидан камайишини аниқлаш бўйича тузилган ҳисоб-китобларнинг тўғрилиги, уларнинг тасдиқланганлити тўғрисидаги маълумот текширилади.

Бозор муносабатларининг шаклланишида баҳоларни тўғри таҳдил қилиш, уни белгилаш ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи учун алоҳида аҳамият касб этади. Товар ва маҳсулотларни сотиш ва сотиб олиш баҳолари сотувчи ва харидор учун ҳам маъқул бўлгаңдагина, харид қилиш имконияти яратилади. Товарнинг баҳоси бевосита талаб ва тақлифга боғлиқдир.

Кўп ҳолларда, тегишли товарларга бўлган талабнинг пасайиб кетиши, сотиш баҳоларини қайта баҳолашга олиб келади.

1. Қайта баҳоланадиган товарлар ассортиментини аниқлаш.
2. Қайта баҳолаш натижаларини қоплаш манбаларини белгилаш.
3. Қайта баҳолаш ҳужжатларини тайёрлаш.

Юқоридаги тайёргарлик ишлари амалга оширилгандан кейин қайта баҳолаш ўтказиш учун шароит яратилди, деб ҳисоблаш мумкин. Товар ва маҳсулотларни қайта баҳолаш учун ташкилот раҳбари бу тўғрида фармойиш беради, унда қачон ва кимлар иштироқида, қайси товарларни қайта баҳоланиши кўрсатилади. Товарларни қайта баҳолаш далолатномаси тузилади.

Товар номи	Арт сорти	Товарнинг баҳоси қайта баҳолангунгача			Товарнинг баҳоси қайта баҳолангандан кейин			Қайта бащрлашқ натижаси		
		Микдори	Баҳоси	Суммаси	Микдори	Баҳоси	Суммаси	Микдори	Баҳоси	Суммаси

Жами:

Юқоридаги шаклдаги қайта баҳолаш далолатноманинг охирида қайта баҳолаш натижалари ҳисоблаб чиқилади. Күп ҳолларда товар ва маҳсулотларни қайта баҳолаш ички аудит вакиллари томонидан ўтказилади.

Аудит назорати ташқи аудиторлар томонидан ўтказилса, биринчи навбатда асосий эътибор қайта баҳолаш натижаларини түгри аниқланганлигига қарадади. Қайта баҳолаш натижаларини бухгалтерия ҳисоби счетларида тўғри кўрсатилганилиги текширилади. Қайта баҳолаш натижаларига бухгалтерия ҳисобида, дебет «Моддий бойликларни қайта баҳолаш» счети, деб сотиб олиш баҳосида ёзув берилади. «Товарлар» счетида товарлар сотиш баҳосида ҳисобга олинади. Шунинг учун қайта баҳоланган товарларга таалтуқли бўлган савдо устамасига, дебет «Савдо устамалари» счети, кредит «Товарлар» счети, деб ёзув берилади. Товарларни сотиш ва сотиб олиш баҳоси ўртасидаги фарқ савдо устамасини ташкил қиласи.

5.3. Товар ва маҳсулотларни сотишдан олинадиган ялпи даромад аудити

Ҳар бир товар ишлаб чиқарувчининг охирига маҳсулоти, яъни тайёр маҳсулот тасдиқланган андозаларга жавоб берини ва техник назорати томонидан қабул қилинган бўлиши керак. Корхона фаолиятида реализация жараёни асосий жараёни бўлиб, унда тайёр маҳсулот тузилган шартномаларга асосан товар олувчиларга жўнатилади ва шу даврдан бошлаб сотилган, деб ҳисобланади. Сотилган маҳсулот ҳажми ялпи даромадни шакллантирувчи омил ҳисобланади. Ҳақиқий фойда суммаси ҳар ойнинг охирида қўйидаги усулда топилади:

ФҚСК-(ТТҚҚҚС)

бунда Ф-ҳақиқий фойда;

СК-маҳсулотни сотиш қиймати;

ТТ-тўлиқ ҳақиқий таннарх;

ҚҚС-кўшимча қиймат ва акциз солиқ.

Ялпи даромадни аниқлаш ҳар бир тармоқ хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда бир-биридан фарқ қиласи. Масалан, савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятларида ялпи даромад суммасининг манбай бўлиб, сотилган товарларга таалтуқли бўлган сарф устамаси ҳисобланади. Ҳар ойнинг охирида сотилган товарларга таалтуқли бўлган сарф устамасининг ўртача

фоизи аниқланади. Жами ой давомида сотилган товарлар суммасидан ўртача фоиз суммаси топилади ва шу сумма ташкилотнинг ҳисобот давридаги ялпи даромади, деб юритилади.

Ялпи даромад суммасини аудит назоратида «Маҳсулот сотиши» счетининг кўрсаткичлари аудитор томонидан текширилади. Бу счетнинг кредит томонидан қолдиқ товар ва маҳсулотларни сотишдан олинадиган ялпи даромадни кўрсатади. Товар ва маҳсулотларни сотишдан олинган ялпи даромад суммасидан ҳисобот даврида сотилган товарларга тааллуқли бўлган харажатлар қоплангандан кейин маҳсулотни сотишдан олинган фойда суммаси кўрсатилади. Аудит назоратида ялпи даромаднинг ташкил толиши билан боғлиқ бухгалтерия ёзувларининг тузилиши ва у билан боғлиқ ҳисоб-китоблар аудитор томонидан текширилади.

Аудитор ўз фаолиятида товар ва маҳсулотларни сотишдан ташкил топадиган даромадни аудиторлик назоратидан ўтказар экан, биринчи навбатда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралда тасдиқланган Низомига асосланганлигини ўрганиб чиқади. Низомда келтирилган харажатлар таркиби энг аввало, бухгалтерия ҳисобидаги харажатларни тўғри ва тўлиқ акс эттиришга, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисботини тузиш учун молиявий натижаларни аниқлашта йўналтирилганdir. Молиявий натижани аниқлашда куйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш юқорида кўрсатилган Низомда белгиланганdir.

ЯФҚСТ-ИТ

бунда, ЯФ-ялпи фойда;

ССТ-сотишдан олинган соғ тушум;

ИТ-сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таниархи.

Асосий фаолиятдан кўрсатилган фойда, бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўтасидаги фарқ ва асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлардан бошқа заарлар суммасини айрилиш йўли билан аниқланади. Аудиторлик назоратини ўтказишида даромад ва харажатларни тўғри аниқлаш ва гурухлашга Қандай эътибор берилганлиги, харажат моддалари асосида ўрганилиб чиқилади. Харажат моддаларини тўғри ҳисоб-китоб қўйилсанлик ҳисобот даврида молиявий натижаларни нотўғри аниқлашга олиб келади. Бундай ҳолларга йўл қўйилганлигини билиш учун аудитор харажатларни маҳсулот таниархига тўғри ўтказил-

ганлигини ва ўз навбатида қолган маҳсулотнинг тегишили қисмини тўғри аниқланганлигини текшириб чиқиш керак.

Республикамизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш тармоқлар фаолиятини кенгайтиришни талаб қилмоқда. Бу борада савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги савдо гашкилоти фақат товарларни истеъмолчиларга етказиш билан кифояланмай балки товар ишлаб чиқариш, яъни истеъмол бозорини товар билан тўлдиришла фаолият кўрсатмоқда. Савдони товар ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда фаолият олиб бориш харажатларни маҳсулот таннархига ўтказиладиган қисмини ҳамда товарларни сотиш билан боғлиқ бўлган қисмини тўғри ҳисоб-китоб қилинишини талаб этмоқда.

Аудиторлик назоратида харажатларни тўғри ҳисоб қилинганлигини бухгалтерия ҳисобидаги ёзувлар ва уларга берилган бухгалтерия ёзувларининг тўғрилиги текширилади. Ҳозирда барча харажатлар қўйидаги гурӯҳларга бўлинади, яъни маҳсулот таннархига киритиладиган харажатларга қўйидагилар киради:

А) бевосита ва билвосита моддий харажатлар;

Б) бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари;

В) ишлаб чиқариш хусусиятларига эга бўлган устама харажатлар.

Шундай харажатлар борки, уларни ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига эмас, балки давр харажатлари таркибида ифода этиш мақсадга мувофиқdir. Бундай харажатларга реклама харажатлари, товарларни ташиб келиш, сақлаш харажатлари киради.

Товарларни сотишдан олинадиган фойда манбаи бўлиб, сотилган товарларга таалтуқли бўлган савдо устамаси ҳисобланади. Бу устама товарларни шартнома баҳоларига нисбатан, талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда белгиланиб, товарни сотиш баҳосида намоён бўлади. Аудит текширишда сарф устамлари ҳолати, уларни тўғри белгиланиши аниқланади.

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос хусусияти шундаки, сутувчи ўз товарини юқори баҳога, сотиб олувчи эса арzonроқ (пастрок) баҳода сотиб олишга ҳаракат қилишидир. Бу шароитда савдонинг ҳолати, ташкил қилиш, талаб ва таклифини ўрганиш, сотиб олувчига яратилган шароит мухим ўрин эгаллайди.

Демак, товарни сотиш баҳосини белгилашда талаб ва таклиф, товарнинг сифати, аҳолининг қарийб қобилияти аҳа-

миятлидир. Истеъмол товарларини сотиш баҳоларининг пасайиши шу товарга бўлган талабдан келиб чиқади. Баҳони пасайтириш асоси улар учун Қўшилган савдо устамасини пасайтириш ҳисобига амалда оширилади. Товарларни сотиш баҳоларини пасайтиришда асосан инвентаризация ўтказиш йўли билан амалга расмийлаштирилади. Агар сотиш баҳоларини пасайтирган товарлар ҳажми товарлар суммасига нисбатан 30 фоиздан ортиқ бўлса, товарлар тўлиқ инвентаризация қилиниб, унинг натижалари аниқланади.

Халқ истеъмоли товарларини арzonлаштириш, яъни сотиш баҳоларини пасайтиришдаги фарқ суммасига, дебет «Савдо устамаси» счети, кредит «Товарлар» счети, деб бухгалтерия ёзуви берилади. Баҳонинг пасайиши ўртасидаги фарқ суммаси моддий жавобгар шахснинг товар ҳисботида кўрсатилади. Товар ҳисботида кўрсатиш учун асос қилиб инвентаризация натижалари асосида тузилган далолатнома олинади. Сотиш баҳоларининг ўзгариши билан боғлиқ операциялар аудит назоратидан ўтказилаётганда бу тўғридаги буйруқлар, инвентаризация комиссиясининг сифати, тузилган далолатномаларнинг ҳолати, фарқ суммаларининг тўғри аниқланганлиги текширилади.

Товарларни истеъмолчиларга етказиб беришда идишлар алоҳида аҳамиятлидир, чунки товарнинг reklamasida, хусусиятида унинг хизмати юқоридир. Идишлар билан боғлиқ операциялар аудит назоратидан ўтказилар экан, биринчи навбатда идишларни саклаш, қайтариб топшириш, уларни баҳолаш билан боғлиқ ҳолатлар аудитор томонидан ўрганилиб чиқилиши керак. Идишлар хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда белгиланган муддатларда қайтарилалигиган ва қайтарилимайдиган бепул олинган идишларга бўлиш мумкин.

Аудит ишларида идишларнинг тўлиқлигини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Бу иш мавжуд идишларни инвентаризация қилиш билан амалга оширилади. Лекин идишларни инвентаризация қилиш маълум вақтни талаб қилиши муносабати билан уларнинг тўлиқлигини моддий жавобгар шахсларнинг ҳисботлари асосида ташкил қилиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Идишлар билан боғлиқ бўлган операциялар аудит қилинаётганда, уларнинг идиш йиғувчи ташкилотларга топширилганигини тасдиқловчи ҳужжатлар ёрдамида идишларнинг ҳолати аудиторлик назоратидан ўтказилади. Агар, аудитор томонидан идишлар ҳаракати билан боғлиқ операциялар бўйи-

ча жарима тұловларининг тұпланғанлиги аниқланса, у ҳолда айбдор шахслар аниқланиб, тегишли жариманы үндериб олиш чора тадбирлари белгиланади.

5.4. Идишлар харажати билан боғлиқ операциялар аудити

Бажарылған иш хизматларини амалға оширишда товар маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб беришда идишларнинг аҳамияти кattадир. Идишлар харажатини түгри ташкил қилиш, ҳисоб ишларининг ҳолатига боғлиқдир. Үз хусусиятта қараб идишлар товар қийматига кирилған, алохида қиймати күрсатилған қарийб мол етказиб берувчиларга бериладиган идишларға бўлинади.

Идишлардан хўжалик фаолиятида фойда ёки зарар кўриш ҳоллари мавжуд. Аудит назоратида асосий эътибор идишларни сақлаш, улар учун яратилған шароитларга қаратилиши керак. Идишларни қабул қилиш тартиби товарларни қабул қилиш тартиби билан бир хилдир. Шунинг учун аудит назоратида товарларни қабул қилиш шартлари, қоидаларга риоя қилиш шартлари текширилади. Айрим ҳолларда товарлар тўлиқ, сифатли қабул қилиниши мумкин, лекин идишлар синган ва ишга яроқсиз ҳолда эканлиги тўғрисида далолатномалар тузилған бўлиши мумкин.

Идишлар билан боғлиқ операциялар аудит назоратидан ўтказилар экан, биринчи навбатда идишлардан зарар кўрилмаганми, бу тўғридаги ҳужжатларин расмийлаштириш тартиби текширилади. Агар, идишлардан кўрилған зарар бевосита моддий жавобгар шахсларнинг айби билан содир этилиб, уни қоплаш корхона фаолияти ҳисобига ўтказилиш ҳолатлари, аниқланса, бу тўғрида бухгалтерия ёзувларига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрида таклиф киритади.

Аудит ўтказишда мол етказиб берувчилар томонидан тўлиқ ҳужжатларда кўрсатмаган идишларни қабул қилиш ҳолларида, бу тузилмаган далолатномаларнинг ҳолатларини ўрганишни тақозо этади. Бозор иқтисодиётининг ўзига хос хусусияти шундаки, сотувчи ўз товарини юқори баҳога, сотиб олувчи эса арzonроқ (пастрок) баҳода сотиб олишга ҳаракат қилишидадир. Бу шароитда савдо ҳолатини ташкил қилиш, талаб ва таклифни ўрганиш, сотиб олувчига яратилған шароит мухим ўрин эгаллайди.

Аудитор томонидан ўтказиладиган текширишда идишларнинг маълум бир даврга бўлган ҳолатини аниқлаш, уларни ҳисобда ёки ҳисоботда тўғри кўрсатилганлигини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун бош дафтардаги ёзувлар билан баланс кўрсаткичлари, синтетик ва аналитик счетларнинг минъумотлари бир-бири билан таққосланади. Идишлар билан боғлиқ операциялар аудитида шиша идишлари билан боғлиқ ҳолатларга аудитор алоҳида эътибор берниши керак, чунки шиша идишлар товар айланишига таъсир қилиб, улар бухгалтерия ҳисобида «Товарлар» счетида ҳисобга олинади, яъни товарлар билан бирга кўрсатилади.

Аудитор назоратида идишларни таъмирлаш билан боғлиқ харажатларга, уларни қоплаш манбаларига алоҳида эътибор бериш аудитордан талаб қилинади.

VI БОБ

МАҲСУЛОТ (ИШ ХИЗМАТИ) ТАННАРХИ БИЛАН БОЕЛИҚ ХАРАЖАТЛАР АУДИТИ

6. 1. Маҳсулот (иш хизмати) таннархига киравчи харажатлар аудитининг вазифалари

Ишлаб чиқаришининг ривожланишида ҳал қилувчи омил бу илмий-техник тараққиёт ҳисобланади. Корхоналарни техника билан таъминланғанлығы қанча юқори бўлса, меҳнат унумдорлиги ошади, маҳсулотга қилинган харажатлар камаяди. Ишлаб чиқаришининг техника билан таъминланғанлығи, унинг иқтисодий самарадорлиги билан ўлчанади. Корхона иқтисодий кўрсаткичларига табиат шароитида ўз таъсирини ўтказади. Ишлаб чиқариш фаолияти ўз навбатида тегишли омиллар, яъни социал шароит, молиявий ҳолат, ички иқтисодий алоҳа, сотиц ва сотиб олиш каби омиллар билан боғлиқдир.

Ишлаб чиқариц имкониятларидан тўғри фойдаланиш асосан 2 йўналишда, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи ва сотилган маҳсулот ҳажми билан ўлчанади. Маҳсулот (иш хизмати) таннархи билан боғлиқ харажатлар ҳолати бевосита тармоқ хусусияти билан тармоқни илмий-техника тараққиёти билан бир-биридан фарқ қиласди. Иккинчи фарқ айрим тармоқлар таннархга киритилса, тармоқлар билан боғлиқ харажатлар давр харажатларига ўтказилади ва улар маҳсулот (иш хизмати)ларни сотишдан олинган ялти даромаддан қопланади.

Мисол учун, савдо тармоқларида маҳсулот таннархи ҳисбекитоб қилинмаслиги оқибатида, товарларни сотиб олиш баҳоси билан сотиш баҳоси ўртасидаги фарқ савдо устамасини ташкил қиласди. Савдо устамаси бевосита товарларни сотиц, истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ харажатларни қоплаб, тегишли даромад манбасини ташкил қилишга қаратилгандир. Аудит назоратини тўғри назорат қилиш, унинг самарадорлигини оширишда харажатлар ҳолатини аниқлаш, уни моддалари

бўйича ўрганиш аудитордан чуқур масъулият талаб қиласди. Ўз навбатида харажатлар бевосита маҳсулот таннархига ўтказиладиган, таннархга тегишли тақсимлаш йўли билан ўтказиладиган, ялии даромаддан қопланадиган харажатларга бўлинади. Демак, аудитор харажатларини моддалари бўйича тегишли манбалардан қоплаш тартиби билан таниш бўлмоги керак.

«Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириши тартиби тўғрисида»ги Низомнинг қабус қилинishi харажатларни тартибга солинишини, уларни тармоқ хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда маҳсулот таннархига киритилишини ёки давр харажатларига ўтказилишини назорат қилишда алоҳида аҳамиятлидир. Аудитор харажатлар билан боғлиқ хўжалик операцияларини текширишда асосий эътиборни юқоридаги низомга риоя қилинишига қаратиши керак, чунки низомда харажатларни гуруҳлаш ва молиявий натижаларни шакллантиришнинг асосий қондалари кўрсатилгандир.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида шаклланган харажатлар барча харажатлар турлари бўйича бухгалтерия ҳисобининг тегишли счетларида кўрсатилади ва бу кўрсаткич харажатлар тўғрисидаги маълумот манбаси бўлиб хизмат қиласди. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидаги барча харажатларни асосан икки гуруҳга ажратиш, яъни маҳсулот таннархига киритиладиган харажатларга ва киритилмайдиган харажатларга бўлиниши, уларни назорат ёки таҳлил қилишда ёрдам беради. Аудиторлик назоратида умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда ва заарларни ҳисоблаб чиқишида молиявий фаолият бўйича харажатларга алоҳида эътибор бериш аудитордан талаб қилинади. Молиявий фаолият бўйича харажатларни келиб чиқиши сабаблари, манбалари айбдор шахсларни аниқлаш ҳолатларига алоҳида эътибор берган ҳолда бухгалтерия ёзувлари ҳамда аналитик ёзувлар ҳолатини текшириш мақсадга мувофиқдир.

Харажатларни белгиланган гуруҳлар бўйича таҳлил қилишибиринчидан, маҳсулот таннархини тўғри аниқлаш имконини берса, иккинчидан, уларни тежаш имкониятларини аниқлаш учун асос яратади. Аудитор томонидан маҳсулот таннархи билан боғлиқ харажатлар аудитор назоратидан ўтказилар экан, биринчи навбатда тугалланган ва тугалланмаган ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларни тўғри аниқлашга

қаратияған бўлиши керак. Ишлаб чиқариш корхоналарида тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархи кўрсаткичларини нотўғри аниқлаш ҳоллари учраб туради. Бунинг асосий сабаби тугалланмаган ишлаб чиқаришда инвентаризация ўтказишнинг мураккаблигидир. Шунинг учун тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ҳисоб кўрсаткичларидаги қолдиги кўн ҳолларда маҳсулот таннархининг ўзгаришига олиб келмоқда.

Маҳсулот (иш хизмати) таннархига кирувчи харажатлар аудит назоратидан ўтказилар экан, тармоқ хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда фаолият кўрсатиш аудитор зиммасига юклатилгандир, чунки маҳсулот таннархини аниқлашда уларнинг мавсумийлиги, маҳсулот тури, харажатлари бир-биридан фарқ қиласди.

Айрим тармоқларда, шу жумладан, савдодаги харажатларни турқумлари, харажат моддалари бевосита маҳсулот таннархига эмас, балки тармоқ хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда давр харажатлари, яъни савдодаги муомала харажатлари, деб юритилади ва уларни қоплаш манбалари бўлиб ялпи даромад, яъни тошарларни сотишдан олинган даромад ҳисобланади.

Савдо ташкилотларида юқорида кўрсатиб ўтилгандек харажатлар асосан икки қисмга бўлинади. Биринчиси, сотилган товарларга тааллуқли бўлган харажатлар, иккинчиси, қолган товарларга тааллуқли бўлган харажатлар. Бундай харажатларни аниқлаш ҳозирда ўргача фоизни аниқлаш усули билан олиб борилмоқда. Қолган товарларга бўлган харажатларни аниқлашда харажат моддаларидан фақат «Транспорт харажатлари» моддасидаги харажатларга аҳамият берилади, чунки бошқа харажатлар моддаларida кўрсатилган харажатлар бевосита сотилган харажатларга тааллуқли ҳисобланади. Демак, аудит назоратида харажатларни сотилган ва қолган товарларга тааллуқли бўлган қисмини тўғри ҳисобкитоб қилинганилиги, ташкилот бўйича ялпи даромад суммасини тўғри аниқлаш имконини беради.

Корхона ва ташкилотларда харажатларнинг тўғри ҳисобланганилигини таъминлаш биринчидан иқтисодий тежамкорликка олиб келса, иккинчидан рентабеллик даражасини ошириш имкониятларини яратади. Аудитор назоратининг бош вазифаси қуидагилардан иборат, деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир:

-харажатларни маҳсулот (иш, хизмат) таннархига тўғри ўтказилганилигини аниқлаш;

- харажатларни маҳсулот турлари бўйича тўғри тақсимланганлигини таъминлаш;
- харажатларни тегишли манбалардан тўғри қопланганлигини текшириш;
- қолган товарларга нисбатан харажатларни тўғри ҳисобкитоб қилинганлигини аниқлашдир.

Ҳар бир ташкилот белгилантан ишлаб чиқариш, маҳсулот етказиб бериш ва сотишни таъминланда биринчи навбатда харажатлар сметасини тузиб чиқсан ҳолда ўз рентабеллик кўрсаткичларини белгилайдилар. Аудитор назоратидага харажатлар сметасини тўғри белгиланиши назоратдан ўтказилиши керак.

6.2. Маҳсулот (иш, хизмат) таннархига кирувчи харажатлар аудити

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз маҳсулотини сифатли, харидоргир бўлишини таъминлаш мақсадида фаолият кўрсатади. Маҳсулотни ҳар томонлама сифатли бўлишида унинг таннархи алоҳида аҳамиятидир, чунки таннарх бу баҳони ташкил этувчи омил сифатида ўрганилади. Маҳсулотлар (иш, хизмат) таннархини ҳисоб-китоб қилишда ҳар бир маҳсулот тури бўйича қилинадиган асосий ва қўшимча харажатларни ҳужжатлар билан тўғри расмийлаштирилишини текшириш аудит назоратининг бошланиш даврида ўрганилиб, уларни тўғри ҳисоб-китоби аниқланади. Харажатларни маҳсулот таннархига тўлиқ ўтказиш ёки тегишли тақсимлаш йўли билан маҳсулот таннархига ўтказишда тугалланмаган маҳсулотга тааллуқли бўлган харажатларни аниқлаш тартибига алоҳида эътибор бериш керак, уларни белгилантан нормаларга мос келишини назорат қилиш талаб қилинади. Маҳсулот таннархи ҳар бир корхона учун асосий кўрсаткич ҳисобланади. Таннархни тўғри ҳисоб-китобини юритиш маҳсулотни сотиш имкониятларини белгиловчи омил ҳисобланади. Маҳсулот таннархига киригиладиган харажатлар таркиби «Маҳсулотлар (иш, хизмат) таннархига киригиладиган маҳсулот (иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари гаркиби ҳамда молиявий натижаларнинг шаклланиши таркиби тўғрисида»ги Низомда кўрсатилган. Низом бухгалтерия ҳисобини юритиш ва солиққа тортиш учун харажатларни ҳисоблашда юзага келадиган фарқларни эътиборга олиб ишлаб чиқилган. Низом-

шынг асосий мақсади хұжалик юритувчи субъектиларнинг бозор иқтисодиеті шароиттіда рақобаттардошлигини аниқлаш, харажатларни ҳисоблаб чиқыш, ҳамда фаолияттің молиявий натижаларини аниқлашдан иборат.

Корхона ва ташкилдердегі харажатларини бир қисми давыт солиқ сиёсати асосынан қонунга мөс ҳолда ишлаб чиқылған. Низомга асосан харажатлар күрсаткыштарға гурухланған:

- ишлаб чиқарылған мақсулот тапшархыға киригиладиган харажатлар;

- киритилмайдынган харажатлар;

- корхонаның умумий хұжалик фаолияттан күрілған фойда ёки заарни ҳисоблаб чиқыща инебатта олинадын сарфлар;

- даромад ёки фойда солиги тұламасдан олдинги фойда ёки заарни ҳисоблаб чиқаришда эътиборға олинадын харажатлар.

Хар бир гурухға таалуқли бўлған харажат мөддалари ишлаб чиқылған ва тасдиқланған. Тармоқни ўзига хос хусусияттарини ҳисобга олиб давр харажатларининг мөддалари низомда тасдиқланған. Масалан, савдода давр харажатларига товарни истемолчига етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар киритилған. Иқтисодий ислоҳотларни тежамкорлик асосында амалга ошириш ҳар бир тармоқни иқтисодий самарадорлігіни оширади, харажатларни қамайтириш имконияттін беради. Харажатларга мақсулот иш, хизматлар сифатыда путур етказмасдан камайтириш — биринчидан, иқтисодий маданиятта боғлиқ бўлса, иккинчидан, ички имкониятларни ишга солиш билан боғлиқдир.

Давр харажатларига (савдода) товарни истемолчига етказиб бериш билан боғлиқ бўлған харажатлар киради. Савдода бундай харажатлар савдо тармоқлари бўйича улгуржи, чакана, умумий овқатланишдаги харажатларни ўз ичига олади. Бундай тармоқлардаги харажатлар савдода муомала харажатлари, деб юритилади. Муомала харажатларининг жами 19 мөддаси мавжуд бўлиб, ҳар бир мөддага бир турли харажатлар киритилади. Харажатларни «Бошқа харажатлар» мөддаси турли харажатлардан, яъни юқорида күрсатилған харажатлардан ташкил топади. Харажатларнинг аудит назоратини ташкил қилишда биринчидан, уларни ташкилий хұжалик фаолияти билан боғлиқдиги, иккинчидан, уларни ҳисобот даврлари бўйича ҳолатига аҳамият берилиши керак. Савдодаги мавжуд муомала харажатлари ялғи даромадга қопланади, яъни харажатлар молиявий натижаларига ўз таъсирини ўтказади. Харажатларни аудит назорати-

дан ўтказицида уларни бирламчи хужжатлари ҳолатига алоҳида эътибор бериш аудитордан талаб қилинади. ҳисбот даврининг охирида савдодаги муомала харажатлари сотилган ва қолган товарларга таалуқли қисми аниқланади, сотилган товарларга таалуқли қисми ялпи даромаддан қопланади.

Сотилган товарларга таалуқли бўлган харажатларни аниқлашда ҳар ойнинг охирида маҳсус харажатларни тақсимлаш бўйича ҳисоб-китоб тузилади. Тузилган ҳисоб-китобга асосан ҳужжатларни қоплаги манбалари яратилиади. Аудит назоратида харажатларни тақсимлаш бўйича тузилган ҳисоб-китоб варақати тексирилади. Давр харажатлари деганда, ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлмаган харажатлар, чиқимлар, бошқарув харажатлари, маҳсулот сотишга доир харажатлар тушунилади. Маҳсулотни сотишида унинг баҳосига алоҳида эътибор бериш талаб қилинади. Товар маҳсулот, асосан, шартнома баҳосида ва сотиш баҳоларида ҳисоб-китоб қилинади. Товарнинг шартнома баҳоси бу товарни сотувчи билан олувчи ташкилот ўртасида келишилган баҳо ҳисобланса, сотиш баҳосида товарлар истемолчиларга сотилади.

Товарларни сақлаш билан боғлиқ операциялар аудитда биринчи навбатда уларни тўлиқлиги назорат қилинса, иккинчидан, моддий жавобгар шахсларнинг иш фаолияти ўрганилади ва назорат қилинади. Назорат ишларида товар ҳисботларини ўз вақтида, сифатли топширилиши текширилади. Ўтказилган инвентаризация натижалари аудитор томонидан ўрганилиб, уларнинг тўғрилиги аниқлаб чиқилади. Тайёр маҳсулотни киримга қабул қилиш ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши ҳолатига аудитор томонидан ўрганилиб, уларнинг натижалари мол етказиб берувчининг ҳужжатлари билан моддий жавобгар шахс ҳисботларидаги маҳсулотлар бир-бири билан таққосланади.

Агар қабул қилиш натижаларига асосан камомадлар аниқланган бўлса, бу тўлрида мол етказиб берувчи ташкилотга қилинган даъво суммалари қонунийлиги аниқланади. Омборларда сақланётган тайёр маҳсулотлар, товарлар турлари бўйича ҳисоб-китоб қилиниб, уларнинг ҳаракати ҳар бир товар тури бўйича алоҳида-алоҳида ҳисобга олиниши текширилади. Бундай текшириш учун асосий манба бўлиб, ҳар бир товар тури бўйича юритиладиган карточкалар ҳисобланади. Аудитор назоратида карточкалардаги ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлардаги (накладной, счет-фактура) маълумотлар моддий жавобгар шахснинг

товар ҳисоботи билан ва омбордаги юритиладиган ҳисоб күрсаткичлари солиштирилган ҳолда олиб борилади.

Товарларни сақлаш билан боғлиқ операциялар аудитда моддий жавобгар шахсларни алмаشتiriшида бир моддий жавобгар шахс зиммасига, товарларни иккинчи моддий жавобгар шахс зиммасига топшириш натижаларига алоҳида эътибор берин талаб қилинади. Далолатномага асосан бухгалтерия ҳисобидаги ёзувлар бир-бири билан таққосланган ҳолда олиб борилади. Товар моддий қийматларни сақланиши аудит назоратидан тўлиқ ёки танлаб олган ҳолда инвентаризациядан ўтказилиши ижобий натижга беради.

6.3. Давр харажатлари таҳлили ва аудитнинг ўзига хос ҳусусиятлари

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар мулк шаклидан қатъи назар иқтисодий тежамкорлик асосида фаолият кўрсатишни талаб қилмоқда. Тежамкорликни тўғри ташкил қилиниши хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида иқтисодий маданиятни шаклланганигидан далолат беради. Савдо ташкилотларида бу ҳолат икки йўналишда, яъни ҳалқ истеъмол товарларига бўлган талабни ўрганишда ва товарларни истеъмолчиларга сифатли, узлуксиз қам харажатлар билан етказиб беришда ўз ифодасини топади. Ҳалқ истеъмоли товарларини истеъмолчиларга тез етказиб бериш ўз навбатида тегишли харажатларни талаб қиласди ва бу харажатлар йиғиндиси давр харажатлари савдо ташкилотларида муомала харажатлари, деб юритилади.

Иқтисодий ислоҳотларни самараси туфайли, савдони эркинлаштириш, мулкчилик шакллари савдодаги иқтисодий ўзгаришларни намоён қилмоқда. Ҳозирги кунда савдо тармоқлари фақат ицлаб чиқарилган маҳсулотни истеъмолчига етказиб бериш билан эмас, балки тегишли товар маҳсулотини ишлаб чиқариш, ҳам фаолият кўрсатмоқдалар ва бу ўз самарасини бермоқда. Савода икки турдаги харажатлар, яъни ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига киритиладиган ва бевосита япти даромаддан келинадиган-давр харажатлари таркиб топади.

Давр харажатларига бевосита товарларни истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар киради. Бундай харажатлар таркиби Ўзбекистон Республикасида қабул қилин-

ган «Маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига киритиладиган маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби, молиявий натижаларнинг шаклланиши таркиби тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқилди. Низом бухгалтерия ҳисобини юритиш ва солиқقا тортиш учун харажатларни ҳисоблашда юзага келадиган фарқларини эътиборга олиш имконини берди.

Харажатларни ҳисоб даврлари бўйича тўғри тақсимлаш ташкилотнинг молиявий ҳолатини тўғри аниқлаш ва баҳолаш имконини беради, чунки харажатларнинг камайиши молиявий ҳолатини яхшиланишига олиб келади. Низомда молиявий натижаларнинг шаклланиши бўйича кўрсатмалири ва харажатларнинг гуруҳланиши кўрсатилган. Молиявий натижаларни тўғри ҳисобланиши пул маблағларидан самарали фойдаланишни таъминласа, иккинчидан, тўлов қобилиятини мустаҳкамлайди. Харажатлар ҳолати аудитор назоратидан ўтказилар экан, уларни низомда белгиланган гуруҳларга мос келиши ўрганилиб чиқлади.

Давр харажатлари дейилгандан бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажат ва чиқимлар бошқарув харажатлари, маҳсулотни сотишга доир харажатлари тушунилади. Савдода бундай харажатларга товарларни ташиб келиш, саклаш, жойлаш, реклама, аморгизация (эскириш), иш ҳақи ва шунга ўхшаш харажатлар киради. Савдодаги давр харажатларини аудит назоратидан кутилаётган мақсад, биринчидан, тежамкорлик руҳида фаолият олиб боришни ташкил қилиш бўлса, иккинчидан, молиявий натижаларининг тўғри аниқланишини белгилашдир.

Аудит назоратида харажатларни тегишли моддалари бўйича ҳисоб ва ҳисботда кўрсатилганлигини, уларни белгилangan смета харажатларига мос келиши ўрганилади ва аудитор томонидан ички имкониятларидан фойдаланиш даражаси ўрганилади. ҳозирги савдо харажатлари қуйидаги моддалар бўйича олиб борилади. Ҳар бир модда бўйича аналитик ҳисоб юритилади. Аудит назоратида ҳар бир харажат моддасини ифода этувчи хужжатлар, харажатнинг жами товар айланишига нисбатан фоиз ҳисоблаб чиқилади ва унинг тўғрилиги ҳисоб кўреаткичлари билан таққосланади. Аудит назоратида харажатларга ўтказилган суммаларни иқтисодий мазмуни, келиб чиқиш сабаблари таҳдил қилинаётганда ҳар бир харажатга берилган бухгалтерия счетларидағи ёзувлар аудитор томонидан текшири-

лади. Аудитор текширувни ташкил қилишда харажатларни ўтган ҳисобот даврлари билан таққослаб олиб бориш, ҳисобот шаклларида харажатларни моддалари билан түгри күрсатилғанлыгини таққослаб чиқиши назорат таъсир кучини оширади.

Давр харажатлари аудитида харажатларни сотилған товарларга ва қолған товарларга тааллуқди қисмини түгри ҳисоб-китоб қилиниши, биринчидан, корхона молиявий натижалари билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, қолған товарларга тегишли харажатларни түгри аниқлашдан иборатdir. Ҳар ойнинг охирида савдо ташкилотларида қолған товарларга тааллуқли бўлган муомала харажатларини аниқлаш мақсадида маҳсус ҳисоб-китоб қилиниб, бу ҳисоб-китоб бўйича жами харажатлар сотилған ва қолған товарлар бўйича тақсимланади. Аудитор томонидан харажатларни қолған товарларга тааллуқли қисмини аниқлаш түғрисидаги ҳисоб-китобнинг түғрилиги тегишли счет кўрсаткичлари бўйича таққосланган ҳолда текширилади.

Харажатлар ҳолати аудит назоратидан ўтказилар экан, биринчи навбатда товарлар ҳаракати билан боғлиқ харажатларни ва товарлар ҳаракати билан боғлиқ бўлмаган харажатларни түгри ҳисоб-китоб қилинганилигига эътибор берилади. Савдо ташкилотларида шундай харажатлар борки, уларни келиб чиқиши манбалари бўйича давр харажатларига ўтказиш мумкин эмас. Мисол учун, товарларни бузилиши билан боғлиқ харажатлар, ундириб олиш муддати ўтиб кетган қарзлар ва шунга ўхшаш харажатларни бевосита айбдор шахслардан ундириб олиш ҳолати белгиланади.

Савдода муомала харажатларини товар айланиши билан боғлиқлиги товар асортиментига, сотиш имкониятларига боғлиқдир, чунки айрим товарларни истеъмолчига етказиб бериш кўпроқ харажатларни талаб қиласа, айримлари эса камроқ харажатларни талаб қиласи. Шунинг учун аудитор товар асортиментидаги ўзгаришларни ҳам таҳлил қилиб бориши керак. Аудит назорати давомида харажатларнинг түғрилигини аниқлаш бир неча босқичдан иборат. Масалан, товарларни қабул қилиш шартларининг бажарилишини, иш ҳақи бўйича қилинган харажатларни түғрилигини аниқлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир. Товарларни белгиланган муддатларда қабул қилиш транспорт харажатларини камайтиришга олиб келади, шунинг учун бу түғрида тузилған далолатномаларнинг асосли эканлиги аудитор томонидан ўрганилади.

Савдо ташкилотларининг давр харажатларига асосий воситалардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ харажатлари, шу жумладан, асосий воситаларнинг эскириш харажатлари, тъмирлаш харажатлари ҳам киради. Бундай харажатларни аудиторлик назоратида эксперталар хизматидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

6.4. Рентабеллик даражаси таҳлили ва аудити

Рентабеллик хўжалик фаолиятининг натижаларини тўла ва ҳар томонлама тасвирлаб беради. Мулк шаклидан қатъи назар иш самарацорлигини ифодаловчи кўрсаткич сифатида фойдаланилади. Рентабеллик хўжалик фаолиятини ўз даромадлари билан барча харажатларини қоплаб, хўжаликни ривожлантиришга кўшимча фойда касб этади. Рентабеллик даражасини аниқлашда турли кўрсаткичлардан фойдаланиш, яъни тармок хусусиятини ҳисобга олиш алоҳида аҳамиятлидир. Ўз навбатида унга тъсири қилувчи омилларни тўтри аниқлаш ва уларни тўғри таҳдил қилиш натижасида унумсиз харажатларни камайтириш имкониятларини белгилаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.

Рентабеллик даражасини аниқлаш, таҳдил қилиш ва аудит назоратини ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятлари мисолида ўрганиб чиқилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисобланган ҳолда фикр юритилади. Савдода рентабеллик даражаси фойданинг ўзи савдода икки кўрсаткичга, яъни товар айланишига ва товарларни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатларга боғлиқдир. Лекин савдода рентабеллик даражасини аниқлаш бўйича бошқа таклиф ва мулоҳазалар ҳам мавжуд. Масалан, фойдани асосий фондларга нисбатан ёки фойдани харажатларга нисбати бўйича аниқлаш. Ҳозирда рентабелликни аниқлашда фойданинг товар айланишига нисбати бўйича аниқланишининг асосий томони шундаки, биринчидан, икки кўрсаткич, яъни даромад (фойда) ва товар айланиши асосий кўрсаткич, деб ҳисобланишидадир. Маълумки, рентабелликни қайси кўрсаткичга нисбатан аниқлаш, ундан кутилаётган мақсадга эришиш бош вазифа бўлиб қолиши керак.

Мулк шаклидан қатъи назар рентабеллик даражасини аниқлашда, корхона ва ташкилотлар турли кўрсаткичлардан фойдаланадилар. Мисол учун, савдо ташкилотларида рента-

беллик даражаси фойданинг товар айланишига нисбатан аниқланади. Иқтисодий адабиётларда, амалиётларда рентабелликни аниқлаш усуллари кўрсатилган. Корхонанинг рентабеллик даражасига биринчи навбатда, маҳсулотни сотиш ҳажми таъсир қиласа, иккинчи, навбатда харажатларни тежамкорлик асосида ташкил қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш каби омиллар ўз таъсирини ўтказади.

Демак, бугунги рентабелликни аниқлаш тартиби бошқа кўрсаткичларни ҳам ўзида ифода этилишидадир. Рентабелликни таҳлил қилиш биринчи навбатда унга таъсир қилувчи омилларни белгилашга олиб келади. Рентабеллик даражасини таҳлил қилишда аудитор биринчи навбатда ялпи даромад даражаси билан харажатлар ҳолатига алоҳида эътибор берishi керак. Ялпи даромаднинг ўзгаришига икки омил, яъни товар айланиши ҳажми ва сотилган товарларга тааллуқли бўлган савдо участкаси таъсир қилади. Товар айланиш ҳажмини рентабелликка таъсирини аниқлашда, товар балансидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Яъни товар баланси:

$$T_{\text{т.к}} K T_{\text{т.к}} K C_{\text{т.к}}$$

бу ерда, $T_{\text{т.к}}$ - товарларнинг бошланғич ишлаб чиқариш қолдиги;

$T_{\text{т.к}}$ - киримга қабул қилинган товарлар;

$T_{\text{т.к}}$ - товарларнинг охирги қолдиги;

$C_{\text{т.к}}$ - сотилган товарлар суммаси.

Товар айланиш ҳажмига ҳисобот даврининг бошқа мавжуд товарлар қолдиги билан охирги товарлар қолдиги ўртасидаги ўзгаришни яққол кўриш мумкин. Товар айланиши омилни ўртача ялпи даромад даражасига таъсирини аниқлаш учун товар айланиши ҳажми бўйича мутлақ фарқи режадаги ўртача ялпи даромад даражасига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади.

Ўртача ялпи даромад даражаси ўзгариши билан боғлиқ, оралиқни аниқлаш учун ўрта ялпи даромад даражаси бўйича мутлақ фарқ ҳисобидаги товар айланиши ҳажмига кўпайтирилиб, 100 га бўлинади. ҳар иккала омилни ижобий баҳолаш билан бирга корхона ва ташкилот фойдасига харажатлар ўз таъсирини ўтказиб боради. Умуман олганда, рентабеллик даражасини таҳлил қилишдан асосий вазифа, биринчидан, унга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш бўлса, иккинчидан, рентабелликни ошириш имкониятларини белгилашдир, учинчидан, товар захираларини тартибга солишидир.

Аудитор томонидан рентабеллик даражаси текширилар экан, асосий эътибор уни тўғри аниқланганлигини текширишга қаратилади. Текшириш давомида товар захиралари ҳолати, товар айланиш ҳајмига ялпи даромад даражаси, харажатлар даражасини тўғри аниқланганлиги, ойлик сотилган товарларга таалтуқли бўлган савдо устамасини аниқлаш тартиби ўрганилади.

Савдода товарлар ҳаракати билан боғлиқ харажатлар бевосита рентабеллик даражасига ўз таъсирини ўтказиши ҳисобга олиниб, харажатларни сотилган товарларга ва қолган товарларга таалтуқли бўлган қисмини тўғри аниқланганлиги аудитор томонидан текширилади.

VII БОБ

МЕХНАТ, ИШ ҲАҚИ ВА ХИЗМАТЧИЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ОПЕРАЦИЯЛАР

7.1. Мехнат ва иш ҳақи билан боғлиқ операциялар аудитининг вазифалари

Ҳар бир корхона ва ташкилий хўжалик фаолияти бевосита меҳнат сарф-харажатларисиз амалга ошиrolмайди, чунки ҳар қандай ишлаб чиқариш ҳолати меҳнатни талаб қилади. Корхонада меҳнат интизомини унга риоя қилиш, ишлаб чиқариш маданиятини оширишга, харажатларни камайтиришга қаратиган омил деб баҳоланади. Корхона тўғрисидаги қонунга асосан ҳар бир корхона ва ташкилот меҳнатни ташкил қилиш, такомиллаштириш, меҳнатта ҳақ тўлаш устидан назоратни бевосита меҳнат жамоалари томонидан амалга оширилиши керак.

Мехнат иш ҳақи билан боғлиқ операциялар аудит назоратидан ўтказилар экан, биринчи навбатда «Мехнат Кодекси тўғрисида»ги қонунга асосланган ҳолда ташкил қилиниши керак. Шу билан бирга амалдаги иш ҳақи сарф-харажатлари билан боғлиқ низом ва йўриқномаларга риоя қилиниши аудитор томонидан текширилиши керак. Аудитор назоратидаги корхонада меҳнат ресурсларининг жойланиши, улардан самарали фойдаланиш истиқболлари белгиланади. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг илғор усулларининг жорий қилиниши ўрганилади. Аудит назоратида меҳнатга ҳақ тўлаш усулларидан қандай фойдаланиш даражаси таҳлил қилинади. Меҳнатга ҳақ тўлаш ҳолатини аудит назоратида бажарилган иш ва хизматлар учун белгиланган таърифларни, ойлик маошларни тўғрилиги, иш ҳақига мос келиши ўрганилиб чиқилади.

Мехнатга ҳақ тўлашни тўғри ташкил қилинишида иш вақтини тўғри ҳисобга олиш алоҳида аҳамиятлидир. Чунки иш ҳақини ҳисоблаш учун асос сифатида айниқса, вақтбай ва иш вақтини ҳисобга олувчи талабларга алоҳида эътибор берилади.

Аудит назоратида табелларни юритиш ҳолати, улардаги тегишли белгиларни түгри текшерилганилиги ҳамда аудит ўтказишида иш ҳақи фондини ташкил топиш манбалари, уни белгиланган ишбай бирлигига мос келиши ўрганилади. Ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи ҳисоблашнинг қайси усууларидан фойдаланиш жорий қилинганлиги ва унинг самарадорлиги, корхона ва ташкилот фаолиятига мос келиши таҳлил қилинади. Аудит назоратида корхона моддий жавобгар шахслар билан тузилган моддий жавобгарлик түғрисидаги шартномалар ҳолати, уларни амалдаги қонун ва низомларга мос келиши ўрганилади. Корхона ва ташкилотларда меҳнат, иш ҳақи билан боғлиқ бўлган операцияларни аудит назоратидан ўтказишидан асосий мақсад, мулк эгасининг, хўжалик раҳбарининг шахсий масъулиятини ошириш, ички меҳнат тартиб-қоидалариning бажарилишини таъминлашдан иборатдир. Шу билан бирга аудит ўтказиш жараёнида меҳнатни ташкил қилиш, иш ҳақи билан боғлиқ ҳукumat қарорларининг бажарилиши текширилади.

Аудитор бевосита ишга қабул қилиш тартиби, хужжатларни түгри расмийлаштирилганилиги, иш ҳақи ҳисоблашда бевосита бажарилган иш ва хизматлар асос қилиб олинганлигини текширади. Аудитор фақат меҳнат ва иш ҳақи бўйича кам чиқимларни аниқлабгина қолмай, балки уларни бартараф қилиш учун тегишли маслаҳатлар беради. Аудитор назоратини ташкил қилишда, биринчи навбатда, меҳнат интизомига риоя қилиш билан бошланиши мақсадга мувофиқдир. Иккинчидан, иш бақтини ҳисобга олиниши ва иш ҳақи ҳисоблашни түғрилигини аниқлаш билан олиб борилиши, учинчидан, иш ҳақи суммаларини бухгалтерия ҳисоби рақамларида түгри кўрсатилиши билан боғлиқ назорат ишларида аниқдигини оширади.

Аудитор назорат давомида ишчи ва хизматчиларнинг моддий рағбатлантирилиши, уларга берилган мукофотлар қайси манбалар ҳисобидан берилганилиги, уларни корхона фаолияти билан боғлиқ ҳолда амалга оширилганилиги ўрганилади. Агар берилган мукофотлар миқдорини белгилаш меъёрлари корхона раҳбари томонидан амалга оширилган бўлса, уларнинг корхона фаолиятини асосий кўрсаткичларига нисбатан түгри белгиланганлигини ўрганади ва ходимларга берилган мукофотларни түгри ҳисобланганлигини аудит назоратидан ўтказади.

Мулк шаклидан қатъи назар, корхона ва ташкилотларда меҳнат, иш ҳақи билан боғлиқ операцияларни аудит назора-

тидан ўтказишдан асосий мақсад, иш вақтидан тўғри фойдаланишни, иш ҳақи суммаларини тўғри ҳисоб-китоб қилиниши ва белгиланган муддатларда берилишини назорат қилишдир. Шу билан бирга аудиторлик назорати давомида меҳнатни тўғри ташкил қилиш, меҳнат, иш ҳақи билан боғлиқ хукумат қарорларини бажарилиши ўрганилади.

Иш ҳақи билан боғлиқ операциялар аудит назоратидан ўтказилар экан, асосий эътибор иш ҳақини ҳисоблаш ведомостларига, иш ҳақини ҳисобга олиш ҳужжатларига эътибор берилиши, уларни тўғри тузилганлигига қаратилиши керак. Меҳнат интизомига риоя қилиниши, ишчи ва хизматчиларни ишга қабул қилишни тўғри расмийлаштиришга аҳамият берилади. Меҳнат, иш ҳақи билан боғлиқ операциялар аудит назоратида бухгалтерия ҳисоб счетларидаги ёзувларнинг ҳолати, унда кўрсатилган суммаларнинг тўғрилигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан таққосланган ҳолда олиб борилиши аудит натижаларининг тўғрилигини тасдиқлайди.

7.2. Иш ҳақини ҳисоблаш тартиби ва шакллари

Ўзбекистон Республикасида 1995 йил 21 декабрда «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси»ни тасдиқлаш тўғрисида қонун қабул қилинди. Қонуннинг 2-моддасида: «Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ходимлар, иш берувчилар, давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда меҳнат бозорининг самарали амал қилишини, ҳаққоний ва хавфсиз меҳнат шарт-шароитларини, ходимларнинг меҳнат ҳукуқлари ва соғлигини ҳимоя қилишни таъминлайди, меҳнат унумдорлигининг ўсишига, иш сифати яхшиланишига, шу асосда барча аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражасининг юксалишига кўмаклашади» деб баҳоланиб қўйилган.

Қонунга асосан, мажбурий меҳнат таъкидланади. Республика миқёсида ҳар бир шахснинг меҳнат ҳукуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши текшируви назорат қилувчи органлар томонидан амалга оширилади. Меҳнат соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва унинг худудий органлари амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексининг 9-моддасида: «Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва меҳ-

натни мухофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини текшириш ва назорат қилишни қуйидагилар амалга оширади:

1) ишга маҳсус вакил қилинган давлат органлари ва унинг инспекциялари;

2) касаба уюшмалари ҳамда улар меҳнатининг ҳукуқ ва техника бўйича инспекциялари.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг аниқ ва бир хил ижросини назорат қилиш Республика Бош Прокурорига бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилади».

Корхона ва ташкилотларда иш ҳақини ҳисоблаш учун асос бўлиб, ишчи ва хизматчилар томонидан бажарилган иш ҳажми, иш вақти ҳисобланади. Аудитор ўз иш фаолияти давомида бевосита иш ҳақини ҳисоблашнинг қайси усуllibаридан фойдаланишини аниқлаб олиши керак. Агар ишчиларга иш ҳақи ҳисоблашида ишбай усулидан фойдаланилган бўлса, бажарилган иш ҳажмини тасдиқловчи ҳужжатлар, уларни расмийлаштириш тартиби аудитор томонидан текширилади. Корхоналар фаолиятида мавсумий характерга эга бўлган ишчиларнинг фаолиятига алоҳида эътибор бериш керак. Уларни муддатларини белгиловчи ҳужжатлар билан аудитор танишган бўлиши керак. Иш ҳақи билан боғлиқ харажатларни тўғри олиб бориш, назорат ишларини ташкил қилиш, бевосита ташкилот раҳбари ва бош бухгалтер зиммасига юклатилгандир.

Корхона ва ташкилотларнинг ҳўжалик фаолиятида иш ҳақини тўғри ташкил қилиш асосий йўналишлардан бири, леб ҳисобланади. Иш ҳақини ҳисоблаш шаклларини тўғри қўллаш иш унумсизлигини камайтиришига, меҳнат унумдорлигини оширишта яқиндан ёрдам беради. Иш ҳақи ҳисоблашнинг қайси шаклларидан фойдаланиш корхонанинг тузилишига, иқтисодий муносабатларига, мулкчилик шаклларига боғлиқдир.

Бугунги кунда Халқ ҳўжалик тармоқларида иш ҳақи ҳисоблашнинг қуийдаги шакллари қўлланилмоқда:

- Вактбай иш ҳақи ҳисоблаш усули;
- Вактбай мукофотли иш ҳақи ҳисоблаш усули;
- Йўлбай иш ҳақи ҳисоблаш усули;
- Ишбай мукофотли иш ҳақи ҳисоблаш усули;
- Меҳнат шартномаси иш ҳақи ҳисоблаш усули;
- Расценкали иш ҳақи ҳисоблаш усули.

Иш ҳақи ҳисоблашнинг қайси бир шаклидан фойдаланилмасин, иш ҳақи ҳисоблаш учун асос қилиб иш ҳажми,

сифати олинади. Вақтбай иш ҳақи ҳисоблашнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бу усулнинг кўпроқ бошқариш ходимлари учун иш ҳақи ҳисоблашда, нон ишлаб чиқариш ташкилотларида кўпроқ қўлланилади. Корхона ва ташкилотларда иш ҳақи ҳисоблаш бухгалтерия ходимларидан катта масъулиятни талаб қиласди, чунки ҳар бир ходимнинг иш ҳажмини, вақтини тўғри ҳисоб-китоб қилиб иш ҳақи ҳисоблашда бажарилган ишни тасдиқловчи ҳужжатлар бухгалтерия ўз вақтида таъмирланишини талаб қиласди.

Агар корхона ишчи ходимларига вақтбай шаклида иш ҳақи ҳисоблаш қўлланилса, иш ҳақи ҳисоблаш учун асос қилиб, иш вақтини ҳисобга олувчи табеллар олинади. Табеллар ҳар бир бўлим, бригада бўйича алоҳида-алоҳида тузилади. Табел-махсус табел юритувчилар ёки раҳбар томонидан белгиланган ходимлар томонидан олиб борилади. Табел бир ойга мўлжалланган бўлиб, унда ҳар бир ходимнинг исми, фамилияси, лавозими, ишлаган кунлари, соатлари кўрсатилиб берилади ва ҳар бир ойнинг охирида бухгалтерияга топширилади. Табел раҳбар томонидан тасдиқлангандан кейингина ходимларга вақтбай иш ҳақи ҳисоблаш учун асос яратилади.

Табедда ходимнинг ишлаган иш вақти, хизмат сафари кунлари, ишга яроқсиз кунлари, меҳнат таътили кунлари кўрсатилади. Вақтбай мукофотли иш ҳақи ҳисоблаш усулида мукофот суммасини ҳисоб-китоб қилиш тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларга асосан, маъмурият томонидан чиқарилган низом ва буйруқларга асосан ҳисобланади. Мукофот миқдори йиллик режа топшириқларини ошириб бажариш учун фойда олиш режаси, маҳсулотни етказиб бериш шартномасини бажарини бўйича алоҳида-алоҳида белгиланиши мумкин. Мукофот суммасини ҳисоб-китоб қилиши учун асосий мезон иш ходимининг йиллик маоши ҳисобланади.

Мисол учун, бош ҳисобчи Х.Исоқовнинг ойлик маоши - 12000 сўм. Таъкилий маҳсулот режаси бажарганлиги учун ходимга 10 фоиз, фойда режаси бажарилганлиги учун 10 фоиз, маҳсулотни истеъмолчига етказиб бериш режасини бажарилганлиги учун 5 фоиз мукофот бериш белгиланади. Демак, бош ҳисобчи Х.Исоқовнинг ойлик маоши (12000Қ 1200Қ 600) 15000 сўмга тенг келади.

Ишбай иш ҳақи ҳисоблаш усулида иш ҳақи ҳисоблаш учун асос қилиниб, ишчи томонидан тайёрланган, бажарил-

ган иш ҳақи ҳажми, миқдори олинади. Тайёрланган ҳар бир маҳсулот учун белгиланган иш ҳақи суммаси жами тайёрланган маҳсулот ҳажмига кўпайтирилади. Бундай тартибда иш ҳақи ҳисоблашда маҳсулот сифатига алоҳида эътибор берилади. Айрим ҳолларда меҳнат шартномаси (битим) асосида иш ҳақи ҳисобланниши мумкин, меҳнат шартномаси бевосита ташкилот ишчилари ёки корхона штат бригадига рўйхатига олинмаган ишчилар билан тузилиши мумкин.

Бундай тартибда иш ҳақи ҳисоблашда келинишган, яъни иш берувчи ва ишни бажарувчи томонидан розилик берилган иш ҳақи меҳнат шартномасида кўрсатилади. Ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи ҳисоблаш, уларнинг тўғрилигини аудит назоратидан ўтказишида, аудитор ташкилотда иш ҳақи ҳисоблашнинг қайси шаклларидан фойдаланилганлигини аниқлаб олиши керак. Ишчиларга ҳисобланган иш ҳақи тўғрилигини назорат қилиш учун ташкилотлардаги ишчи ва хизматчиларга тайинланган ойлик иш ҳақи суммалари ўрганилади. Ҳозирги вақтда Ҳалқ хўжалик тармоқларида мутахассислар бўйича ойлик маош белгилашда уларни қайси тоифага тааллуқли эканлигини аниқлаб чиқиш керак. Юқоридаги таъбирлар амалга оширилгандан кейин улар ҳақиқий бажарган ишига ёки ишланган иш вақтига ҳисобланган иш ҳақи тўғрилигини текшириш учун асос яратилади.

Аудитор томонидан корхона бўйича тасдиқланган штат бирлиги ўрганилиб, уни корхона фаолияти билан боғлиқлиги кўрилади ва таҳдил қилинади. Ҳодимларга иш ҳақи ҳисоблаш учун асос бўлган хужожатларни тўғри расмийлаштирилганлиги аудитор томонидан ўрганилади. Иш ҳақи ҳисоб-китоби бухгалтерия ҳисобида «Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳодимлар билан ҳисоб-китоблар» счетида олиб борилади. Бу счетнинг кредит томонинг ҳисобланган иш ҳақи суммаси (тўлов муддати етиб келмаган), дебетида эса ҳисобланган иш ҳақи суммасини ҳодимларга берилган қисми ва иш ҳақидан белгиланган тартибда иш ҳақидан ушлаб қолинган суммалар кўрсатилади.

Корхона ва ташкилот бўйича ҳодимларга ҳисобланган иш ҳақи суммаси маҳсус иш ҳақи ҳисоблаш учун тайинланган иш ҳақи ҳисоблаш дафтарида юритилади. Иш ҳақи ҳисоблаш дафтарининг ҳар бир варафи номерланган ва охирида ташкилот раҳбари, бош ҳисобчиси томонидан имзоланган ва муҳр-

ланган бўлиши керак. Ходимларга иш ҳақи ҳисоблашнинг қисми шу дафтарда ифода этилади, шу маълумотларга асосан ҳисоб-тўлов варақаси (ведемости) тузилади. Аудитор томонидан текшириш ўтказиш давомида тўлов ведемостларидағи ёзувлар иш ҳақи ҳисоб-китоби бўйича бериладиган дафтардаги ёзувлар билан таққосланган ҳолда ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Текшириш давомида корхона бўйича иш ҳақи фандилан самарали фойдаланиш имкониятлари таҳлил қилинади. Аудитор иш ҳақини тўғри ҳисоб-китоб қилинишини назорат қилар экан, ҳисбот даврида ишчи ва ходимларга ҳисобланган ва берилган мукофот суммаларини ташкилот фаолиятидан келиб чиқкан ҳолда, бу тўғридаги меъёрий ҳужжатлар билан асосланганligини аниқлаб чиқиши керак, чунки берилган мукофотларнинг манбалари турлича бўлиши мумкин.

7.3. Ишчилар ва хизматчилар билан қилинган ҳисоб-китоблар аудити

Корхона ва ташкилотлар мулк шаклидан қатъи назар ишчи ва хизматчилар билан турли ҳисоб-китоблар бўйича операцияларни амалга оширадилар. Операциялар асосан иш ҳақи, товар ва маҳсулотларни сақлаш билан боғлиқ бўлиб, уларнинг тўғрилигини назорат қилиш талаб этилади. Агар ишчи ва хизматчилар билан қилинган опрециялар фақат иш билан боғлиқ ҳолдагиси аудит назоратидан ўтказилаётган бўлса, қуйилаги ҳолатлар аудитор томонидан ўрганилади:

- 1) иш ҳақи ҳисоблашнинг қайси шакллари корхонада ишлатилади;
- 2) иш ҳақи ҳисоблаш учун асосий маълумотни кўрсатувчи ҳужжатлар;
- 3) ходимларнинг ойлик маошини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар;
- 4) ишчи ва хизматчиларга ҳисобланган иш ҳақи суммаларининг тўғрилиги.

— Аудитор ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи вақтбай ёки ишбай асосида олиб борилишини аниқлаб олган ҳолда қуйидаги ҳолатларга эътибор берилади:

— иш ҳақи ҳисоблаш вақтбай асосида олиб борилса, бу тўғридаги иш вақтини ҳисобга олиш тўғрисидаги табелларни тўғри тузилганлиги текширилиб чиқилишига;

- иш ҳақи ишбай усулида ташкил қилинган бўлса, бажарилган иш ҳақи ҳажми ва сифатини тасдиқловчи ҳужжатларга;
- ишчи ва хизматчиларга ҳисобланган иш ҳақи суммаларини бажарилган иш ҳажмига мос келишига;
- ҳисобланган иш ҳақи суммаларини белгиланган муддатларда ишчи ва хизматчиларга берилишига.

2.2 Ишчи ва хизматчилар билан олиб борилган ҳисоб-китоблар турли тўлов ва ажратмалар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли аудит текшириш давомида уларни амалдаги қонунлар асосида бажарилганилиги назорат қилинади. Аудит ўтказишда «Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» счети бўйича юритиладиган журнал-ордеридағи ёзувлар аудитор томонидан тўлов турлари ва йўналишлари бўйича ўрганилади. Журнал-ордерида ишчи ва хизматчиларга ҳисобланган жами иш ҳақи суммаси, ушлаб қолинган солиқлар суммаси, янги қонун ва йўриқномаларга асосан иш ҳақидан чегирилган суммалар кўрсатилади) Ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи ҳисоблашда ишбай мукофотли, вактбай мукофотли шаклларидан кенг фойдаланилади, яъни ишчи иш фаолияти натижасига кўра иш ҳақи ҳамда мукофот олиш хукуқига эгадир.

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат Кодекси»нинг 153-моддасида: «Меҳнат иш ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, кўшимича тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзида тўловлар жамоа щартномаларида, шунингдек, иш берувчи томонидан касаба қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилган бошқа лоқал ҳужжатларда белгиланади», деб кўрсатилгандир. Ишчи ва хизматчиларга ҳисобланган мукофотларни аудит назоратида корхона ва ташкилот маъмурияти, касаба уюшмаси томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган мукофотлар тўғрисидағи Низоми ва унда кўрсатилган мукофот миқдорлари ўрганилади ва уларни амалдаги қонунларга асосан тузилганилиги текширилади.

Ишчи ва хизматчиларга бажарилган иш ва хизматлари учун мукофот манбалари бўлиб қўйидагилар ҳисобланиши мумкин:

- ишлаб чиқариш режасини ортиги билан бажариш;
- маҳсулотни истеъмолчиларга жўнатиши режасининг бажарилиши;
- фойда режасининг бажарилиши;
- жўнатилган маҳсулот бўйича reklamацияларнинг йўқлиги.

Юқоридаги кўрсаткичларнинг бажарилиши бўйича ҳар бир кўрсаткич учун мукофот суммалари ходимнинг ойлик (квартал) иш ҳақига нисбатан белгиланади. Аудит назоратида ишчи ва хизматчиларга ҳисобланган мукофот суммалари назорат қилинар экан, биринчи навбатда мукофотни олиш учун асос қилинган кўрсаткичларни бажарилиши назоратдан ўтказилади, иккинчи ишчиларни ҳисобот давридаги иш ҳақларини тўғри ҳисобланганлиги текширилади. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодексига асосан ишчи ва хизматчиларга меҳнат таътили бериш, уларнинг меҳнат таътилларини узайтириш ва бошқа муддатларга кўчириш тадбирлари белгиланган. Меҳнат кодексининг 143-моддасига асосан: Йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун 6 ойда ишлангандан кейин берилади. Иш йили шартнома тузилган кундан бошланади. Йиллик меҳнат таътили 6 ой қандай ходимларга берилиши меҳнат кодексида кўрсатилган.

Таътил кунларига ўртacha ойлик ҳисоб-китоб қилиниб, бир кунлик ўртacha маош аниқланиб, ўртacha ойлик маошини ҳисоб-китоб қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлитининг 1993 йил 18 январдаги 117-сонли қарорида кўрсатилган. Ишчи ва ходимларнинг меҳнат таътилига иш ҳақи ҳисоблашнинг тўғри бажарилиши аудитор томонидан текширилар экан, биринчи навбатда, юқоридаги меъёрий ҳужжатларга тўлиқ риоя қилиниши текширилади, иккинчидан, корхона ва ташкилотларда меҳнат таътилини бир текис ташкил қилиш мақсадида ҳисобот йилига тузилган йиллик таътили жадвали касаба уюшмаси томонидан келишилганлиги аудитор томонидан ўрганилади. Ходимнинг таътил муддати келиб қолганда корхона раҳбари томонидан буйруқ чиқарилади ва шу буйруққа асосан ходимга таътилга чиқиши муносабати билан иш ҳақи ҳисобланади. Маош миқдори ходимнинг сўнгти маоши ёки таъриф ставкаси асосида олиб борилади.

Аудитор томонидан таътил пулларининг тўғри ҳисобланганлигини назорат қилишда бир кунлик ўртacha иш ҳақини аниқланганлиги аудитор томонидан текширилади ва ўз навбатида таътил пуллари бухгалтерия ҳисобида «Давр харожатлари» счетига ўтказилганлиги аудитор томонидан назорат қилинади. Аудитор томонидан ишчи ва ходимларга берилган нафақа пулларининг тўғрилиги назорат қилинар экан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

ижтимоий сұнурта жамғармасининг «Давлат ижтимоий сұнурта нафақаларини тақсимвлаш ва тұлаш тартиби түғрисида»ғи низомининг бажарилиши назорат қилинади. Нафақаларни тұлаш манбаларига берилған бухгалтерия ёзувларының түғрилиги аудитор томонидан текшириләди.

7.4. Иш ҳақи билан бөглиқ түрли операциялар аудити

Корхона ва ташкilotлар фаолижтида бевосита иш ҳақи билан бөглиқ түрли операциялар олиб борилади. Бундай операцияларга корхона ишбай бирлитида бўлмаган ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи ҳисоблаш ёки ишчиларга ҳисобланган иш ҳақидан ушлаб қолинадиган тўловларни киритиш мумкин. Агар аудитор текшириш давомида корхона ишбай бирлигига бўлмаган ходим ёки ишчига иш ҳақи ҳисобланғанигини аниқласа, биринчи навбатда ишчи билан корхона раҳбари ўртасида тузилған меҳнат битимининг тузилғанлиги текширилади. Меҳнат битимидағи шартларининг бажарилиши учун сарф қилинадиган материал харажатлари қайси томон ҳисобидан қопланиши меҳнат битимида кўрсатилади.

Ишчи ва хизматчиларга ҳисобланган иш ҳақи суммасини бериш кассада амалга оширилади. Ишчиларга бериладиган маош суммасини аниқлаш давомида ишчининг ойлик маошибидан кўзда туғилған тартибда түрли чегирмалар ушлаб қолинади. Биринчи навбатда, иш ҳақи солиқлар суммаси амалдаги тартиб бўйича ушлаб қолинади. Ишчи ва ходимларни иш ҳақидан ушлаб қолинган түрли операциялар аудитор томонидан толширилар экан, биринчи навбатда ушлаб қолинган иш ҳақи суммаларини тасдиқловчи ҳужжатлар билан аудитор танишиб чиқиши керак.

Тафтиш ўтказиш, унга қўйиладиган талаблар

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самараси, бу мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, мулкдорлик ҳиссини шакллантириш ва унга эгалик қилиш имкониятини берди.

Мулкни нодавлат шаклининг ташкил топиши давлат мулкини бошқаришдаги аҳамиятини, назоратини асло насытиримайди, аксинча, ундан самараали фойдаланиш, тўлиқлигини таъминлашда хўжалик юритувчи субъектларга ёрдам беради. Бу ёрдам асосан назорат турлари билан тартибга солинади.

Бозар иқтисодиёти ҳар бир мулк эгасини мулкка бўлган муносабатини Қайта кўриб чиқиш, ундан тўғри фойдаланиш имкониятларини ҳисоб-китоб қилишни таклиф қилмоқда.

Мулкни тўлиқ давлат тасарруфидан чиқариш имконияти пастлигидан келиб чиқсан ҳолда айрим корхона ва ташкилотларни хусусиятини ҳисобга олиб, назорат тури ҳисоблангэн тафтиш шаклларидан фойдаланилади.

Кўп ҳолларда тафтиш ўтказиш давлат тасарруфида бўлган ташкилотларда қўлланилмоқда. Мисол учун, давлат бюджети ҳисобига молиялаштириладиган ташкилотларда, шу жумладан, фан, маориф, соглиқни сақлаш, суд-прокуратура органларида асосан тафтиш ишлари ўтказилади. Тафтиш ўтказишдан асосий мақсад сарф-харажатлари бюджет ҳисобидан қопланадиган ташкилотларни белгиланган сарф-харажат меъёрларига мос келишини аниқлашдир.

Юқоридаги бўлимларда назорат ишларида инвентаризация, аудит усулларига алоҳида тўхталиб ўтишимиздан асосий мақсад улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ва бир-бидан фарқини аниқлаш бўлган бўлса, шу билан бирга уларни жорий қилиш имкониятларини тўғри аниқлашдир.

Агар инвентаризация ўтказишида тегишли моддий жавобгар шахс зиммасидаги товар-моддий бойликлар кўз билан кўриб, ўлчаниб, саналиб, баҳо аниқланиб пул ўлчов бирлигига ҳисоб-китоб қилишиб, кейин натижалари аниқланса, тафтиш ўтказиш, натижаларини аниқлаш инвентаризациядан фарқ қиласди. Тафтиш ўтказишида корхона хўжалик фаолиятида амалга оширилган хўжалик операцияларининг тўғрилиги, яъни уларни тўғри хужжатлаштирилиши, корхона фаолияти билан боғлиқлиги, хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисоби счетларида тўғри кўрсатилиши, бухгалтерия ёзувларини тўғрилиги, молиявий натижаларни тўғри аниқланганлиги, ҳисбот кўрсаткичлари билан ҳисоб кўрсаткичларининг бир-бирига мос келиши текширилади.

Тафтиш ёрдамида ҳар бир тармоқ ичida молиявий ишларнинг тўғри йўлга қўйилганлигини таъминлабгина қолмай, иш фаолиятини яхшиланишига, ишда йўл қўйилган хато ва камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этишида тегишли таклифлар ишлаб чиқилади. Тафтиш натижалариниг мазмунли ва тўғри бўлиши унинг олдига қўйиладиган вазифаларнинг бажарилишига боғлиқдир, бу вазифаларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

1 Корхонаниг иқтисодий қўрсаткичларини таҳлил қилиш, мавжуд маблағлардан тўғри фойдаланишини текшириш, амалга оширилган хўжалик операцияларига берилган бухгалтерия ёзувларининг тўғрилигини текшириш;

2 Ҳаражатлар таркибини ўрганиш, уларни маҳсулот таннархига ўтказилишини текшириш, ҳаражатларни маҳсулот таннархига турлари бўйича тўғри тақсимланишини аниқлаш;

3 Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан мулкнинг тўлиқлигини таъминлаш учун қабул қилтан чора ва тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш;

4 Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўйича қабул қилинган қонун ва йўриқномаларнинг бажарилишини назорат қилиш;

5 Ҳисоб ишларини тўғри ташкил қилинганлигини текшириш ва ҳ. к.

Тафтиш ва назорат ишларини тўғри ташкил қилиш фақат маблағлардан самарали фойдаланишини таъминлабгина қолмай, балки моддий жавобгар шахслар зиммасидаги товар-моддий бойликларнинг тўғри сақланишини назорат қилиш имконини беради.

Юқоридаги вазифаларнинг бажарилиши, биринчи наебатда тафтиш ишларини тўғри режалаштиришга, тафтишчининг иш ваколатларидан тўғри фойдаланишига боғлиқдир. Ишни тўғри режалаштириш тафтишчи ва назоратчиларнинг йил давомида иш вақтидан унумли фойдаланишини таъминлайди.

Тафтиш ишларини ўтказувчи ташкилот ҳар йили йиллик тафтиш ўтказиш режасини ишлаб чиқади ва бу режа ташкилот раҳбари ва бош бухгалтер томонидан имзолангандан кейин амалда қўллаш учун қабул қилиниб, тасдиқланади.

Тафтиш ва назорат ишларила амалда қўлланилаётган, қўлланилиши тўхтатилган ҳукумат қарорлари аниқланиб, уларда белгиланган меъёрларга риоя қилиш тафтишсидан юқори малакани талаб қиласди. Тафтиш ишларини ташкил қилишда асосий манба бўлиб хўжалик операцияларини тасдиқловчи ҳужжатлар, амалга оширилган ҳаражатлар учун белгиланган меъёрлар, чораклик ва йиллик бухгалтерия ҳисоботлари ҳисобланади, шунинг учун тафтишни ҳужжатли тафтиш, деб ҳам айтиш мақсадга мувофиқдир. Тафтиш ишларида моддий жавобгар шахсларнинг иш фаолиятини тафтиш томонидан ўрганилиб чиқилиши товар-моддий бойликларнинг тўлиқлигини таъминлашдаги бошланғич омил деб ҳи-

соблаш мумкин. Чунки бойликларни тўлиқлиги биринчи на-
вбатда моддий жавобгар шахслар томонидан тузилган ҳисо-
ботларда ўз ифодасини топади. Шундай экан, тафтиш ўтка-
зиш жараёнида моддий жавобгарлик тамойилларига риоя
қилиш тартиби тафтишчи томонидан ўрганилиб чиқилади.
Демак, тафтиш ишларида корхона билан моддий жавобгар
шахс ўртасида тузилган моддий жавобгарлик тўғрисидаги
шартномаларнинг тўғри тузилганлиги ўрганилади.

Тафтиш ишларида амалга оширилган хўжалик операцияла-
рини ўз вақтида тўғри расмийлаштирилиши уларни бухгалте-
рия ҳисоби счетларида икки ёқлама ёзув билан кўрсатилганили-
ги тафтишчи томонидан текширилиб чиқилади. Демак, корхо-
на ва ташкилотларда тафтиш ўтказиш, асосан, хўжатлар ва
уларда ёзувларни тўғрилигини текширишдан бошланади. Таф-
тиш давомида бухгалтерия хўжатлари шу муддатлар асосида
тузилган ҳисботлар, синтетик ва аналитик счетлардаги ёзув-
лар билан таққосланниб, уларнинг тўғрилиги аниқланади.

Хўжалик операцияларини ўз вақтида хўжатлаштирмас-
лик оқибатида, товар-моддий бойликларни талон-тарожга
учраш оқибатлари келиб чиқмоқда.

Тафтиш ишлари ҳажми бўйича тўлиқ, қисман ёки тан-
лаб олган ҳолда, яъни операцион ҳолда ўтказилиши мумкин.
Тўлиқ тафтиш ишлари олдиндан режалаштирилган бўлиб,
унда корхона фаолияти тўлиқ тафтишдан, яъни барча бўлим-
лари тўлиқ тафтишга тортилади. Қисман ёки танлаб олинган
ҳолда тафтиш ўтказишда тафтиш ўтказилаётган ташкилотни
маътум бир бўлаги, танлаб олинган бир турли хўжалик опе-
рациялари тафтишчи томонидан текширилади.

Тўлиқ (комплекс) тафтиш ўтказишда корхона хўжалик фа-
олиятининг ҳамма бўгинлари тафтиш қилиниб, унда маҳсус таф-
тиш ўтказиш гуруҳлари тузилиб, улар томонидан ўтказилади.

Тафтиш гуруҳлари таркибига турли йўналишдаги мута-
хассислар жалб қилиниши мумкин. Мисол учун, инвентари-
заторлар, маркетологлар, иқтисодчилар ва ҳ. к.

Корхона ва ташкилотларда тафтиш ўтказиш тартиби, на-
тижаларини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Молия ва-
зиригининг маҳсус йўриқномаси асосида ташкил қилинади.

Тафтиш ишларини натижаси бу тўғрида тузилган дало-
латномада кўрсатилади. Далолатнома ёзиш учун асосий маъ-
лумотлар тафтиш ўтказиш давомида йигилади. Ўтказилган

тафтиш тұғрисидаги далолатнома бир неча бўлимлардан иборат булиб, ҳар бир бўлим алоҳида олинган хўжалик операцияларини ўзида ифода этади.

Тафтиш натижалари бўйича тузилган далолатномада, асосан қўйилдагилар кўрсатилади:

1. Тафтиш қилинаётган ташкилотга қисқача характеристика олдинги ўтказилган тафтиш даври қачон ва ким томонидан ўтказилганини, охирги тафтиш қайси буйроққа асосан ўтказилганини, тафтиш даври кўрсатилади;

2. Тафтиш ўтказилган корхона бўйича белгиланган харажат меъёрларини тасдиқловчи хужжатлар мазмуни ва харажатларнинг ҳақиқий сарф қилиниши (харажат муддаолари бўйича) харажатлар ўргасидаги фарқлар, харажатларнинг ўзгаришига тъясир қилувчи омиллар;

3. Ўтказилган инвентаризация натижалари моддий жавобгар шахслар бўйича кўрсатилади;

4. Иш ҳақи жамғармасидан фойдаланиш ҳолати;

5. Тафтиш давомида аниқланган хато ва камчиликлар, уларни бартараф қилиш тұғрисидаги чора ва тадбирлар;

6. ҳисоб ишларини ташкил қилиш ҳолати, ҳисоб ва ҳисбот кўрсаткичларининг бир-бирига мос келиши, тўғрилиги ва ҳ. к.

Юқоридагилардан ташқари тармоқни ривожлантириш бўйича хукumat томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишига алоҳида эътибор берилиб, далолатномада кўрсатилади. Далолатнома уч нусхада ёзилиб, унда тафтиш ўтказилган ташкилот раҳбари ва бош бухгалтери имзо чекадилар.

Ўтказилган тафтиш тұғрисидаги далолатнома имзолангандан кейин унинг бир нусхаси бош бухгалтерга берилади ва тафтиш далолатномасига бир нусхасини олганлиги тўғрисида бош бухгалтер далолатномасига имзо қўяди.

Тафтиш натижалари далолатномага асосан корхона ходимлари билан ўтказилган умумий мажлисда муҳокома қилиниб, кўрсатилган камчиликларни бартараф қилиш тұғрисида чора-тадбирлар ишлаб чиқылиб, юқори ташкилотга тақдим қилинади.

Ишлаб чиқылған чора-тадбирлар тафтиш ишларида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф қилишга қаратилгандир. Айрим ҳолатларда тафтиш ишлари суд-тергов идоралари томонидан ўтказилиши мумкин. Бундай ҳолларда тафтишчи бетараф шахс ҳисобланиб, ташкилот фаолиятини тўғри баҳолаб бериши ҳақиқий ҳолатни акс эттириб, бу тўғрида

далолатнома ёзиши шарт. Суд-тергов органлари томонидан ўтказиладиган тафтишни тармоқ ичидаги тафтишдан асосий фарқи шундаки, тергов ходимлари тафтиш ўтказаётганда маълум бир жиноят моддасига асосланиб тафтиш ишларини тергов материаллари билан боғланган ҳолда олиб борадилар.

VIII БОБ

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР АУДИТИ

8.1. Молиявий натижалар аудитининг аҳамияти ва вазифалари

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини фойдали, харажатларни қоплаши тегишли даромад олиш йулида ташкил қиласди. Олинган даромад миқдори бевосита ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига, сифатига, баҳосига, бозордаги талабга қараб ўзгариб боради.

Молиявий натижка асосан йил охирида ҳисоб-китоб қилинади. Бунинг учун йил давомида қилинган хўжалик операциясининг натижалари ҳисоб-китоб қилиниб, барча бухгалтерия ҳисоби рақамларидаги ёзувлар 1 январ ҳолатига келтирилади. Бунинг учун харажатлар ўзида ифода этувчи рақамлар ҳисобот даврининг охирига етилади ва йиллик қилинган жами харажат суммалари ҳисоблаб чиқилади.

Молиявий натижаларни ҳисоблаш тартиби тармоқлар бўйича бир-биридан фарқ қилиб, бу фарқ асосида маҳсулот таннархини аниқлаш харажатларни тақсимлаш мезони туради. Молиявий натижанинг асосий манбаи бўлиб, маҳсулотни сотишдан келиб тушган пул маблағлари ҳисобланади. Молиявий натижалар ҳолатига маҳсулот ва товарларни сотиш билан боғлиқ харажатлар бевосита таъсири қиласди. Фикримизни далили сифатида савдо-тижорат соҳасида молиявий натижаларни аниқлаш ҳолатига (тартибига) мурожаат қилайлик. Бунинг учун «Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси» рақамининг маълумотларидан фойдаланамиз. Бу рақамнинг кредит томонида товарлар реализацияси сотиш баҳосида кўрсатилади. Олинган товарлар учун мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоб эркин шартнома (сотиб олиш) баҳосида амалга оширилади. Ўртадаги фарқ савдо устамасини ташкил қиласди. Савдо устамасининг миқдори бевосита шу товарга бўлган талаб билан ўлчанади.

Савдо устамасининг асосий мақсади товарларни сотиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш ва даромад манбани шакллантиришдир. Молиявий натижаларни аниқлашда савдо устамаси алоҳида-алоҳида сотилган ва қолган товарларни нисбатан ҳисобланади.

Ҳисобот даврида товарлар ҳаракати билан боғлиқ харажатлар «Давр харажатлари» рақами ҳисобига олинади. Бу рақамда кўрсатилган харажатлар жами товарларга тааллуқли бўлиб, даромадни аниқлашда сотилган ва қолган товарларга тааллуқли бўлган харажатларни аниқлашни талаб қиласди. Шунинг учун ҳисобот даврининг охирида ўргача савдо устамаси ва сотилган товарларга тааллуқли ҳаражатларни ҳисоб-китоб қилиш талаб қилинади (йил охирида «Савдо устамаси» ва «Давр харажатлари» рақами бўйича қилинадиган ҳисоб-китоб назарда тутилмоқда).

Молиявий натижаларни аниқлашда уларни бевосита товарларни сотишдан, яъни асосий хўжалик фаолиятидан ва кўзда тутилмаган манбалардан шаклланишига алоҳида аҳамият берилади.

Ўзбекистон Республикасида «Маҳсулот (иш, хизматлар) таннархига киритиладиган маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шаклланиши таркиби тўғрисида»ги Низомининг қабул қилиниши молиявий натижалар ҳолатини такомиллаштиришга қаратилгандир.

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларниң самараси йилдан-йилга ортиб бормоқда, янгича муносабатларни шаклланиши унинг янги ижобий натижаларини бермоқда. Корхона ва ташкилотларда тежамкорликни тўғри ташкил қилиш иқтисодий маданиятни қандай қилиниши билан баҳоланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир корхона ўз маҳсулоти сифати учун жавобгар. Бозор талабига жавоб бериш, рақобатбардошлиги, сифатли бўлишини даврнинг ўзини талаб қилмоқда. Юқоридаги талабларни шаклланиши тартиби тўғрисида»ги Низом Хал-

қаро андозаларни ҳисобга олган ҳолда, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва соликқа тортиш учун харажатларни ҳисоблашда юзага келадиган фарқларни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқлади.

Низомга асосан корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари куйидаги фойда кўрсаткичларига асосан олиб борилади, яъни маҳсулотни сотишдан олинган фойда-ялти фойда, у маҳсулотни сотишдан олинган соғ даромаддан сотилган маҳсулот таннархини айриш йўли билан аниқланади. Молиявий натижаларни аниқлашда юқоридаги низомга тўлиқ риоя қилинади.

Ўзбекистон Республикасида маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш харажатларини тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида маҳсус низом қабул қилинди. Низом хўжалик юритувчи субъектлар юридик ва жисмоний шахслар учун Ўзбекистон Республикасида маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига киритиладиган харажатларни аниқлаш бир хиљда бўлишини таъминлаш мақсадида, шу билан бирга ҳисоб ва ҳисоботлар ҳақидаги қонунларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилгандир.

Харажатларни юқоридаги низом асосида шакллантириш молиявий натижаларни тўғри аниқлаш имконини беради. Низомда келтирилган харажатларнинг турланиши энг аввали, харажатларни тўғри ва тўла акс эттириш, молиявий ҳисоботни тузишда фойда ва зарарни аниқлашга қаратилган.

Молиявий натижаларни таҳлил қилишдан асосий мақсад биринчидан, харажатларни камайтиришда ички имкониятларни ва улардан самарали фойдаланиш, иккинчидан, маҳсулотнинг рақобатбардошлигини аниқлашдир.

Молиявий натижаларни таҳлил қилишда қуйидаги омилларга алоҳида эътибор бериш керак:

- 1) Асосий воситалардан самарали фойдаланишга;
- 2) Маҳсулотнинг рақобатбардошлиги ва сифатига;
- 3) Мехнат унумдорлигини ошириш имкониятларига;
- 4) Маҳсулот товарларни сотиш даражасига;
- 5) Шартнома шартларининг бажарилишига;
- 6) Унумсиз харажатларни камайтиришга;
- 7) Корхона рентабеллик даражасига.

Юқоридаги омилларни тўғри таҳлил қилиш уни сифати ва ҳажми билан боғлиқ ҳолда олиб бориш молиявий натижаларни яхшиланишига ижобий таъсир қиласи.

Мулк шаклидан қатъи назар ҳар бир корхона ва ташкилот фаолиятини баҳоловчи кўрсаткич бўлиб унинг маълум тайёргарлик ишларини бошқариш талаб қилинади.

Тайёргарлик ишларига харажатлар ҳисобини тартибга солиц, харажатларни маҳсулот таннархига турлари бўйича тақсимланишини тъминалаш ялпи даромад суммасини ҳисобкитоб қилиш каби ишларни бажариш талаб қилинади.

Молиявий натижаларни аниқлашда бевосита маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган даромад, кўзда тутилмаган фойда ва заарлар ҳолатига алоҳида аҳамият берилди. Чунки бундай кўсаткичлар бухгалтерия ҳисоби алоҳида-алоҳида кўрсатилади.

Давлат тасарруфида бўлган корхоналар билан хусусий корхоналарнинг молиявий натижаларини аниқлашдаги асосий фарқ шундаки, фойдани тақсимлашдир.

Халқ хўжалиги тармоқлари ўз навбатида ишлаб чиқариш билан боғлиқ корхоналар, яъни саноат, қишлоқ хўжалиги, майший хизмат, савдо ва ҳоказо тармоқларни ўз ичига олади, оғир ва енгил саноат тармоқларига бўлинади. Уларнинг фаолиятида асосий кўсаткич молиявий натижка ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида молиявий натижанинг асосий манбаи бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни истеъмолга етказиб бериш, яъни сотиш ҳисобланса, бошқа тармоқларда, масалан, савдо товарларини сотиш ва ундан олинадиган даромад манбаи бўлиб, савдо устамаси ҳисобланади.

Ҳар бир тармоқни ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиб, уларда молиявий натижаларни аудит бир-биридан фарқ қилали. Бу фарқ асосида маҳсулотни баҳолаш, харажатларни туркумларга ажратиш турлари ётади.

8.2. Фойда ва заарлар аудити

Мулк шаклидан қатъи назар, ҳар бир корхона ва ташкилот ици фаолиятининг натижаси унинг молиявий ҳолати билан, яъни олинган даромадлари билан баҳоланади. Фойда бир турли маҳсулот бўйича ёки жами маҳсулотни сотишдан олинадиган даромад билан харажатлар ўртасидаги фарқдан иборат..

Фойда ҳолатига маҳсулот сифати сотиш имкониятларига, тўлов муносабатларига боғлиқ бўлиб, сотилган маҳсулот ҳажми билан тартибга солинади.

Фойда ва заарлар аудитида сотилган маҳсулот миқдорини тўғри белгилаш, харажатлар ҳисоб-китоби, уларни маҳсулот таннархига ўтказилиши тўғрилиги текширилади. Фойда ва за-

рарлар ҳолати аудит назоратида уларни маҳсулот тури бўйича ҳисоб-китоб қилинишига эътибор бериш талаб этилади.

Фойда ва заарни тўғри ҳисоб-китоб қилинганини тасдиқловчи хужжатлар харжат моддалари бўйича текширилиб, ўртадаги фарқ суммаларини келиб чиқиш сабаблари таҳтил, қилинади бухгалтерия ҳисоби рақамларидаги фойда ва заарни кўрсатувчи ёзувлар бу тўғрида тузилган ҳисобот кўрсат-кичлари билан таққосланиш ҳолатида аудитдан ўтказилади.

Аудит назорати давомида ҳисоб ва ҳисобат кўрсатмалари-даги фойда ҳамда заарлар, баланс фойдани аниқланганлиги текширилади. Фойда ва заарлар аудитида фойдадан тўланган солиқ ва бошқа тўловларни белгиланган меъёрларига мос келиши ўрганилиб корхонанинг соф даромадини тўғри ҳисоб-китоб қилинганини аниқланади. Текшириш давомида ялпи даромад суммаисдан қопланадиган харажатлар уларни ҳисобот даврлари бўйича такомиллаш таркиби текширилади. Корхона фойдасини қайси йўналишлар бўйича такомиллаш тартиби текширилади. Корхона фойдасини қайси йўналишлар бўйича сарфланганлиги уни корхона хўжалик фаолияти билан боғлиқ даражасига аудитор алоҳида эътибор бериши керак.

Мол етказиб берувчи ва товар олувчи ташкилотлар ҳисоб-китобларни тўғри, амалдаги қонунларга мос шартнома шартларига асосланган ҳолда олиб боришилари керак. Ҳар иккала ташкилот учун шартнома шартларини бажармаслик, тегишли жарима, устама суммаларини келиб чиқишига сабаб бўлали, ёъни кўзда тутилмаган фойда ва заарлар келиб чиқади. Уларнинг келиб чиқиш сабабларига қўйидагилар киради:

- Банк томонидан белгиланган тўлов муддатларига риоя қилмаслик;
- Шартнома шартларини бажармаслик;
- Жўнатилган товарларнинг тасдиқланган андоза меъёрларига тўғри келмаслиги;
- Товарларни идишларга жойлашдаги хатоликлар.

Юқоридаги ҳолатлар бўйича кўзда тутилмаган фойда ва заарлар ҳолати аудит назоратида биринчи навбатда, шартномаларни қонун талабларига мос келиши, уларнинг тўғри тузилгани ўрганилади, чунки шартнома шартлари бўйича бажармаслик ҳолатлари учун турли жарима фоизлари белгилангандир. Иккинчидан, кўзда тутилмаган фойда ва заарларни, айборларни аниқлашига қаратилади.

Аудит назоратида келтирилган заар қайси манбалардан қолланғанлығы текширилади.

Шартнома шартларини бажармаслик оқибатида келиб чиқадиган күзда тутилмаган фойда ва заар алоҳида-алоҳида текширилиб, уларни ҳужжатлаштириш тартибига алоҳида эътибор бериш лозимдир. Күзда тутилмаган фойда ва заарлар ҳолати аудит назоратида уларни бухгалтерия ҳисоби рақамларида тўғри кўрсатилғанлығи ҳужжатлар ёрдэмидан ҳар бир ҳолат бўйича текширилади.

8.3. Молиявий иатижаларнинг ҳисоб кўрсатқичлари бўйича аудити

Ҳар бир корхона ва ташкилот фаолиятини умумлаштириш, хўжалик фаолиятига баҳо беришда ҳисобот (кўрсатқичлари) алоҳида аҳамиятлидир.

Амалиётда оператив, статистика, бухгалтерия ҳисобларидан кенг фойдаланилади. Оператив ҳисобот узлуксиз тарзда олиб борилмасдан, маълум бир вақт бирлигида амалга оширилаётган хўжалик жараёнини кузатиш мақсадида тузилади, кўп ҳолларда оператив ҳисобот кўрсатқичлари умумлаштирувчи маълумотларни ўзида ифода этмайди.

Статистика ҳисобот шакллари, тузилиши тегишли маълумотларни қайд қилиш тартиби давлат органдари томонидан тартибга солинган ҳолда олиб борилади. Бухгалтерия ҳисоби бошқа ҳисобот шаклларидан фарқли ҳолда ташкил қилиниб, биринчидан, амалга оширилган хўжалик операцияларининг узлуксизлигини талаб қиласди, иккинчидан, ҳисоботни тузиш тартиби, топшириш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш Республика Молия вазирлиги томонидан белгиланади. Бухгалтерия ҳисобининг ҳажми, тегишли ҳисобот бланкалари вазирлик томонидан тасдиқланади. Бухгалтерия ҳисботида тасдиқланмаган ҳужжатлардан фойдаланиш ман қилинади.

Бухгалтерия ҳисобини тузиш учун тегишли тайёргарлик ишларини олиб бориш талаб қилинади. Бундай тайёргарлик ишларига тегишли рақамлардаги маълумотларни ҳисоблаб чиқиши, қолдиқларни аниқлаш, уларни аналитик рақамлар билан тўғрилигини таъминлаш айланма ведомостлари тузиш, уларни маблағлар ҳолатини тўғри ифодалаш, бош дафтар маълумотларини ҳисоблаб балансга олиш ишлари киради.

Бухгалтерия ҳисоблари қайси даврға тузилишига қараб иккига бўлинади, яъни даврий ва йиллик бухгалтерия ҳисоблари, ўз навбатида даврий бухгалтерия ҳисоботлари ойлик, чораклик бухгалтерия ҳисоботларига бўлинади.

Йиллик бухгалтерия ҳисоби жорий йил натижалари бўйича йилнинг охирига тузилади. Йиллик бухгалтерия ҳисоботини тузиш тасдиқланган йўриқномаларга асосланади.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятининг фойдали бўлиши учун ҳаракат қиласи ва бунинг учун белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил қиласилар. Бухгалтерия ҳисобида ҳар бир амалга оширилган хўжалик операцияси иккىёқлама ёзув асосида (ифода этилади) кўреатилади, яъни бир рақам, дебетланиб, иккинчиси кредитланади. Ой, чорак давомида ҳар бир амалга оширилган хўжалик операциялари тегишли журнал ордерларда умумлаштирилади, яъни тегишли ҳисобот даври учун ҳисобот тузишга маълумотлар жамлаб боради.

Ҳисобот маълум бир белгиланган муддат ичидаги амалга оширилган хўжалик операциялари умумлаштирилган ҳолда ўз ифодасини топади. Ҳисобот чорак ва йиллик бўлиб, уни тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия vazirligi томонидан белгиланади. ҳозирда чорак ва йиллик молиявий ҳисоботларни шаклларини тўлдириш тўғрисидаги кўрсатма асосида олиб борилмоқда (1997 йил 15 январ, 5-сонли буйруқ) чораклик ва йиллик ҳисоботларни тузиш тартиби, муддатлари Республика Молия vazirligi томонидан белгиланади.

Ҳисоботнинг мазмунли бўлиши ва қўйидагиларга жавоб бериши керак:

- Маълумотларнинг тўғри бўлиши;
- Аниқ ва содда тузилиши;
- Вақтида тузилиши ва топширилиши.

Чораклик ҳисоботлар учун қўйидаги ҳисобот шакллари тасдиқланган:

1. «Бухгалтерия баланси» шакли.
2. «Молиявий фаолият ҳақидаги ҳисобот» шакли.
3. «Дебеторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақидаги маълумтонома» шакли.

Юқоридаги ҳисобот шаклларини тўлдириш учун маълумотлар бухгалтерия ҳисобининг тегишли рақамларидан олинади.

Ҳисобот кўрсаткичлари, тўғрилигини корхона хўжалик фаолиятига тўғри баҳо бериш, эришган ютуқ ва камчиликларни таҳдил қилиш имконини беради. Ҳисобот тузицда иқтисодий маълумотларни умумлаштириш, уларни баланс моддаларига жойлаштиришда ҳисоб маълумотларини тегишли рақамлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш алоҳидаги аҳамият талаб ҳилади. Шунинг учун ҳисобот кўрсаткичлари, тўғрилигини таъминлаш бевосита бош бухгалтер зиммасига юкландир.

Йиллик ҳисобот белгиланган муддатларда топширилиши юқори ташкилотлар томонидан назорат қилинади. Ҳисобот қабул қилинган қарорларни бажарилиши амалдаги қонунларга риоя қилиш шартлари ўрганилади.

Корхона ва ташкилот маблағларининг ҳолати, хўжалик фаолияти давомида ўзгариб боради, яъни материаллар тайёр маҳсулотга, тайёр маҳсулотлар эса пул маблағларига айланниб боради. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида мулк эгасига шундай маълумотлар керак бўладики, унинг натижасига кўра маблағларга, яъни асосий ва айланма маблағларга бўлган талабни ўрганиш учун асос яратилади.

Ҳар бир ҳисобот маълум бир белгиланган мақсад учун қаратилгандир, олайлик моддий жавобгар шахсларнинг товар ҳисботини, унда ҳисобот кунининг бошига бўлган товарлар қолдигини кунлик кирим ва чиқими, куннинг охирига бўлган қолдиқ кўрсатилади. Демак, ҳисобот кўрсаткичлари, деб товар ҳаракатини узлуксиз маълум кетма-кетликда ташкил қилинишидир.

Ҳисобот кўсаткичлари доимо маълум кетма-кетликда ташкил қилинмайди, мисол учун оператив (тезкор) ҳисобот кўрсаткичлари фақат кузатиш ўтказилаётган давридаги маълумотни ўрганиб умумлаштириб бориш мумкин, лекин бу ҳисобот кўрсаткичи узлуксиз, кетма-кетликка риоя қилинган, деб ҳисобланмайди.

Ҳисобот кўрсаткичларидағи ёзувларни тўғрилигини ўлчов бирликларидан ўринли фойдаланиш талаб қилинади.

Ҳар бир мулк эгаси ўз маблағларининг тўлиқлигини таъминлаш асосида тегишли молиявий ҳолатини яхшилашини ҳисобга олган ҳолда фаолият кўрсатади. Молиявий ҳолати дейилганда корхона ва ташкилотнинг фаолияти давомида эришган фойда ёки заарлари тушунилади.

Молиявий натижани аниқлашда маҳсулотни рақамдан олинган даромад, яъни ялпи даромаддан қилинган харажатлар чиқариб ташлангандан қоладиган сумма назарда тутилади. Аудитор корхона молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни тўғрилигини текширишдан олдин, унинг Низоми, ташкил қилиш билан боғлиқ барча таъсис хужжатларида олинган фойдани, сарфланиши тўғрисида тегишли маълумотлар кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикасида «Маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларнинг шаклланиши таркиби тўғрисида»ги Низомнинг Қабул қилиниши молиявий ҳолатни тўғри аниқлашга харажатларни тартибга солиш учун қаратилгандир. Низом хўжалик юритувчи субъектлар учун республика миқёсида маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига киритиладиган харажатларни аниқлаш, уларнинг, бир хил бўлишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилгандир.

Молиявий натижаларни аниқлаш тармоқлар бўйича бир-биридан фарқ қилиниши мумкин. Масалан, савдода молиявий натижани аниқлашда товарнинг сотиб олиш, яъни шартнома баҳосига қўшиладиган савдо устамаси молиявий натижани шакллантирувчи омил ҳисбланиб, унинг ҳисобидан товарларни истеъмолчига етказиб бериш билан боғлиқ ҳолда жойлар қопланади, қолган қисми молиявий натижажа, деб ҳисбланади. Щунинг учун савдода сотилган товарларга тааллуқли бўлган савдо устамасининг фоизи аниқланади.

Сотилган товарларга тааллуқли савдо устамаси ташкилотни сифат кўрсаткичи ҳисбланиб, сумма «Савдо устамаси» рақамининг кредит томонида кўрсатилади, шунинг учун аудитор бу рақам бўйича амалга оширилган операцияларни, шунингдек, сотилган товарларга тааллуқли савдо устамаси тўғри аниқланганligини текшириб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Демак, савдода молиявий ҳолат, натижажа, савдо устамаси кредит томонидаги қолдиқقا ва муомала харажатлари ҳолатига нисбатан аниқланади. Молиявий натижалар тўғрисида 2-шакл «Молиявий фаолият ҳақидаги ҳисбот» шакли тутилади. Аудит назоратида 2-шаклда кўрсатилган маълумотлар бухгалтерия ҳисоби рақамларида маълумотлар билан таққосланиб, ҳар бир ҳисбот сатридаги кўрсаткич ҳисоб ёзувлари билан солиштирилиб тўғрилиги аниқланади. Молиявий натижалар ҳолати тегишли рақамларда бош дафтарга олина-

ди, бош дафтардаги маълумотлар 2-шаклдаги кўрсатилган маълумотлар билан солиштирилган ҳолда текширилади.

8.4. Молиявий ҳисобот тузиш ва аудитдан ўтказиш

Молиявий ҳисобот қамраб олган даври бўйича кунлик, хафталик, ойлик, чораклик ва ярим йиллик, йиллик ҳисоботларга бўлинади. Ҳисоботни тузишда бухгалтерия ҳисоботини юритишининг қўйидаги шартларига риоя этиш талаб қилинади:

-Ҳисобот йилида давомида қонунда белгиланган тартибда мулкий муносабатларга амал қилиш ҳисоб сиёсатини бажариш.

-Ҳисобот йилида амалга оширилган хўжалик операцияларини рақамларда тўғри акс эттириш ва сарф харажатларни ҳисобот даври бўйича акс эттириш.

-Бухгалтерия счимлари режаси асосида ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунга риоя қилиш.

-Ҳисобот қўрсаткичларининг тўлиқлигини, аниқлигини таъминлаш мақсадида белгиланган инвентаризация ўтказиш муддатларига риоя қилиш ва синтетик рақамлар маълумотини аналитик рақам маълумотлари билан тенглигини таъминлаш.

Молиявий ҳисоботга қўйилган талаблардан бири унинг түшунарли ва содла бўлишидадир. ҳисоботда кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги биринчи навбатда бухгалтерия ҳисобининг ҳолатига рақамлардаги ёзувларнинг аниқлигига боғлиқдир.

Молиявий ҳисобот кўрсаткичларида маълумотларнинг тўғрилиги аудит назоратидан ўтказилар экан асосий эътибор уларни тасдиқловчи манбалар, яъни бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичлари назоратдан ўтказилади.

Молиявий ҳисобот қўйидаги шаклларни ўз ичига олади, аудит назоратида ҳар бир ҳисобот шаклидаги маълумотларнинг тўғрилиги аниқлаб чиқилиши керак. Мисол учун, «Бухгалтерия баланси» І-шакл маълумотларининг аниқлиги тўғрилигини текширишда ҳар бир баланс моддасини ифода этувчи бухгалтерия ҳисоби рақамидаги маълумотлар билан баланс моддасида кўрсатилган маълумот бир-бири билан таққосланади.

Бошқа бухгалтерия (молиявий) ҳисботи шаклларида ифода этилган кўрсаткичлар тегишли бухгалтерия рақамлари ёрдамида текширилади.

Айрим ҳисобот кўрсаткичларини бевосита тегишли рақамлардан олиш имконияти паст, ҳисббот кўрсаткич-

ларини бевосита тегишли рақамлардан олиш тартибга солинади. Бундай ҳолларда ҳисобот кўрсаткичларининг тўғрилигини текшириш тузилган ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини текшириш билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунга асосан молиявий ҳисоб тузадилар.

Маълумки, ҳисобот кўрсаткичларидаги асосий маълумотлар тегишли жадвал кўринишида ифода этилади. Жадвалдаги маълумотлар корхона на ташкилот хўжалик фаолиятига ҳисобот йилида рўй берган ижобий ёки салбий ўзгаришлар тўғрисида тўлиқ маълумотлар бермайди. Йиллик ҳисоботга ёзиладиган тушунтириш хатида ҳисобот даврида хўжалик фаолиятини яхшиланишига таъсир қилувчи омиллар шарҳи билан кўрсатилади.

Тушунтириш хатининг бошланишида тармоққа тааллуқли бўлган қонунларнинг бажарилиши, бу бўйича белгиланган чора-тадбирлар мазмуни қисқа ва тушунарли тарзда ёзилади. Тушунтириш хатида асосан куйидаги маълумотларни тўлиқ ёритилишига эришиш керак:

- ҳисобот даврида корхона ишчи ходимларининг касб-маҳорати натижалари;
- олинган ва тўланган жарималар, уларнинг, келиб чиқиши сабаблари;
- асосий воситалардан унумли фойдаланиш;
- номоддий активлар ҳолати бўйича ўзгаришлар;
- харажатларнинг тежаб қолишдаги ички имкониятлардан фойдаланиш.

Тушунтириш хатида ҳисобот даврини, эришган ютуқлар эмас, балки кейинги йил учун таклифлар, таҳдил натижалари ўз ифодасини топиши керак. ҳисобот даврининг бошита ва охирiga бўлган ташкилотни, тўлов қобилиятини, айланма маблағларда фойдаланиш имкониятлари таҳдиллар асосида берилади.

Мулк шаклидан қатъи назар ҳар бир корхона, ташкилот ўз фаолиятини умумлаштириш натижасини аниқлаш ва унга баҳо бериш мақсадида ҳисобот тузиши ва камчиликларни таҳдил қилиши имконияти яратилади.

Ҳисобот тузиш йили билан миқдор ва қиймат кўрсаткичлари ҳолати бир хил кўрсаткичда, яъни пул ифодасида кўрсатилади бухгалтерия ҳисоботи корхона фаолиятини режалаштиришда назорат ва баҳолашда ахборот манбаи бўлиб хизмат қиласида. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг

16-моддасида: «Молиявий ҳисобот, Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида тузилади», дейилади.

Молиявий ҳисобот қўйидагиларни ўз ичига олади:

- Бухгалтерия баланси;
- Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот;
- Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот;
- Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот;
- Изохлар, ҳисоб-китоб ва тушунтиришлар.

Молиявий ҳисоботнинг таркиби ва мазмунини «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилайди», деб кўрсатилган.

Демак, йиллик, чорак бўйича ҳисоботларни тузиш тартиби, мазмuni Республика Молия вазирлиги томонидан белгиланади ва бу тўғрида тегишли Низом, йўриқномаларни ишлаб чиқади. Ундан ҳисоботнинг мақсади, вазифалари тузиши тартиби кўрсатилади.

Йиллик ҳисобот кўрсаткичларини тўғрилиги бухгалтерия рақамларидағи маълумотларга асосланган бош дафтари маълумотлари билан тартибга солинади. Йиллик бухгалтерия ҳисоботига тушунтириш хати илова қилинади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий фаолияти (аҳволи) белгиланган ҳисобот шаклида кўрсатилади. Ҳисобот кўрсаткичларида корхона ташкилотининг фаолияти ўтган ҳисобот лаври ҳамда, йил бошига бўлган ҳолати билан таққосланиб таҳдил қилинади.

Бухгалтерия ҳисоботининг бошқа ҳисобот турлари фарқи шундаки, унда бир вақтнинг ўзида натура ва пул ўлчов бирликларидан фойдаланиш мумкин. Иккинчидан, ҳисобот кўрсаткичларини кетма-кетлиги уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва бошқа ҳисобот кўрсаткичлари билан фарқ қиласди.

Ҳисобот кўрсаткичларida маблағ ҳаракати умумлаштириллади ва турлари, йўналишлари бўйича таҳдил қилинади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1997 йил 15 январдаги 5-сонли бўйруғида «Корхоналарнинг шаклларини тузиш бўйича кўрсатмаси»да ҳисоботларни тузиш тартиби, ҳажми, маълумотларни акс эттириш кўрсатилган.

Ҳисобот кўрсаткичларининг тўғрилиги аудит назоратидан ўтказилаётганда ҳисобот учун белгиланган шаклларга алоҳида аҳамият бериш лозим. Агар аудитор «Бухгалтерия баланси»ни текширилар экан, балансдаги кўрсаткичларни синтетик рақам кўрсаткичлари билан мос келишини аниқлаб чиқади.

Хўжалик фаолиятида маблағлар ҳаракати билан боғлиқ рақамлардаги маълумотларни аналитик рақамлардаги кўрсат-кичларга боғлиқлигига аудит эътибор бериши керак. Ауди-тор томонидан «Молиявий фаолият ҳақидаги ҳисобот» шак-ли (2-шакл) назорат қилинар экан, асосий эътибор Ўзбеки-стон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқлан-ган шакллар билан уларнинг ўзаро боғлиқлиги, яъни баланс моддаларидаги кўрсаткичларни ҳисобот шаклларидағи маъ-лумотлар билан мос келиши таҳдил қилинади. Айниқса, 2-шаклдаги «Сотишдан тушган соф тушумни аниқланда кўйил-ган қиймат солиғи бож тўловлари каби маълумотлар билан боғлиқ ҳолда текширилади. Молиявий натижалар тўғрисида-ги ҳисобот» (2-шакл)ни иккинчи қисми бевосита бюджетга тўловлар тўғрисидаги маълумот бўлиб, унда солиқлар сум-маси турлари бўйича кўрсатилади. Бу шаклдаги маълумотлар билан тегишли шаклларнинг маълумотлари бир-бирига тақ-қосланган ҳолда таҳдил қилинади.

8.5. Кўшма корхоналарда молиявий натижалар аудитининг хусусиятлари

Президентимиз И. А. Каримов республикамида хорижий сар-моялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилишга катта эътибор билан қараб келмоқда. Хорижий корхо-налар иштирокида ташкил қилинган корхоналар фаолиятини раббатлантиришта қаратилган бир қатор фармонлар қабул қилинди.

Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни таш-кил этиш, Давлат рўйхатидан ўтказиш ва тутатиш тартиби тўғрисида»ги 366-сонли қарорида белгилаб берилган. Бу қарорга 1998 йил 27 март 134-сонли Вазирлар Маҳкамаси-нинг қарори билан киритилган ўзгаришларни ҳисобга ол-ган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказиладиган хорижий сар-моялар иштирокидаги корхоналар жумласига қўйидаги шарт-ларга жавоб берадиган корхоналар киради:

— Корхонанинг Низом жамгармаси 150 минг АҚШ дол-ларига teng суммадан кам бўлмаслиги керак. Корхона ишти-рокчиларидан бирин албатта хорижий юридик шахс бўлиши

керак. Хорижий сармоя улуши корхона низом жамғармаси-нинг камидаги 30 фойзини ташкил этиши зарур.

— Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар худудларида жойлашган 500 минг АҚШ долларигача миқдорда Низом жамғармасига эга бўлган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигига ва вилоятлар адлия бошқармаларида давлат рўйхатидан ўтадилар.

-- Низом жамғармаси 500 минг АҚШ долларидан кўп бўлган, шунингдек, Тошкент шаҳрида жойлашган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг давлат статистик департаменти ёки тегишли худудий органида унинг корхоналар ҳамда ташкилотларнинг ягона давлат реестрига киритилганини ва унга корхоналар ва ташкилотлар умумреспублика классификаторининг индентификация кодлари берилганини тўғрисидаги гувоҳномани олишга мажбурдир.

Рўйхатдан ўтган корхона бир хафта ичида ўзи жойлашган жойдаги солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтиши мажбурийдир.

Чет эл инвестицияларини амалга ошириш шакллари, чет эл инвесторларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари уларнинг хўжалик фаолияти тартиби чет эллик ходимларни жалб этиш тартиби ҳамда чет эл инвестициялари бўйича давлат мажбуриятлари ва улар устидан назорат қилиш бўйича давлат органларининг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонунида белгиланган. Мазкур қонуннинг 6-моддасида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқига эга бўлишлиги белгилаб қўйилган.

Юқоридаги қонуннинг 12-моддасига мувофиқ чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига риоя этган ҳолда экспорт-импорт операцияларини мустақил равишда амалга оширадилар. Ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотни экспорт қилганларида бундай маҳсулотлар лицензияланмайди ва кварталланмайди. Чег эллик инвесторлар билан тузилган шартномаларга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида турган чет давлатлар фуқароларининг шахсий эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулқдан бож тўловлари олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 31 майдаги «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ экспортга мўлжалланган ва импортнинг ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун 1996 йил 1 июндан бошлаб ишлаб чиқариши ривожлантириш учун бюджетта тўланадиган фойдадан олинадиган солик, қўшилган қиймат солиги юзасидан тўловларни икки йилгача кечикириш ҳукуқи берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 30 ноябрдаги «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ 1997 йил 1 сентябрдан бошлаб ўзи ишлаб чиқарадиган маҳсулотни эркин алмаштириладиган ҳадютага экспорт қилувчи хорижий сармоялар бўлиб, ишлаб чиқариш корхоналари учун қўйидаги қўшимча имтиёзлар берилган:

– Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотга экспорт бож тўловлари бекор қилинган;

-- Харидорларга хизмат қилувчи вакил банкларнинг кафолатлари мавжуд бўлган ҳамда амалдаги қонунларда кўзда тутилган валюта даромади тушуми мулдатларида риоя этилган тақдирда ўз маҳсулотини олдиндан ҳақ тўламасдан ва аккредитив очмасдан экспорт қилиш ҳукуқи берилган.

Юқоридаги имтиёзларни бошқа турлари ҳам амалдаги қонунлар асосида қўлланилиб келинмоқда.

Кўнгма корхоналар фаолияти (тузилган) Низомда белгиланади, уни амалга ошириш қўйилган ўзаро сармояларда намоён бўлади. Низомга асосан корхонанинг низом сармояси унинг иштирокчилари ҳисобидан ташкил топади. Низом сармояси хўжалик фаолиятидан олинган фойда ҳисобига кўпайиши мумкин.

Аудит назоратида биринчи бир томонларнинг низом сармоясидаги улуши ўрганилади, унинг амалдаги қонунларга мос ҳолда ташкил қилинганлиги аниқланади.

ІХ БОБ

ТОВАР ВА МОДДИЙ ҚИЙМАТЛАРНИҢ ТҮЛИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ТАДБИРЛАРНИ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ҲОЛАТИ АУДИТИ

9.1. Товар ва моддий қийматларнинг түлиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари аудитининг аҳамияти, вазифалари

Корхоналар ўз фаолиятини тасдиқлаган Низомга асосан олиб борадилар, унда фаолиятни бошқаришдан тортиб ҳисобкитоблар, меҳнат интизоми, даромадли сарф қилиш масалаларига алоҳида аҳамият берилади.

Кичик корхоналар фаолиятини аудит назоратидан ўтказиш учун аудитор фирмасига, яъни корхона фаолиятини назоратидан ўтказиб бериш тўгрисида ариза бериш билан олиб борадилар. Кичик корхоналар аудитнинг асосий мақсади амалдаги қонунларда тасдиқланган Низомга қандай риоя қилиш имкониятлари текширилади.

Айрим ҳолларда кичик корхоналар фаолият кўрсатадиган ишлаб чиқариш корхоналари ичидаги ташкил қилиш ҳоллари учраб туради. Бундай ҳоллар аниқланса, кичик корхона тузиш тўғрисидаги меҳнат жамоаси розилиги, бу тўғридаги буйруқ аудитор томонидан текширилиб, мулкий муносабатларнинг тартибга солинганлиги таҳдил қилинади. Ишлаб чиқариш корхонаси билан кичик корхона раҳбарлари ўргасида тузилган шартнома ҳолатини ўрганиб чиқиш керак, тузилган шартномада корхона ва кичик корхона ўртасидаги муносабатлар амалдаги қонунларга асосан тартибга солинган бўлиши керак.

Кичик корхоналар фаолияти аудитдан ўтказилар экан, биринчи навбатда улар учун берилган имтиёзларнинг фойдаланиш даражасига алоҳида эътибор бериш зарур. Чорак, йиллик бухгалтерия ҳисботларини, тўғри тузилганлиги, тегишли органларга ўз вақтида топширилиши текширилади.

Ҳар бир мулк эгасининг асосий мақсади ўз фаолиятини фойдали бўлишини таъминлашдир. Буният учун мулқдор амалга оширилған операцияларнинг тўғрилитини таъминлаш билан бирга сарф-ҳаражатларини қамайтиришга эришиш зарур. Аудит назорати ёрдамида мулқдорга тегишли фаолияти бўйича, тегишли тавсияномалар бериш учун асос яратилади.

Аудит ёрдамида мулқорга мулкий муносабатларни уни амалдаги қонун ва низомлар асосида ташкил қилинганлиги, бухгалтерия ҳисобларининг тўғрилиги, уларнинг қонун талабларига мос келиши ўрганилади.

Аудитор(лар) юқори малакали мутахассис ҳисобланиб, текшириш натижаларини ўз хulosадарида ифодалайдилар. Аудит назоратининг якуни-бу аудитор хulosасидир, унда ўтказилган текшириш натижалари манфаатдор томоннинг талабини ҳисобга олган ҳолда бўлиб, унда корхона молиявий ҳолатини яхшилаш, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш учун имкон яратилади. Аудит натижаларини аниқлашда шартнома мазмунидаги кўрсатилган текшириш обьектлари ҳисобга олинади.

Мисол учун, аудитор тузилган шартномага асосан корхонанинг йиллик бухгалтерия ҳисботини текшириб чиқсан бўлса, фақат бухгалтерия ҳисботи тўғрисида хulosса бериш керак. Хulosада ҳисботни Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган низомга мос келишини ундаги маълумотлардан бухгалтерия ҳисоби рақамлари, бош дафтар маълумотлари билан тасдиқланиши исботланган ҳолда ўз хulosасини бериш керак. Бухгалтерия ҳисботи бўйича белгиланган манбаларига асосланганлигини тасдиқлаб ўз хulosасини беради. Агар текширишида айрим камчилик ва нуқсонлар аниқланса, уларни бартараф қилиш йўлларини кўрсатади.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар ўз мулкининг тўлиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқади. Асосий эътибор моддий жавобгарликка, ходимларни танлашга қаратилиши керак. Меддий жавобгарлик лавозимига тегишли маълумотга, яъни қасб маҳоратига эга бўлган шахслар танланиши керак.

Мулк эгаси (корхона, ташкилот раҳбари) билан моддий жавобгар шахс ўртасида моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома имзоланади. Шартномада томонларнинг товар-моддий қийматларининг тўлиқлигини таъминлаш бўйича мажбуриятлари амалдаги қонунлар асосида кўрсатилади. Тузилган шар-

тномага асосан товар-моддий қийматларни түдиқлиги учун шартнома ким билан тузилған бўлса, ўша шахс жавобгар ҳисобланади. Моддий жавобгар шахслар зиммасидаги товарларнинг тўлиқлигини назорат қилиб бериш учун белгиланган муддатларда инвентаризация (юклама қилиш) ўтказидали. Ўтказилган инвентаризация натижаларини аниқлаш учун ҳисоб кўрсаткичлари билан ҳақиқий ҳисоб-китоб қилинган товарлар суммаси аниқланиб, улар ўртасидаги фарқ чиқарилади. Агар ўртадаги фарқ суммаси кўрсаткичларидаги суммадан кам бўлса, камомад, кўп бўлса, ортиқча, деб ҳисобланади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам унинг сабабларини аниқлаш чора-тадбирлари кўрилади, моддий жавобгар шахсдан тушиуниш хати талаб қилинади.

9.2. Товар моддий қийматларнинг тўлиқлиги бўйича шахсларнинг ҳисоботлари аудити

Ташкилот, корхона раҳбарияти билан моддий жавобгар шахс ўртасидаги моддий жавобгарлик тўтрасида шартномани ҳар иккала томон имзолагандан кейин моддий жавобгарликка қонуний тус берилади.

Моддий жавобгар шахс ўзига биритирилган моддий қийматларнинг тўлиқлиги учун жавобгардир, амалдаги қонун олдида жавобгар ҳисобланади. Ўз зиммасидаги товар-моддий қийматларнинг тўлиқлигини таъминлашда моддий жавобгарлик якка ва бригада усулида ташкил қилинган бўлиши мумкин. Моддий жавобгарликнинг қайси усулини қўллаш, ташкил қилиш шартнома шартларида ўз ифодасини топади.

Моддий жавобгарлик қайси усулда ташкил қилинмасин, улар ўз зиммасидаги товар моддий қийматлар бўйича ҳисобот бериб борацилар. ҳисоботни топшириш муддатлари корхона раҳбари томонидан белгиланади. ҳисобот даврида моддий жавобгар шахс томонидан кирим ва чиқим қилинган товар моддий қийматлар товар ҳисобогда кўрсатилади. Товар ҳисоботини текшириш кунлик, ҳар ўн кунда ёки хафта муддатларида белгиланиши мумкин.

Агар корхонада ҳар ҳафтада ҳисобот топшириш белгиланган бўлса, моддий жавобгар шахс ҳафта давомидаги кирим, чиқим ҳужжатларини шу ҳисоботга илова қилган ҳолда тузади. ҳисобот тузиш учун асос бўлиб, ҳисобот

давридаги товар-моддий бойликларнинг тўлиқлигини тасдиқловчи хужжатлар ҳисобланади.

Товар ҳисоботида ҳисоботнинг бошланиш даврига бўлган товар-моддий қийматларининг қолдиги кўрсатилади. Бундай маълумот олдинги ҳисоботлардан олинади ва ҳисобот давридаги кирим-чиқим хужжатларидағи товар ҳисоботига илова қилинади. Товар ҳисоботи моддий жавобгар шахс томонидан имзоланиб бухгалтерияда текширилади. Бухгалтерияга товар ҳисоботини қабул қилишда ҳисоботда кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини бирламчи хужжатлар билан тасдиқланганлиги бухгалтерия ходими томонидан текширилади. Агар ҳисоботда хато ва камчиликлар аниқланса, у моддий жавобгар шахста қайтарилади. Тўғри, деб ҳисобланган ҳисоботга асосан бухгалтерияда тегишли ёзувлар берилади, яъни киримга қабул қилинган товарлар суммасига, дебет, «Товарлар» рақами кредит «Мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар» рақами, деб бухгалтерия проводкаси берилади.

Агар моддий жавобгар шахс томонидан мол етказиб берувчилардан келтан товарларни қабул қилишда камомад суммаси аниқланган бўлса, ҳақиқий қабул қилинган товарлар суммаси ҳисоботда кўрсатилади. Аниқланган камомад суммасини тасдиқловчи хужжатлар (товарни қабул қилиш далолатномаси) товар ҳисоботига илова қилинади.

Корхона ва ташкилотлар фаолиятида турли хил маблағлар фаолият кўрсатадилар, улар учун моддий жавобгарликни ташкил қилишнинг ўзига хос хусусияти мавжуд. Бу хусусият айланма маблағлар бўйича аниқланган камомад суммаси билан асосий воситалар бўйича аниқланган камомадларда намоён бўлади.

Агар ўтказилган инвентаризация натижаларига асосан, асосий воситалар камомади аниқланниб, бу камомад учун моддий жавобгар шахс айборд ҳисобланса, у ҳолда камомад суммасини ундириб олиш учун асосий воситанинг қолдиқ баҳоси аниқланади, яъни бошланғич қийматидан ишлатилган, муддатга ҳисобланган эскириш суммасини айриб ташлаш йўли билан қолдиқ баҳо ҳисоб-китоб қилиниб, шу баҳода айборд шахсдан ундириб олинади.

Агар асосий воситанинг камомади бўйича айборд шахс аниқланмаса, ёки суд органлари томонидан моддий жавобгар шахс айборд, деб топилса, у ҳолда камомад суммаси

корхона фойдаси ҳисобидан қопланади. Камомад суммаси кассада аниқланса ва қолдирилган камомад суммаси учун кассир жавобгар, деб ҳисобланса, ҳақиқий камомад суммаси түлиқ кассирдан ундириб олинади.

Келтирилган камомад товарлар бўйича аниқланса сақлаш, сотишдаги табиий камайиш ҳисоб-китоб қилиниб, бу табиий камайиш суммаси жами камомад суммасидан чиқарилади ва қолган қисми моддий жавобгар шахсдан сотиш баҳосида ундириб олинади. Камомад суммасини тўлаш моддий жавобгар шахснинг розилиги билан амалга оширилади. Агар келтирилган камомад суммасини тўлаш моддий жавобгар шахс томонидан рад қилинса, у ҳолда келтирилган камомад суммасини ундириб олиш шартлари суд қарорига асосан белгиланади. Суд қарорига асосан камомад суммасини моддий жавобгар томонидан ундириб олиш рад қилинган бўлса, у ҳолда камомад суммасини қоплаш манбай бўлиб, корхона фойдаси ҳисобланади.

Агар камомад суммаси корхона фойдасидан қопланса товарнинг сотиб олиш баҳоси ва сотиш баҳолари аниқланиб, қўйидаги бухгалтерия ёзувлари ифода қилинади:

Дебет «Савдо устамаси» рақами.

Кредит «Товарлар» рақами.

Камомад суммаси корхона фойдасидан қопланганда, дебет «Фойда ва зарарлар» рақами.

Моддий жавобгар шахсларнинг асосий фаолияти бевосита ўз зиммаларидаги товар-моддий қийматларининг тўлиқлигини таъминлашга қаратилгандир. Лекин шу фаолият давомида йўл қўйилган айрим хато ва камчиликлар моддий жавобгар шахслар зичмасидаги товар-моддий бойликлар ҳолатида фарқларни камайтириб чиқаради. Ҳар қандай ҳолатда ҳам товар-моддий бойликларни ортиқча, деб ҳисоблаш инвентаризация ўтказиш йўли билан аниқланади.

Агар инвентаризация натижасига асосан кассадаги пул маблағлари ортиқчалиги аниқланса, бу сумма «давлат» бюджетига ўтказилиб берилиши керак, яъни ортиқча пул маблағига, дебет «касса», кредит «бюджет билан ҳисобланишида» рақами, деб бухгалтерия ёз уни берилади.

Моддий жавобгар шахс зиммасидаги товарлар инвентаризация натижасида ортиқча, деб топилган бўлса, улар киримга қабул қилинади ва қўйидаги бухгалтерия ёзувларида кўрсатилади; дебет «товар» рақами.

Моддий жавобгарликни тўғри ташкил қилиш моддий қийматларнинг тўлиқлитини тасдиқловчи асосий омилдир. Шунинг учун корхона раҳбари, бош бухгалтер моддий жавобгар шахслар иш фаолиятининг назоратини ўз зиммаларига олганлар ва бу ҳолат эмалдаги қонун ва йўриқномаларда белгилангандир.

Корхона бош бухгалтери томонидан назорат ишлари биринчи навбатда моддий жавобгар шахслар томонидан товар-моддий бойликларниг тўлиқлигини тўғрисидаги ҳисоботларни ўз вақтида бухгалтерия холимларига топширилиши текшириш билан олиб борилади, иккинчидан сакланастган товар-моддий бойликлар ҳолатини тасдиқловчи аналитик ёзувлардаги маълумотларнинг билан ҳақиқий мавжудлигини текшириб бориш билан олиб борилади.

Корхона бош ҳисобчиси ҳар ойнинг охирида кассадаги пул маблағларини тўғри сакланиши бўйича кассир ҳисоботи тўғрилигини аниқлаш мақсадида кассадаги қолдиқ пул маблағларини кассир ҳисоботидаги маълумот билан таққослаган ҳолда текшириш ўтказади.

Текшириш натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади ва унинг бир нусхаси кассирнинг охирги ҳисоботига илова қилинади. Корхона раҳбари томонидан ўтказилган ёки кузатилган назорат ишларида салбий оқибатлар кузатилса, моддий жавобгар шахс зиммасидаги товар-моддий бойликларни тўлиқ инвентаризация қилиш тўғрисидаги фармойиш берилади. Инвентаризация натижаларига асосан моддий жавобгар шахснинг иш фаолияти таҳдил қилинади.

9.3. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи аудити

Ўзбекистон Республикасида мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона ва ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳамда бухгалтерия ҳисоби рақамлар тизимини тақомиллаштириш ҳақида»ги 1994 йил 26 мартағи 164-сонли қарорига асосан республиқамизда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг умумий қоидалари хўжалик операцияларини хужжатлаштириш ва уларни бухгалтерия ҳисботида акс эттириш каби қоидалар ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун ҳисоб ишларини ташкил қилишини тартибга солиш, бош ҳисобчининг ҳуқуқи, вазифалари бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини белгилаб берди. қонуннинг 2-моддасида: «Бухгалтерия ҳисобининг мақсади фойдаланувчиларни ўз вақтида тўлиқ ҳамда аниқ молиявий ва бошқа бухгалтерия ахбороти билан таъминлашдир.

Бухгалтерия ҳисобининг вазифалари:

Бухгалтерия ҳисоби ҳисоб ва рақаларидағи активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкий ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисидаги тўлиқ аниқ маълумотларни шакллантириш;

Самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш;

Молиявий, солиққа доир ва бошқа ҳисботларни тузишдан иборатдир», деб белгилаб берилган.

Бухгалтерия ҳисоби ҳолати назоратидан ўтказилар экан, амалдаги қонун ва йўриқномаларга амал қилиш ҳолати текширилади. Бухгалтерия ҳисоби ҳолати аудитида рақамлар режасига тўғри амал қилиш, хужжатларни белгиланган талабларга тўлиқ жавоб бериши аниқданади.

Текшириш давомида баланс моддаларидағи маълумотларга алоҳида эътибор берилади. Бухгалтерия ҳисоби ҳолатини тўғри таҳдил қилиш биринчидан маблағлар ҳолатини, уларнинг турлари бўйича ўрганишни таъминласа, иккинчидан, амалга оширилган хўжалик операцияларининг тўлиқлигини аниқлаш имконини беради.

Аудитор томонидан бош дафтардаги ёзувларни журнал-ордерлардаги маълумотлар билан таққослаш ишлари ўтказилар экан бош ҳисобчининг иши фаолиятига алоҳида эътибор берилади.

Бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос ҳусусияти ва бошқа ҳисоб турларидан фарқи, амалга оширилган хўжалик операцияларининг хужжатлар асосида олиб борилиши бўлса, иккинчидан, унинг узлуксиз тарзда олиб борилишидир. ҳар бир амалга оширилган хўжалик операцияси тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилиб бўлгандагина рақамларда акс эттириш учун асос яратилади.

Бухгалтерия ҳисобида ифода этиладиган барча хужжатлар Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган бўлиши шарт. Ҳар бир хужжатда бир турли хўжалик жараёнларининг ҳолати акс эттирилади.

Хужжат ёрдамида амалга оширилган хўжалик операциясининг қонунийлигини рақамларда акс этириш имконияти яратилади, демак бухгалтерия ҳисобини юритиш асоси бўлиб, хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасида: «Хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоби учун операцияларни амалга оширишганлигини қайд этувчи бошланғич ҳисоб хужжатлари ва уларни ўтказишга доир фармойишлари асос бўлади. Бошланғич ҳисоб хужжатларининг мажбурий реквизитлари қўйидагилардир:

1. Корхона (муассаса)нинг номи;
2. Хужжат номи ва рақами, у тузилган сана ва жой;
3. Хўжалик операциясининг номи, мазмани ва миқдор ўлчови, натура ва пулда ифодаланган ҳолда;
4. Масъул шахсларнинг шахсий имзолари.

Бошланғич ҳисоб хужжатларини тузган ҳамда имзолаган жавобгардирлар»

Хужжат ёрдамида моддий жавобгар шахсларнинг иш фаолияти, улар зиммасига товар моддий бойликларнинг тўлиқлиги назорат қилинади.

Мулк шаклидан қатъи назар корхона ва ташкилотларнинг хўжалик фаолияти уларга тааллуқли бўлган маблағларнинг ҳаракати бухгалтерия ҳисоби маълумотларида хужжатларга асосан ўрганилади ва уларнинг тўлиқлиги назорат қилинади.

«Корхона тўғрисида»ги қонуннинг (1991 йил 15 феврал) 33-моддасида «Корхона ўз ишининг натижаларини оператив ва бухгалтерия ҳисобида амалга оширади, статистик ҳисобгни олиб боради» деб белгилаб берган.

Бухгалтерия хужжатлари корхона раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзолангандан кейингина ҳақиқий, деб ҳисобланади. Айрим бухгалтерия хужжатлари қатъи ҳисботлар туркумига киритилиши муносабати билан уларнинг ҳаракати, сақланиши, расмийлаштирилиши устидан раҳбар ва бош ҳисобчи жавобгардир.

Бухгалтерия ҳисоби, ҳисботини аниқ маълумотлар билан таъминлашда, тезкорлигини оширишда хужжатлар айланиши алоҳида аҳамиятлидир. Хужжатларни ўз вақтида, сифатли, амалдаги қонунлар асосида расмийлаштириши хужжатлар айланиши билан боғлиқдир.

Хужжат айланиши, деб хужжат расмийлаштирилган вақтдан бошлаб йиллик ҳисбет тузишгача бўлган даврга айтилади. Айрим иқтисодий адабиётларда хужжат аниқланиши, деб, хужжат расмийлаштирилмаган даврдан бошлаб то архивга топширилган кунгача бўлган даврга жавоб бермайди, чунки ҳисбетнинг тузилиши хужжатдаги маълумотларни ҳисбетда ифода этилиши билан тавсифланади.

Хужжатлар айланишини тўғри ташкил қилиш, бухгалтерия аппарати ходимлари иш фаолиятини тартибга солади, иккинчидан, уларни тўғри расмийлаштирилганлигини назорат қилиш имконини беради. Жадвалда ҳужжат турларини корхона бўлимларидағи ҳаракати ҳисбога олиниши керак.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддасида: «Бухгалтерия ҳисобининг мақсади фойдаланувчиларни ўз вақтида, тўлиқ ҳамда аниқ молиявий ва бошқа бухгалтерия ахбороти билан таъминлашдир».

Бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилиниши хўжаликдаги маблағларнинг тўлиқлигини, улардан самарали ҳамда ички имкониятларидан фойдаланишни назорат қилишда алоҳида аҳамиятлидир. Бухгалтерия ҳисоби ҳолати аудит назоратидан ўтказилар экан, бу тўғрида қабул қилинган қонуннинг бажарилишига қаратилган бўлиши керак.

Бухгалтерия ҳисобининг ҳолати дейилганда, уни давр талабига жавоб бериши, кам ҳаражатлар билан фаолият кўрсатиши, корхона молиявий ҳолатини аниқлаб бериши тушунилди. Бухгалтерия ҳисоби ҳолати назорат қилинаётганда ҳисоб шаклларини тўғри танлаш, ҳужжатлар айланишига риоя қилиш, (берилган) хўжалик операциялари берилган ёзувларни ҳисоби текширилади.

Хўжалик юритувчи субъект томонидан ҳисоб шаклларини тўғри танлаш ва жорий қилиш ютуқлар учун иқтисодий замин ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисоби ҳолати аудит назоратидан ўтказилар экан, қуйидаги ҳолатларга эътибор бериш керак:

1. Бухгалтерия ҳисобини қабул қилинган қонун асосида ташкил этилишига;

2. Ҳисоб ҳолатини илғор усуллар асосида ташкил қилинишига;

3. Ҳисоб ва ҳисботлар кўрсаткичларининг хўжалик фаолияти билан боғлиқлигига;

4. Амалга оширилган бухгалтерия ёзувларини ҳисоб ва ҳисобот кўрсаткичларининг тасдиқланган бланкалар асосида олиб борилишига.

Ўзбекистон Республикасида «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасида: «Аудиторлик текширувчи молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот тўғрилиги ва қонун хужжатларига мойиллигини аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисботини ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотни аудиторлик ташкилотлари томонидан текширишдир», деб кўрсатилган.

Ҳисботларда кўрсатилган маълумотлар маълум мақсалга йўналтирилган кузатишнинг натижаси сифатида таҳдил қилинади. Ҳар бир ҳисббот амалга оширилган кузатиш натижасида тузилади. Ҳисботларнинг тўғрилиги бирламчи хужжатларнинг тўлиқлигидан, ўз вақтида бажарилишидан, белгиланган тартибда амалга оширилишидан келиб чиқсан ҳолда аудит назоратидан ўтказилади.

Ҳисботларнинг тўғрилигини аудит назоратидан ўтказиша Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ҳисбботларни тузиш тўғрисидаги йўриқномасининг қандай бажарилиши назорат қилинади. Ҳисбботлар ўз навбатида кунлик, ойлик, чораклик ва йиллик тузиладиган ҳисбботлар белгиланган ҳисббот шакллари асосида ташкил қилинади. Ҳар бир ҳисббот кўрсаткичларни ҳисбдаги маълумотлар асосида тузилганлиги аудитор томонидан аниқланади.

Ҳисбботларнинг тўғрилиги ҳар бир ҳисббот шакли ва ундаги маълумотларни синтетик ва аналитик рақам маълумотлари билан таққосланиб, тўғрилити аниқланади. Айрим ҳисбботлардаги маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқлаш мақсадида ҳисббот кўрсаткичлари тегишли иловалар билан тўлдирилади.

Мисол учун, «Дебеторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида»ги ҳисбботга илова қилиб, дебеторлик ва кредиторлик қарзлари қайси ташкилотларда борлиги кўрсатилган илова берилади:

Корхона ва ташкилотлар фаолияти бевосита мuloқотлар билан боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳолати, миқдори, сифат, сўм ифодасида ҳисб-китоб қилиши билан бирга тегишли ўзгаришларни келтириб чиқаради. Бундай ўзгаришлар оқибатига товар-пул муомаласини амалга ошириш учун шароит яратилади.

Товар-пул мұомаласини амалға ошириш тегишли ҳисоб ишларини ташкил этилишини талаб қылады. Маблағлар ҳаракати бухгалтерия ҳисоби рақамларыда күрсатиласы, бунинг учун махсус ишлар режаси тәсдиқланғандыр. Ҳар бир рақам түрли маблағлар ҳаракати ҳисобга олиш учун белгиланады.

Мисол учун, «Касса» рақами фиқат кассадаги пул маблағлары ҳаракатини ҳисобға олиш учун белгиланған. Кассадаги пул маблағларининг ҳаракати «Касса» рақамида кирим ва чиқим ордерлари билан расмийлаштырылады. Амалға оцирилған ҳар бир операцияға иккі ёқлама бухгалтерия ёзуви берилады. Ҳар бир ёзуvida маблағлар ҳаракати тегишли маблағлар бүйіча күрсатылады. Бухгалтерия ҳисбөтдеги ёзувларни түгри күрсатилиши биринчидан, уларни түлиқдигини таъминлаш имконини берса, иккінчидан, тегишли маблағларға бўлган эҳтиёжни бир меъерда таъминлаш имконини беради, учинчидан эса молиявий натижаларни түгри ҳисоб-китоб қилишини таъминлайди.

Аудит назоратида амалға оцирилған хұжалик операцияларни түгри хужжатлаштирилғанлыги текширилады, чунки бухгалтерия ёзувлари учун асос бўлиб, амалға оцирилған хұжалик операцияларини гасдиқловчи хужжатлар ҳисобланады.

Ҳар бир хужжат бир турли хұжалик операцияларини ифода этиш учун белгиланғандыр. Бухгалтерия ёзувларини аудит назоратидан ўқазишда бевосита маҳсулот таннархига киритиладиган харажатларни түгри хужжатлаштиришга алоҳида эътибор берилади.

Бош дафтардаги ёзувларнинг түрдигини назорат қылауда ҳар бир рақам бүйіча киритилған. Юритиладиган журнал ордердаги бухгалтерия ёзувлари билан таққосланған ҳолда олиб борилади.

Ҳисбөтни асосий мақсади мулк шаклидан қатын назар маблағлар ҳолатини тартиға солиши, уларнинг турлари бүйіча маълум бир белгиланған муддатта бўлган ҳолатини күрсатыпdir.

Ҳар бир ҳисбөт даври, ҳисбөт тузиш учун тайёрғанлик шақларини таляб қылади. Бу талабга қуйидагилар киради:

1. Амалға оцирилған хұжалик операцияларини түлиқ хужжатлаштириш;
2. Хұжалик операцияларын тегишли бухгалтерия проводкаларини түгри беришни таъминлаш;
3. Тегишли ҳисоб күрсаткичларини синтетик ва аналитик рақам маълумотлари билан таққосланыб чиқиши;

4. Ҳисобот даври бүйича маълумотларни ҳисоб кўрсаткичлар тўлиқ, тегишли журнал-ордерлар бүйича ҳисоб-китоб қилиб чиқилган бўлиши керак.

Чораклик, йиллик ҳисоботни гузиде тегишли ҳисобот шакллари тўлдирилишини талаб қиласди. Ҳисобот шаклларида асосан бир турли хўжалик операцияларини умумлаштириш тартиби махсус йўриқномада кўрсатилгандир.

Ҳисобот кўрсаткичларининг тўғрилигини аудит назораатида ҳар бир шаклдаги кўрсаткич, ҳисоб кўрсаткичлари билан таққосланган ҳолда олиб борилади. Мисол учун, «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот», 2-шаклни олайлик, унда маҳсулот (иш, хизмат) сотиндан келиб тушган маблағлар «Маҳсулотларни сотиш» рақамидаги ёзувлар билан таққосланниб чиқсан ҳолда текширилади. Чораклик, йиллик ҳисобот шаклларида кўрсатилган маълумотлар тегишли ҳисоблардаги ёзувлар билан солиширилади.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолати уларга тегишли бўлган маблағларни ҳаракатидан шаклланади. Ҳисобот даврининг охирига бориб ҳар бир маблағнинг ҳолати тегишли рақамлар ёрдамида умумлаштирилади.

Бош дафтарга ёзиш учун маълумотлар ҳар бир рақам бўйича киритиладиган журнал-ордерлардан олинади. Амалга оширилган хўжалик операцияларига берилган бухгалтерия проводкалари (ёзувлари) ой охирига тўлиқ ҳисобланиб чиқилади. Бош дафтарда ҳар бир рақам учун алоҳида варақ ажратилади.

Бош дафтарнинг кўриниши қўйиндагicha:

Бош дафтар 2000 йил учун «Газмол Анд» УСИЧ хиссдорлик жамияти бўйича:

Ойлар	Ж'о	Ж'о	Ж'о	Ж'о	Ж'о	Ж'о	Дебет томони бўйича жами	Кредит томони бўйича жами	Колиик
	06	08	47	76	62	85			

Рақам номи: «Асосий воситалар»

Бош дафтарга ёзувлар ҳар ойлик журнал-ордерларни жамлаш оқибатида ёзилади. Бош дафтарда кўрсатилган ёзувлар асоси

сида баланс тузиш учун шароит яратилади. Баш дафтардаги синтетик рақамларнинг ойлик айланмалари, ой охирига бўлган қолдиқнинг тўғрилиги ҳисоб-китоб қилингандан кейин, аналитик рақамлар кўрсаткичлари билан мос келиши текширилади.

Баланс моддалар билан баш дафтар ўртасидаги боғлиқлик шундан иборатки, баланс кўрсаткичлари биринчи бор баш дафтарда шаклланади. Лекин баш дафтардаги айрим рақамларнинг кўрсаткичлари тегишли ҳисоб-китоблар қилиш йўли билан тартибга солинади.

Мисол учун, балансда сотилган товарлар суммаси кўрсатилмайди, бундай товарлар суммаси фақат «Маҳсулот реализацияси» рақамда кўрсатилади ва баш дафтарга бу рақамини маълумотлари ҳисобга олинади.

Мулкчиликнинг турли шакллари қўлланилаётган ҳозирги шароитда хўжалик фаолияти натижалари тўғрисидаги маълумотни бухгалтерия ҳисботидан олиш мумкин.

Йиллик бухгалтерия ҳисботида корхона ва ташкилотнинг ҳисбот даврида эришилган ютуқ ва камчиликлари умумлаштирилган ҳолда ва фаолият турлари бўйича кўрсатилади.

Йиллик бухгалтерия ҳисботи тузилишига қараб бир қатор ҳисоб шаклларини ўз ичига олади. ҳисбот шаклларида эришилган ютуқ ва камчиликларни йил бошига ва йил охирига ҳолати ҳар бир омил бўйича ўрганилиши мумкин.

Бухгалтерия ҳисботининг таҳлилида асосий эътибор баланс кўрсаткичларининг йил бошига бўлган ҳолати билан йил охирига бўлган таҳлилида йиллик бухгалтерия ҳисботига бириктириладиган ҳисбот ўрганиш, ютуқ ва камчиликларни аниқлашда яқиндан ёрдам беради. «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисбот»да 2-шакл корхона бўйича маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум кўрсатилса солик суммаси ҳисобга олинган ҳолда соф тушум ўтган йилнинг натижалари билан ҳисбот йили натижаларини таққослаш имконини беради. 2-шаклда корхона асосий ишлаб чиқариш фаолиятини молиявий натижаси (фойда ва зарар) кўрсатилади.

«Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот»да бюджетга тўловлар турлари бўйича кўрсатилади.

Йиллик бухгалтерия ҳисботини таҳлил қилиш ёрдамида ички имкониятлардан фойдаланиш манбалари аниқланади.

9.4. Бухгалтерия ҳисоботининг шакллари бўйича таҳлили ва аудиторлик назорати

Турли мулкчилик шакллари ривож топаётган бир пайтда ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ҳолати бўйича тўлиқ маълумотга муҳтождир. Бундай маълумотлар мухим манбай бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботидир. Ҳисоб ва ҳисобот бир-бири билан боғлиқ кўрсаткичлардир. Ҳисобот ёрдамида корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш таъминот, сотиш ва молиявий фаолияти таҳлил қилинади.

Бухгалтерия ҳисоботининг бошқа ҳисобот турларидан фарқи шунлаки, унда бир вақтда натура ва нул ўлчов бирликлари ишлатилини мумкин, қолдиқлари бўйича кўрсатилади. Аудит назоратидан ўтказиш ҳисбогут турлари бўйича бир-биридан фарқ қиласи. Агар аудит назорати бевосита моддий жавобгар шахсларнинг товар ҳисоботини текширишга қаратилган бўлса у ҳолда ҳисбогутга бириктирилган товарлар ҳаракати бўйича кирим чиқим ҳужжатлари, уларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги текширишдан ўтказилади. Бунинг товарлар кирими учун асос ҳисобланган товар транспорт ҳужжатлари, рақам фактураларда кўрсатилган маълумотлар текшириб чиқилади.

Ҳисбогут кўрсаткичлари текширилар экан биринчи навбатда уларнинг белгиланган муддатларда тузилишига ва топширилишига эътибор қаратиш керак. Ҳисбогутни белгиланган муддатларда тузилиши ва топширилишига эътибор бериш лозим. Ҳисбогутларни белгиланган муддатда тузиш бухгалтерия ходимларининг фаолиятини тўғри ташкил қилинганлитини кўрсатади. Ҳисбогут тўғри ва мазмунли бўлиши қўйидаги талабларга жавоб беришини аудитор хис қилиши керак:

1. Маълумотларнинг тўғри бўлишига.
2. Ҳисбогутни содда ва аниқ тузишига.
3. Белгиланган муддатда топшириш ва кўриб чиқишига.

Аудит назоратида ҳисбогутнинг Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган Низомлар асосида тузилганлиги аудит назоратининг асосини ташкил қиласи.

Ҳисбогут шаклларини тўлдириш тартибига риоя қилинганлиги улардаги маълумотларни тасдиқланишини таъминлашда ҳисбогут кўрсаткичларига мос ҳолда тузилганлиги аудит назоратидан ўтказилади.

Бухгалтерия ҳисботини шакллар бүйича аудит назоратида ҳар бир шаклдаги маълумот тегишли аудитлардан тегишли маълумотлар билан ўзаро бажарилган ҳолда олиб боришилигини назорат қилиш.

Мисол учун, 1-шакл «Баланс»ни аудит томонидан биринчи бўлими «Узоқ муддатли аудитлар», деб номланган. Биринчи бўлимга «Асосий воситалар», «Номоддий актив», кейинги бўлимидағи маблағлар ҳолидаки 1-шаклда тўгри кўрсатилтанини аниқлаш учун «Асосий воситалар» ва «Номоддий актив» рақами бўйича юритиладиган журнал-орлерларнинг бошлиғи қоидалари, ойлик айланма, йил охирига қолдирилган баланс муддатларида кўрсатилган маълумотлар билан таққосланган ҳолда назорат қилинади.

Корхона балансида ўз ифодасини толган маблағлар ва уларнинг манбалари инвентаризациядан ўтказилган бўлиши керак. Бунинг учун аудитор биринчидан, корхона бўйича инвентаризация ўтказиш режасининг бажарилишини, натижалари тўгри аниқланганлигини ўрганиб чиқиши мақсадга мувофиқdir.

Шундай бухгалтерия ҳисботи шакллари борки, уларда кўрсатилган маълумотлар тўлиқ баланс моддасида кўрсатилмайди. Фақат билишга баланс кўрсаткичини олиш учун ҳисоб шаклидан фойдаланилади. Мисол учун, 2-шакл «Молиявий фаолият ҳақида ҳисбот» шаклини олайлик, бу шаклдан асосий мақсад товарларни сотишдан олинган фойда (зарар)ни аниқлашдир. Бунинг учун сотилган товарлар суммаси, (балансда кўрсатилмайди) уларга тааллуқли савдо ўюнмаси сотици билан боғлиқ харажатлар, фавқулодда фойда (зарар)лар ҳисоб-китоб қилиниши, уларнинг тўғрилиги аудит назоратидан ўтказилади.

Бухгалтерия ҳисботининг шакллари бўйича аудит назоратида ҳисбот шаклларининг ўзаро боғлиқлик даражасини таъминлашта алоҳида аҳамият берилади, яъни баланс моддаларида ифода этилган кўрсаткичлар тегишли ҳисбот шакллари билан боғлиқлигини назорат қилиш, унинг тўғрилигини аниқлаш аудитордан юксак маҳорат талаб қиласди.

Аудит назоратида бухгалтерия ҳисботлари ва балансини тузиш ҳақида низом бухгалтерия ҳисоби ҳисоблар режасини қўллаш бўйича кўрсатмалар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг бажарилиши текширилади.

Йиллик ва чорак ҳисоботда тегишли бухгалтерия ҳисобидаги ёзувларга шахсан таққослаш далолатномалари тегишли ташкилотлар билан ўзаро ҳисоб-китоблар тўғрилигини тасдиқловчи муқобил далолатномалар, тегишли тушунтириш хатлари мавжудлиги аудит назоратидан ўтказилади.

Мисол учун, I-шакл «Баланснинг иккичи бўлими актив томонидан «Товарлар» моддасида 1200 млн. сўм, деб товарлар кўрсатилган бўлса, шу товарлар қайси моддий жавобгар шахслар зиммасидаги товарлар суммаси ҳар бирни бўйича кўрсагилган ҳолати йиллик ҳисоботга илова қилинган бўлиши керак.

Бухгалтерия ҳисоботининг шакллари бўйича аудит текникуви ўтказилётган ҳисобот шаклларида кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилитини бош дафтардаги ёзувлар билан таққослаб чиқиши аудитордан талаб қилинади, чунки барча шаклларни тулдириш учун асосий маълумотлар бош дафтарда кўрсатилади.

Бухгалтерия ҳисоботининг иккинчи шакли «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоб»дир. Бу шаклни ўзига хос хусусияти шундаки, бунга маълумотлар бевосита маҳсус ҳисобларни талаб қиласи, иккичидан тегишли баланс моддасида кўрсатилмайди. Масалан, жами сотигдан маҳсулот хажми ва уни сотиш, олиш баҳоси ёки яини даромад суммалари баланс моддаларида кўрсатилмаса ҳам бошқа кўрсатмаларни аниқлаша ишлатилади. Бу шаклдаги маълумотлар текширилаётганда сотилган товарлар суммасини тўғри ҳисоб-китоб қилинганини уларга тааллуқли савдо устамаларини аниқлаш тушунчаси ҳисоб-китобларда аудитор томонидан текширилади.

9.5. Даъволар бўйича ҳисоб-китоблар аудити

Бозор иқтисоди маҳсулот сифагига, хилига алоҳида аҳамиятни талаб қилмоқда, чунки маҳсулот сифати рақобатни шаклантирувчи омилдир. Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартнома ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Конунининг 25-моддасида: «Товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбормаслик, тўлиқ етказиб бермаганлик ишларни бажармаганлик ёки хизмат кўрсатмаганлик учун жавобгарлик» белгилантандир.

Конунда хўжалик шартномаси томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, шартнома шартлари бажармаслик даъволари бўйича асосий эътибор қўйидаги ҳужжатларнинг нусхасига берилади:

1. Даъво қилинаёттан ташкилотнинг реквизитлари ва даъво кунига.

2. Даъвони тасдиқловчи ҳужжатларга, яъни маҳсулотнинг жўнатилганлиги, қабул қилинганлитини тасдиқловчи ҳужжатлар.

3. Шартномадан кўчирма.

4. Даъво суммасига тасдиқловчи ҳисоб-китоблар.

5. Даъво илова қилинган ҳужжатлар рўйхати.

Даъво қилувчининг вакъдаги реквизитлари.

Юқоридаги талаблардан бироргаси бажарилмаса, даъво ҳақиқий, деб ҳисобланмайди. Даъво ҳужжатлари аудитор томонидан келиб тушгандан бошлаб бир ой ичида жавоб берishi керак. Агар даъвога бир эй ичида жавоб берилмаса, у ҳолда ҳўжалик судига мурожаат қилинади.

Агар қилинган даъволарга айбдор томонидан салбий жавоб олинган бўлса, ёки даъвони тан олиш рад қилинган бўлса унинг сабаблари аудитор томонидан текширилади.

Тан олинган даъво суммаларини ундириб олиш шартлари ўрганилади. Аудит текширишда «Даъволар бўйича ҳисоб-китоблар» рақамини кредит томонидан қолдиқ аниқланса, даъволар билан боғлиқ ҳисоб-китоблар ҳар бир даъвонинг қонунийлитини аниқлаш талаб қилинади, чунки бу кредит томонидан қолдиқ қолиши мумкин эмас.

Аудит назоратини тўғри ташкил қилишда, унинг таъсирчанлигини оширишда мол сақлаб берувчиларга даъво суммаларининг асосли эканлигини аниқлаб олиш зарур. Бунинг учун биринчи навбатда даъво манбалари ва тузилган шартномаларнинг бажарилиши ўзаро ҳисоб китобларни белгиланган муддатларда олиб борилиши, мол етказиб берувчилардан келган товарларни ўз вақтида қабул қилишини ва унинг натижалари билан танишиб чиқиши лозим. Чунки, даъво суммаларини келиб чиқишига юқоридаги ҳолатларга риоя қилмаслик оқибати сабаб бўлиши мумкин. Асосли қилинган даъво суммаларини ундириш аудит назоратидан ўтказилади. қилинган даъвонинг асосли эканлиги айбдор, яъни мол етказиб берувчи томонидан даъвони тан олинганлиги тўғрисида ёзма равишдаги розилик хатининг мувофиқлик аудитор томонидан аниқланади ва даъволар бўйича ҳисоб-китоблар асосида берилган бухгалтерия ёзувларининг тўғрилиги аудитор томонидан текширилади.

Айрим ҳолларда мол етказиб берувчиларга кейин учрайди. Агар текширилаётган корхонада шундай ҳол тақрорланса, даюлатномалар мавжудлигини текшириш талаб қилинади.

Аудит назоратида «Даъволар бўйича ҳисоб-китоблар рақамнинг, дебетидаги бошланғич ҳисобот давридаги айланмаси ва охириги камчиликларнинг тўлдириб ҳисобланганлигини аниқлашда аналитик карточка (варажлар)лардаги ёзувларнинг кўрсаткичларига мос келишини назоратдан ўтказиш улардаги маълумотларнинг бир-бирига мослигини аниқлаш аудитордан талаб қилинади.

Мол етказиб берувчиларга қилинадиган даъволар фақат таъсир ва моддий бойликларни чиқиш ҳолларини аниқланганда эмас, балки шартнома щартларини бажармаслик ҳоллари аниқланганда, айбор томондан тегишли жарима суммаларини ундириб олиш мақсадида ҳам амалга ошириши мумкин.

Агар мол етказиб берувчига қилинадиган даъво суммаси шартномада кўрсатилган товарларни етказиб бермаслик (шарти) билан бөглиқ бўлса аудитор щартнома щартларини амалдаги қонунлар асосида тузилганлигини аниқлаб, етказиб берилмаган товар ассортиментини белгилаб олиши керак.

Товар ҳамда маҳсулотларни ўз вақтида тўғри ва сифатли ҳолда қабул қилиш биринчи навбатда мол етказиб берувчи ташкилотга бөглиқ бўлса, иккинчидан, транспорт ташкилотига, учинидан эса маҳсулотни олувчи ташкилотта бөглиқдир.

Мол етказиб берувчи ташкилот щартномасига асосан маҳсулотнинг транспорт воситаси (темир йўл, автотранспорт) орқали жўнатар экан, биринчи навбатда жўнатилган маҳсулотга товар, транспорт накладной, рақам-фактура ёзиб бериши шарт. Товар-транспорт накладнойда маҳсулотни жўнатувчи ташкилотнинг номи, кимга жўнатилиши, маҳсулот номи, миқдори, нархи ва суммаси кўрсатилади, яъни ҳужжатга қўйиладиган реквизитлар тўлиқ бажарилиши керак.

Юкни қабул қилиб олган транспорт ташкилоти товар-транспорт ҳужжатларига қачон қабул қилиб олинганлигини белгилайди. Юк белгиланган темир йўл станциясига етиб келганда юкнинг келганлиги, қачон келганлиги тўғрисида тегишли белгилар қўйилади.

Темир йўл станцияси юк олувчи ташкилотига юкни чиқараар экан, ҳужжатларда юкнинг чиқарилганлиги кўрсатган ҳолда тегишли белгилар ифодалайди.

Юкни қабул қилиб олувчи ташкилот товарнинг хусусияти, кимёвий тузилишидан келиб чиқсан ҳолда белгиланган муддатларда қабул қилиб олишни таъминлаши керак. Юкни қабул қилиб олишда, биринчи навбатда транспорт воситасини текшириб, унга зарәр етказилмаганлигини аниқлаб чиқиши керак. Бу жараён бажарилгандан кейин юкни қабул қилишга киритилади.

Юкни қабул қилиш учун асос бўлиб, юк жўнатувчи ташкилот томонидан ёзилган товар-транспорт, рақам-фактура ҳисобланади. Юк моддий жавобгар шахснинг товар ҳисботида кўрсатилади.

Аудитор томонидан мол етказиб беруечилардан келган товар ва маҳсулотларни ўз вақтида қабул қилиниши текширилаёттандан моддий жавобгар шахснинг товар ҳисботига бириктирилган товар-транспорт накладнойдаги белгиланган кун билан товар ҳисботи тузилган кун бир-бири билан таққосланади.

Агар иккала ҳужжатдаги, яъни товар ҳисботи ва товар-транспорт накладной ўртасидаги фарқ белгиланган муддатлардан ортиқ бўлса, товар маҳсулотларни ўз вақтида қабул қилинмаган, деб ҳисблайди.

Тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга жўнатиш тартиби, муддатлари жўнатилаётган тайёр маҳсулотнинг миқдори, жўнатиш муддатлари ҳар иккала томон ўртасида имзоланган шартномада ўз ифодасини топади. Шартнома шартларининг бажарилиши томонлар учун мажбурдир.

Шартномалар мулкчилик ҳуқуқи субъектлари томонидан уларнинг манфаатлари йўлида тузилади. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бузилганлиги учун шартнома тузган томонларнинг ўзлари жавоб беради, фақат жавоб бериб қолмасдан кўрилган зарарнинг келиб чиқиш ҳолатларини аниqlашлари керак. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартнома-хуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуннинг 26-моддасида: «Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишларни хизматларни) етказиб бергандик учун жавобгарлик» белгиланган.

Агар етказиб берилган товарлар, бажарилган иш ва хизматлар сифат, ассортимент ва нави бўйича амалдати андозаларга, техник шартлар намуналарига мос келмаса, сўтиб олувчи товарларини қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашдан тўлиқ ёки қисман воз кечини мумкин ва бундай товар-

ларни жұннатған мол етказиб берувчидан сифатсиз товарлар суммасынан 20% миқдорда жарима ундирилиб олиши қонунда күрсатылғандыр.

Аудит назоратида товарларни истеъмолчиларга жұнатыш нағызлары түзилген шартномалар бүйіча текширилады және сүммаларининг қайси манбалардан тұланғанын анықланады.

Айрим ҳолларда мол етказиб берувчилар томонидан истеъмолчиларга бұл бүлмаган, маркаланмаган идишсиз, үралмаган ҳолда етказиб беріш ҳоллари амалиётда учраб турады. Бундай ҳоллардан товар олувчи ташкилот мол етказиб берувчилардан қонунда белгиланған миқдорда жарима сүммаларини ундириб олиши мақсадға мувофиқдір. Аудит назорати ёрдамда бундай ҳолатларда тұлық текширилиб күрілған зарар сүммасы бүйіча айбдорлар анықланады.

Товар маңсулотларини истеъмолчиларга жұнатыш билан бөглиқ операциялар аудитда товарлар қийматини үз вақтида тұлаш шартлари текширилады. Айрим ҳолларда мол етказиб берувчилар тақсимотидан жұнатылған товарлар олувчи томонидан асоссиз равишда рад қилиниш ҳолларини алохыда үрганиб чиқышлари керак.

Х БОБ

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИНИ ЁЗИШ ВА МИЖОЗГА ТОПШИРИШ ТАРТИБИ

10.1. Аудиторлик хулосаси тўғрисида тушунча, унга кўйиладиган талаблар

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич ҳаётга жорий қилиниши иқтисодиётни эркинлаштирилишига, фаровон ҳаёт тарзини шакллантиришга, ҳалқнинг турмуш тарзини янада яхшилашга қаратилган тадбирлардан биридир.

Республикамизда шаклланган ва фаолият кўрсатаётган мулкчилик шакллари бозорни истиқбол товарлари билан тўлдиришда, сифатли, харидор талабига мос маҳсулот ишлаб чиқаришда, рақобат муҳитини яратища фаол иштирок этмоқда. Президентимиз И.А.Каримов кўрсатиб берганидек, «Мустақиллик йилларида республикамиз Ҳалқаро амалиётида қабул қилинган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ва меъёrlарига асосланган кенг ҳуқуқий макон вужудга келтирилади». Иқтисодиётни ривожлантириш бевосита мулк шакли билан боғлиқдир. Мулкни тўвиқлигини таъминлаш ундан са-марали фойдаланиш тартиби, уни давлат томонидан ҳимоя қилиниши Конституциямизда кўрсатилгандир.

Мулкни, шу жумладан, товар ва моддий бойликларнинг тўкинлигини таъминлашда, амалга оширилган ҳўжалик операцияларининг ҳўжалик фаолияти билан боғланишини таъминлашда, маблағларидан тўғри фойдаланишда ички имкониятларни аниқлашда аудит назорати аҳамиятини алоҳида қайд қилиш керак. Назоратнинг бу шакли республика иқтисодиётида янги назорат тури бўлимига қарамай бошқарув ўз ўрнини топмоқда.

Республика Молия вазирлиги, тармоқ вазирликлари назорат таҳрирдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши (2000 йил 26 май) назоратни эркинлашти-

ришга қўйилган қадам, деб ҳисоблаш керак. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ва ҳаётга татбиқ этилиши назоратни Халқаро талаблари доирасида фаолият кўрсата олинишини белгилаб берди.

Аудит ишларининг самараси биринчи навбатда унинг мустақил фаолият кўрсатиши билан белгиланди. Қонуннинг 2-моддасида: «Аудиторлик текширувларини ўтказиш ва бошқа шу билан бөглиқ профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ташкилести», деб белгилади.

Аудит назоратида асосий эътибор аудитор томонидан амалга оширилган хўжалик операцияларини амалдаги қонунларга мос ҳолда бажарилишини, унинг тўлиқлигини таъминлашга қаратилган Низом ва йўриқномаларга асосан бажарилиши назорат қилинади.

Ўтказилган назорат ишларини якуний қисми бўлиб аудитор томонидан тайёрланадиган хulosса ҳисобланади. Аудиторлик хulosасини тайёрлаш учун маълумотлар ўтказилган текширув давомида йиғилиб боради.

Аудиторлик хulosасининг мазмuni, шакли аудиторлик фаолиятининг миллий андозаларида белгиланади.

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасида «Аудиторлик хulosаси-молиявий ҳисботнинг тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисоби»ни юритиш тартиботининг қонун хужожатларида белгилантган талабларга мувофиқлиги тўғрисидаги аудиторлик ташкилотининг фикри ёзма шаклида ифодаланади, хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисботидан фойдаланувчи учун очиқ бўлган хужжат», деб белгиландир. Аудиторлик хulosаси аудитор, аудиторлик ташкилотининг раҳбари имзолаган ва муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

10.2. Аудиторлик хulosасини ёзиш учун маълумотларни тайёрлаш тартиби

Аудиторлик хulosаси бу текшируvnинг якунларини умумлаштирувчи, аниқловчи, унинг тўғрилигини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Аудитор тегишли корхона фаолиятини аудит назоратидан ўтказар экан, текшириш давомида аниқланган камчиликларни махсус журнал ёки дафтарларда, оралиқ далолатномаларида белгилаб бу ишларни олиб борилишини, биринчидан, аудиторлик хulosасини ёзилишини осонлаштиради ва маълум кетма-кетликка риоя қилинишини таъминлади. Аудит натижасида аниқланган камчиликларни белгилаб аудиторларга қўйилагича хато ва Камчиликларни рўйхатга олиш варарини тавсия қилиниши лозим, деб ҳисобланади:

Бухгалтерия жумли					Хужжатлер		Операция мазмуни	Камчилик нимадан иборат	Сумма	Мансаби, исми, фамилияси	
Куни	Номи	Номи	Куни	Номе- ри						Сперацияли- рия амалга ошириди	Рухсат бергани шахс

Аудиторлик хulosасини ёзишда аудитордан кенг маънодаги иқтисодий билимдонлик, амалдаги қонунчиликка риоя қилиш даражаси ўз ифодасини топади. Аудиторлик хulosasi негизида аудиторлик ҳисботи асосланган бўлиши керак. Аудиторлик ҳисботида текширувнинг билим, бухгалтерия ҳисобининг юритиш белгиланган тартибга мос келиши, четга чиқишиларга йўл қўймаганлигини, хўжаликда амалга оширилган хўжалик операциялари ташкилот хўжалик фаолияти билан боғлиқлиги ўз ифодасини толади.

Агар текшириш тўғрисидаги ҳисбот натижаларига асосан айрим камчилик ва нуқсонлар аниқланса, уни бартараф қилиш учун берилган тавсиялар, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тартиблар кўрсатилади.

Аудиторлик хulosасини ёзишда текшириш давомида аниқланган камчиликларни содир этган жавобгар шахслар ёки раҳбар ходимларга камчиликнинг иқтисодий мазмuni аудитор томонидан тушунтирилади.

Аудиторлик хulosасини ёзишда маълумотлардан тўғри ва кетма-кет фойдаланишни таъминлаш аудит ўтказиш тўғрисида тузилган режанинг бажарилишини ва тўғри тузилишига ҳам боғлиқдир. Режада кўрсатилган тадбирларнинг бажарилиши аудиторлик хulosасини ёзиш учун маълумотларни тартибга солиш имконини беради.

10.3. Аудитор хulosаси

Аудитор томонидан ўтказилган текшириш натижаларини якунлаш мақсадида мустақил, ўз хulosасини ишлаб чиқкан ҳолда хўжалик юритувчи субъектга (мижозга) ёзма равишда тақдим этади.

Амалдаги аудиторлик хulosаси қуйидаги қисмларни ўз ичига олган:

1. Кириш. Бу қисмда аудитор, фирманинг номи, унинг реквизитлари, лицензия номери, қачон берилганилиги, аудит ўтказиш түғрисида тузилган шартнома муддатлари, текшириш тартиби ўз ифодасини топади.

2. Текшириш натижалари. Бу қисмда шартномада келишилган шартларнинг бажарилиши, аналитик таҳдил натижалари, текширишда аниқланган камчилик ва нуқсонлар, уларнинг келиб чиқиши сабаблари, бартараф қилиш имкониятлари кўрсатилиши билан бирга, амалга оширилган хўжалик операцияларини, амалдаги қонун ва низомларга асосан бажарилиши аудитор томонидан кўрсатилади.

3. Хulosса қисми. Бу қисмда ўтказилган аудит натижалари тўлиқ ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқдир. Аудитор хulosаси қониқарли, шартли қониқарли ёки хulosасини беришдан бош тортиш ҳолатида бўлиши мумкин.

Қониқарли хulosса, биринчидан текшириш натижалари амалдаги қонун ва низомларга мос келган ҳолда ўтказилган хужжатлари, ҳисботлари, уларда кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги аниқланган бўлиши шарт. Корхонанинг молиявий ҳисботлари билан ҳисоб кўрсаткичлари бир-бирига мос келиши аниқланганда, давлат томонидан белгиланган тўловлар бўйича фарқлар аниқланмаганда қониқарли хulosса берилади.

Умуман аудитор хulosасини ёзиш аудитордан қуйидаги ҳолатларнинг, бажарилиши, алоҳида вазиятларга тўғри баҳо берилиши талаб қиласди:

- А) Аудиторлик текшируви давомида бажарилиган ва амалга оширилган операцияларни ишончли эканлигини таъминлаш;
- Б) Режада белгиланган фаолияти тўғри бажарилиши;
- В) Молиявий ҳолатнинг тўғри аниқланганлиги;
- Г) Ҳисоб-китоб ишларининг амалдаги қонунларга мос келиши.

Фикримизни янада амалиётта боғлаган ҳолда бўлишини таъминлаш мақсадида Қўйидаги аудиторлик хуносасини илова Қиласиз (___-иловага қарант).

Мундарижа

КИРИШ 3

I БОБ

АУДИТ МОҲИЯТИ ВА ТАШКИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ ... 5

1. 1. Аудит тўғрисида тушунча, бозор иқтисодиёти шароити- да туттган ўрни	5
1.2. Аудитнинг назорат тизимидағи ўрни ва ривожланиш тарики	11
1.3. Аудитнинг мақсади, мазмуни, вазифалари	15
1.4. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик назоратининг хуқуқий асослари	17
1.5 Аудит турлари. Ички ва ташқи аудит тўғрисида тушун- ча ва ташкил қилиш асослари	20
1.6 Аудиторнинг хуқуки ва бурчи	26
1.7. Инвентаризация – назорат тури ва ҳисоб усулидир ..	29

II БОБ

АУДИТ МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА АНДОЗАЛАРИ 38

2.1. Аудит методологияси ва андозаларининг мақсади, вазифалари	38
2.2. Аудит андозаларига кўйиладиган талаблар	40
2.3. Аудит ишларини режалаштириш	44
2.4. Аудиторлик назоратини ўтказиц тўғрисида шартнома тузиш тартиби	49

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ТЎҒРИСИДА

ШАРТНОМА	50
2. 5. Аудиторнинг мижоз олдидағи мажбурияти	55

III БОБ

ПУЛ МАБЛАГЛАРИ, ҲИСОБ-КИТОБ ОПЕРАЦИЯЛАРИ

АУДИТИ	58
3. 1. Пул маблаглари, ҳисоб-китоб операциялари аудитининг вазифалари	58
3.2. Кассада амалга оширилган хўжалик операциялари аудити	63

3.3. Ҳисоб-китоб рақами операциялари аудити	73
3.4. Шартнома шартларинин бажарилини ва мол етказиб берувчилар билан олиб борилғасын ҳисоб-китоблар аудити	81
3.5., Дебетор ва кредитор қаршары ҳолатининг аудиторлик назорати	85

IV БОБ

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР И ТОМОДДИЙ АКТИВЛАР

АУДИТИ	92
4.1. Асосий активлар ва томоддии активларнинг туркумлари ҳамда аудити вазифалари	92
4.2. Асосий воситаларни түгри қабул қилингандигининг аудиторлик назорати	96
4.3. Асосий воситаларга жекириши ҳисоблашнинг аудиторлик назорати	103
4.4. Асосий воситаларни таъмирлаш билан боғлиқ операциялар аудити	107
4.5. Кам бағоли, төт ишдан чиқуви буюмлар ҳаракати билан боғлиқ операция аудити	109

V БОБ

ТОВАР ВА МОДДИЙ БОЙЛИКЛАРНИНГ

ТҮЛИҚЛИГИНИ ТАЪМИЛАНДА АУДИТОР

НАЗОРАТИ

5.1. Товар ва моддий бойликларниң түлиқлигини таъминлашда аудиторлик назоратининг вазифалари	111
5.2. Товар ва маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ операциялар аудити	116
5.3. Товар ва маҳсулотларни сотишдан олинадиган ялпи даромад аудити	119
5.4. Идишлар ҳаражати билан боғлиқ операциялар аудити	123

VI БОБ

МАҲСУЛОТ (ИНШИЗМАТИ) ТАННАРХИ БИЛАН

БОҒЛИҚ ҲАРАЖАТЛАР АУДИТИ

6.1. Маҳсулот (иншизмати) таннархига кирувчи ҳаражатлар аудитининг вазифалари	125
6.2. Маҳсулот (инш, хизмат) таннархига кирувчи ҳаражатлар аудити	128
6.3. Давр ҳаражатлари таҳлили ва аудитининг ўзига хос хусусиятлари	131

6.4. Рентабеллик даражаси таҳлили ва аудити	134
---	-----

VII БОБ

МЕҲНАТ, ИШ ҲАҚИ ВА ХИЗМАТЧИЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ОПЕРАЦИЯЛАР	137
7.1. Меҳнат ва иш ҳақи билан боғлиқ операциялар аудитининг вазифалари	137
7.2. Иш ҳақини ҳисоблаш тартиби ва шакллари	139
7.3. Ишчилар ва хизматчилар билан қилинган ҳисоб-китоблар аудити	143
7.4. Иш ҳақи билан боғлиқ турли операциялар аудити	146

VIII БОБ

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР АУДИТИ	152
8.1. Молиявий натижалар аудитининг аҳамияти ва вазифалари	152
8.2. Фойда ва заарлар аудити	155
8.3. Молиявий натижаларнинг ҳисоб кўрсаткичлари бўйича аудити	157
8.4. Молиявий ҳисобот тузиш ва аудитдан ўтказиш	161
8.5. қўшма корхоналарда молиявий натижалар аудитининг хусусиятлари	164

IX БОБ

ТОВАР ВА МОДДИЙ ҚИЙМАТЛАРНИНГ ТҮЛИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ТАДБИРЛАРИ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ҲОЛАТИ АУДИТИ	167
9.1. Товар ва моддий қийматларнинг тўлиқлигини таъминлашчора-тадбирлари аудитининг аҳамияти, вазифалари	167
9.2. Товар моддий қийматларнинг тўлиқлиги бўйича шахсларнинг ҳисоботлари аудити	169
9.3. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи аудити	172
9.4. Бухгалтерия ҳисботининг шакллари бўйича таҳлили ва аудиторлик назорати	180
9.5. Даъволар бўйича ҳисоб-китоблар аудити	182

X БОБ

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИНИ ЁЗИШ ВА МИЖОЗГА ТОПШИРИШ ТАРТИБИ	187
10.1. Аудиторлик хулосаси тўғрисида тушукча, унга қўйила-	

диган талаблар	187
10.2. Аудиторлик хүлесини ёни утун маълумотларни тайёрлаш тартиби	188
10.3. Аудитор хүлеси	190

А.АБДУЛЛАЕВ, О.АБДУВАҲОБОВ, И.ҚАЮМОВ

Аудит асослари

Тошкент - 2003

Нашр учун масъул
Таҳририят мудири
Муҳарир
Рассом
Мусахҳиҳ
Компьютерда саҳифаловчи

Н.А.Халилов
М.М.Миркомилов
М.М.Тожибоева
Ҳ.О.Қутлуков
Н.А.Мадёрова
Л.А.Зокиров

Босишга рухсат этилди 1.07.2003 й. Бичими 84x108_{1,22}.
Офсет қоғози. Шартли босма табори 28,5. Нашр табори 28,0.
Алади 1000. Буюртма 134.

«ЎАЖБНТ» Маркази, 700078, Тошкент, Мустақиллик
майдони 5.

Андоза нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
маҳсус таълим вазирлигининг «ЎАЖБНТ» Маркази компь-
ютер бўлимида тайёрланди.